

# **УМАРАЛИ НОРМАТОВ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА**

**Тошкент  
«MUMTOZ SO‘Z»  
2024**

**УЎК: 821.512.133  
КБК 83.3(5Ў)8**

*ХХ аср иккинчи ярми, XXI аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилгида филология фанлари доктори профессор Умарали Норматов ўзига хос ўринга эга. Мунаққид ҳеч кимникуга ўхшамаган бетакрор услуби, теран таҳлил усули ва кутимаган талқинлари билан ажралиб туради. Унинг тадқиқотларисиз замонавий ўзбек адабиётининг узоқ ва яқин тарихи, ўндаги жараёнлар, тамойиллар, ҳодисалар, таназзул ҳамда бўхронлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мушкул. Шунингдек, Умарали Норматовнинг муаллим, адабиёшунос олим ҳамда танқидчи сифатида миллат илм-фани равнақи, бир неча ўнлаб авлод адабиётчилари таълими ва тарбияси, адабий истеъоддодлар ҳамда бадиий обидаларни кашф қилиш борасидаги хизматлари бекиёсdir. Ушбу тўпламдан илм ахли, ижодкорлар, шогирдлар ҳамда яқинларининг мунаққид шахсияти ва ижодига оид кузатиш, таассурот, таҳлил-у талқинлари, баҳо-ю эътирофлари ўрин олган.*

**Тузувчилар:**

**Венера Исоқова**

**Филология фанлари номзоди, доцент Ш. Норматова,**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)**

**Д. Баҳридинова**

**Масъул муҳаррир:**

**Ҳамидулла Болтабоев, филология фанлари доктори,  
профессор**

**Тақризчилар:**

**Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби,**

**ИброҳимFaфуров;**

**Филология фанлари доктори, профессор**

**Хуршид Дўстмуҳаммад**

**ISBN 978-9943-6685-9-2**

**© «MUMTOZ SO'Z», 2024**

**Умарали Норматов  
фаолияти арбоблар,  
қаҳрамон адабиётшунослар  
нигоҳида**

Озод ШАРАФИДДИНОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ ҲАҚИДА БИЛГАНЛАРИМДАН БИР ШИНГИЛ...

Умарали ҳақида гапириш маълум маънода бугунги ўзбек танқидчилиги ҳақида гапирмоқ демакдир. Бугунги ўзбек танқидчилиги ҳақида гапирганда эса беихтиёр қалбимиз ғуур ва ифтихор туйғуларига тўлади. Бунинг боиси бор, албатта. Сўнгти йингирма-ўттиз йил ичидаги ўзбек танқидчилиги илмийлиги ва объективлиги, ёзувчига талабчан ва самимий муносабати билан, адабий жараёнга салмоқдор таъсири билан, китобхонлар оммасининг юксак дидини шакллантиришдаги хизматлари билан поэзия, проза, драматургия каби адабиётимизнинг тўла ҳуқуқли мустақил бир соҳаси бўлиб қолди. Бугун ёзувчи ҳам, китобхон ҳам танқидий сўзга муентазир. Танқидчилик савиясининг ортиши билан унинг мавқеи мустаҳкамланиб, обрўси ортиб бормоқда. Эҳтимолки, бу – ўзбек танқидчилари эришган энг салмоқли ютуқдир. Адабий танқидни бугунги мартабага кўтаришда Иzzат Султонов, Ҳомил Ёкубов, Матёқуб Кўшжонов, Лазиз Қаюмов каби кўпни кўрган тажрибали аллома танқидчilar билан бирга С.Мамажонов, И.Фафуров, П.Шермуҳамедов, Н.Худойберганов каби – нисбатан ёшларнинг ҳам хизмати ғоят катта. Умарали Норматов шулардан бири. Мана, салкам чорак асрдирки, у ўзининг салмоқли китоблари, теран мақолалари билан адабиётнинг ривожига муносаби ҳисса кўшиб келмоқда. Ижодкорнинг қадри ва мартабаси, обрўси ва мавқеи унинг маънавий ҳаётимизга кўшган ҳиссаси билан белгиланса, Умаралини ҳеч иккиланмай бугунги ўзбек танқидчилигининг етук вакили деб аташ мумкин.

Умарали 50 ёшга кирди. Унинг ярим асрлик ҳаётининг тенг ярми 25 йили менинг кўз ўнгимда кечди. Шуниг учун ҳам унинг ҳаётидаги айрим нуқталарга назар солишга, менинг назаримда муҳим бўлган баъзи ҳодисаларни эслашга жазм қилдим. Ўйлайманки, улар Умаралининг ижодкор ва инсон сифатидаги қиёфасини тўлиқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Мен биринчи марта Умаралини 1955 йил сентябр ойининг бошида кўргандим. Умарали у пайтларда Тошкент Давлат университетида филология факултетининг IV курс талабаси эди. Мен эса эндигина Москвада ўқишини битириб, кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиб қайтан эдим. Олий ўқув юртидаги биринчи иш куним Умаралилар группасидаги лекциядан бошланган. Шуниси ажабланарли эдики, бу группадаги студентларнинг кўпчилиги ёши деярли мен билан баробар йигитқизлар эди. Шунданми, мени уларнинг салобати босиб лекцияни қандай ўқиганимни ҳам билмайман. Одатдагидек, лекция охирида талабаларга “Савол борми?” деб мурожаат қилдим. Озғингина, хушбичим йигит қўл кўтарди. Бу – Умарали эди. Менга маъкули шу бўлдики, Умарали баъзи шум болалардек ўқитувчини мот қилиб хузурланиш учун ёки “Биз ҳам чакана эмасмиз. Кўриб қўйинг” деб мақтаниш учун савол бермади. Лекцияда айтилган гаплар унинг фикрини уйғотгани, у баъзи масалаларнинг тагига етмоқчи экани сезилиб турарди. Кейинчалик матьлум бўлишича, бу хусусият Умаралининг қонида бор экан – ўта синчков, ҳамма нарсанинг тагигача етмай қўймайдиган, эшитган гаплари, илмий холосаларини ҳар томондан обдан ўйлаб кўриб сўнг эътиқодига айлантирадиган одамлардан экан. Тез орада Умарали билан ҳам, гуруҳдаги бошқа талабалар билан ҳам иноқлашиб кетдик. Мен Умаралининг диплом ишига раҳбарлик қилдим. Диплом иши жараёнида Умаралининг яна бир фазилати билан танишдим – у ўта меҳнаткаш, ўз ил-

мий ишига доир фактларни биринчи манбадан қидириб топиб, ўз кўзи билан кўрмагунча қўймайдиган, ишига доир жамики илмий адабиётларни синчилаб ўрганиб чиққанидан кейингина, уларга муносабатини аниқлаб олгандан кейингина ишга енг шимариб киришадиган одам экан. Буни ўқиб ҳайрон бўлишингиз мумкин – ахир ҳар қандай одамнинг биринчи сифати шу эмасми, деб. Илмнинг қора меҳнатидан қочган одам олим бўладими? Ҳа, шундай. Лекин шундай бўлишига қарамай, таъкидлар эканман, бунинг боиси бор. Яқинда шогирдларимдан бири менга мурожаат қилиб катта илмий иш қилмоқчи эканлиги, бунинг учун у кишининг ишига тааллукли китобларимни бериб турсам, иши яхши кўчишини айтди. Бу гапни эшитиб ичимда қаттиқ ранжидим – йўқ китобларим учун эмас, албатта. Ахир катта иш қилмоқчи бўлган олим бу ишнинг риёзатини ҳам чекиши керак-да! Афсуски, кейинги пайтларда диплом ёзувчи студентлар ўртасида ҳам, диссертация ёқловчилар орасида ҳам, ҳатто айрим танқидчи ва адабиётшунослар ичida ҳам ана шундай қора ишдан қочадиганлари, қўлини совуқ сувга урмай иш битирадиганлари кўпайиб қолган. Ҳолбуки, “тоққа чиқмасанг дўлона, жон чекмасанг жонона қайда” деган гап олим ва танқидчининг меҳнатига авваллари нечоғлик тааллукли бўлган бўлса, ҳозир ҳам шунчалик тааллукли ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Илмий-техник революция, эҳтимол, қалам аҳлининг ҳам машаққатли меҳнатини енгиллаштириш йўлларини топиб берар, лекин бари бир, шунда ҳам ҳар қайси олим ўз соҳасининг қора меҳнатини ўзи бажаради.

Умаралига қайтайлик: унинг билмдонлиги, меҳнаткашлиги, синчковлиги биринчи ишидаёқ яхши самара берди: давлат имтиҳон комиссияси аъзолари яқдиллик билан унинг диплом ишини юксак баҳолашди ва нашрга тавсия этишди.

Орадан кўп ўтмай, 1959 йилда “Ўзбек адабиёти масалалари” тўпламида бу иш “Ғафур Гулом поэзиясининг эстетик принциплари” деган ном билан босилиб чиқди. Гарчи 1959 йилдан аввал ҳам Умаралининг бир қатор тақриз ва мақолалари матуботда эълон қилинганд бўлса-да, унинг илмий-танқидий фаолиятининг бошланишини шу мақола билан белгилаган маъкул. Чунки бу иш ҳажми билангина эмас, фикрий теранлиги, умумлашмаларга бойлиги, илмийлиги билан ҳам жамоатчилик эътиборини ўзига қаратган мақола эди.

Бу мақола чиққан кезларда Умарали университетни туғатиб, ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабда муаллимлик қиласарди. Унинг таклифи билан мен Рапқонга меҳмонга бордим. Умаралининг ота-онаси, акаси, бошқа қариндош-урӯслари, дўсту ёронлари билан яқиндан танишдим. Рапқонга келгунга қадар мен бу қишлоқ ҳақида республикамизда ҳамма билган нарсани билардим, яъни:

*Рапқон ажойиб жой экан,  
Бир қўча кетган сой экан,  
Салқин супа ҳой-ҳой экан,  
Ким кўрса ҳанг манг экан.*

Кўрганларим билганимдан юз чандон ортиқ чиқди. Тоғ этагида жойашган бу қишлоқ ҳақиқатан ҳам, Муқимий таърифлаганидек, ғоят хушманзара, соя-салқин жойлари кўп эди. Унинг бир ёнидан айқириб Катта Фарғона канали ўтади. Канал бўйларида, айниқса, баҳор пайтларида жуда чиройли тус оладиган катта мевазор боғ. Қишлоқдан сал нарироқда шундоққина адирлар этагида сўлим дарахтзор. У ерда ёз пайтлари болалар дам олишар экан. Қишлоқ марказида ажойиб чойхона, дўконлар, ҳаммом, пахта пункти. Кўп қаватли мактаб. Қишлоқ катта, обод, аҳолиси кўп. Шу қадар кўпки, бир колхозга

Сінгемаганидан бу ерда иккита колхоз ташкил қилинган. Албатта, Мұқимий ҳаёт бўлиб, бугунги Рапқонга бориб қолғанида, унга бағишилаган байтларини анча кенгайтирган бўларди. Эҳтимолки, у бугун Рапқоннинг хушманзара жойларидан ҳам ортиқроқ одамларига қойил бўларди ва тажрибали донгдор пахтакорлар ҳақида ёхуд олис бир қишлоқда яшаб туриб, бутун дунё миқёсида ўйлай оладиган билимдон, зукко ва айни чоғда сермулозамат зиёлилар ҳақида ёзган бўларди.

"Күш инида күрганини қиласи" деган гап бор. Менимча, бу гап одамга ҳам тааллуқли. Болалик кечган оиласи мухит, олам ҳақидаги илк тасаввурларини шакллантирадиган дастлабки мухит истасанғиз-истамасингиз сизга таъсир кўрсатади, ҳарактерингиздаги маълум хислатларни вужудга келтиради. Мен Рапқонда меҳмон бўлиб юриб, бу қишлоқнинг сўлим табиати Умарали қалбida гўзаллик туйғусини уйғотган, бу эса адабиётга илк муҳаббатини туғдирган бўлса керак деб тахмин қилдим. Назаримда, ундаги меҳнаткашлик бутун умр деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган, айни пайтда мадраса таълим мини олган зиёли, раҳбарлик лавозимларида ишлаган отасидан мерос қолган. Умарали аввал қишлоғида, кейин Конибодомда педагогика техникумидаги ўқиди. Унинг баҳтига техникумда бирга ўқиган болаларнинг ҳам кўпчилиги билимга ташна, қобилиятли, синчков болалар эди. Бундай чоқларда улар ўртасида дўстлик вужудга келади, бу дўслик эса яхши маънода рақобатни туғдиради. Умаралининг ана шундай қадрдан дўстларидан бири – Худойберди Тўхтабоев эди. Ҳозир у асарлари ўнлаб тилларга таржима қилинаётган атоқли адиб.

1959 йили кафедрамизга аспирантурадан ўрин берилди. Бу ўринга Умарали Норматовни таклиф қилдик. Сира кутилмаганда унга илмий раҳбарлик қилиш менга топширилди. Мен бу ишда сира тажрибам йўқлигини айтиб, эътиroz билдирган

Эдим, кафедра мудири Гулом Каримов "Ҳечқиси йўқ. Сузишни ўрганиш учун сувга кириш керак. Ишлайверинг" деб гапни қисқа қилди. Билмадим, менинг раҳбарлигимдан Умаралига қанчалик наф тегдийкан, лекин мен учун бу иш яхши мактаб бўлди. Уч йил ўтгач Умарали "Хозирги ўзбек ҳикоячилиги ривожининг асосий тенеденциялари" деган мавзудаги канидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва Тошкент Давлат университетининг филология факультетидаги ишлай бошлади. Аввал у ўқитувчи бўлди, кейин доцент бўлиб ишлади. Бундан бир неча йил муқаддам ўзбек адабиёти кафедраси иккига ажралиб, ўзбек совет адабиёти кафедраси ташкил қилинганда, ҳаммамиз яқдиллик билан Умаралини кафедра мудири қилиб сайладик. Бу орада у докторлик диссертациясини ёқлаб, профессор бўлди. Кези келганда Умаралининг педагогик фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўттай. Мана, йигима йилдирки, у талабаларга замонавий ўзбек адабиёти тарихидан лекциялар ўқийди. Шу йиллар давомида у талабалар ўртасида бақувват обрў орттириди, уларнинг муҳаббатини қозонди. Бунинг асосий сабаби шундаки, унинг лекциялари ҳамиша ижодий характерга эга. У ҳеч қачон маълум нарсаларни тақрорлаш билан чекланмайди, аксинча, ҳар бир маърузада тингловчиларга бирор янги гап айтишга, уларнинг фикрини уйғотишга, шу орқали уларни бадиий адабиёт гўзалликларини кашф этишни ўргатишга интилади. Умаралининг билимдонлиги, адабиётни бутун қалбидан эҳтирос билан севиши маърузаларининг мазмунан теран, эмоционал таъсирчан чиқишини таъминлайди.

Шу йиллар ичida Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида жуда фаол иш олиб борди. Унинг "Жанр имкониятлари", "Маҳорат сирлари" (Матёкуб Кўшжонов билан ҳамкорликда), "Насримиз уфқлари", "Гўзаллик билан учрашув",

"Насримиз анъаналари", "Сайд Аҳмад", "Шуҳрат" каби китоблари босилди. Улардан ташқари, "Ўзбек адабиёти масалалари" (1962), "Адабиётимизнинг ярим асри" (1967, 1975), "Ўзбек жангномаси" (1977), "Инқилоб ва адабиёт" (1977) каби тўпламларда мақолалар эълон қилиш билан чекланмай, бу китобларининг айримларини барпо этишда тўпловчи сифатида ҳам иштирок этди. Нихоят, Умаралининг йигирма йил ичидаги вактли матбуотда эълон қилинган мақолаларини санайдиган бўлсак, икки юздан ортиқ номни ўз ичига оладиган каттакон рўйхат пайдо бўлади. Булар ичидаги тақризлар ҳам, обзор мақолалар ҳам, адабий портретлар ҳам, баҳслар ҳам, проблематик мақолалар ҳам бор. Кўринадики, Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида йигирма йиллик фаолияти давомида анча салмоқли иш қилиб қўйибди. Бироқ санъатнинг ҳамма турларида бўлганидек, адабий танқидчиликда ҳам асарнинг ҳажми ёхуд мақолаларининг сони ҳал қилувчи аҳамиятга эга зиас. Ҳамма гап сифатда, китоб ёхуд мақолаларнинг ғоявий салмоғида, назарий пухталигида, уларда айтилган гапларнинг янги-эскилигида, ҳаётийлигида. Танқидчи сермаҳсул бўлгани билан, мақолаларни қалаштириб ташлайвергани билан унинг адабиётдаги мавқеи мустаҳкамланиб қолмайди. Ёзувчилар назарида ҳам, китобхонлар назарида ҳам муҳим обрў қозониш учун танқидчи билимдон ва теран бўлишдан ташқари, принципиал, ҳалол ва объектив бўлмоғи, адабиётни чин юракдан севмоғи, яъни унинг ютуқлари учун суюниб, қусурлари учун қуюниб ёза билмоғи керак. Умаралида шу фазилатларнинг анча-мунчаси мавжуд. Китобхон бу жумладаги "анча-мунчаси" деган иборага таажоубланиши мумкин: бинобарин, баъзи фазилатлар йўқ экан-да? Умаралининг танқидчилик фаолиятида қусурлар ҳам бор экан-да? Ҳа, албатта, бор. Ахир ҳар тўқисда бир айб дейишади. Кусурсиз одам, қусурсиз танқидчи

бўладими? Ҳаммамизда ҳам озми-кўпми қусур бор. Умаралидаги қусурни шунда кўраманки, у баъзан чинакам илмий талабчанликни заифлаштириб қўяди, натижада ўртамиёналиги шундоққина ошкора кўриниб турган асарни чунонам мақтай бошлайдики, буни кўриб ҳайрон қолади киши. Мабодо, бўш асарни танқид қилгудай бўлса, иложи борича мулоимлик билан, озор бермайдиган қилиб танқид қиласди. Бу унинг кўнгилчанлигидан бўлса керак, ҳар қалай ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасликка уринишидан. Балки бу йўл ҳам тўғридир. Лекин мен бари бир бу йўлни маъқулламайман. Негаки, танқидчилик касбининг моҳияти ўзи шунаقا – истасанг-истамасанг кимларгадир озор берасан. Ҳатто ҳеч кимни танқид қилмай, ёзувчиларни фақат мақташ билан банд бўлсанг ҳам, бу ҳали навбати етиб келиб мақталмаган ёзувчиларга оғир ботади. Лекин чинакамига адабиётнинг юксак савијаси учун курашман десанг, хом-хатала, пала-партиш, ўртамиёна асарларга қарши сира тортинмасдан курашиш керак. Бундай асарлар эса адабиётимизда етарли даражада топилади. Баҳтимизга, бу нуқсон Умаралининг ижодида ҳамма вақт ҳам учрайвермайди. Аксинча, унинг мақолалари ва китобларида фазлатлар устунлик қиласди. Баъзи бирларини кўриб чиқайлик.

Умаралидаги фазилатлари ичida энг маъқулларидан бири ҳозиржавобликдир. Бу, менимча, танқидчи учун энг зарур сифат. У адабиётимизни доимий тарзда кузатиб боради, ундаги биронта салмоқли асар ёхуд жиддий воқеа танқидчининг эътиборидан четда қолмайди. Бир вақтлар адабиётимизда икки-уч йил ичida битта роман, икки-учта қисса, тўрт-бешта достон пайдо бўлган кезларда бу осон эди. Энди аҳвол ўзгарди. Адабиётимизда ҳар йили ўнлаб йирик асарлар, юзлаб шеърий тўпламлар, туркумлар, достонлар яратилмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин бу танқидчининг ишини ғоят қийинлашти-

ради. Китобхон бу асарлари танлаб, саралаб, ёққанини ўқиши мумкин. Ундан фарқ қилароқ, танқидчи уларнинг яхисини ҳам, ёмонини ҳам, ёққанини ҳам, ёқмаганини ҳам ўқиши керак. Улар ҳақида биронта тақриз ёхуд мақола ёзиш-ёзмасидан қатъи назар, уларни ўқиб чиқмоқ керак. Ўқимаса, у адабий жараёндан узилиб қолади, адабий ҳаёт ҳақидаги фикрлари чала бўлиб қолади. Умарали шу машаққатли меҳнатни бажаради, бажарадигина эмас, бирон жиҳати билан йилт этган асарнинг ҳар бири ҳақида, адабий жараёнда бирон фазилати билан из қолдирувчи асар ҳақида, албатта, тақриз ёзади. Ўз вақтида чиқсан объектив, тўғри тақриз ёзувчи учун қанчалик руҳий младад бўлишини, бинобарин, адабиётимизга катта фойда келтиришини, унинг ютуқларидан кенг китобхонлар оммасини тезроқ огоҳ қилишини айтиб ўтирасак ҳам бўлади. Адабиётимизда Умаралининг синчков назаридан ўтмаган биронта ҳам жиддий, салмоқли асар йўқ десак, хато бўлмас. Яна шуниси ҳам یухимки, у асосан, бугунги проза масалаларига кўпроқ қизиқкан ҳолда драматургия, поэзия, танқидчиликдаги янги асарларни ҳам эътибордан соқит қилмайди.

Умарали ижодининг менга маъқул яна бир қирраси борки, у ҳозирги ўзбек танқидчилигининг энг муҳим фазилатларидан бири билан боғланиб кетади. Бу ёзувчи шахсиятига теран ҳурматдир. Ҳа, бу – шундай. Афсуски, бир вақтлар адабий танқид шу нарсадан анча маҳрум эди. Кўлига қалам олиб тақриз ёхуд мақола ёзишга киришган ҳар бир одам камида ўзини ёзувчининг устози деб билар, унга қандай ёзиш кераклигини уқтириб сюжетни қандай қуриш лозимлиги, характерларни қанақа ишлаш зарурлиги тўғрисида кўрсатма берар эди. Баъзи ҳолларда эса ёзувчини камситадиган, иззат-нафсига тегадиган талаблар ҳам аямай ишлатилаверарди. Ҳозир шароит тубдан ўзгарди. Биз танқиднинг моҳиятини ҳам, вазифаларини ҳам анча

чукур ўзлаштириб олганмиз. Шунинг оқибати ўлароқ бугунги танқидчилар адабиёт ҳақидағи объектив ва талабчан мұлоха-заларини сусайтирган ҳолда, ҳар бир мақоланинг яхши чи-қиши учун курашмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ мақолала-римиз заминида эндилликда ижодкор шахсиятiga теран ҳурмат пайдо бўлди. Танқидчилигимиз ижодкор ишининг машаққат-ларини тушунган ҳолда, энг мұхими эса истеъдод ноёб нарса, унга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш керак деган кўрсат-мани дастуриламал қилган ҳолда адабиётга муносабатда бўл-моқдалар. Умарали бугунги адабий танқиднинг шу мұхим принципини (қоидасини) ҳаётга жорий қилишда мұхим роль ўйнаётган танқидчилардан биридир. У тақризларида ҳам, ма-қолаларида ҳам ва, айниқса, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Шухрат, Худойберди Тўхтабоев каби ёзувчилар ҳақидағи иш-ларида ҳам шу принципга қатъий амал қиласди. У асарларида ёзувчиларга юқоридан қарамайди, уларга ақл ўргатмайди, ай-ни чоқда, улар қаршисида кўл қовуштириб, ҳамма нарсани маъқул деб бош иргаб ҳам турмайди. Умаралининг энг мұхим қуроли таҳлил – у асар қаҳрамонларини ҳаёт ҳодисалари билан ҷоғишишириб, таққослаб, ўз фикрларини ишончли даллилар билан, мантиқ кучи билан ошкор этади. Натижада, унинг ма-қолаларида бир томонламалик йўқолиб, объективлик пайдо бўлади. Бу эса танқидчи сўзи салмоғининг ортишига, танқид-чилик обўйини ўсишига хизмат қиласди.

Умарали ижодидаги менга маъқул фазилатлардан яна би-ри ундаги илмий чукурлик, фикрий теранлик ёхуд ҳозирги расм бўлган ибора билан айтганда, концептуаллилиқдир. Бу ҳам ғоят мұхим фазилат бўлиб, танқидчиликнинг энг катта муаммоларидан бирини тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. “Танқидчи ким? У ҳам адиб, шоир ёки драматург каби ижод-корми ёхуд бошқаларнинг маҳсулини таснифлаб, изоҳлаб

берадиган тафсирчими?" деган масала устида кўп замонлардан бери тортишув боради. Кейинги пайтларда танқидчи – ижодкор деган қараш тарафдорлари устун кела бошлади. Лекин танқидчининг мустақил ижодкор эканини эътироф этиш билан иш битмайди. Танқидчининг ким бўлиши, биринчи навбатда, унинг ўзига боғлиқ. У ижодкор ҳам бўлиши мумкин, оддий тафсирчиликдан нарига ҳам ўтмаслиги мумкин. Хўш, танқидчини ижодкор деганда нимани тушунамиз? Менимча, даставвал, танқидчининг фикрлашини. Унинг фикрлари янги, теран, умумлаштирувчи бўлмоғи керак. Танқидчи адабиёт баҳонасида адабий жараён назарияси ҳақида ҳам, ҳаётдаги тенденциялар ҳақида ҳам фикрлаш иқтидорига эга бўлиши керак. Умаралининг кўпгина мақолалари шу жиҳати билан қимматли – уларда мұнаққид фактларига асир бўлиб қолмайди, адабий ҳодисалар ортидан бормайди, балки ҳар гал адабий ривожимиз учун мұхим бўлган йирик-йирик масалаларни ўртага ташлайди, ҳар гал адабий ҳодисаларга бирон оригинал нуқтаи назардан қараб, жуда чуқур ва салмоқли хulosаларга келади. Умарали доимо иттифоқ миқёсидаги адабий баҳслар ва мунозаралардан яхши хабардор, лекин уларда олға сурилган янги фикрларни бизнинг адабиётга механистик татбиқ қилмайди, балки уларга таянган ҳолда адабиётимизнинг ички ҳаётидан келиб чиқиб, янги масалалар, муаммоларни кўтаради. "Етуклиқ", "Реализм назарияси ва ҳозирги адабий жараённинг баъзи масалалари", "Реализм ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги" каби мақолаларни ўқиб чиқсангиз, бунга амин бўласиз. Мен шу мақолалардан бири ҳақида қисқача тўхталаман. Умарали ёзувчининг ижодий индивидуаллигини тадқиқ қиласарни қиёсий ўрганиш мұхимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бундай асарлар турлича ижодий индивидуал-

ликка эга ёзувчиларнинг бир бири билан мунозараси оқибатида пайдо бўлади ва ёзувчининг ўзига хослигини аниқлашда жуда бой материал беради. Мунаққиднинг ўзи "Навоий" романни ва "Алишер Навоий" драмаси, "Мирзо Улуғбек" трагедияси ва "Улуғбек хазинаси" романни, "Болалик", "Ўтмишдан эртаклар", "Кўрган кечиргандарим" каби бир-бирига яқин қиссаларни қиёсан таҳдил қилиб, уларнинг муаллифларининг ижодий индивидуаллиги ҳақида жуда ўринли ва қимматли мuloҳазалар айтган.

Ижодкор ўз услубига эга бўлиши керак. Кўпинча ижодкор, шу жумладан, танқидчи ҳам бутун умри давомида ўз услубини излаб ўтади. Бу – табиий, чунки услуб – ижодий индивидуалликни намоён этиш шаклидир. Уни мунтазам равишда шакллантириб, мукаммаллаштириб бориш керак. Бинобарин, доимий изланиш, янги ифода усулларини қидириш танқидчининг ҳам муҳим вазифаси. Бизнинг ҳозирги танқидчилигимизда изланиш руҳи ҳоким. Айрим танқидчилар энг жиддий назарий муаммоларни ҳам, ўкувчига тезроқ етиб боришига имкон берадиган янги шаклларни ҳам изламоқдалар.

Бизнинг ўзбек танқидчилиги ҳам бугунги кунда ана шундай самарали изланишлар йўлидан боряпти. Унинг бу йўлдаги муваффақиятларини таъминлашда Умарали Норматовнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Унинг мақолалари сохта илмийликдан холи, яъни у оддий нарсаларни чалкаштириб, узундан-узоқ қилиб мураккаб шаклда ифодалаб, ўзининг "доно"лигини на мойиш этмайди, аксинча, мақолаларида соддаликка, ихчамликка интилади. У мақолаларини қизиқарли қилиш учун сийقا латифалар, ўринсиз ривоятлар, арzon-гаров сўз ўйинларига ҳам мурожаат этмайди, балки фикрий теранлик, баҳснинг ўтирилиги билан асарнинг ўринли чиқишига эришади. Ниҳоят, бугунги танқидчиликни янги шакллар билан бойитиш бора-

сида ҳам Умарали салмоқли меҳнат қилмоқда. Мен бу ўринда танқидчининг ёзувчилар билан баҳсини назарда тутяпман. Уни “диалог” ҳам деб аташади. Албатта, “диалог” мутлақо янги шакл эмас, у рус адабиётида, танқидчилигига аср бошларидаёт маълум эди. Қолаверса, жаҳон адабиётида бу шакл кўпдан бери қўлланилаётганини айтиш мумкин. Лекин бу шакл бизнинг адабиётимиз учун янгилик бўлди. Уни жорий қилишда Умарали биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатди. Лекин бу ўринда ҳам гап фақат шаклда эмаслиги, шу шаклга сингдирилган мазмун муҳимлигини таъкидлаш керак. Бу жиҳатдан ҳам Умаралининг баҳслари ижобий баҳога муносиб. Танқидчининг Назир Сафаров, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Омон Матжон билан қилган сұхбатларини ўқиб бунга амин бўламиз. Уларнинг ҳар бири бугунги адабий жараённинг жуда муҳим масалаларига бағишиланган. Бу баҳсларнинг бирида адабнинг ижтимоий бурчи ҳақида фикр юритилса, иккинчисида адабиёт ва инсоний камолот муаммоси тилга олинади, учинчисида маҳорат масалалари тадқиқ қилинса, яна бирида ёзувчи – танқидчи – китобхон муносабати масаласи ўртага ташланади. Бу масалалар ҳақида баён қилинган фикрлар эса бугунги танқидий фикр ривожига ҳам, ижтимоий онгнинг ўсишига ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Умаралининг асарлари ҳақида яна кўп гапларни айтиш мумкин. Лекин назаримда, айтилганларнинг ўзиёқ уни адабиётимизнинг истиқболи ҳақида тинимсиз қайфурувчи етук олим, истеъододли мунаққид, моҳир педагог сифатида таърифлаш учун кифоя қиласди. Бу олим бугун ҳам танқидчилик фаолияти билан энг олий мақсадларга хизмат қилишга – миллат маънавияти равнақига муносиб ҳисса қўшишга камарбаста.

Бугунги танқидчилигимиз сафида Умарали Норматовдай билимдон, объектив ва талабчан истеъдод эгалари бор экан, унинг эртасига комил ишонч билан қарашимиз мумкин.

*1981 йил*

*Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони,  
адабиётшунос*

**МУҲАББАТЛИ ОДАМНИНГ ҲАЙРАТЛАРИ  
УМАРАЛИ НОРМАТОВ: МУАЛЛИМ, ОЛИМ, ИЖОДКОР**

*Ҳар кимга улум бўлса восил  
Гар дарди-ю ҳоли, йўқ не ҳосил?*

Одам боласи 70-75 йил бу дунёда юргандан кейин унинг ҳаёти бамисоли Севастополь жангининг панорамасига туб-тус менгзаб қолар экан: қаёққа қараманг, жанглар, қаёққа қараманг, ҳужум, ҳимоя, муҳофаза, портлашлар, кўзни очирмайдиган аччиқ турунлар, ҳайқириқлар, наъралар, ғалаба суронлари, мағлубият аламлари, хиёнат қинғайишлари, матонат сипоришлари, мафкураларнинг чинқириши ва чиранишлари... одамзод яна ҳам йўқ бўлиб кетмайди бу қирғинлар, қувди-кувдилар ичida, қатли омлар ваҳшатида, тўфонлар, довулларнинг ўкиришларида...

1931 йилнинг ilk баҳорида яна майса-қиёқлар илиётган ер бағридан ёруғликка, рўшноликка бўй чўзди. Фарғонанинг мажнунтоллари ипақдек ним куртак отди. Рапқоннинг минг йиллик ўриклари яна бужур бўлиб кетган таналари ичидан нафис қизариб бўртди, баҳорнинг илмилиқ қуёши тонг чоғлари булатларнинг карвонларини олтин шамширлари-латик ва адл кесиб ўтди, булатларнинг бағри тонг шуълалари билан ёришди.

1931 йилнинг эрта баҳорида Фарғонада бир китоб ўқийдиган бола дунёга келди. У жуда қийин баҳор эди. Ўзбек қишлоқларини зўрлаб ялпи жамоа хўжаликларига бирлаштироқчи бўлишарди. Одамлар мол-ҳолларини келажаги номаълум кол-

лектив хўжаликка топширишни истамай бозорга олиб чиқи-шар, бозорда сотишга олиб чиқилган моллар тиқилиб кетган, базўр ярим баҳосига сотиб кетардилар. Коллективлаштиришнинг васваса, саросималари авжига минар, бунинг нималигини бирор кимса тушунмас ёки ҳамма ўзича бир-бирининг оғзига қараб тушунтирас: ҳамма бир кўрпада ётармиш... дерди. Бир кўрпада ётишнинг ваҳимаси ҳаммани қўркув ва изтиробга соларди. Фарғонада миллий қаршилик ҳаракатлари ҳам ҳали тугаган эмас, қадим ўзбек қишлоқлари тарихнинг қонли ўйинларига майдон бўлиб қолган эди. Доҳий Сталин маҳфий буйруқ устига буйруқ чиқариб, Марказий Осиёнинг патриархал маконларида синфий курашга зўр берар, унинг назарида қанча қон тўкилса, шунча яхши эди.

Коллективлаштириш барорбарида 1931 йилнинг бошларидан, ҳатто ўттизинчи йиллардан “қулоқ”, сургун, кўч-кўч деган балои азимлар ижтимоий катаклизмлар, халқларни таъқиб қилиш авж олди. Инсон қисматлари адоқсиз фожиалар гирдобла-рида чирпирак бўлди. Оламни қаҳру ғазаб, қон тўкиш, ҳайдаш, қувиш, маҳрум қилиш ёппасига қамраб олди.

Шундай ва шунга ўхшаш воқеалар номи аллақандай сирли жаранглайдиган ва худди Зардўшт замонларидан қолган сўз-дай туюладиган Рапқонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ўша йили болалар коллективлаштириш фарёдлари, васвасалари ичida коллективлаштириш дудларига ғарқ бўлиб туғилдилар.

Умарали Норматов 1931 йилнинг эрта баҳорида Рапқонда дунёга кўз очди. Мисли кўрилмаган ижтимоий янгиликлар ичida йўргакка йўргакланди.

Турдиали бобо, Нормат қориларнинг хонадони нисабатан ўзига тўқ, қадим-қадимлардан зиёга чулғанган, маърифатли удумларни қаттиқ тутадиган хонадонлардан эди. Бу хонадонда аёллар ҳам саводхон, бунда доим оила давраси, қишлоқдошлар

ҳам йиғилишиб келиб яссавийхонлик, машрабхонлик, фузулийхонлик, достонхонлик, қиссаҳонликлар бўлиб ўтарди. Тажвид билан Куръон, диний китоблар, ҳадислар, авлиё-анбиёларнинг саргузаштлари ўқилар, ўргатилар, одамлар йиғлашиб, мунгашиб, наъра тортишиб тинглашарди. Нормат қорининг уйи маърифат нурлари билан ёришган, бу уйда “Туркистон виляятининг газети”, “Турон”, “Янги Фарғона” газеталари ўқилар, бинобарин, оила бошлиқлари Нормат қори, Сорабиби дунёдан анчагина хабардор, маърифат, ахлоқ, маънавият, гўзал ҳикматли сўзнинг, яхши инсоний муносабатларнинг қадрига етадиган, уларга амал қиласидиган замонавий кишилар, ўз муҳитининг зиёлилари эдилар.

Умарали Норматовнинг ilk болалиги эртаклар ичida кечди. У онаси оғиздан “Уч оғайни ботирлар”, “Ёрилтош”ларни эшилди. Уларни қулогига маҳкам қуиб, ёдлаб айтиб юрди. У ўз тенгқурлари орасида ҳикоя қилишга уста бола бўлиб танилди. Онаси Сораҳон ҳазин ун солиб ўқийдиган Машраб, Фузулий, Сўфи Оллоҳёр ғазаллари унинг маъсум ва мурғак қалбини шамдек эритди. Шамдек ёритди. Умарали бу ғазал байтларини онасининг ипакдек овозига мафтун бўлиб тинглар, селга ғарқ бўлар, баъзан чидолмай инграб юборар, йиғларди. У онасининг беҳад гўзал чиройидан маст бўлиб йиғляяптими ёки ғазалларнинг мунгли, сирли оҳанглари шундайми, ўзи ҳам билмасди. Сораҳон ўғлининг кўзларидан шашқатор ёшлар оқаётганини кўриб, ўқишдан тўхтар, унга ўзининг ҳам ёш ҳалқоб бўлган маъюс кўзларини тикиб шундай қарап эдики, Умарали бу нигоҳ шуъласида бутун дунёни унутар ва хушидан айрилаёзарди. Сораҳон шунда ўғилининг жингалак соchlари патила бўлиб турган бошини тиззасига олиб, унинг гул япроғидек пешонасини майнин-майнин силарди.

Онаизор тиззасига бошини кўйиб лаззатли кўзёшларига ғарқ бўлиб, Машраб нолаларини тинглаган сабийнинг қалбида умр бўйи ўчмайдиган, йўқолмайдиган, ҳеч қандай шароитда адаштирмайдиган маъсумлик ва сирли муҳаббат уйғонди. Бу маъсумлик ошиқликка йўғрилиб, уни кейин умр бўйи асло тарк этмади. У ҳар қандай вазиятда маъсумлигини йўқотмади. Онанинг ушшоқ овози доимо қулоғида жаранглаб турди. Уни оғатлар ва ғаразлардан ҳимоя қилди. Ҳали-ҳануз у машшоқларни эшитса, ўзини мусиқа садолари ичида йўқ бўлиб, дунёда фақат мусиқа қолаётгандай сезади. Бежиз эмас, бола шоирдай бўла бошлади. Ҳаммадан яшириб, Умар тахаллуси билан машрабона шеърлар машқ қилди. Болаликдаги шеър дафтарини кейин мактабда ҳам, Конибодомдаги педбилим юртида ҳам, Тошкентга келиб машхур университетнинг қутлуғ даргоҳига қадам кўйганида ҳам ёнида олиб юрди. Назарида бу дафтар қатларига онаси Сорахоннинг кўз ёшлари томгандай ва буни ўзи билан бирга умр бўйи олиб юриш керакдай туюларди. Болалик дафтарини бегона кўзлардан доимо асрарди. Назарида, энг масъуд шоирлик шу кўзёшларнинг изларида мужас-самдай эди. Уни дунёнинг ҳеч қандай бойлигига, неъматига алмашиб бўлмасди. Умарали жуда эрта китоб ўқишга ишқибоз бўлди. Кўлига нима тушса, ўқиди. Онаси унинг саводини жуда эрта чиқарганди. Китоблар кўп эмас, лекин Нормат қори хонадонида улар етарлича топиларди. У ўз уйи токчаларидағи барча китобларни бирма-бир ўқиб чиқди. Китобга ўчлик тобора кучайди. Билим юртида ҳам унинг ўқимаган китоби қолмади. Унда китоблар таъсирида эрудиция шаклланди. Эрудиция фикрни ҳар томонга ўстирди. Одам яхши-ёмонни, дунёнинг ишлари, одамларнинг муомала-муносабатлари, ахлоқ ва яшаш номаларини баҳолашга, қиёслашга, ҳар нарсани фикрлаб ўлчашга ўргатди. Одам тор маънода – зарурат.

маъносида саводхон бўлиши мумкин, тор бир соҳани жуда чуқур эгаллаши мумкин. Лекин эрудиция бўлмаса, у оми бўлиб қолаверади, улкан илмий унвонлар қозониш мумкин, лекин эрудиция бўлмаса, бу улкан унвонлар соҳиби бошқа соҳаларда оми бўлиб қолаверади. Умарали буни ўша ўсмирлик чоғларида ҳам, кейин университетда таҳсил олганда, илм соҳаларига кириб борганда ҳам ҳаётда кўп кузатди. У бир куни анча кейинроқ Асқад Мухторнинг “Ойдин соната” шеърини ўқиди. Шеър эрудитдан Худо асарсин, деган кучли сатр билан якунланарди. Ҳамма нарсани биладиган ва қойил қилиб таҳлил қиласидиган эрудит гўзал мусиқани чуқур ҳис қилишга қодир эмас. Ҳолбуки, мирзачўллик қишлоқ йигити мусиқани сел бўлиб тинглайди, қалбига жой қиласиди. Шоирга ҳамма нарсани биладиган ва таҳлил қила оладиган эрудитдан кўра мана шу соддагина мирзачўллик йигит маъқулроқ. Шунинг учун шеърни эрудитдан Худо арасин деб тугатади. Умарали ўйланиб қоли. Наҳот эрудиция шунчалар ёмон нарса бўлса? Наҳот кенг, ҳар томонлама илм, билим орттириш, нарса-ҳодисаларнинг мағзини чақиш қораланишга лойиқ бўлса? Ахир эрудицияни қоралаб, омиликни ёқлаш қаерга олиб боради? У шоир билан ўз кўнглида баҳс қилди. Лекин кейин бу шеър ҳақида ёзганда, у шоир нуқтаи назарига эргашди, уни танқид қилишга ёки ўз мулоҳазасини очиқ айтишга ботинмади. Уни, кўпинча, шоирлар, ёзувчилар – катта талант эгаларининг салобати босарди. Улар яратган асарлар салмоғи елкасидан вазмин босиб туради. Эркин ўз фикрини айтишга йўл қўймайди. Эркин ўз фикрини айтишдан андиша қиласиди. Шунинг учун кўпроқ ҳайратлари – таассуротларини баён қилиб ўтиш, асарни кўллаш, маъқуллаш, адигба далда бериш самаралироқдек туюлади.

Умарали Норматов университет даргоҳида ўзбек миллий адабиётида яратилган барча асарларни битта қўймай ўқиб

чиқди. Унинг атрофида ўқиши-ёзишга қизиқадиган омил тенг-курлари қўп эди. Айримларини китоб жинниси дейишар эди. Лекин уларнинг ичидаги китоб ўқишида Умаралига ҳеч ким ета олмасди. На Саттор Ҳайдаров, на Шерали Турдиев, на Лазиз Қаюмов...

Умарали болалиқдан муаллим бўлишни орзу қиласди. У эрудицияси кучли муаллим бўлди. Эрудиция ва муаллимлик, ўқилган китобларнинг муҳокамалари уни танқидчиликка етаклади. Танқидчи – алоҳида иқтидор соҳиби. Танқидчи – ижодкор. Ёзувчи ҳаёт орқали китобга боради. Танқидчи китоб орқали ҳаётга киради. У китобларни очади. Доим шу маънода кашфиётга мойил. Муаллимга эрудиция сув ва ҳаводек зарур. Лекин танқидчини эрудициясиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Эрудиция етилганда гина танқидчи етилади.

Кўп йиллар ўтиб Умарали Сент-Экзюперининг оламга донг таратган “Кичкина шаҳзода”сини ўқиди. Лол бўлди. Худди ўзини шу китобнинг ойнасида кўрганек сезди. У мудом Кичкина шаҳзодадай ҳис қилганларини англади. Китобга машҳур Европа рассомининг Кичкина шаҳзоданинг чизган суратлари илова қилинган эди. У суратларда ўз болалигини кўрди. У болалигида ростанам баайни Кичкина шаҳзоданинг ўзгинаси эди, унинг йирик-йирик бўталоқники каби кўзлари атрофга шундай ҳайрат тўла боқар ва ҳар қадамда алланималарни кашф этарди.

Рапқондан илгари ҳеч танқидчи чиқмаган эди. Рапқондан илгари болалар ёзувчиси ҳам чиқмаган эди. Рапқон деса, Муқимийнинг машҳур “Саёҳатнома”сидаги машҳур сатрлар ёдга тушарди, холос. Янги замон экан, Рапқондан энди Жанни Родарига ўхшаган, баъзи жиҳатларда балки ундан ўтиб кетган Худойберди Тўхтабоев чиқди. Рапқондан янги замонда қўп ўқиган муаллим, ижодкор олим ва танқидчи Умарали

Норматов адабиёт майдонига кириб келди ва бу майдонда мустақкам ўрин ишғол қилди. Рапқонда Нормат қори хонадонида таниқли кишилар меҳмон бўлишарди. Абдулла Қаҳҳор бу хонадонга бегона эмасди. Бу хонадондан узоқ эмас – 60-70 чақирим нарида Сулаймон бazzознинг ўғли миллатпаноҳ Абдулҳамид Чўлпон ва яна шу атрофларда нозик ва нафис сўз соҳибаси Саида Зуннунова дунёга келган эдилар. Мұхит инсонни, ижодкорни етишитиради. Бекорга шоир, бекорга танқидчи бўлмайдилар. Ҳеч нарса тасодиф эмас ва ҳамма нарса тасодиф. Дунё доим тазод ичида: унинг бино бўлиши шундай. Умаралининг маъсумлиги ва ошиқона ҳиссиётларга берилувчанлиги узоқдан ҳам бемалол кўзга ташланиб туради. У болаликданоқ қалбини тўлдирган ҳиссиётларини ҳеч ерга сиғдира олмасди. Ҳамиша ошиқона туйғуларини изҳор этишга енгиги бўлмас эҳтиёж сезарди. Бунинг учун, аввало, фақат китоблар, энг садоқатли ва энг миннатдор сомеъ эдилар. Умарали юрагини тоширган муҳаббатини китобларга изҳор этди.

У сирларни кашф этувчи ўз ёрилтошини топди. Ҳар ўқиган китоби Умарали учун бир мисоли ёрилтош бўлди. Ҳар бир китобни ўзининг олам сирларига ошно этувчи ёрилтоши деб қаради. Ҳар китоб, ҳар адаб, шоирга ёрилтош деб қараш кейинчалик тамомила етук ички эҳтиёж тусини олди. Ёрилтошларидан ардоқли саволлари, орзуларига жавоблар излади, кутди.

Танқид ва ижоднинг баҳтли ёрилтоши уни донишманд, гўзал табиатли, гўзал салоҳиятли, эзгуликдан баҳрадор кишиларга дуч келтирди. Университетда ўқиркан, у Фулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Иззат Султон, Матёкуб Кўшжонов, Лазиз Қаюмов, Аҳмад Алиев сингари таниқли олим, муаллим, маърифатчилар билан учрашди, уларнинг дарслари ни тинглади, қимматли сабоқлар олди, ижодий-илмий тажрибаларини қунт билан ўрганди. Ўз навбатида, ҳамиша уларга

садоқатли шо чирд ҳурмат-эътиборини салжо көттирди. Учтоблар қарзини леч қачон, леч кандай шароғ та сўйини дан соқинг қилмади. Яхши шогирд бўлмаган, яхши ризнақ тоимасигини галабалик пайтидаёқ аниқ аяглаб етди. Умарали Норматовчини шогирдликда чашу намо топди.

Адабиётни, китобларни яхши қўрадиган кишини адабиёт шайдоси дейишади. Шу сўз инг тўла маъносида бадиий адабиётга, танқиҷчиликка, мунаққидликка Умарали Норматовчалик шайдо кимса бормикин? Шайдолиғи: унга устози Озод Шарафиддиновдан юқдимикин, ўтдимикин, ўзлашдимикин? Булар бир нарсадаю, бироқ Озод Шарафи ддиновнинг шайдолиги бошқачароқ, Умарали Норматовнинг шайдолиги бо шқача. Озод Шарафи, динов ўз шайдолигида жи. Ҷийроқ вазминороқ ижтимоийроқ сиёсийроқ, иродатироқ, чатонатлироқ кенг қамровлироқ, теранроқ, тежамкорроқ.. Умарали Норчатовнинг шайдолиги - шонироқ ошик нарроқ, тешқинроқ, экспрессивроқ, ва хаммадан ҳам... ўта маъсумроқ болатарча ўз ёрилтошига ишонувчанроқ. Шайдоликниң бундай бе тилярини айта туғиб адабий танқидчига заруз белги ва хусусиятлардан айримларини баён этгаёттанимни сизиб турибмиз. Сент-Бёв, Лессинг, Белинский, Добролюбов, Чернишевский ларни бир кўз ўнгим изга келтирайлил. Уларда танқидчи учун зарур хусусиятлар ўта даражада хос ва мужассам бўлганлигини кўрамиз. Танқидчи мана шу хусусиятлардан куч олиб таҳдил қиласди, ички қонуниятларни очади, белгилайди, ижодкорликнинг сирлари ичига кириб боради, ўтган, бугунги, келажак йўлларига назар ташлайди. Танқидчи қонунишуносига хукм ўқувчи кимса эмас. Асло. Улар аслан бадиий ижодкорли кининг қонуниятшунослари, ижодкор даражасидаги муҳаллиларидарлар. Муҳаллил сифатида улар адаби ётшуносига ҳамлирлар. Танқид ва адабиётшуносиги бу - ўлмас қадрият. Улар ғиддий

адабиёт ва санъатнинг ижтимоий овози. Танқидчиликсиз адабиёт ва санъат ижтимоий (социал) овозга эга эмас.

Умарали Норматов 1952 йилдан танқид ичига кирди. Ўшандан буён ҳозиргача муболаға эмас, минглаб мақолалар ёзди. XX аср ўзбек адабиётининг ўзи замондош барча адиблари, катта-кичик қаламкашлар билан танишди, яқиндан мулоқотлар олиб борди, суҳбатлар қилди. Адабиётда катта эътибор қозонди, танқидчи, адабиётшунос сифатида тан олинди.

Адабий принциплари бўлмаган танқидчини – танқидчи деб аташ қийин. Танқидчиликка даъвогар киши қанча кўп ёзмасин, шовқин солмасин, кўча чангитмасин, унинг оригинал адабий-бадиий принциплари бўлмаса, унинг ёзганлари таъсирсиз, қадрсизdir.

Умарали Норматов ҳақиқий танқидчилар каби доимо адабий жараёнлар ичida бўлган. Жараёнларда қонуниятлар мавжудлигига эътибор қаратган. У адабий-бадиий анъаналарни чукур таҳлил қиласди. Анъаналарни бадиий адабиётнинг новаторлик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқликда текширади. Ёзувчиларнинг тасвир, қаҳрамон, характер яратиш маҳоратлари ичига кириб боради. Айниқса, пластик тасвиргага алоҳида эътибор қаратди, пластик тасвирнинг намоён бўлиш ҳолларини кузатди.

Ҳақиқий танқидчи баҳсларда етишади, баҳслар ичida қайнайди, тобланади, ижодкор сифатида ўзига хослигини топади. Фикрларини тиниб, турғунликка гирифтор бўлишига йўл кўёлмайди.

Умарали Норматов баҳсларда моҳир. У доим адабий баҳслар ичida. Кейинги эллик йил ичida Ўзбекистон адабий ҳаётида бўлиб ўтаётган барча баҳслар, мунозараларнинг иштирокчиси. У эътиборли мулоҳазалари билан бу баҳсларни бойитади, тўлдиради, уларга жозиба бағишлайди. Баҳслар орқали

адабий жараёнларни жонла нтиришга, уларни маҳсулдир қилишга буюк хиссасини қўшэди. Уининг нуқтаи назари бундай баҳсларнинг, ғўпинча, марказида туради.

Умарали Норматов салмоқли асарлар ёзган барча ижодкорлар билан адабиётнинг қайноқ, жўшқин, долзарб масалалари устида суҳбатлар қилди. Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Ҳамир Ғулом, Назир Сафаров, Рөҳмат Файзий, Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодиров, Худој берди Гўхтабоев, Ўткир Ҳошимов ва бошқа қатор-қатор ижодорлар билан суҳбатларида адабий жараён, адабиёт спецификаси, әдилларнинг ўзига хос хусусиятлари, асајнинг дунёга келиш сир-синоатлағи, яратувчиликнинг жозибали қирраларини очиб кўрсатади. Суҳбатларни адабий жараёнларнинг жонли қалқаларига айлантиради. Умарали Норматовнинг адабий суҳбатларида дағр адабий-бадий тафаккурининг тақорорланмас белгилари акс этади. Бу суҳбатлар давр арабий ҳаёти, адаблар гаржимаи ҳоли, улар қарашларининг тақорорланмас қимматли қужжатларидир. Ўзбек адабиётимизда кейинги эллик йил ичидаги ҳеч ким бунчалик кўїн ва хўб суҳбат яратмаган. Уларда әдилларнинг ўзига хос қарашларигига эмас, тағқидчи Умарали Норматовнинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифагидаги қизиқишлари акс этади. Айниқса, галант тарбияси борасидаги масъулликни бўйнига олиши ва ҳис қилиши кўзга гашланиб туради. Бу суҳбатларда қанчадан-қанча қимматли гувоҳликлар сочилган. Ҳассос шоир ва носир Шуҳратнинг, зитайлик, уруш ҳандақларида Ремаркниң “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ” романини ўқиб кайфияти тушшиб кетгани, сўнг унга Тургенеевни ўқишини тавсия қилишгани, Тургенеев асарлари унинг ижодий булоқарини очишга ёрдам берганилиги ҳақидаги қимматли эътирофларини Норматовнинг суҳбатида ўқимасак, яна қаердан билардик. Ёки бу суҳбатлар бўлмаса,

Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Ҳамид Ғулом романларининг ички сирларидан бошқа қаерда огоҳ бўлардик? Бу суҳбатларда ёзувчи ва танқидчининг фикрлаш ҷоғида гурсиллаб уриб турган юрак зарбларини аниқ-аён сезиб турасиз. Бунда адабиёт ва унинг ранг-баранг муаммоларини жон-жони, қон-қонига синг-диргақ, уларнинг ҳаётининг туб мағзига, ҳаёт-мамотига айлантирган бир маърифатли инсонга дуч келамиз. Бунда у адабиётнинг йирик, бамисоли, эрудит мутахассиси сифатида бор бўй-басти билан кўзга ташланади. Унинг сиймосида йирик мутахассис билан йирик тадқиқотчи, адабиётшунос олим нур усти нур дегандай, Миллий университетнинг тажрибакор ўқи-тuvчиси яхлит бир шахсни ташкил этади. Бунда унинг мутахассислиги танқидчилигини, танқидчилиги – адабиётшунослигини, адабиётшунослиги – донолигини тўлдириб, бойитиб туради. Мутахассислик инсонни жуда қимматли (ўзи ва ўзгалар – жамият учун) ижтимоий ҳодисага айлантиради. Мутахассис дегани алоҳида хос билимларни чуқур билувчи, соҳанинг хос хусусиятларини миридан сиригача эгаллаган, сир-асрорларидан тўла хабардор одам дегани. Хосият, хусусият, ихтисос, хослик каби тушунчалар ҳам мутахассиснинг белгилариdir. Мутахассис ижодкор бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда шуниси равшанки, ихтисос ижодга қучли таъсир кўрсатади. Ижодкорликни салмоқли тарзда бойитади. Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Собир Мирвалиев, Умарали Норматов мутахассис сифатида ўз ижодларини ихтисос сирлари билан бойитиб мазмундор бир ҳодисага айлантира олганлар. Буни айниқса, Умарали Норматовнинг кўп заҳматлар чекиб, ҳақиқий энтузиаст сифатида тер тўкиб яратган дарслеклари, қўлланмалари, мажмуаларида қанчалар аҳамиятга эга бўлганини аниқ-аён кузатиш мумкин. Албатта, адабиёт жарайёнларида қайнаган, миллий адабиётни ипидан-игнасиғача

Билган ва тасаввурида ҳамиша гаёдалантирган ижодкор, ада-биёт тарғиботчиси бўлган муаллифнинг ёзган дарсликлари ўз илғор новаторона жиҳатлари билан кескин ажралиб ту́са, не ажаб! Умарали Норматовнинг 5-, 9-, 11-синфлар учун язатган дарсликларига қўшган катта улушидан мағфаатдор бўлиб таълим олган ўқувчилар ажабмаски, миллий ва жаҳон адабиётидан чуқур, кенг билимлар ва тасаввурлар олади. Юрагимда бадиий адабиётга муҳаббат чўги ланѓиллайди. Умарали Норматов жаҳон адабиёти жараёнларидан ҳам атросфлича ҳабардор, уларни доим кузатиб боришга интилади, улар билан ижодининг мундарижасини бойитади, ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчаниши ва бўйлашувини истайди. У ҳозирги, замон миллний адабиёт дарсликлари ва мажмуалари қандай бўлиши кераклиги устида ишлаганда, бунинг, назарий-илмий асосларини, принципларини ишлаб чикканда, албатта, жаҳо и адабиёти тажрибаларини ҳисобга олади. Адабиёт дасрларининг янги авлоди, янги туркумларига йўл очади.

Умарали Норматов ҳаёт бўсағасига кадам кўйгандэ, ким бўлишим керак, деган жумбоққа жавоб излаганда, иккиланмай эдабиёт муаллими бўлишга аҳд қилди. Китобларнинг сирли эламида яшаини кўнглига тугди. Орзуларини рўёбга чиқариш учун сабот билан интилди. Толе ёр бўлиб ҳар икки орзусига гўла эришди. Венерахон Исҳоқова билан биргаликда мунаvvар уфқларга интилган мусаффо оила қурди, солих, олим фарзандларни вояга етказди. Бу мунаvvар оила унинг ижодий интилишларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб маддиқор бўлди.

Умарали Норматовнинг рисолалари, бадиалари, сұхбатлари, тадқиқотларини ўқисангиз, “янги”, “янгилик”, “ҳайрат”, “сехр-синоат”, “сир” каби сўзларга дам-бадам дуч көласиз. Булар оддий бўлиб кўринган-и билан аслида Умарали Норматов ижодининг очқичлари, калит сўзлар. Улар танқидчимиз учун

жуда катта маънога эга. Умарали Норматовнинг танқидчилик-даги принципларидан бири янгилик излаш, янгилик олиб кириш, янгиликни кутлаш. У ижодининг бошланишиданоқ адабиёт ва ёзувчилар ижодида новаторликка алоҳида эътибор билан қарайди. Асарни, аввало, унинг қанчалар янгилиги, илғор изланишларга қанчалар жавоб беришига қараб баҳолайди. У доим асар ҳайратлантирун, дейди. Ҳайрат эса унинг назарида новаторликдан ҳосил бўлади. Асарнинг сеҳр-жодуси танқидчииз эътиқодича, ёзувчининг қанчалар янгилик – янги образлар, янги қаҳрамонлар, янгича бадиий тасвирлар, талқинлар яратадиган олгани билан ўлчанади. Умарали Норматов бир суҳбатида ўзига ўзи: “Ярим асрлик ижодий фаолиятимдан нима топдим?” деб савол беради ва бунга яна ўзи “Топганим ҳайрат бўлди”, – деб жавоб беради. Адабиёт тортиқ қилган ҳайратнинг унинг ҳаётида, эстетик дунёсида тутган ўрни шунчалар катта. Ростдан ҳам Умарали Норматов ижодкор сифатида бошдан-оёқ ана шу ҳайрат ичиладир. У Худо берган танқидчи бўлмасайди, бутун умри, аъмолини адабиёт билан боғламасайди, асло шундай демасди. Демак, бу ҳаётий ва ижодий принципларнинг маълум бир холосаси. Аммо ҳайрат бор – ҳайратдан фарқланади. Танқидчи назарда тутган ҳайратнинг оддий экзалтациядан фарқи бор. Бу ҳайрат донишмандликдан, билимдонлиқдан, эрудициядан, шоирона ҳис қила билиш ва бехато амал қиласиган дид-фаросатдан туғилади ва танқидчини танқидчи даражасига кўтаради.

Умарали Норматовнинг асарларида биз новаторлик орзузи ва талаби уларни ич-ичидан ёритиб турганлигини қўрамиз. Булар кейинги ўн йилликнинг маҳсуллари. Танқидчи адаблардан, замондошлардан янгиланишини талаб қиласа-ю, ўзи янгиланмаса, бу унинг асарларининг таъсирини йўқотади. Талаблари сохта, масъулиятдан ҳоли талаблар деб қабул қилинади.

Умарали Норматов замон билан баробар қадам ташлайдиган инсон сифати да доим ўзи ҳам ижодий янгиланиб зорди. Эркинлик унинг ижодига, қарашларига том маъноде янги тўлқинлар олиб кирди. Ниц шедан келаётган, Ницшениң улуг кашфи бўлган даврларнинг мафкуралари, таълимотлари га жуда кучли таъсир кўрсатган, оламшумул ўзгаришларга туртки бўлган “қадриятларни қайта баҳолаш” деган ўта муҳим тушунчилиги Европадаги барча ўзгаришларга доя бўлди. Қадриятларни қайта баҳолаш XX асрдаги барча глобал ўз ғаришларни ўз ортидан етаклаб бўрди.

Бизнинг эёкинлик давримиз ҳам, ҳаётишимиз ҳам “қадриятларни қайта баҳолаш” мазмунига тўла жазоб беради. Умарали Норматовнин ўн-үн беш йил ичидаги ижоди шу қайта баҳолаш шиори остида ўтаётгани сир эмас. Умарали Норматов эркинлик ва демократия ҳавосида ўзини янги бир изга сололди. Мана, унинг қизиқишиларини ифодалаган мавзуларга эттибор қилинг: “Назария ва янги адабий жараёни”, “Романинъ янги умри”, “Дунёни янгича кўриш...”, “Шахс ҳақида баҳс” ва ҳ.ғ.

Умарали Норматов XX еср мумтоз адабиётимиз ва унинг намояндалари ижодига бўлган қарашларини янгилади. У мумтоз адабиётимизни – Ҳамза Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ғафур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби адилларимизни қайтадан ўқиди. Уларга янгича нигоҳ ташлади. Эркинлик унинг қарашлари, ўлчовлари уфқлари, мезонларини көнгайтирди ва жозибалироқ, ишонарлироқ қилди. Қайта баҳолаш жараёнида қўп нарсаларни ва, хусусан, модернизм деб аталиб келаётгани авантгард адабиётни, унинг айрим оқимларини ўзи учун кашғ қилиди. Унинг кейинги йилларда чиққан “Қодирий боғи”, “Умидбахш тамойиллар”, “Қаҳҳори англаш машаққати” ана шундай қадриятларни қайта баҳолашнинг салмоқли самарала ҳидир. Ўқувчи бу жиҳада ҳам адаб ёёт ва ҳаёт ҳодисаларини танқид-

чининг қайта баҳолашига ҳар дамда дуч келади. Бунда танқидчининг ишонтириш санъати янги юқори босқичга чиққанини қузатамиз. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”нинг охирги бобида достоннинг турк элининг шуҳрати жаҳонга тарқалишини мақсад қилиб ёзганлигини айтади ва дейдики:

*...Нечунки буқун жаҳонда атрок  
Кўпдур хуштаъбу соғу идрок.  
Гар модда камроқ эса не ғам,  
Чун завқдир асл – ул эмас кам.*

Навоий модда камроқ деганда чамаси достон зиммасига киргаң воқеалар силсиласини назарда тутса керак. Бу камтарлик, албатта. Лекин у асл завқни чин бадиийликнинг мезонларидан бири сифатида қарайпти. Умарали Норматов асарларидан янгилик, новаторлик, модерн тасвиirlарни қидирганда улар замиридаги асл завқни қидиради. Асл завқ унинг ҳайратларининг моддасидир. Танқидчининг таланти янгиланишга мойил эканлигига ўқувчилар тан бердилар. Шу билан бирга Умарали Норматов ўз янгиланишларида талантлар тарбиясига, адабий жонли муҳит яратишга алоҳида эътибор бера бошлади. У ниҳоятда кўп ва хўб шогирдлар етиштирди. Йилт этган истеъодод нишонасини қўллади. Уларни ўзи учун тортиқ деб қаради. Ёш истеъододли адабиётчиларни ўз таъсир доирасига, сұхбатлари, мулоқотлари давраларига тортди. Раҳмон Кўчқор, Дилмурод Куронов, Раҳимжон Раҳмат, Улуғбек Ҳамдам, Эргаш Очил, Шерали Сокин, Жаббор Эшонқул, Қозоқбой Йўлдошев унинг тарбия мактабини кўришган. Улар изланаётган, дунё эстетик тафаккури даражасида фикрлашга, ёзишга интилаётган тафаккури кенг ва эркин янги авлод вакиллари. Умарали Норматов мана шу янгича қарашли ёшлар

билин реализининг янгиланиши, универсаллашуви, авангард (модернизм) адабиёти таъсир ва ёндашув усулларининг миллий адабий жараёнга кириш келиши, адабиётнинг вазифаларига тамомила янгича қарашларнинг шакллана бошланиши каби ҳодисалар устида профессионал савияда қизғин муроқот, суҳбатлар қилди. Умарали Норматов бу суҳбатларда талантли ёшларнинг эстетик қарашларини, қизиқишлари доирағарини аниқлаш баробарида ўзи ҳам модернизм устида фикрлар билдириди. Модернизм тамойилларининг миллий адабиётимизга кириб келишини ёқлади ға изланишларни жўшқин ҳимоя қилди. Шу муносабат билан бундан ўттиз йил илгари бўлиб ўтган бир ҳарактерли гапни эслаб ўтиш ўринли. Умарали Норматов 1975 йили Аскад Мухтор билан суҳбатда адъбнинг эътиборини “Ҳаср услуги”, “янгича стиль”, “атом аспи услуги” борасида Гарбда бўлаётган гапларга қаратди. “Модернистлар, авангардистлар” деб ном олған буржуа олимлари, – деб айтади Умарали Норматов, – ўз аспарларини “санъатнинг сўнгги кашфиёти”, “новаторликнинг намунаси” деб агаётган бўлсаларда, улар адабиёт равнақига, бэдий тафаккур ривожига бирон жиддий янгилик қўшаётганлари йўқ. Чунки уларнинг аспарлари қаҳрамонлардан, қаҳрамонликдан тамомида ҳоли; бу хиладибтар адабиёт ва санъатнинг бош вазифаси – инсонни уз уғлаш эканини унтиб кўйганлар, улар инсон имкониятларига, келажигига ишонч туйғусидан маҳрумдирлар” (“Гўзаллик билан учрашув”, Т, 1976, 31-бет). Бу сўзларни шарҳимизга тортишдан аввал Умарали Норматов суҳбатларининг бирида ўзи босиб ўтган ижодий йўлига ўта таҳқидий назар ташлаб, тоғора билан чақалоқни ҳам улоқтириб юборганини ҳам кўриб ўтайлик. У суҳбатда айтади: “Ўзимча ҳомчўт қилиб чиқсан, уларниңг (ўз аспарларини демоқчи) деярли тўртдан уч қисми бугун аҳамиятини йўқотибди... Бугун уларни ҳеч кимга, ҳатто ўзимга ҳам

кераги йўқ”, – деб ўтмиш олдида хокисорлик қиласди. Аммо, албатта, ўз даврида ёзилган асарларга адабий ҳодисалар ва даврнинг хужжати деб қараш тўғрироқ бўлади. Шу маънода Умарали Норматов юқорида келтирилган парчадан ҳам воз кечмаслигини истардим. Йигирма беш йил илгари ҳукмрон мафкура шароитида айтилган сўзлар қанчалар ҳавойи ва кек-каймачоқликдек кўринмасин, уларнинг ҳозирги қарашларга чоғишириб кўрилса, адабиётимизда қанчалар ўзгаришлар бўлгани, қайта баҳолаш не миқдорга етгани ойдинлашади. Орадаң йигирма беш йил ўтиб, Умарали Норматов ёзади: “Воқеликнинг ўзида абсурд учун замин бор экан, воқеликни абсурддан иборат деб билувчилар, қолаверса, абсурд талқининг мойил китобхонлар мавжуд экан, бундай адабиёт яратила-веради. Абсурд асарларни хушламаслик, уларнинг муаллифлари билан баҳс-мунозара қилиш мумкин, аммо бир вақтлар бўлганидек, абсурд асарларга менсимай қараш, бундан ҳам ёмони, уни таъқиб ёки ман этишга уриниши қип-қизил жа-холатнинг ўзгинаси” (“Умидбахш тамойиллар”, Т., 2000, 10-б.). Таъқидчи ниҳоят адабий жараёнларнинг характерли ҳоди-саларини баҳолаш ва муносабат мезонларини аниқлашда тўғ-ри, холис, демократик йўлни топади ва уни маҳкам ушлайди. Фақат бу ва бошқа ўринларда ва умуман, баҳсларда абсурд ва модерн тушунчалари ўрнида авангард (авангардизм) тушун-часи қўллансанса, аниқроқ бўлади. Абсурд (абсурд-драма, экзис-тенциализм, сюрреализм, дадаизм, экспрессионизм, онг оқими, янги роман, фусункор роман, янги журнализм ва ҳ.о. яна ва.ҳ.о.) авангардизм оқимлари ичida бир оқим, бир сўқмоқдир. Авантгардизмнинг универсал адабий-техник усулларидан бит-тасигина, холос. Умарали Норматов ҳақиқий танқидчи эмасми, ўша 25 йил аввал айтган сўзида ҳам авантгардизмнинг нозик бир хусусиятини тилга олиб ўтади: “уларнинг асарлари қаҳ-

рамонлардан, қаҳрамонликдан ҳоли". Бу жуда топиб айчилган фикр. Зоро, қаҳрамонлардан ва қаҳрамонликдан ҳолили: авангардизмнинг бош масаласи. Бу унинг энг чуқур фалсафаси. Авантгард – ростдан қаҳрамонлардан, қаҳрамонликлардан онгли юз ўғиргағ, улардан безлансанъат. Машхур Роберт Музил бекорга ўзининг улкан романини "Хусус яти йўқ одаим" деб атамаган. Авантгард сохта қаҳрамонликла ә ва қаҳрамонларни инкор этди. Улар инсониятни фалокатга келтирди, деб англади. Биз ҳозирча Камюнинг "Бегона" ва 'Вабо"си, Кафанинг "Жараён", "Кўјргон"и ва бошқа бир-икки модерн йўналишдаги асарларни ўқиб, уларни миллий адабиёти мизга татбиқ этмоқчи, миллий адабиётдаги авантгард элементлардан кенг хулосалар чиқармоскчи бўлаёттирмиз. Бу юзакичилик. Авантгардизмнинг камида юз эллик йиллик буюқдан-буюқ тарихи ва тажрибалари мавқуд. Юз эллик йил ичидаги ғарб музикаси, тасвирий санъати, киноси, поэзияси, прозаси, фалсафаси социологияси, амалий санъат турлағи, меъморчилиги авантгард ёёлида қамраб олиб бўлмайдиган ғанг-баранг тажрибалар билан бойиди. Биз ғариб, тор, бирёзлама мағкуранинг ёмон қурбони бўлиб камида юз йил кечикиб авантгардизм ва унинг айrim эқимлари ҳақида фикрлай, қўрқиб-қўрқиб таржималағ қила бошлади. Ницше, Фрейд, Юнг ва улардан кейинги барча файласуфларнинг асарларини ёилмай, ўзлаштиrmай туриб авантгардизм ҳақида тузук-қуруқ гап юритиш мумкинми? Мумкиндирик балки. Лекин ҳозиргидек ўта юзаки, чала хаспўшланган гаплардангина иборат бўлиб қолмасмиш? Ёшлар жуде қизиқиб, уриниб-суриниб экспериментал поэзия ва прошанинг техник элементларини қўллашга уринишмоқда. Ҳолбуки, ҳали Жойс, Пруст, Беккет, Ануй, Ионеско, Фолкнер, Кортасар, Маркес ва бошқа ҳалл номи ҳам егиб келмаган йирик ижодкорлар, санъаткорлар тўғрисида баъдий, фалсафий тасаввуримиз йўқ.

Гап янгиланиш ҳақида кетяпти. Умарали Норматов юқоридаги фикрларини давом эттириб түғри бир холоса чиқаради: “Реализм бошқа ижодий-фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан, абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади”, – дейди (“Умидбахш тамойиллар”, ўша саҳифа). Бу ерда ҳам гап абсурд устидагина эмас. Гап тўла маънодаги авангардизм устида кетяпти. Авангарднинг миллий адабиётимиздаги илк тажрибаларидан кескин ва катта хulosалар чиқарвермаслик, хulosалари билан китобхонларнинг таъбини қайтариб қўймаслик зарур, деб ҳисоблаймиз. Умарали Норматовнинг Жаббор Эшонқул билан суҳбатида авангардизм ҳодисаларига маҳаллий қолип ва андозалар билан ёндашмаслик тўғрисида нозик бир фикр ўтади. Биз авангардни илк ўрганиш ва илк амалиёт босқичидамиз. Бу соҳада кўп ўқиб, кўп таржималар қилиб, кўп ва хўб фикрлай борсак, янгиланишларимизда яхши қатижаларга ҳам етиб борамиз. Лекин Умарали Норматов минг бора ҳақ. Янгиланишга бўлган интилишларни қутламоқ керак. Ҳар бир оқим, ҳар бир услубнинг сўз оламида ўз ўрни бор. Ким нимага қодир ва омил бўлса, шу йўлда ёзсин. Адабиёт эркин. Қайси йўлда ёзилмасин, фақат уятсизлик, ахлоқсизлик, зино садоси ёмон. Мана бу нарсаларни қатъий тарзда қабул қилиб бўлмайди.

Умарали Норматов коллективлаштириш – ўз тузумининг янгилиги – шиддат ва зўрабонликлар билан кириб келаётганида туғилди. У туғилиб шундай ижтимоий янгиликлар тўлқинларига дуч келди. Унинг янгиликка ташналиги, ўчлиги, орзу-мандлигини олисроқдан бўлса ҳам, ўша туғилган йилларидағи шароит билан балки андак изоҳлаш ҳам ўринилди. Танқидчи-мизнинг кейинги китоблари, рисолалари ва ҳам унинг янги фикр уфқларига чиққанлигини кўрсатмоқда. Айниқса, “Қодирий боғи” ва “Қаҳҳорни англаш мashaққати” қодирийшу-

нослик ва қаҳҳоршуносликда янги сўз туғилганлигини билдирамоқда. Бир пайтлар В.Вересаевнинг “Гоголь ҳаётда” ва Лия Розенбюлмнинг “Достоевскийнинг ижодий кундаликлари” тадқиқотларини ўқиб беҳад мутаассир бўлган эдим. Оташин тадқиқотчимизнинг “Қодирий боғи”, “Қаҳхорни англаш...”ини ўқиб шунчалар суюндим. Юлдузга миниб олган Кичкина шаҳзода поёнсиз оламни кезаркан, унинг кашфиётлари ҳеч қачон тугамайди деб ўйладим ва яна адабиётнинг боқий қурратига тан бердим.

2005

**Хаҷриддин СУЛТОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
давлат маслаҳатчиси, ёзувчи, публицист**

**“УКАСИНИНГ ОТИ НИМА ЭДИ?”**

Адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматов кўнгилчан, юишоқ табиатли одам.

Домла бир куни филология факультети сиртқи бўлим тала-баларидан имтиҳон олаётган экан. Ўрта яшар бир жувон саволларнинг бирор тасига ҳам жавоб беролмасдан хижолат дарёсига ботибди.

Домла аёлнинг содда кийиниши, пардоз-андоздағ, холи қиёфасига разм солиб, унинг қишлоқдән келган ўқитувчи эканини сезибди. Бечоранинг ҳойнаҳой и ски-учта боласи ҳам бўйса керак, бунинг устига, яна ҳомиладор та ҳам ўхшайди.

Мўлтираб турган талаба га раҳми келиб, бир амаллаб “уч” қўйиб бермоқчи бўлибди.

– Синглим, шошилманг, – деб гап бошлиабди Умарали ака, – кўриб турибман, тайёргарлигинги бор, сал ҳаяжонланяпсиз колос. Мен сизга оддий бир савол бераман, жавоб берсангиз бўлди, имтиҳондан ўтасиз, хўпми?

Талаба жоғдираб, раҳматайтибди.

– Қани, айтинг-чи, Абдула Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртактар” қисссасини ўқиганмисиз? – деб сўрабди домла.

Аёл ўйлағиб қолибди. ‘Ўқимаганман’, деса, имтиҳондан ийқилади, “ўқиганман” деса..

– Ўқигансиз, албатта ўқигансиз, дебди Умарали ака унга ҳалда бериб, бу асар мактаб дастурида ҳам бор. Хўп, әна шу қиссадаги бош қаҳрамоннинг оти нима эди?

Аудиторияда ўтирган курсдошларидан бири домлага сездирмасдан, секин девордаги Абдулла Қаҳҷорнинг портретига ишора қилибди.

– Абдулла Қаҳҷор, – дебди талаба шошиб-пишиб.

– Ҳа, яшанг. Айтдим-ку, ўқигансиз, биласиз, деб, – дебди домла суюниб. – Хўп, энди айтинг-чи, бош қаҳрамоннинг бир укаси бўлади, унинг оти нима эди?

Аёл пешонасини тириштириб, яна узоқ ўйланиб қолибди.

– Эсланг, эсланг, -деб ёрдамга келибди домла.

– Ўша укаси оғир касал бўлиб қолади, табиб жигар кабобининг селини оғзига томизишни буюради. Эсингизга тушдими? Лекин ота-онаси қанча ҳаракат қилмасин, бола бечора жон талвасасида қийналиб ўлади...Хўш, ана шу қаҳрамоннинг оти нима эди?

Талаба жувон у ёқ-бу ёққа мадад излаб аланглабди. Бояги курсдоши секин домлани қўрсатиб ишора қилибди. Аёл ишонмасдан унга савол назари билан қараса, курсдоши бошини ирғаб, гапини тасдиқлабди.

– Хўш, топдингизми? – деб сўрабди Умарали ака.

– Топдим, топдим! – дебди талаба қувониб.

– Хўш оти нима экан ўша шўрпешона қаҳрамоннинг?

Аёл тантана билан:

– Умарали Норматов! – деб хитоб қилибди.

“Ўтмишдан эртаклар”ни ким ўқиган бўлса, билади: қаҳрамоннинг оти ҳақиқатдан ҳам Умарали, лекин Умарали Норматов эмас.

**ИЖОДКОР  
ҚАЛАМ АҲЛИ  
ЭҲТИРОМИ**

*Одил ЁҚУБОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## ТАНҚИДЧИННИГ КАМОЛОТИ

Баъзан адабиёт аҳли орасида “ҳозир танқидчи бўлиш қиин, танқид қилиш осон эмас”, деган гаплар эшитилиб қолади. Камина бу гапларга сира қўшила олмайман. Нега? Чунки бирорта мажлисда минбарга чиқиб, танқид керак эмас, деб гапирган бирорта одамни кўрмадим, танқид хушламаган бирорта ёзувчини учратмадим.

Дарҳақиқат, шахсан мен танқидчилар ҳақида ўйлаганимда ҳалқимизнинг “дўст ачитиб гапирав, душман кулдириб” деган доно нақлини эслайман. Албатта, ачитиб гапиришдан қулдириб гапириш, бошқача айтганда, танқид қилишдан кўра мақтov сўзларини айтиш осонроқ. На чора, ожиз банда, аччиқ ҳақиқатдан кўра сохта бўлса ҳам мадҳияю ҳамду саноларни кўпроқ хушлар экан. Лекин табиатнинг адолатли томони шундаки, ҳаёт учун фақат ширинлик кифоя қилмаскан, ҳаёт учун ҳамма неъматлар, жумладан, қалампир ҳам зарур бўларкан. Ҳатто заҳар ҳам агар у меъёр билан ишлатилса, ўлим келтиргувчи оғудан инсонга шифо келтиргувчи дорига айланаркан. Ҳамма гап меъёрда экан.

Фикримча, бугун элликка кирганди танқидчи олим ва профессор Умарали Норматовнинг бир фазилати шундаки, у танқид аталмиш аччиқ қалампирнинг меъёрини жуда яхши билади, билгани учун, баъзи танқидчиларга ўхшаб бу бадҳазмроқ неъматни қадоқлаб эмас, мисқоллаб ишлатади, уни ўз асарларига мисқоллаб солади. Шу боисдан Умарали Норматовнинг танқидлари бадҳазм эмас, ҳазми енгил, хушбўй-хуштаъм емишни эслатади. Эллик ёш – адид ва олим учун яхши сана,

яхши ёш, яхши тўйдир. Тўйда эса жиддий гаплардан кўра кўпроқ кулги, ҳазил-мутойиба қилгиси келади киши. Аммо гапнинг чини шуки, каминага ўхшаб мушкул қишлоқ муҳитидан „ўрмалаб” чиғқан оддий қишлоқ йигити Умарали Норматов бугун таникли ўзбек олими даражасига кўтарилиди. Ўнлаб китоблар ёзди, фан доктори деган унвон олди, профессор бўлди. Биз Умаралини кўнглимизга яқин олганимиз учун, уни бирда ука, бирда дўст деб юрганимиз учун гоҳо ҳаддимиз сиғиб ҳазиллашиб ҳам кўямиз, аслида эса... Умарали Норматоे ҳазилакам олим эмас. Бугунги ўзбек танқиҷилигини Умарали Норматовсиз, унинг юзлаб танқидий мақолалари, ўнлаб танқидий китобларисиз тасавур этиш қишин.

Албаттa, дўстим Умарали келгуси асарларида танқид деган ҳазми оғир неъматнинг мисқолини янада камайтиrsa яна ҳам яхши бўларди каминага ўхшаган қалампиҶга тоқати йўқ; адиблар учун айни муддао бўларди. Умуман, барча танқидчи дўстларимиз меъё масаласида Умарали Норматовдан ибрат олишса ёмон бўлмасди.

Дўстим, Умарали! Ҳорманг, доим бор бўлинг. Сиз бе қалампир, хушбўй-хўштаъм асарларни кўпроқ ёзаверинг, биз уларни ўқиб курсанд бўлиб юраверайлик! Омон бўлинг, дўстим!

1981

Я:

*Худойберди ТЎХТАЛОЕВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

**ЖЎШАВЕР, ДЎСТИМ!**

Ушбу қайдимга сарлавҳа қўйишга, рости, хийла қийналдим. Умаралининг адабиёт деб аталадиган бу поёнсиз дунёда салкам 40 йилдан буён гоҳо ўзида йўқ даражада қувониб, гоҳо йиғламоқдан бери бўлиб куйиниб шу олам ҳақи ва ҳақиқати учун тер тўкиб, тинимсиз курашиб келаётганига гувоҳ бўлганим учун унга, яъни шу қайдимга “Кўзи ўткир танқидчи”, “Истеъдод мураббийси”, “Бадиий ҳақиқат жангчиси”, “Тезкор олим”, “Мазмунли кечеётган умр” сингари талай сарлавҳаларни ҳам фикримдан ўтказдим-у, лекин ҳаммасини жамлаганимда ҳам менинг тасаввуримдаги адабиётшунос олимни, лоақал унинг айрим моҳиятини ҳам ифодалай олмас экан.

Чиндан ҳам, бугунги нотекис чайқалиб турган адабиётшуносликни, талашув-тортишувлар билан кечаётган адабий танқидни, гоҳ шаклланиб, гоҳ босиб ўтган йўлидан кўнгли тўлмай ҳамма ишни яна қайтадан бошлаётган адабий мактабимизни профессор Умарали Норматовсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан бир неча йиллар муқаддам Умарали фан докторлигига диссертация ёқлаётганида иштирок этгандим, ўшанда оппонентлардан бири бўлмиш зукко ва фозил олимларимиздан Азизхон Қаюмов сўз олиб “Кўлимиздаги муҳр билан тасдиқланган ушбу рўйхатга қараганда даъвогар Умарали Норматовнинг шу кунгача 400дан ортиқ мақоласи, назарий, бадиий тадқиқоти эълон қилинган. Холис айтганда, ушбу материаллар 4 фан олимининг публикациясига етиб, яна ортиб қолиши ҳам мумкин. Ҳамон шундай экан, бу йигитга овоз бермаслик инсоф ваadolatdan ташқаридир” деган эди.

Ўша ҳаяжонли дақиқаларда залда хозир бўлган катта-  
кичик олимлари, ҳаваскорлар Умаралининг унумдорлигию  
гезкорлигига, адабиётда тўпланиб қолган муаммоларга чукур  
назар ташлай олишигаю кеңг таҳлил қилиш қобилиятига тан  
бериб, қарсак чалишган эди. Ўша қутлуғ дамлардан буён,  
менинг назаримда, Умаралининг нотекис бораётган адабиёти-  
мизга бўлган муносабати, кистукларидан қувониши, камчилик-  
ларидан қайғурин тажанг ҳолатга кириши ўн чандон оштандек  
бўлди.

Танқидчиликни бадий адабиёт оламига беркинган гўзаликни ахтарувчи, кашф қилувчи, ҳаёт ҳақиқати билан бадий  
ҳақиқатни таққослаб берувчи ҳакам ҳам дейдилар. Ҳакамнинг  
бир қўлида ҳақиқат бошқа қўлида адолат тарозуси бўлиши  
керак экан. Талабчанлик билан меҳр-шэфқат шу тарозулар  
палласига тош бўлар экан. Ери вазминроқ бошқаси ені илроқ  
бўлмаслиги шарт экан.

Умарали Норматов Саъдулла Кароматовнинг ромәнлари  
қусусида қаттиқ танқидий гаплар айтиб, эртасига муаллиф-  
нинг ҳузурига келиб кўнглини кўтариб янги-янги асарлар  
ззишга рағбатлантирганига гувоҳ бўлганман. Ўқтам Усмонов  
қиссаси муҳокамаси палласида ҳеч кимга ён бермайдиган  
нуқтадан қаттиқ туриб олиб, асарнинг бадий мукаммал бў-  
лиши учун курашиб, муаллиф билан жиҳдий тортишганини  
кўрганман. Шу асар ишланиў чоп этилганида кўнгилни тоғдек  
кўттарувчи тақризни ҳам энг аввал Умаралининг ўзи ёзган.

Умарали Норматовнинг феъл-автори дунёқарashi, руҳий  
дунёсини яқиндан кузатиш имкониятига эга бўлганман.  
Ғалати-ғалати сдатлари бор унинг: олисдаги курорт, дам олиш  
уйларига камдан кам боради – менинг йўнлигимда бирон асар  
пайдо бўлса, бехабар қоламан деб кўрқади. Машина минмайди  
– пиёда юрсан адабиёт ҳақида кўпроқ хаёл суриш имкониятига

эга бўламан деб ўйлади. Тантаналар баландпарвозликларни хушламайди: ҳаётимдаги энг катта тантана – адабиётда яхши асрнинг пайдо бўлиши деб билади. Жўнроқ асар пайдо бўлиб қолса, ҳафталаб уйқуси қочиб уҳ тортади. Уй-рўзғор, турмуш безакларига унча қизиқмайди – дилни яиратиб руҳни чароғон қиласидан қувончни катта адабиётдан қидиради. Оиласини кооператив адабиётчилар кичик уюшмаси деб атаса ҳам бўлади. Янги асар пайдо бўлса, хотини, ўғиллари, қизи – ҳаммалари тенг ўқишади муҳокамасига ҳам баробар иштирок этишади...

Умарали билан гарчи тенгқурман, ундан ўрганаман. Уни талабчан содиқ дўст деб биламан. Баҳслашганларимизда айтган фикрларига гарчи кўпинча амал қилмаган бўлсан-да бир хиллари эсимда қолган: Қудуқдан ҳар куни сув тортиб турмасанг, сув қуриб, ўйр бўлиб қолади. Ижодкор ҳам ҳар куни машқ қилмаса, ё қурийди, ё бемаза бўлиб қолади. Йиғлаб ёзсанг, йиғлатасан, кулиб ёзсанг, кулдирасан. Турмуш ҳақиқатини чала билсанг, тўла бадийи ҳақиқатдан умидвор бўлма. Қалбдан айтилган сўзгина қалбга боради. Миллатга маъкул бўлмаган асар узоқ яшамайди....

Гапим чўзилди, дўстни мақтаганда киши кўпинча ўзини мақтаётгандек бўлади, деган гап бор. Лекин ундей бўлганда ҳам, бундай бўлганда ҳам, профессор Умарали Норматов бугунги адабий танқид, адабиётшунослик илмининг катта муаллимларидан, катта муддарисларидан бири эканлиги ҳақиқатдир.

Мудрай бошлаган шеърият катта ўзгаришга ҳомиладор бўлган наср оламига 80-йилларида шиддат билан гуриллаб кириб келган истеъдодларнинг туғилиши ва шаклланишида профессор дўстимизнинг меҳрибон мураббийлардан бўлганилиги ҳам ҳақиқатдир.

Григол Абашидзенинг “Ялдо кеча” романыда шундай бир павҳа бор. Жаюлиддин ғаддор мӯғул қўшинлари билан ёнгги кучи қолгунча жанг қилади. Охири якка ўзи қолиб, садоқатли тулпорини төпалиқдан сағратиб асов Аму тўлқинларидан эсон-омон ўтиб олади. Манзарани кузатиб турган Чингизга қамчи ўқталиб “Шошмай тургин ҳали онангни кўрсатиб қўяман” дейди. Ҳаяжонлашиб кетган Чингиз ёнида ҳомуш турган ўғилларига қарата: “Ҳар бир отага охиригача жанг қиладиган ана шундай фарзанд керак!” - дея хитоб қилади. Айтмоқчиманки, ҳар бир адабиётга бадий ҳақиқат ва ёдий гўзаллик учун охиригача жанг қиладиган профессор Умарали Норматовдек фарзандлар кезак.

*Хуршид Дўстмуҳаммад,  
журналист, ёзувчи,  
филология фанлари доқтори*

## ЗАМОН ВА АДАБИЙ МЕЗОН

XX аср узоқлашгани сари миллий адабиётимиз ўша даврда бошдан ўтказған “кечмиш”лардан бугунги ва эртанги кунимиз учун асқотадиган тажрибалар ёдга тушади. Зоро, ёппасига олқишлиш ёки ёппасига воз кечиш бадий тафаккур табиятига зид келади, бинобарин, у муттасил саралайди, муттасил керагини нокерагидан ажратади.

“Адабий жамоатчилик”, “адабий жараён” “адабий муҳит”, “адабий кайфият” тушунчалари бор эди, ушбу ҳолатлар “объаво”сини белгилаб тургувчи омиллар кўп эди. Ўз-ўзида н бўлмасди бу албаъта.

Шу кунги жараёнга ҳамнафас юришнинг энг синалган, энг мақбул ва энг “суяги қотган” жанр – тақриз эди. Тақриз жанрига ихтисослашган адабиётимиз билимдонлари борки, уларнинг газета-журналда эълон қилинган мақолалари интизорлик билан ўқилар, мунозараларга, мубоҳасаларга сабаб бўларди. Ўхшатиб таърифланганидек, танқидчилик, жумладан тақризниваслик ижодкорлар ҳамда кенг китобхонлар, адабиёт муҳлислари орасида мураббийлик вазифасини ўтар эди. Ушбу қайноқ жараённинг етакчи ва фаол вакилларидан бири шубҳасиз атоқли адабиётшунос олимимиз Умарали Норматов эди.

Домла асрнинг қоқ ўртасида, 1952 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, илмий раҳбари бўлмиш Озод Шарафиддиновни ҳар жиҳатдан ўзига устоз деб биларди. Озод Шарафиддинов ҳақидаги хотираномасида домла, “Ярим аср давомида бу улуғ зот танқидчилигимизнинг карвонбошиси – лидери бўлиб келди” деб эътироф этган бўлса, айни шу таърифни Норматов домланинг ярим асрдан зиёд фаолиятига нисбат берсак ҳам янгишмаймиз. Озод домлани “танқидчиликни санъат деб билган” дея улуғлаган таъриф Умарали аканинг танқидчилик миссиясига ҳам узукка кўз қўйгандек ярашади.

\* \* \*

Улкан олимнинг сермаксул ижод йўлини муҳтасар таърифлашнинг иложи йўқ албатта. Хотираларни ихчамлаштиришга ҳаракат қилинган тақдирда ҳам таассуротлар тўқис қофозга тушмаслиги табиий.

\* \* \*

Ўтган асрнинг иккинчи ярми ва амалдаги асрнинг дастлабки ўн йилликларида ўзбек ҳикоянавислиги жуда катта йўлни босиб ўтди. Насрнинг бошқа салмоқли жанрлари имконият-

тарини эътироф этган ҳолда ҳикоя оламининг сехри, жозибаси, фалсафаси ўзга бир дунё, ўзга бир сайёра. Ҳикоячилик силсиласида ҳуҳр топган ўзбек бадиий тафаккур салмоғини тош-тарозига солиш ҳам катта илмий сатоҳият ва меҳнатни галаб қилиши муқаррар.

Домла Умарали Норматов синчков ҳикояшунос эди. Сўнгги 50 йил мобайи ида яратилган бирорта сара ҳикоя, ҳикоя майдонида кузатилган изланиш, янгилик деймизми, тенденциялар деймизми, Норматов домланинг диққат эътиборидан четда қолмаган. Буни қарангки, утознинг ҳётлик чоғида ёзилган, ‘Сарчашма мавжлари’ тўпламида чоп этилган сўнгги мақолаларидан бири “Жаҳонга бўйлашиб” ҳам ҳикоя таҳлилига бағишиланган эди.

Мақоланинг илк жумлаларида адаб ётимиздаги мухим бир ўзгаришга ургу берилга ю. “Собиқ Итти фоқ замонида, – деб ёзади муаллисо, – миллий адабиётимизниң бўй-бастини айни шу иттифоқ дэирасида адабиёт бобидаги жараёнларга қиёсан баҳолаш одат тусини олган эди”. Дарҳақиҷат, бадиий мезон ва әндозалар миқёси анчайин тор ва бирёз ама эди. Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан эса “Миллий заминда қатъий турган ҳолда жаҳон адабий-бадиий тафаккури жараёнлари билан бўйлашишга интилиш бугунги кунда ижод аҳлининг этакчи маслагига айланиб улгурди”. Яъни, бадиий мезон ва әндозалар миқёси дунё қадар кенгайди ранг-баранглашди, гаъбир жоиз бўлса, бадиийлашди.

Тўғри, Умарали Норматовнинг мунаққид сифатидаги фаолиятида жаҳон адабиётига бўлган ҳурмат, эътибор, унинг аҳамиятини таъкидлашга мойиллик тўсатдан ёхуд фақат мустақиллик йилларидагина пайдо бўлгани ю. Устоз олим бу борада ҳам илмий раҳбари Озод Шарафиддинов изидан борди ва ҳамиша жаҳон адабиётида, хусусан, ҳикоячилигига кузати-

ладиган бири-биридан қизиқарли, бири-биридан ранг-баранг изланишлар, бадий кашфиётлар ошуфтаси сифатида мулоҳазалар билдириди.

Бундан роппа-роса 50 йил муқаддам нашр этилган ва домланинг ижодида алоҳида ўрин тутган “Насримиз уфқлари” китобидан олинган қуидаги кўчирмани кўрайлик: “Янги ғоявий мотивлар ҳамиша ўзига мос бадий ифодаларни тақозо этади. Зиддиятли давр ҳақидаги, инсон шахсияти ва эрки ҳақидаги жиддий, эҳтиросли ўйлар адабиётда “субъектив” тасвириларнинг кучайишига туртки берди, бу ҳол проза ривожига янги бир тўлқин олиб кирди, прозадаги лиро-публицистик, шоирона романтик услубий йўналиш шу тариқа жонланиб кетди”.

Проза ривожига янги бир тўлқин олиб кирган “субъектив” тасвири замираидан мавж урган тўлқинни ниҳоятда нозик илғаган эди устоз мунаққид. Бу тенденция ўтган асрнинг 70-йиллар охири ва 80-йилларнинг бошларида яратилган ҳикояларда бадий концепция мақомига кўтарилигани яққол кўзга ташланди. Хусусан, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Темур Пўлатов сингари таниқли адиллар қаламига мансуб ҳикояларда қаҳрамоннинг руҳий-субъектив дунёсини ўрганишга мойиллик кучайди. Таҳлил чукурлашди. Бошқача айтганда, зоҳирий воқеликлар тасвиридан кўра ботиний руҳий эврилишлар, шахснинг илғаш қийин бўлган изтироблари, муносабатлар мураккаблиги турфа ишоралар, ташбеҳлар воситаси-ла кўрсатишга уринишлар миллий ҳикоянавислик ўзанларини бойитди. Хусусан, 80-йиллардаги ўзбек насли ривожига, жумладан ҳикоянавислигига Лотин Америкаси мамлакатлари, Европа, Болтиқбўйи, Грузия.. япон адабиёти намоёндалари ижоди сезиларли таъсир кўрсатди. Бу жонланиш нафақат адиллар, балки танқидчилигимиз ва адабиётшуносларимиз ижодига ҳам янги тўлқинлар олиб келди.

Биз назарда тутаётган янги тўлқин Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Йўлдошали Солижонов каби атоқли устоз мунаққидларнинг бадиий асарга бўлган ёндашувларини ўзгартира бошлади.

\* \* \*

“Жаҳонга бўйлашиб” мақоласи шу маънода яхши мисол бўлади. Умарали ака кейинги йилларда яратилган бир неча ҳикоя мисолида ўзбек ҳикоянавислигининг жаҳон ҳикоячилиги билан бўйлашадиган намуналарини ўзига хос ҳайратлар билан таҳдилга тортади.

Демак, мунаққид Одил Ёкубовнинг “Онаизор” ҳикоясини ҳис-хаяжонда энтикиб, ўзини босиб олиш учун бир неча бор орада танаффус қилиб ўқиганини яширмайди. Ҳатто таникли адабимизнинг волидасини ҳаётда кўрганини, “муштдеккина” онахон билан ҳамсұхбат бўлгани ва бошқа хотираларни эслайди. Бадиий асар таҳлилига реал ҳаётий воқеа манзараларини қўшиш кўплаб мунаққидлар қатори Умарали Норматов таҳдил услубига ҳам хос, бундай ёндашув билан устоз бадиий асарнинг, бу ўринда “Онаизор” ҳикоясининг ҳаётий замини пухта эканлигини далиллашга ҳаракат қиласди. Ҳикоядаги она қатағон йилларининг бегуноҳ қурбони бўлиб кетган турмуш ўртоғидан қолган беш фарзандни тарбия қилиб, вояга етказишида яна бир дунё ҳаёт машаққатини бошдан кечиради. Табиий, буларни Одил Ёкубовдек тажрибали адаб ўхшатиб тасвирлайди. Танқидчимиз хулоса сифатида, “Бу хил ҳаётий матонат, жасорат қисссасини жаҳон аҳли билиши керак... “Онаизор” ҳикояси шуниси билан қимматли” деган тўхтамга келади.

Шу ўринда мақолада Саид Аҳмаднинг рафиқаси Саида Зуннунова ўз даврида жасорат намунаси кўрсатганига бағишлиланган ёдномасини, беларус адебаси, Нобел мукофоти соҳиба-

си Светлана Алексиевичнинг машхур асарини ҳам тилга олади ва, эътибор берайлик, "...мазкур ҳайрат; меҳр-муруват туйғуси билан йўғрилган, мислсиз матонат; чексиз садоқат қиссалари, ижодий фантазия маҳсули эмас, чин ҳақиқат ифодаси экани билан қадрли" (Таъкид бизники. – Х.Д.) эканига урғу беради.

Мақолада тилга олинган бошқа ҳикояларнинг ҳам қиммати айни ушбу мезондан, яъни уларда ҳаёт ҳақиқати нечоғли айнан тасвирланганига кўра кўрсатилади. Чунончи, Шаҳодат Исаҳонованинг "Болакай" ҳикоясида Америка шаҳарларидан бирида юз берган воқеа, Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Даҳшат" ҳикоясида халқимиз ҳаётида ҳамон учраб турадиган ирим-сириларнинг аянчли оқибати, Жўра Фозилнинг "Севги" ҳикоясида Афғон уруши манзаралари маҳорат билан тасвирлангани мазкур ҳикояларнинг жаҳон адабиёти билан бемалол бўйлаша олишига асос берувчи маҳорат белгилари қаторида санаб ўтилади. Мухаммад Шарифнинг "Бола" ҳикоясида эса устоз Норматов Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кечган оғир болалик даврини ёдга туширгани билан қимматли эканини қувонарли ютуқлар сифатида тилга олади.

Мунаққид Назар Эшонқулнинг "Бепоён осмон" ҳикоясини таҳлилга тортар экан, юқорида биз таъкидлаган ўз таҳлил услубидан келиб чиқиб, ҳикоя "...воқеалари айнан ҳаётда бўлиб ўтганми ёки тўқимами – бирор нарса дея олмайман" дейди. Табиий савол туғилади: бордию, "Бепоён осмон" ҳикоясида адид тасвирлаган воқеа ҳаётда бўлиб ўтмаган бўлса-чи? Назар мутлақо тўқима образ яратган бўлса-чи?

Бу ва бу каби саволни мен эмас, ҳозирга пайтда адабиётга кириб келаётган бошловчи қаламкаш берса асло ажабланмаймиз. Чунки бадий ҳикояни баҳолаш мезонлари ўзгармоқда, адабиётимиз ўзгармоқда. Шу тариқа ўзгараётган, янгиланаётган асарларгина жаҳон адабиётига бўйлашиш даражасига ет-

моқда. Умарали Норматов домла Назар Эшонқул ҳикоясининг ўзига хос жиҳатларини қўйидагича жуда тўғри асослайди: “Асарнинг... бугунги замоннинг дунё кўрган етук одами – ўғлони тилидан сўзлаб берилиши, унинг сўзлаш тарзи, оҳангি, жумлалар тузилиши, юз, икки юз, ҳатто икки юз эллик сўздан, ўнлаб эргашган гаплардан ташкил топган матн ҳикояга ўзгача рух, ҳаётийлик бахш этган; ровийнинг ҳикоя, ифода тарзида жаҳон замонавий адабиёти, санъати билан таниш одамнинг кайфияти, фикрлаш, сўзлаш йўсими, бугунги жаҳон насли тажрибаларининг акс-садоси, онг оқими жилвалари баралла сезилиб турибди”.

Кўринадики, ғоятда катта ҳаётий тажрибага эга адабиётшунос домла ҳикояни баҳолашга анъанавий ёндашув мезонларини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда. Бошқача айтганда, ҳикоянинг маҳорат билан ёзилганлиги унда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаётий реалликка айнан ўхшашлиги билан эмас, балки ҳаёт ҳақиқати нечоғи бадиий ҳақиқатга айлангани билан баҳоланмоғи кераклигини англаб етмоқда.

Шунинг ўзи устоз танқидчи бадиий тафаккуридаги ўзгариш, янгиланиш сари қўйилган қадам эди.

\* \* \*

Ўтган аср ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги, танқидчилиги ҳақида, уларнинг ҳозирги кун адабий тафаккуrimиздаги аҳамияти хусусида сўз борар экан профессор Умарали Норматов сингари устоз олимларнинг ижодий йўли, мероси диққат марказимизда бўлиши табиий. Сўзимизнинг бошланишида тилга олинганидек, танқидчилик, хусусан, тақризnavислик анъаналарининг энг яхши жиҳатларини сақлаб қолиш, замонга яраша такомиллаштириш, бир томондан, адабиётимиз равнақи учун, иккинчи томондан, бадиий адабиёт тарғибо-

тини, саводхонлигини йўлга қўйишда, бадий дид тарбиясида фақат ва фақат наф келтиради деб ўйлаймиз. Зеро, айб жанрда эмас, айб – мавжуд жанр имкониятларидан унумли, самарали фойдалана билмасликда, унинг маърифий имкониятларини йўққа чиқаришда.

“Адабий танқид, – деб ёзади таниқли адабиётшунос олим, профессор Ҳамидулла Болтабоев, – бадий ижодга нисбатан кейинги ҳодиса саналса ҳам, айрим бадий асарларнинг узоқ яшаб қолиши нафақат ўша бетакрор асарлардаги истеъдод қуввати, балки уни талқин ва таҳлил қилиб, замонлар оша китобхонларга етказиб турадиган мунаққид ва адабиётшунослар заҳмати туфайли ҳамдир”. Олим миллий танқидчилигимизнинг юз йиллик тажрибаларини умумлаштира туриб, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Вадуд Маҳмуддан бошланган, Иззат Султонда давом этган устозлар номларини ёдга олар экан, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Қўшжонов каби давомчилар қатори мақоламиз қаҳрамони Умарали Норматовнинг “хиссий-импресив талқин усули”ни жуда тўғри ва аниқ таъкидлайди. Жонкуяр адабиётшунос олимларимиздан Нусратулло Жумаҳўжа ҳам, “Айтмоқчимизки, адабий танқиднинг ўз яшовчи муҳити бўлади. Қани энди бундай муҳит, бундай ташкилотчилик?” дея ўша унугилаёзган муҳим ва ардоқли анъаналаримизни ҳақли равишда қўмсайди, профессор Қурдош Қаҳрамонов танқиднинг адабий жараёндаги ўрни қанчалар муҳимлигини атрофлича асослайди.

\* \* \*

Устоз Умарали Норматов инсон сифатида бағрикенг, дилтортар, дилхуш инсон эдилар. Ушбу инсоний ҳислатлар у кишининг адабиёт, бадий ижодга бағишиланган барча-барча асарларида барқ уриб турарди. Уларни ўқиган нафақат ижод

аҳли, балки улар қатори адабиёт шинавандалари ҳам бадиий, маънавий-маърифий баҳра олар эдилар...

*Исајсон Султон,  
Ўзбекистон халқ ёзуучиси*

## **УСТОЗ ДУОСИ**

Домла Умарали Норматовни талабаликнинг биринчи курсидаёқ таниганимиз.

1985 йил. Журналистика факультети ҳозирги Миллий университет ректоратига ёндош бинонинг биринчи, филология факультети эса тўртинчи қаватида жойлашган бўлиб, "фил-фак"нинг аксарият муаллимлари ўз талабаларидан ташқари, бўлғуси журналистларга ҳам адабиёт фанидан таълим беришарди.

Бизга филология факультетидан келиб дарс ўтган илк устоз – профессор Абдуғафур Расулов бўлганлар. Домланинг викору савлати, дунёқараши ва билими барчамизни ўзига маҳлиё қилиб олган бўлса, кейинчалик тилшуносликдан Сайёра Низомиддинова, мумтоз адабиёт тарихидан Ёрмат Тожиев, таржима назариясидан Нажмиддин Комилов ва Тилак Жўра таълим беришди.

Адабиёт фани журналистикадан кўра филология факультетида чуқурроқ ўқитилиши табиий. Гарчи журналистикада ҳам ўз фанининг устунлари – Анвар Шомақсудов, Очил Тоғаев, Ирисали Тошлиев, Тоҳир Пидаев, Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров, Мухтор Худойкулов, Абдулла Сайфиддинов, Қудрат Эрназаров, Воҳид Абдуллаев, Жамила Шермуҳамедова, Муҳаммаджон Бобоҷонов, ўша пайтда ёш тадқиқотчилар си-

фатида танилган, бугун ўзлари ҳам катта устозларга айланган Юсуф Ҳамдамов, Шавкат Ибрагимов, Тўлқин Эшбек, Ёкутхон Маматова, Рамзиддин Абдусатторовлар фаолият кўрсатишса-да, ижтимоий воқеликка кўпроқ ургу бериладиган бу соҳа олдида адабиёт мангулик фанидай туюлар, шу сабабли, фил-фак домлаларининг бизга дарс бериши омадимиз келгани экан.

Филология факультетининг порлоқ юлдузлари - Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Бегали Қосимовларнинг дарслари шу қадар тифиз эдики, деканатдан ҳар қанча сўрасак ҳам, улар бизгача “етиб келишолмасди”. Уларни танирдигу ён-ларига боришга журъат қилмасдик. Филология факультети-нинг довруғи шу қадар эдики, устоз муаллимлар дарс ўтишса, аудиториялар талабаларга тўлиб кетар, кириб ўтиришга жой топиб бўлмасди. Бир қанча “журфак” талабалари азбаройи қизиққанимиздан Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Раҳмон Қўчқорларнинг дарсига кириб, маъruzalарини қулоқ қоқмай тинглаганмиз.

Агар университетда шу улуғ устозларнинг маъruzalарини тинглаш насиб этганини бир омад десак, 1990-йилда тақдир яна бир омад эшигини очди: мен “Шарқ юлдузи” журналига ишга қабул қилиндим. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик, таниқли адаб, шоир, таржимон ва публицистлар – Носир Фозилов, Омон Мухтор, Муроджон Мансуров, Тоҳир Қаҳҳор, Турсунбой Иброҳимов, Асад Асилов, Икром Отамурод, Алиназар Эгамназаров, Ортиқбой Абдуллаев, Асқар Ҳайдаров, Музаффар Аҳмедов, Мамаражаб Имомов, Соғир Алимов, Юсуф Абдуллаевлар билан ишлаш насиб қилди. Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирида “норасмий” ижарада турганимиз боис, қадрдан “журфак”даги устозлар ва ҳамсабоқлар билан бирга, “филфак”дан Раҳимжон Раҳмат,

Улуғбек Ҳамдам, Улуғбек Султон, Музаффар Солижонов, Абдумурод Тиловов, Муҳаммад Собир, Шермурод Субҳон каби ажойиб дўстларимиз билан мулоқотлар ҳам давом этди. "Шарқ юлдузи"даги қайноқ адабий жараён туфайли университетдаги устозларимиз билан кўришиб туриш насиб қилди.

1993 йиллан бошлаб жонажон университетимизда ҳам, "Шарқ юлдузи"да ҳам иқтисодий қийинчиликлар юзага келди. Юқорида тилга олинган устозлар азбаройи фидойи кишилар экани, таълимни ҳаёт мазмуни деб билишгани учун ҳам ўзлари севган даргоҳда ишлашни давом эттиришди. Бизлар – эндиғина йўлга чиққан бир қанча ёшлар ҳаёт деб аталмиш нотинч денгизнинг аёвсиз пўртаналарида қайиқсиз қолиб кетдик.

Устозларимиз эса, ҳар кўришганимизда адабиёт йўлида сабот-матонат билан давом этишимиз кераклигини қайта-қайта уқтиришдан чарчашмасди.

1998 йилда дўстим Улуғбек Султонов қўнғироқ қилиб, мени устоз Умарали Норматов йўқлаётганини айтди. Айтилган пайтда домла билан боғландим. Умарали aka ўзигагина хос шавқу ҳаяжон билан адабиёт ҳақида анча гапирди, сўнг:

– Энди, укажон, Озод Шарафиддинов ёшлар орасида шогирдликка ярайдиганлари борми деб сўраган эдилар, мен сизни тавсия қилдим...

Ўзимда олимлик салоҳияти бор деб билмасдим. Қолаверса, шаҳри азимда на бир бошпана бор, на тузукроқ даромад... Устознинг сўзини икки қилдим деб ўзимча виждоним қийналса-да, Умарали aka ҳар кўришганимизда аввалгида устозлик меҳр-муҳаббати ва олимлик завқу шавқ билан фақат ва фақат адабиёт ҳақида гапирарди. Шогирдлик масаласи эса, қайтиб тилга олинмади.

Тенгкур адабиётчилар ҳамма ҳар ёқда, ўз ҳолимизча кун кечириб юрар эканмиз, 2010 йилда "Шарқ юлдузи" журналида

“Боқий дарбадар” номли асарим чоп этилди. Аслида бу асар ўн йилча аввал ёзилган, уни эпақага келтириш иши қолган эди, холос. Унинг дунё юзини кўришида таниқли адаб Улуғбек Ҳамдам, адабиётшунос Раҳимжон Раҳмат ва академик олим Абдулла Аъзамовнинг катта ҳиссаси бор. Асар босилиб чиққач, турли-туман фикрлар айтилди. Кунлардан бир кун кутилмаганда таниш рақамдан қўнғироқ бўлди. Олсам, Венера опа эканлар. Ҳол-аҳвол сўрашилгач, опа:

– Устозингиз сиз билан билан гаплашмоқчилар, – деб, гўшакни узатиб, одатий равишда умр йўлдошини беозоргина огоҳлантириди:

– Фақат ўзингиз гапираверманг, сухбатдошингизга ҳам имкон беринг!

Қайда! Домла саломга аликни ҳам насия қилиб, тўлибтошиб нақ бир соатча гапирдилар. У киши гапиряптилару мен телефоннинг қуввати тугаб қолмаса эди деб хавотирдаман. Ўзига хос бу маърузада Қодирий ва Чўлпонларнинг новаторлик анъаналари, дунё замонавий романчилиги сари қўйилган қадамлар, ўттизинчи йилларнинг футуристик ва тақлидчилик оқимлари, янги адабий йўналишлар, социалистик реализм нуқсонлари, дунёни идрок қилишнинг турли-туманлиги, бу борадаги миллий заминнинг аҳамияти – бари бор эди. Нокамтарлик бўлса ҳам айтай: устоз “Боқий дарбадар” ҳақида ҳам анча-мунча яхши фикрларни айтдилар. Албатта, бундай улуғ эътирофдан суюнмай бўладими?

Шундан сўнг ёзилган деярли барча асарларимнинг қўлёзмасини нашрдан олдин у киши ўқиганлар. Ҳар гал нимадир босилиб чиқса, “Укажон! Ўқиб улгурмаяпмиз!” дейишини қўймас, мен эса у асарлар қачонлардир ҳамиртуруushi ташланган ва вақт-соати етгач, эпақага келтирилиб чоп этилганини таъкидлашдан чарчамасдим.

Устознинг “Алишер Навоий” романига ёзган “Навоийга мангу мафтунлик” мақоласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки фидойи устоз бу пайтда анча хаста бўлиб, ёзишга қийналардилар. У мақолани устоз айтиб турган, ота йўлини давом эттираётган олимга қизи Шоирахон ёзиб олган.

Мақола “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2021 йил 9 июл сонида чоп этилди. Умарали акага миннатдорлик билдирсам, у киши шундай дедилар:

– Энди, укажон, камина ҳам ёши улуғлар қаторига қўшилиб қолдим. Таҳлиллар, тадқиқотлар ёшларга ҳавола. Менинг мақолам эса сизга бир дуодай бўлақолсин.

У мақолани жуда авайлаб сақлайман. “Дуо-мақола” деб ардоклайман.

Домла умрининг охиригача адабиётни кузатиб борди, йилт этган асарни кўрса муносабат билдириди. Бизлар домланинг кўзига энг ёш, энг навқирон авлод бўлиб кўринган бўлсак ажабмас. Эҳтимол, шу боисданми, биз тенгдош адаб ва шоирларнинг деярли ҳар бир асарига эътибор қаратардилар. Гоҳида сўраб қолардилар: “Укажон, фалон асарни ўқидингизми?”

Жавобни ҳам кутмай “Қаранг, энди...” деб, завқ-шавқ билан ўша асардан сўзлаб кетарди.

Яратилган яхши-ёмон асарларга бунчалар самимият, бунчалар жонкуярлик билан муносабат билдирадиган устоз кам учрайди.

Умарали акани ҳеч иккilanмай ўзбек адабиётининг деярли юз йиллик даврининг қомуси деса бўлади. Йигирманчи йиллар талотўпларида ижод қилган ижодкорлар, хусусан, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Faфур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзодалар давридан бошлаб то яқин кунларгача ҳар бир адабни, олимни, нафақат пойтахт, балки чет ҳудудлардаги ижодкор ва тадқиқотчиларни сира назардан қочирмасди. Чо-

рак кам бир асрлик адабий жараённинг жонли гувоҳи эди домла.

Замона ўзгаришларини нозик илғайдиган мунаққид эди. Устозга ўзи гувоҳ бўлган адабий тараққиёт йўли, ўтган асарнинг йигирманчи йилларидан бошлаб то шу кунгача бўлган адабий жараёнлар ва уларнинг намояндалари ҳақида батафсил рисола ёзишини қайта-қайта сўраган эдик, устоз ҳам шунга ғайрат қилган эдилар. Афсуски, шундай ажойиб солномани тугатишга умр етмай қолди.

Устознинг таржимаи ҳолига назар солар экансиз, иккинчи жаҳон уруши бошланганида ўн яшар, уруш тугаганида ўн беш яшар бўлган истеъдодли ўспириннинг бошига айни суяги қотаётган даврларда нималар келмади экан, деб ўйлаб қоласиз. Урушдан кейинги заҳмату мashaққатларни айтмайсизми? Нима бўлганида ҳам, "уруш болалари"нинг олдинги сафида турган Умарали Норматов бунча талотўплар аро адабиёт завқини юрагида сақлаб, уни бошқаларга улашиб яшаб келди.

Умарали ака адабиёт – дунёни идрок қилиш санъати эканини бот-бот такрорларди. Шу сабабли, бу фанга маҳлиёлик билан яшаб ўтди. Оламни идрок қилиш йўсинларига диққат қаратди. У киши жадидлик ва социалистик реализм адабиётининг, мустақиллик даври ва хорижий адабий жараёнларнинг миллий адабиётимиздаги синтези борасида ўта билимдон олим эди.

Таъриifu тавсифларга назар ташласак, Умарали Норматов ўтган йиллар давомида миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, мамлакатимизда замонавий адабиётшунослик мактабини шакллантириш ишларига муносиб ҳисса қўшганига шоҳид бўламиз. Унинг беш юздан ошиқ мақоласи, элликка яқин адабий-танқидий асари, дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилди. Адабиётшунос олимнинг адабий-танқидий ишлари

яхлит ҳолда замонавий адабий жараён ҳамда янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиёти масалаларига бағишиланган бўлиб, унинг қаламига мансуб миллий адабиётимизнинг нодир асарлари таҳлили, янги ўзбек адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт тамойилларига оид илмий-назарий ишлар адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Шунингдек, у киши умумтаълим мактабларининг 5-, 9-, 11-синфлари учун "Ўзбек адабиёти" дарслик ва мажмуалари, олий ўқув юртлари учун "20-аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги муаллифларидан бири эди.

Филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов фидокорона хизматлари учун "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, "Меҳнат шуҳрати" ордени ва бир қатор медаллар билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига лойиқ кўрилди.

\* \* \*

Домланинг Профессорлар шаҳарчасидаги файэли хонадонини кўпчилик адашмай топиб бора олади. Дарвозахонадан киргандаги каттакон ўрик баҳорда оппоқ бўлиб гулларди, ёз ичи бориб қолган кишиларга, албатта, ўша ўрик мевасидан бир ликопчада дастурхонга кўйиларди.

Устоз ўтганларидан сўнг, домла туғилган кунда профессор Баҳодир Карим ва Улуғбек Султон билан у кишининг оиласини йўқлаб бордик.

Қарасак, ўрик йўқ!

– Домла ўтди-ю, ўрик ҳам қуриб қолди, – деди Венера опа, хўрсаниб.

Ўрик ўз йўлига, лекин Норматов домла барпо этган илм боғининг дарахтлари қурийдиган эмас. Яшнаб, гуркираб турибди.

Уларнинг илдизларидан эса, яна кўплаб ёш ниҳоллар барқ уриб кўкка бўй чўзмоқда.

*Улуғбек ҲАМДАМ,  
ёзуви, "Шуҳрат" медали совриндори*

### “БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН...”

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда бир подшоҳ яшаган экан...

\* \* \*

Менга қўнғироқ бўлибди. Хат ҳам келибди. Қарасам, иксиси ҳам Саъдуллодан экан. Тинчликмикан, дея қайтиб телефон қилдим.

– Умарали устоз ўтиб қолди, деган хабар тарқалди ФБда. Хабарингиз борми?

– Нима?.. Қачон?..

– 8 минут олдин.

– Ҳозир, ҳозир етиб бораман, Саъдулло!..

\* \* \*

Умарали устозга бағишланган тадбирларга, кўрсатувларга вилоятда яшагани боис ё келолмайдиган ёки кеч келадиган шогирди Дилмурод Қуроновнинг кўнглига шу куни эрталаб Яратган Эгам Тошкентга юзланишни солибдию устознинг сўнгги манзилга кузатгани олис Андижондан етиб келди. “Аслида, бир неча кун кейин келмоқчидим, негадир оёғим тортди”, дейди аканинг ўзи.

Ҳа, у устоз билан энг муҳим “учрашув”га етиб келди...

\* \* \*

Мен ҳам етиб бордим. Ҳамидулло ака Болтабоев “қандай, қаҷон?” деган саволларимни жавоблаб, “ая ичкарида, кириб чиқинг!” деди.

Саъдулло билан бирга кирдик.

Венера опанинг эгилиб қолган жуссани бағримга босдим, йиғлашдик, ҳоллашдик.

Кейин ўтиридик.

– Устоз биз шогирдлари ҳавас қилгулик даражада яшадилар, энди охиратларини берсин! – дедим аянинг елкаларини кучиб.

Ая устознинг армонлари ҳақида ҳам гапирди. Шу билан бирга, сўнгги манзили Озод акалар (Шарафиддинов) нинг ёnlарида бўлишини орзу қилиб кетганини йиғлаб туриб сўзлаб берди.

Бу орада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти, ходимлари устознинг васиятини амалга ошириш учун ҳукуматга керакли хат-хужжатни юбориб, жавоб кутишаётган экан. Соғ бўлишсин, устознинг сўнгги тилаги рўёбга чиқди: у ўз устозлари, сафдошлари ёнидан мангу қўним топди.

– Домла касалхонадамиди? – сўрадим мен.

– Ҳа, уч кундир ўша ерда эдик. Ўз оёқлари билан юрувди. Бугун эрталаб касалхонанинг кашасию тухумини ҳам еди. Кейин намоз ўқиди. Ундан кейин бошини тамография қиласиз дейишди. Тамографиядан кейин ўзини ёмон ҳис қилиб, тез-тез хушидан кетди. Ёнида эдим. Палатада. Врачлар “Сиз чиқиб туринг!” дейишди. Чиқаётгандим, домлангиз эртак айта бошлади: бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда бир подшоҳ яшаган экан...

Мен титраб кетдим.

– Устоз адабиёт билан кетибди-ку! – дедим ичимда.

– Ҳа, устоз чиндан ҳам адабиёт деган муқаддас қўшиқ садолари остида сўнгги манзил сари йўл олибди. Ҳалқ яратган қўшиқни ўзи айтибди, унга ҳамоҳанг одимни ҳам яна унинг ўзи отибди. Во ажаб!..

\* \* \*

– Яқинда домланинг янги китобидан 15 тача олиб йўқлаб келгандик, – дейди шоир Нодир Жонузоқ. – Домла ҳаммасини атрофига териб олиб, энди ҳамма жойда менинг китобим бор, дея ёш боладек кувонганди.

“Болалик қайтадан қайтарилимоқда” деганмиди шоир Тўра Сулаймон. Устоз шундоқ ҳам бола эди, унинг боланики каби беғубор қалби бор эди, кексайғанда эса икки карра бола бўлганди.

\* \* \*

Жаноза намозини ўқиган имом деди:

“Умарали Норматов маҳалламизнинг фахри эди. Маҳалламиз эса чинакам зиёлилар маҳалласи. Домла ана шундай жойда зиё тарқатувчи эди”, деди. Яхши гапирди. Муҳими, имом кимнинг жанозасини ўқиётганини билар экан. Бу жуда муҳим гап, биродарлар, жуда ҳам муҳим гап...

\* \* \*

– Улуғбек, Умарали ака жуда яхши яшади, – деб қолди жаноза намозига етиб келган яна бир устозимиз ИброҳимFaфуров, – ўзидан яхши шогирдлар қолдириди, умрининг охиригача адабиёт деб яшади, адабиёт деб ёнди.

– Худди шундай, Иброҳим ака, домла жуда яхши яшади. Ҳавас қилгулик даражада яхши!..

\* \* \*

Соат 20.30 га яқин жаноза намози ўқиладиган бўлди. Кеч ва совуқ бўлишига қарамай тумонат одам йиғилди. Майитни уйдан олиб чиқишар экан, "лип" этиб чироқ учиб қолса бўладими!.. Кўча чироқлари ёниб турарди, лекин уйлардаги чироқлар сўнди. Аммо кўп ўтмай, бир неча дақиқа учиб турган, учиб уй ичини қоронғилик чулғашига қўйиб берган чироқлар яна порлаб ёнди. Ҳар нарсадан рамз ахтариб юргувчи мендек бир адабиётчи ўзимга ўзим: "Ҳа, устознинг кетиши билан у яшаб ўтган уй бир лаҳзага зулматга чўмди, лекин у зулмат доимий эмас, ўчган чироқлар яна ёнди ва ҳаёт давом этади" дедим.

\* \* \*

Устоз кетди.

Январда саломлашганди дунё билан, январда видолашибди.

Ҳаётини, ҳатто ўлимини ҳам адабиётга чулғаб кетди:

"Бир бор экан, бир йўқ экан..." дея бошланувчи эртак билан жон берди.

Энди бир ўйланг-а, устознинг эртаги, аслида, ҳаммамиз ҳақимизда эмасми?.. Бугун бормиз худди эртакдаги каби, эртага эса...

Майли, бугун бор эканмиз, устоз каби омонат умримизни арзигулик бир мақсадга бағишлийлик.

Бир бор экан, бир йўқ экан...Ла илаҳа иллаллоҳ...

Устоз, Аллоҳ сизни ёрлақасин!

Бу дунёдаги ҳаётингиз обод бўлди, энди у дунёдагисини берсин! Омин, Аллоҳу акбар!..

2022 29.01.

## **БОМДОДДА ТОВУҚ ШҮРВА**

1996 йил, ёз фаслининг бошланиши, Дўрмонда чилги ўрик думбул бўлган пайтлар.

Чилги ўрик қачон пишади, қачон думбул бўлади?

Ёзувчиларнинг Дўрмон боғида шоира Зулфия дачасида ёки Лазиз Қаюмов дачасида чилги ўрик қачон думбул бўлиб, данаги қорая бошланишини аниқ айтиб бўлмаса керак, чунки ҳар йили баҳор баъзан серёғин келса, баъзан иссиқ келади; чилги мевалар эртароқ ё кечроқ пишади, яъни об-ҳаво пишиқчиликни олдинга ё орқароққа суриб юбориши мумкин.

Ўша йили эрта баҳорда нозик касалга чалингган Шавкат Раҳмонга мунаққид Иброҳим Ҳаққұлнинг чала-ярим боғ-ҳовлиси томорқасига туташ Ёзувчилар Дўрмон боғида бўшаб қолган дачани Мурод Муҳаммад Дўст саъй-ҳаракатлари билан олиб берилади.

Шавкат Раҳмон ўзига берилган дачада тоза ҳавода тўйиб-тўйиб нафас олиб, табиатнинг ўзидан қувват тўплагач, Вузгородокда Хоккей стадиони (Муз саройи) орқасидаги ваҳимали Шифохонада икки ҳафта ётиб муолажа оларди (ҳозир Муз саройи бузилиб кетган). Сўнг Ёзувчиларнинг Дўрмон Ижод боғидаги дачасига бориб ям-яшил дарахтлар остига қўйилган каравотда “Қоп-қора чечаклар” туркумининг давомини ҳаволарга ёзиб қўярди.

Бир куни Шавкат ака: “Ўн иккита шеърни хаёлимда пишитиб қўйдим, лекин қофозга кўчиришга кучим етмаяпти”, деб қолди. Мен дарҳол дафтар ҳозирладим, уни каравотдаги ёстиғи остига иккита шарикли ручка билан яшириб қўйдим.

Шавкат ака ётган каравотдан (илгари Лазиз Қаюмов узоқ йиллар яшаган) қүшни дачадан қалин ўрикзор солланиб кўриниб турарди. Дараҳтлар бир-биридан 8-10 қадам масофа ташлаб экилган бўлса-да, 8-10 яшар бўлганидан кейин шохлари чирмашиб кетганди, остига тангадек қуёш нури тушмасди. Хуллас, Шавкат ака ҳар куни қуёшнинг илк нури ўрик япроқларига тушишини кузатиб ётар экан; бир куни қўли билан улкан дaraohт тепасини кўрсатиб: “Қаранг-қаранг, шабада келганда япроқлар орасидан қизариб қолган ўриклар кўриняпти! Уч кун ичиди пишиб қолди, худойим-эй!” деди қувониб. Шавкат ака кўрсатган тарафга бирпас тикилиб турсам, ростдан япроқлар орасидан қип-қизил ўриклар кўринади. Эртаси куни қуёш чиқмасдан ўша ўрик устига чиқдим-да, шифил пишган кичик шохини синдириб тушиб, Шавкат ака хонада ётган пайтида, каравотининг бош тарафига маҳкам боғлаб қўйдим. Ҳовли супуриб юрган Манзура опага: “Индаманг, мен ишга бориб келаман”, деб шаҳарга кетдим. Пешиндан кейин Шавкат акани кўргани кирсам, ўша ўрик шохи соясида мири-қиб ухлаб ётган экан. Шарпамни сезиб уйғонди.

- Афанди-ей, эгасидан сўраш керак эди-да! – деди кулимсираб.

- Эгаси Лазиз Қаюмов домла экан, лекин Уюшма маъмуряти устозни норози қилиб опкўйибди шекилли. Домладан изн сўралади, хотиржам бўлинг, – деб ишонтирдим.

Ўша кунлари Шавкат ака Муз саройи орқасидаги касалхонага Маҳмуджоннинг (шоирни укаси онаизор Офтоб аямизнинг топшириғи бўйича Тошкентта келган эди) машинасида бирга бордик. Шавкат ака саккиз кишилик эски палатага жойлашади. Маҳмуджонга рухсат берилади, мен яна бирор соат қоламан; Шавкат ака билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Сўнг хайрлашиб, “Ватан” таҳририятига йўл оламан.

Беруний метросига тушаётиб, устоз Умарали Норматовни учратиб қоламан:

– Ие-ие, Набижон! – деб қучоқ очиб рўпарамда пайдо бўлади.

Ҳол-аҳвол сўрашдик.

– Домла, Лазиз Қаюмов кўринадими?

– Ҳа. Нимайди, хизмат бормиди?

– У кишининг дачаси ўрикзор экан, чиллакиси қизариб қопди.

– Муни қаранг-а!

Ўригининг кичик шохини Шавкат акага синдириб бердим, шунга хунини сўраб берасизми?

Кулиб, кувноқ кайфиятда турган устоз бирдан жиддий тортади; метродан ташқарига чиқдик, четроққа ўтдик.

– Тушунмадим, – деди домла, – нега хунини сўраш керак?

– Э-э, одам ўлдирилса хуни сўралади-а?

– Ҳа, одамни қўрқитманг-да!

Домлага бошқа бир воқеани гапириб бердим:

– Саид Аҳмад дачасида Абдулла Қаҳдор экиб кетган Балх тути бор, ўша тут тарвақайлаб кўчага соя ташлаб, меваси ёз бўйи пишиб тўкилиб ётади. Бир куни Шавкат Раҳмон кўчадан ўтиб кетаётиб ўша тўкилиб ётган тутдан бир ҳовуч ебди, кейин Саид Аҳмад дачасига кириб, “Домла, рози бўлинг, тутингиздан озгинасини сўрамасдан едим, жуда ширин экан”, дебди. “Э-э, у тутнинг ҳузурини қозоқларнинг моллари қўради, барака топ-курлар ўша тут соясида ётади”, деб гапни бошқа ёққа буради устоз. “Ишқилиб, тутингиздан еганим учун рози бўлинг”, дейди такрор Шавкат ака. “Ҳазиллашма, Шавкатбек, кўчага тўкилиб ётган тут учун ҳам розилик сўрайдими одам! Агар керак бўлса, ҳаммасини қоқиб кетсин бола-чақаларинг! Ман розиман!” деб чой-пой қўяди устоз.

Бу гапни эшитиб Умарали ака мириқиб кулади. Сўнг жиддий тортиб:

– Шавкатбекни ўрик егиси кептими? – деб сўради.

– Кўнгли тусади шекилли... Ўзи онкология касалхонасида муолажа оляпти, – дедим.

Домла маъюс тортади:

– Қачондан бери? Қайси палатада?

Айтдим ҳаммасини.

– Қаюмов домладан розилик сўраб берасизми?

– Ие, албатта, нима деяпсиз!

Хайр-хўшлашдик.

Орадан ўн беш кун ўтгач, Шавкат ака дачага қайтади.

Бир куни у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирганимизда тўсатдан:

– Болнисада жуда нокулай аҳволди қолдим, Набижон, – деди.

– Нима бўлди?

– Ҳар куни Умарали Норматов бомдоддан кейин менга термосда қайноқ товуқ шўрва кўтариб келади.

– Зўр-ку!

– Нимаси зўр! Тонгда томогимдан овқат ўтмайди-ку! Яна ҳар куни жайдари товуқ топиб сўйдириб, гўштини тиндириб (қони оқиб кетгунча енгилгина тузлаб бўз халтага солиб осиб қўяди шекилли) қўяр экан!

– Домлани хийла уринтириб қўйибмиз-ку!

– Ҳар келганда, намозимда сизни дуо қиласман, Шавкатжон! Худодан ёлвориб сизга шифо сўрайман, деб кўнглимни бузиб, ўзи ҳам ташқарига чиқиб кетади. Уялганимдан, Набижон, икки пиёла шўрва сувидан ичаман, терлаб-пишиб кетаман.

Шу гапларни айтиб Шавкат ака юзини тескари буриб олади; кўзёшларини кўрсатмасликка ҳаракат қиласарди. Мен ҳам

сигарет чекмоқчи бўлгандек чўнтакларимни пайпаслаб, Муҳаммад Юсуфнинг дачаси томон кетардим.

\* \* \*

Ўткан йили чор Русиясининг Туркистон босқини тўғрисида маълумот тўплаб юриб Жанубий Қозоғистонда Сайрам атрофларини кезиб юрдим. Боғ-роғлар қоплаган қишлоқлар оралаб юрсам, долғали йилларда (XIX асрнинг 70-йилларида) Иқондан кўчиб келиб ерлашиб қолган кўплаб хонадонлар бор экан. Маълум бўлишича, 1864 йилнинг декабр охирларида Иқон остонасида полковник Черняев аскарлари ва тиш-тирноғигача қуролланган ваҳший Урал казаклари бирлашиб Икронни ҳимоя қилаётган Кўқон хонлиги навкарлари билан тўқнашади; уч кечакундуз қонли жанглар бўлади. Ўша жангжадалда тирик қолган Кўқон навкарлари Туркистон ва Чимкент қалъаларини ҳам бир томчи қони қолгунча фидокорона ҳимоя қиласди.

Иқон халқи чор Русияси ҳукмронлиги даврида босқинчи ҳокимияти ва унинг ялоқхўрлари томонидан сиқувга олинавергач, Иқондан олисроқ кентларга гурас-гурас кўчиб кетади; атроф-жавониб депараларда мўъжаз Иқончалар шу тарзда пайдо бўлади. Чамаси, обод Кўлкент қишлоғи ҳам шулар жумласидан бўлса керак. Шу қишлоқда салкам саксон яшар Убайдулла Муталов деган пири бадавлат муаллим билан танишиб қолдим; у киши ўтган асрнинг 70-йилларида ТошДУнинг филология факултетида таҳсил кўрган: эндиғина ўқитувчилик фаолиятини бошлигар Умарали Норматовдан сабоқ олган экан. Убайдулла муаллим Кўлкентда ҳазрат Навоий номидаги №13 мактаб умрбод директор бўлган; ҳар йили, баъзан икки-уч йилда бир Умарали Норматовни мактабида кўргазмали дарс бериб кетиши учун маҳсус таклиф қиласди. Устоз ҳафта-ўн

кунлаб Сайрам атрофидаги ўзбек-қозоқ мактабларида оташин маърузалар ўқиб, ҳаммани бир умрга адабиёт шайдоси этиб сеҳрлаб кетар экан.

Убайдулла ота устози ҳақида кўп мароқли ҳикояларни сўзлаб беради. Устозга эҳтиромни бир умр қалб қўрида асраб-авайлаб юрганини кўриб, юракнинг туб-тубида ажиб ҳислар ғимирлаб қолади.

Устоз ҳурматига ҳурмат юзасидан Убайдулла муаллим хонадонида меҳмон бўлдик.

Ёз чилласида ярим яланғоч дикир-дикир ирғишлаб юрган икки яшар шаҳзода Умаралини кўриб, ич-ичимиздан вулқон отилиб кетса бўладими!

Бу Умарали – Убайдулла бобонинг чевараси бўлиб, бобоси-нинг Умарали исмли устозига эҳтироми рамзиdir; бобо бом-дод намозидан сўнг нонуштага ўтиrsa, “Умарали! Умарали! Умарали! Турдингми, ота! Кел, чой ичайлик!” деб қичқириб олмаса, кўнгли жойига тушмайди. У ҳар куни тонгда устози Умарали Норматов билан бир дастурхон атрофида бақамти ўтириб шошмасдан нонушта қиласди. Улар ёнида Шавкат Раҳмон ҳам ўтирмаса, ҳеч бўлмаса, унинг жойи бўш қоларди.

Убайдулла бобонинг айтишича, ёзги таътил даврида устоз Умарали Норматов Кўлкентга ташриф буюрса, Сайрамга бориб Туркистон султони Аҳмад Яссавийнинг ота-онаси мангу кўнимгоҳларини албатта зиёрат қилиб қайтар, шундан кейингина шогирдлари айтган жойларга меҳмондорчиликка борар экан.

Ростини айтсам, ўтган йили Кўлкентда Убайдулла ота сухбатларида Нуруллахон сўз сўрамасдан бот-бот гапга аралашиб, ҳаммани оғзига қаратиб олавериб даврани хўб гуллатади. Назаримда, Нуруллахон ҳам Убайдулла Муталов билан бирга ўқиган экан:

“Биринчи босқичда дарсларни бошлаганимизданоқ устоз Умарали Норматов ўзининг такори йўқ завқлари ва шавқлари билан биз талабалар ўзимизча адабиётга севги деб юрган ялқов туйғуларимизни, ёнолмай тутунқираган ҳисларимизни қўзғаб, алангалатиб юборди. Лекин шунда ҳам, тан олишим керак, шеърни севишида ва севиб шеър ўқишида мен бошқалардан анча орқада эдим. Талаба курсдошларим ўтиришларда, пахта далаларида мушоиралар, баҳри байтлар қилишса, мен мактаб дарсликларидан ёдлаб олганим айрим мисраларни такрорлаб зўрға қутулиб кетардим. Уларга қараб ҳам ҳавас қиласардим, ҳам ичимда ўксинардим – адабиётни шуларчалик яхши кўрмайманми, деб ўзимдан хавотирланардим”.

Бу иқрорнома остига 50 йил олдинма-кейин ўқиган устоз Умарали Норматовнинг ҳамма талабалари – ғойибона курсдошлар ҳеч иккиланмай имзо чекиши мумкин.

*Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, ёзуви,  
“Шуҳрат” медали совриндори*

### **ҲАЙРАТЛАРИ ҲАЙРАТОМУЗ ЭДИ**

Хов олис ўсмир ўқувчилик йилларим. Мактаб кутубхонасидан олган навбатдаги адабий мақолалар жамланган китобни ўқиётиб, тасодифан анчадан бери ўзимни ўйлантириб келган саволнинг жавобини учратиб қолсам денг. Яъни, ҳаётимиздаги илм-фан мўъжизалари, техника ажойиботлари бизни жуда қисқа муддатга ҳайратга солади, сўнг уларга қўнишиб кетамиз, кеча фавқулодда воқелик бўлиб кўринган янгиликлар турмуш тарзимизнинг ажралмас, одатий, жўнгина қисмига айланади. Адабиёт эса ундей эмас. Қачонлардир ёки куни кеча, ҳатто шу

буғун яратилған дурдона бадиий асарлар йиллар, асрлар, минг йиллар ўтса ҳам, ҳар ўқилганида, мудом ва мудом бизни бит-мас-туғанмас ҳайратларга солаверади. Шундай бўлмаганида эди, биз аллақачон Дон Кихотни унугиб юборардик, Навоийни қайтиб қўлимизга олмасдик, Чехов ҳикояларини излаб юрмаган бўлардик..

Ўзим учун асл адабиётнинг моҳиятини очиб берган мақола муаллифи ёдимда қолди: Умарали Норматов. Энди шу муаллифнинг мақолалари ё китобларига кўзим тушиб қолса бас, “ётиб олиб” ўқийдиган бўлдим.

Албатта, ўша пайтлари кўзимга улуғвор донишманд, закий устоз бўлиб кўринадиган муаллиф билан бир кун келиб учрашиб қолишим мумкин, деган ўй хаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтган эмас. Бироқ, буни қарангки, омадим келди, орадан чамаси қирқ йилга яқин вақт ўтиб, ҳамон эҳтиромларим тўридан муқим жой олиб турган бу ҳақиқатан донишманд, закий устоз билан наинки учрашиш, балки ҳамсуҳбат бўлиш, у кишининг шинам, адабиёт иси уфуриб турган хонадонларида бир неча маротаба кўноқ бўлиш баҳти насиб этди каминага.

Учрашувлардан олган дастлабки таассуротим шу бўлдики, бу зотнинг ҳайратомуз ҳайратларининг ягона манбаи – адабиёт эди. Яхши асарни ўқиган Умарали ака яйраб-яшнаб, очилиб-сочилиб кетарди, кўзлар чақнарди, ҳаяжонли овози ўқтамлашарди. “Э, худо, адабиётни шунчалар севиб бўладими ахир!” деган ўй ўтарди кўнглимдан. Бўлар экан!

Умарали ака адабиётнинг ҳақиқий шайдоси, ҳақиқий жонкуяри эди. Хоҳ жаҳон адабиётидан сўз бошланг, хоҳ ўзбек адабиётидан – бир сўз бошласа бас, у кишини тўхтатиб бўлмай қоларди. Чуқур маънили, серҳикмат, асл таҳлилга асосланган фикрлар қуилиб келаверарди, қуилиб келаверарди. У киши бунча асарни қачон ўқиб ултурган, энг муҳими – қачон ўқиб

улгурган, буни тасаввур этиш мушкул, аммо қаршиимиизда адабиёт қомуси ёниб-куйиб сўзлаётгани аён эди.

Мен шу пайтгача ҳеч бир мунаққидда асарга нисбатан Умарали акада учраганидек тўлиб-тошиб, қайнаб-чатнаб, сарҳадларни бузиб кетадиган самимий ҳайратни кўрмадим. Бетийиқ ҳис-туйғуларга чоғишган тарзда янги-янги, теша тегмаган фикр-мулоҳазалар ҳам қўйилиб келади. Умарали аканинг етмиш йиллигига таниқли синчимиз Қозоқбой Йўлдош топиб ёзганидай, “Янги фикр вужудга тиним бермайди, ҳараратдаги вужуд эса қаримайди”. Ҳаққас рост. Ахир домламизинг юз ёшлиқ довон томон соғлом ақл, теран мантиқли фикрмушоҳадалар билан қадам қўйганлиги ҳам шу фикрни исботлаб турмаяптими...

Биз ҳайётимизда Умарали акадан кўп беғараз яхшиликлар кўрган авлодмиз. Тан оламиз, аксар ҳолларда домламиз меҳрибон ота каби ёмонимизни яшириб, яхшимизни эса сал ошириброқ кўрсатиш пайида бўларди. Дейлик, каминанинг биринки ҳикоялари хусусидаги мулоҳазаларида яхши гаплар сал кўпроқдек туюлади. Бунинг сабабини эса яна Қозоқбой Йўлдошевнинг мақоласидан топдим: “Олим адабиёт ҳақида, чинакам ҳайрат манбаи тўғрисида зерикарли фикрлаш мумкинлигини ҳазм қилолмайди. Ўзи ҳам самимий, эҳтиросли ва баҳсга чорловчи йўсинда ёzáди”.

Ҳа, шундай улуғ инсон, адабиётимизнинг асл фидойиси эди Умарали ака... Суҳбатларидан бирида Умарали ака: “Бир нарса кўнглимга таскин беради: мен бирор гуноҳ ишга онгли равишда кўл урган эмасман; оиласамга, турмуш ўртоғимга, фарзандларим, дўстларим, устозларимга энг кескин вазиятларда ҳам хиёнат қилмадим. Ҳамиша ҳаромдан ҳазар қилиб яшадим. Ҳеч кимга таъмагирлик билан ялтоқилик қилмадим”, деган экан. Шундай пок, ҳалол, завқланиб, ибраторумуз умр кечиришнинг ўзи ҳам ҳайратомуз воқелик эмасми аслида...

## СОГИНИБ ЯШАЙМИЗ...

2005 йил эди.

Жума куни эрталаб уй телефонимиз жириングлади. Гўшакни олсам, ёзувчи дўстимиз раҳматли Собир Ўнар: “Табриклайман, Зулфия!” дедилар. Ҳайрон бўлдим. Абдуқаом ака Америка Қўшма Штатларида сафарда эдилар. Улардан бирор яхши ҳабар бормикин деб ўйлаб, “Тинчликми, Собир ака?” деб сўрадим. Шунда С. Ўнар ҳаяжон билан: “Ие, ҳали хабарингиз йўқми? Адабиёт газетасида профессор Умарали Норматовнинг сизга ёзган очиқ хати чиққан-ку!” дедилар. Ҳайрон бўлдим, ичимда ишқилиб яхшиликка бўлсин-да деб кўйдим.

Собир ака билан гаплашиб бўлиб, гўшакни қўйишим билан яна телефон жириングлади. Гўшакни кўтаришим билан яна табрик устига табрик бўлиб кетди. Хуллас, очиғини айтсам, шу куни бундан бошқа табрикларни ҳам қабул қиласдим-у, аммо “Очиқ хат” билан танишиб улгурмагандим.

Ниҳоят, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ўша кунги сонини топиб ўқидиму, ўзимни осмону фалакда ҳис қилдим. Самимий мактуб шундай бошланарди: “*Зулфияхон, очиги, Сизни мен шахсан танимайман. Бирок, ижодингизни, хусусан, матбуотда эълон этилган ҳикояларингизни кузатиб, ўқиб бораман. Ҳаётнинг, айниқса, қишлоқ турмушининг қоқ ўзидан, гирдобидан олинган, чуқур ички бир дард, миллат ғами билан йўғрилган ҳар бир чиқишингиз мени ҳар гал ҳаяжонга солади...*”

Эртаси куни Умарали Норматов билан телефонда гаплашдик. У киши “Очиқ хат”ни қандай ҳайрат ва ҳаяжон билан битган бўлсалар, сухбатимиз давомида ҳам шундай, ҳатто ундан-

да кўтаринки руҳда гаплашдилар. Тўғрисини айтишим керак, Умарали аканинг мақтовларидан кейин менга бошқа ҳеч қандай эътирофнинг кераги бўлмай қолганди. Ҳатто Нобель мукофотини беришган тақдирда ҳам бунчалик хурсанд бўлмасдим, деб ўйлайман ўзимча.

Адабиётшунос олим, ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиёт назариясининг энг кўзга кўринган намонёдаларидан бири Умарали Норматов билан танишувимиз шундай кечган.

Ижодкорлар дўстларимиз яrim ҳазил, яrim чин қилиб: “Умарали Норматов сизнинг адабиётдаги отангиз бўлса керак, сизни жуда кўп мақтайди-да”, дейишади. Дарҳақиқат, “Очиқ хат”дан кейин Умарали ака “Машаққатлар гирдоби”, “Армон асираси” романларим, “Ёэсиз йил” ва яна бир қанча ҳикояларим ҳақида ҳам ўзларининг илиқ фикрларини билдиргандилар.

*“Зулфия Куролбой қизи инсоний дард билан ўғрилган беназир ҳикоялари билан аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Унинг “О, ҳаёт”, “Тафаккур”, “Гуноҳ” каби кўламдор новеллалари танқидчиликда сўнгги ишлар миллий насримизнинг муҳим ютуғи сифатида баҳоланди. Ниҳоят, адива янада кўламдорроқ жсанрга қўл уриб “Машаққатлар гирдоби” романини эълон этди...”*

*“Армон асираси” романидаги ўтиш даври талотумлари палласида тирикчилик важисидан нафс илинжишида асл касбкори қолиб, ўзини бозорга урган бир гуруҳ оломон қаламга олинади. Бозор асарда асл маъносидан кўра бамисоли рамзий театр саҳнасини эслатади. Бу саҳнада роман персонажлари синовдан ўтадилар...”*

Бу иқтибосларни келтиришдан мақсад ўзимни мақташ эмас, албатта. Фақат шундай катта олим одамнинг ўзи танимаган ижодкорнинг асарларини ўқиши, унга очиқ хат ёзиши,

ҳикоялари ҳақида таҳлилий мақола ёзиши ҳар куни юз берадиган ҳодисалардан эмас деб ўйлайман. Айниқса, бизнинг давримизда.

Кейинроқ домла билан кўп бор учрашдиқ, уйларида бўлдик, ижодкор дўстларимиз айтганидай, “адабиётдаги қизларидан бўлдим”.

Суҳбатлар давомида у киши чиндан ҳам инсоннинг қадрқимматини биладиган, ўз ишининг устаси, шунингдек, фаол ва ҳозиржавоб, бир сўз билан айтганда, дилбар шахс эканлигини кашф этдим.

У кишининг самимий, яхши одамлиги шундоққина юз-кўзидан уфуриб турарди. Айниқса, табаррук ёшда бўлишларига қарамай тиниб-тинчимаслиги, ёшларга хос ғайрати мени ҳайратга соларди.

Умарали Норматов ҳақиқий олим, чин маънодаги зиёли, шу билан бирга улуғ инсонларга хос, бағрикенг инсон эди. Сўзларидан ҳамиша яхшилик ва меҳр эпкинлари уфуриб турарди!

Адабиёт ҳақида гап кетганида домла ҳеч қачон шунчаки, йўлига гапирган эмас, чунки адабиёт у кишининг ҳаёти мазмунига айланиб кетганди, ўзини ҳеч қачон адабиётдан айроғасаввур қилмаганди деб ўйлайман.

Мана, бугун шундай меҳрибон инсон орамизда йўқ. Домла тўқсон бир ёшларида вафот этдилар. Аммо юзга кирсалар ҳам бўларди деб кўп ўйлайман. Ахир яхши одамлар қанча кўп яшаса ҳам кам...

Домлани ўрни билинади. У кишини соғинамиз... “Э, Зулфия қизим, қандайсиз?..” деб бошланадиган суҳбатларини қўмсаймиз...

# **ОЛИМЛАР**

# **ЭЪТИРОФИ**

*Абдуғафур РАСУЛОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

## “ҚОДИРИЙ БОҒИ” СИР-СИНОАТЛАРИ

1928 йилда ком фирмәнинг “За партию” журналида М.Шевердиннинг “Ўткан кунлар” ҳақидаги тақризи босилди. Унда “Мағкуран Қодирий романи – илк ўзбек романи – бизники эмас” дея имонсизлик билан хулоса чиқарилди. Бу каттаю кичик шўрочилар, фирмә мағкурасига алоқадор кишилар қулоғига кўрғошиндай жойлашди. “Бизники эмас” деган комунистик ҳукм Қодирийнинг ўзга асарларига, унинг ўзига ҳам қўлланила бошланди. “Бизники эмас!” Бу коммунистик ҳукм XX аср ўзбек санъати ва адабиётининг шўрига айланди.

Йиллар ўтди, қиличдан қон томган неча-неча ҳукмдорлар йўқ бўлди. Аммо “бизники эмас” дейилган ҳукм-хулоса социализм фирмә фуқаролари, ҳукумат қонунлари таркибида яшаб қолаверди. Ўнлаб тадқиқотчилар Қодирий асарларини ҳолис ният билан таҳлил талқин қилишга киришдилар Лекин уларнинг деярли ҳаммалари қайсиdir ўринда қандайдир йўллар билан “бизники эмас”га яқинроқ фикрни ўз хоҳиш истакларига зид ҳолда қистириб, сингдириб кетишга мажбур бўлдилар. Шўро мустабид тузуми тугади. Ком фирмәнинг адабиёт соҳасидаги сиёсати соцреализм методи ҳам барҳам топди.

XX аср бўсағасида санъаткор Абдулла Қодирийнинг иккичи умри бошланяпти. Бу умр ҳайрли, файэли бўлишини орзу қиласиз. Йилнинг қандай келиши кўкламдан билинади деган гап бор. Санъаткор Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида М.Кўшжоновнинг “Ўзбекнинг ўзлиги”, У.Норматовнинг “Қодирий боғи” асарлари яратилдики, уларни янгича руҳдаги ҳолис нафис тадқиқотларнинг бойчечаги дейиш мумкин.

Умарали Норматов ўз тадқиқотини пурмаъно ном билан атади – “Қодирий боғи”( Тошкент. “Ёзувчи”, 1995).

Ростдан ҳам Абдулла Қодирий боғбон боласи эди, ўзи ҳам жаннатдай боф яратди, аммо замона зайлар билан у яратган боққа бойўғли қўнди, дов-дараҳтлар қуриди, экинзор-у гулзорлар макруҳ ҳайвонлар томонидан поймол қилинди.

Ёзувчи боғидаги энг адл ям-яшил серҳосил дараҳт бир бадирдор томонидан заққум дейилди, заҳарлашидан ўлат юқтирилишидан огоҳлантирилди. Шўро ҳукумати коммунистик мафкура бу хавфли дараҳт боғдан халқни химоя қилишни ўз бўйнига олди. Турфа хил жарчилар А.Қодирий боғи гўзал нағис тароватли аммо огоҳ бўлинг, у заҳарланган хавфли, деб туришдан ўзларини тия олмадилар. Санъат асари бадий олам мангалик йўлидан сабитқадам-ла илгарилаётган карвон мисоли, итлар хураверади, карвон ўтаверади. Шу қонуниятни аллақачон кашф этганлар. Фалсафа нафосатшуносликда онтология номли таълимот бор. У бадий асар тирик мавжудот сингари ўсиб-ўзгариб яшаб, қурашиб бориш қобилиятига эга эканлигини илмий тасдиқлайди. Биз бадий асар санъаткор яратган бадий олам адабий баҳслар, илмий-назарий тортишувлар сабабчиси бўлганлигини кўрсатувчи кўплаб мисолларни кўрсата оламиз. Аммо, афсуски, ҳануз адабиётшунослик фанимизда адабий танқидий фаолиятимизда онтология деган атамани учратмаймиз. Шўро ҳукмронлиги даврида бизда Қодирийни бошқача талқин қилдилар, капиталистик дунёда бошқача шарҳладилар. Ҳозир янги ўзбек даври адабиётшунослиги ва танқидчилиги А.Қодирий оламига янги ракурсдан ёндашяптики, бу ҳам онтология таълимотининг кўринишидир.

Бадий оламни холис баҳолашнинг асосий шарти шуки, уни тўлиқ бир бутун ҳолда олмоқ лозим. Ўзбек шўро адабиётшунослигида А.Қодирий ижоди бўлиб-бўлиб ёзувчи роман-

лари, ёзувчи қиссалари, ёзувчи публицистикаси, образлари, асарлари тили, ижодининг эволюцияси, Қодирий ижодий методи тарзида ўрганилди. У. Норматов Қодирийнинг ilk асаридан сўнгги асаригача қамраб олган. А. Қодирий ижоди ҳақида ўзбек адабиётшунослари ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзганлар. "Қодирий бори"нинг муаллифи бу асарларни синчиклаб ўрганганд, ўзига ёқсан мақолалардаги фикрларни давом эттирган, айрим қарашларга салбий муносабатини билдирган У.Норматов ўрни ўрни билан А.Қодирий асарларини рус жаҳон адабиёти наъмуналари билан солишиди. Аммо бу йўналишни у чукурлаштирумайди. Фикримизча А.Қодирийни жаҳон адабиётига теран сингдириш учун қиёсий-типологик талқинни кучайтириш зарур. Жаҳон адабиёти билан чуқур таниша бошлишимиз билан адабиётшунослигимиздаги қиёсий-типологик функционал талқинлар жонлана боради У.Норматов асарларида А.Қодирий эстетикасига бағишиланган маҳсус боб бор. Санъаткор ижодининг илдиз масаласини қўйа билиш – тадқиқотчи шижоатидир. Адаб эстетикаси реализм масаласидан ҳақиқатга садоқатдан, холис тасвирдан тарих ҳақиқатидан келтириб чиқарилади. Тадқиқотчи адаб эстетикасини унинг мақолаларидан, адабий баҳсларида асарларидаги холис самимиликдан излайди. У ўз қарашларини исботлаш учун бир гурӯҳ тадқиқотчилар билан баҳслашади, бир гурӯҳ тадқиқотчилар ишларида олға сурилган фикрларга кўшилади. Хуллас, адаб эстетикаси ҳақидаги боб роман ва қиссалар таҳлилига бағишиланган қисмлар сингари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Лекин мен бир нарсага қаттиқ ишонаманки, А.Қодирий эстетикаси ҳақида XXI асрда кўп ҳар хил назарий фалсафий теран мулоҳазалар айтилади. Адабий метод ҳақида адабиётшунослар кўп янгиликлар яратади. Соцреализм ҳақидаги назарий қарашлар қумга қурилган қасрдай қулади. Аммо реализм методи

ҳаётни ҳаққоний акс эттириш ҳақидаги файласуфлар, нафосат-шунослар, адабиётшунослар кўп нодир қарашларни илгари сурдилар. Реализм ҳақида бундан кейин ҳам кўп тадқиқотлар яратилади. Лекин метод ҳақидаги фикрларни ифодалаш тарзи шакли ўзгаради. Адабиётшунослик танқидчилик асарларида бадий талқин, илмий ёндашув йўллари кўпайди. Биз талқин таҳлил йўсингларини топганимиз қўллаганимиз сайин реализм ҳақидаги қарашларимиз кенгаяверади. Бадий асарнинг ғояси бошдаги қалпоқ бўйиндаги бўйинбоқ сингари кўзга ташланиб туриши мумкин эмас. У бадий образ топилма воситалар заминида акс эхтмоғи керак деймиз. Худди шунингдек, бадий асардаги реализмни кўр-кўрона излайверишимиш, ана – ҳақиқат, ана – холислик, деяверишимиш шарт эмас. Асарни муаммолар қўйиб, турли ракурслардан гўзал мантиқли таҳлил қиласақ, реализм соғ олтин булоқ сувидек юзага чиқаверади. Марксча-ленинча таълимот дунёқарашни талқин қилувчилар санъат назариясига салбий таъсир ўтказдилар. XX аср реализми, айниқса, соцреализм мафкура, сиёsat, ижтимоий буюртма ўлчови – газчўпига айланиб қолди. Адабиётшунос ёхуд танқидчи шу газчўпдан чапдастлик билан фойдаланувчи кимсага айланди. XX аср метод газчўпининг шакли ўзгарди, моҳият деярли ўзгармади. Булар соцреализмнинг газчўпи йўнилмаган тиконли уртўқмоқ эди мисоли. Соцреализм методи газчўпнинг шакл-шамойилини ўзгартирди, моҳият аввалгисидан ҳам баттар бўлди. Соцреализм газчўпи санъаткор эркини йўққа чиқараёзди, санъаткорни ком фирмә мафкурасининг дастёрига айлантиргди. Бадий асарнинг соцреализмга қай даражада таалуқлилигини белгилаган мутахассис партиявийлик, социалистик мазмун, марксча дунёқараш масалаларигагина асосий диққатини йўналтиргди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш, асосан, унинг атрофида давом этди. Бир гуруҳ адабиётшунослар улуғ санъаткорнинг асарларини реализм (танқидий реализм) газчўпи билан ўлчаган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар соцреализм газчўпи А. Қодирий ижодини ўлчашда мос келишини исботлашга киришдилар. Афуски, ҳамон адабиётчиларимиз, танқидчиларимиз қўлидан метод газчўпи тушгани йўқ. “Қодирий боғи”нинг муаллифи ҳам, асосан, реализм ва унинг хусусиятлари қай даражада акс этганига кўра Қодирий меросини баҳолайди, эстетик принципларини намоён этмоқчи бўлади. Мен бадий ижодда метод масаласига зинҳор қарши эмасман. Лекин талқин, таҳлилда фақат (метод) дейишларига қўшилмайман. Ҳақиқий санъаткор асар ёзаётганида метод устида бош қотириб ўтирмайди. У қалбини, борлигини ифодалайди.

Абдулла Қодирий асарларини оҳанг, уйғунлик нуқтаи назаридан ёритиш, унда сўзларнинг сеҳрли, жозибали “ҳаёти, ҳаракати”ни кузатиш пайти яқинлашяпти. Ҳар қандай боғнинг таровати, хушбўй иси, мусафро ҳавоси оқаётган сувининг шилдираши, күшларининг турфа хил сайраши, дов-дараҳтларнинг ўзига хос файзи, гўзаллиги кишини ром этади. Бошқача айтганда, боғнинг тирик мавжудот сифатида яшаётганлигини, бошқа боғлардан фарқланувчи бетакрор томонларини кўра олсаккина унинг боғлар ичра қадр-қимматини топган бўламиз. Шўро адабиётшунослари метод ҳақида ёзадиларми, характер ҳақида тадқиқот яратадиларми, масаланинг ижтимоий томонига урғуни кучайтирдилар. Ваҳоланки, бадий метод ҳарактер муаммолари, бетакрор ўзига хос инсон масаласини ёритишини тақозо қиласди. Инсоннинг ўзлиги, бетакрор оламлиги теран талқин қилинса, соцреализм методи “ишлашдан тўхтарди”, унинг сунъийлиги билиниб қоларди. Ҳозир адабиётшу-

нослар соцреализм ўрнига реализм терминини кўллаяптилар. Лекин реализм ижтимоийликни қандай эъозласа, бетакор ўзига хос инсонни шунча юксак кўтаришига аҳамият бермаяпти. Фикримизча, “Ўткан кунлар”даги ижтимоий масалаларни характерларни талқин қилиш орқали ёритиш мумкин. Романдаги ижтимоий масалаларни ўз ҳолича характерлар талқинидан келиб чиқмасдан ўрганиш мумкин эмас.

Бадий асарлардаги характер, тип ҳақида гап бошлагандикми, яна бир масалага эътибор берайлик. Бадий асардаги ҳикоячи муаллифнинг ўзими? “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён”да ҳикоячи-муаллиф образи бор. Лекин уни зинҳор ўз дунёси, санъаткорлик олами, шахсий дард-армонлари бор Абдулла Қодирий билан алмаштириш керак эмас. Тўғри, романда Раъно портретини чизиш, яна баъзи масалаларда Абдулла Қодирий кўринади. Лекин романлардаги муаллиф-ҳикоячи билан Абдулла Қодирийни аралаштириш зинҳор мумкин эмас. Ҳар икки романда ёзувчининг дарду армонлари мусабатлари акс этган. Лекин уларни роман сатрлари орасидан сўзларга юклатилган маънолар қатламидан топиш мумкин. “Қодирий боғи”да муаллиф образи билан асл А.Қодирий фарқ қилинмайди. Мана шу ҳол жуда кўп англашилмовчилларни келтириб чиқарган. Муаллиф образи ва асл муаллиф бадний талқин муаммоларидан биридир.

“Қодирий боғи” тадқиқотида, хусусан, “Адиб қисмати” бо бида Абдулла Қодирийнинг ижтимоий-сиёсий позицияси тасвирларида изчил қатъий бир йўналиш сезилмайди. Маълумки. Абдулла Қодирий Октябрь тўнташи рўй бергандა 23 ёщдаги оқ-қорани обдон ажратиб олган, характери шактланган, жадидчилик ҳаракатига онгли равишда қўшилган миљлат равнақи йўлидаги тўсиқларга қарши курашишга тайёр ниймон-эътиқоди мустаҳкам инсон эди. Қолаверса, Абдулла Қодирий

жамики ақлли, хушли, фикрлайдиган туркистонликлар қатори комиссар-коммунистларнинг олиб бораётган ўйин сиёсатларини кўриб, билиб турди. Абдулла Қодирий босик, сабр-қа ноатли, узоқни кўриб иш тутадиган инсон эди. Лўнда қилиб айтганда, Абдулла Қодирий ҳайрату ҳаяжонга берилиб кетаверадиган, бугун айтган гапию қилган ишидан эртага тониб кўя қоладиган бурдсиз одам эмас эди. Умарали Норматов Абдулла Қодирий мақолаларидан мисоллар келтириб, ёзувчинг Октябрь инқилобига садоқатини, большевикларга хайрихоҳлигини исботлайди. Бир мақоласида Абдулла Қодирий "Мени бойлар, эшонлар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чиққан ва сирларини очувчи душманлари эдим..." (29-бет) деган экан.

"Қодирий боғи"да А.Қодирийнинг 1926 йилдаги қамоқقا олинганидан кейинги суддаги сўзи келтирилади. Ёзувчининг суддаги нутқидаги гапларни мустаҳкам иймон-эътиқод, катта ақл-заковат, зўр мантиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ҳақ-гўйлик, мардона бир шиҷоат (38-бет) дейишга мен кўшила олмайман. А.Қодирий ноҳақ қамалганлигини, янги тузум миллат ҳақиқатини оёқости қилаётганини кўра-била туриб, шу тузумга, унинг раҳбарларига, ғоявий устунларига ҳамду сано айтиши мантиқданми?! Абдулла Қодирий таржимаи ҳолида "Кейинги кунларда нодонлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмаслигимни сездим ва 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб Московга ўқишга кетдим, Мақсадим уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди..." деб ёзади. Бу гапларни У.Норматов "ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан, билимга, маърифатга чанқоқ одамнинг дил сўзлари, орзу ниятлари" (46-бет) деб талқин қиласи. Ваҳоланки, 1923-24 йилларда ҳар ҳил баҳонаи сабаблар билан Мунавварқори қамоқقا олинади. Чўлпон, Фитрат, Мағжон Жумабой ўз юртидан четга

чиқарилади, Аҳмад Заки Валидий хорижга кетади. Бошкага айтганда, шўро ҳукумати коммунистик мафкура 1923-24 йилларда эски зиёлилар, миллат таянчларига қарши оғир қураш бошлаган эди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар қори, Мағжон Жумабой сингарилар 13-14 йил давомида 1937 йилда қамокка олингунларигача пичоқсиз сўйилдилар, маънавий-руҳий кийноққа гирифтор қилиндилар. Ваҳоланки, Шўро ҳукумати коммунистик мафкура ижодкорлари ғамхўрлик қилаётганини, уларни ҳамма рағбатлантираётганлигини пеш қилиб турди, жадид ёзувчиларини советни тан олдиришга уринди. Бошнинг ёриғи эса бўрк ичидаги қолаверди. Таъқиб қилинаётганлар оғизлари тўла қонни душманлари олдида тупурмадилар.

Сезиб турибман, Абдулла Қодирий ўз мақолаларида ёлғон гапларни ёзганми, унинг табиатига мунофиқлик ёт эди, деган таъна-дашномлар айтилади. Абдулла Қодирий ўта покиза инсон ва санъаткор эди. Аммо замон, тузум унга вафо қилмади. Халқда муросай мадора, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган нақл бор. Абдулла Қодирий қалбини, покиза эътиқодини унинг асарлари тўқимасидан, хужайраларидан изламоқ жоиздир.

“Қодирий боғи”да “Ўткан кунлар” романни ва “Обид кетмон” қиссаси кенг, ишонарли талқин килинган. Айниқса, “Обид кетмон” муносабаи билан М.Шолохов, А.С.Платонов асарларидаги масала-моҳиятнинг тилга олиниши ўринлидир.

Умрзоқ ЎЛЖАБОЕВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

## ТАЛАНТ ТАРБИЯСИ

“Адабий-бадиий танқид ҳақида”ги тарихий Қарор (1972)да “танқидий материалларнинг жанр жиҳатидан ранг-баранг ва оммабоп бўлишига етарли эътибор” берилмаётганлиги танқидчилик соҳасидаги жиддий камчиликлар қаторида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Шундан бери орадан ўн йилча вақт ўтди. Шу муддат ичидаги қарагандаги адабий танқидчиликка талаб ҳам, муносабат ҳам анчагина ўзгарди. Энг муҳими, мазкур соҳанинг ўзида, шу соҳа вакилларининг фаолиятида жиддий силжишлар, сезиларли сифат ўзгаришлари аниқ кўзга ташланди. Танқидчилар адабий ҳаёт оқимига антик муносабатда бўлишни ўз фаолиятларининг доимий меъёрига айлантиришга, адабий ҳаёт ҳодисалари ҳақида турлича шаклларда ёзишга, ўз асарларини, қарорда қайд этилгандек, том маънода оммабоп, ўқимишли бўлишига эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги йилларда адабий танқидчиликда ёзувчига очиқ хат, адабий суҳбат, бир асар баҳси, ёзувчи ва танқидчи диалоги каби шаклларда тез-тез мурожат қилинаётганлиги бу жиҳатдан ғоят ҳарактерлидир. Айниқса, сўнгги шакл ҳозирги пайтда жуда оммалашиб боряпти. Матбуот саҳифаларида бундай изоҳ билан материаллар берилиб турибди. Ҳатто радио ва телевидениедаги адабий эшиттиришларда ҳам танқидчиликнинг бу шаклидан унумли фойдаланилмоқда. Шундай бўлаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки адабиёт, бадиий ижод муҳлислари ҳамма вақт ёзувчи ва танқидчи мулокотига, улар ўртасида бўладиган турли баҳс ва суҳбатларга катта қизиқиш билан қарайдилар. Адабий асарлар таъсирида ўйланиб, хаёлларини

безовта қилиб юрган кўпгина саволларга мана шундай ўзига хос учрашувлардан жавоб топгиси келади. Бинобарин, ҳар икки томон ҳам бу эътиборни сустеъмол қилмаслиги, унинг масъулиятини чукур англаб етиши, танқидчи бирор муносабат билан ёзувчидан интервью олаётган мухбирдан фарқ қилиши, ёзувчи ҳам ўз навбатида сухбатдоши ўртага ташлаётган тезисларнинг оддий маъқулловчисига айланиб қолмаслиги керак бўлади.

Шуни қониқиши билан қайд қиласманки, масаланинг бу жиҳатларини кўпгина ижодкорларимиз яхши тушинадилар. Унинг исботи сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган асарлар ўзбек адабий танқидчилигига анчагина. Мана, қўлимизда танқидчиликнинг истеъодли, жонкуяр вакилларидан бири бўлган Умарали Норматовнинг “Талант тарбияси”<sup>1</sup> деб аталган навбатдаги китоби. Унга нашриёт томонидан берилган аннотациядаги қуйидаги жумла диққатни ўзига тортади: “Талант тарбияси” ҳозиргача бизда нашр этилган бадиий маҳоратга оид китобларнинг ҳеч бирига ўхшамайди...” Шубҳасиз, бундай изоҳ синчков китобхоннинг эътиборидан четда қолмайди, унга қандай янгиликлар билан учрашишини ваъда қилгандек бўлади.

Китобни ўқир эканмиз, юқоридаги изоҳ бекорга берилмаганлигига, бу иш баъзан учраб турганидек, асарни дўконда чанг босиб ётмасин, деб қилинмаганлигига ишонч ҳосил қилиб борамиз. Унда адабий ҳаёт кун тартибида турган кўпгина дол зарб масалалар, бадиий ижод муаммолари тилга олинганинг гувоҳи бўламиз. Ахир қанчадан-қанча баҳсларга сабаб бўлган аруз, ижодкорнинг истеъодди, ҳар ким ўзича талқин қиласидиган санъаткор фаoliyatининг чўққилари бўлмиш илҳом онлари, ёш истеъодлар, ижод психологияси ҳақидаги гаплар

<sup>1</sup> Норматов У Талант тарбияси. Т., 1980.

кимни қизиқтирумайди дейсиз? Ҳозирги кунларда китобхонларнинг севимли асарлари бўлиб қолган, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган “Уфқ”, “Меъмор”, “Мангулик” каби романлар, уларнинг ёзилиш тажрибалари ва тарихи тўғрисида билдириладиган фикр-мулоҳазаларга ким лоқайд қараши мумкин?! Бизда энг оммавий жанрлардан бири бўлган романчилик ёки бўлмаса, болалар ўртасида машхур бўлган детектив ва саргузашт характеридаги асарларнинг ўзига хос табиати, поэтикаси хусусидаги баҳсларга қулоқ тутмайдиган одам борми?! У.Норматовнинг мазкур китобида тилга олинган масалалар фақат шулардангина иборат эмас.

Албатта, ҳамма вақт ҳам адабий танқидчи қаламига мансуб китобнинг қимматини унда саналган масалаларнинг миқдори белгилавермайди. Асосий гап ана шу масалаларнинг моҳиятини чуқур очиб бера олишда. Мамнуният билан қайд этиш керакки, “Талант тарбияси” китоби ўзгача қизиқиш, худди яхши бир бадиий асар сингари завқ билан ўқилади. Бунинг сабаби, менимча, муаллифнинг адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи, унинг келажакдаги равнақи ҳақида ўйлаб юрган дилидаги гапларни, фикрларни катта мезон билан ўлчаб, жуда қулай, оммабоп шаклда айта олганлигида, адабий танқидчилик арсеналидаги мавжуд имкониятлардан ижодий фойдалана билганлигига бўлса керак.

У.Норматов ижодидаги “Талант тарбияси” китоби тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ, албатта. Бу асарни, эҳтимол, танқидчининг 10-15 йиллик ижодий изланишларининг самараси сифатида юзага келди дейилса, тўғрироқ бўлар. Бир вақтлар “Ўзбекистон маданияти” саҳифаларида унинг “Роман ҳақида диалог” номли мақоласининг чиқиши адабиёт шинавандалари, мутахассислар ўртасида бир қадар шов-шувга сабаб бўлган эди. Бир оз кейинроқ ёзилган “Роман ва замон”, “Роман ва

замон” баҳсига қайтиб” каби мақолалари ўзининг усули, полемик характери билан кўпчилигини ўзига қаратди, адабий жамоатчиликка маъкул шаклда ларга ҳозирги тараққиётимиз чўққисидан назар ифода оҳангиде баъзи бир камчиликлар, гоҳида чеклаб турган, натижада фикр керакли кўламда жиҳатлар кўзга ташланиб қолар. Лекин бу танқидчиликни воқеа бўлган асарлар ҳисобланади”.

Танқидчи бу борадаги изланишларини тўхтатиб ўйнади. Дастреб икки адабиётчининг ўзаро баҳси каби соддароқ шаклда бошланган иш тобора конкретлаша бориб, ёзуви ҳаракидчи диалоги даражасига бориб кўтарилиди. Ҳозирги кунда танқидчининг бисотида шу жанрнинг 15 тача намунаси мавжуд. Албатта, бу диалогларнинг ҳаммасида ҳам ҳозирги адабиётимизнинг энг долзарб, тил учидаги турган муаммолари ҳақида сўз юритилади. Демак, адабий танқидчилик тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида бу шакл оммалшиб бораётган экан ҳақиқат юзасидан айтиш керакки, бу борада талантли танқидчиларимизнинг хизмати алоҳидадир.

“Талант тарбияси” китобининг киши диққатини жалб этди. Энг муҳим фазилатларидан бири унинг бўлар-бўлмас илмий жимжимадорликдан ҳолилиги, кенг оммага мўлжалланган ҳолда икки ижодкорнинг оддий, жонли сұхбати шактида ёзиғланлигидир. Модомики жонли сұхбат экан, китобда гоҳида унинг оҳангиде ҳам ўзгариб туради, баъзан у жиддий баҳсга айланниб ҳам кетади, айрим масалалар юзасидан ҳар икки томон ўз қарашларини турли далиллар асосида қизғин исботлашга ҳаракат қиласиди. Шундай ўринларда, хатто, баҳслашаётган кишиларнинг характери, қиёфаси қандайдир даражада кўз олдимишда гавдалангандек бўлади. Баҳс давомида айтилган баъзи қочириғлар ҳам, таънага ўхшаш гаплар ҳам ҳеч қандай эриш

туюлмайди, балки, аксинча, асарга янада табиийлик бағишилайди, қизиқарлироқ чиқишига сабаб бўлади. Китобхон бу мунозараларга хос бўлган хусусият қандайдир майда, бачкана манфаатлар эмас, балки катта адабиётимизнинг келажагини ўйлаш эканлигини ич-ичидан ҳис қилиб туради. Китобдаги “Талант тарбияси”, “Ижодкорнинг “дахлсиз дунёси”, “Роман табиати: талаф ва имкониятлари”, “Саргузашт ташвишлари” каби сұхбатлар бу жиҳатдан ажралиб туради.

Китобда ижодий жараённинг ташқи томондан кузатилган сифатлари эмас, балки сеҳргар оламига оид қатор муҳим масалалар асосий сұхбат мавзусига айланади. Танқидчи китобхонларни ижодни ички сирларидан воқиф қилишдек нозик ишни зиммасига олади. Уларни ёзувчиларнинг ижодий лабораторияси сари бошлаб, бу улкан мастьулиятли меҳнатнинг ўзига хос бўлган ҳам гаштли, ҳам ўта серзаҳмат томонлари билан ошно қиласди. Албатта, бу хилдаги гаплардан китобхон олдин бутунлай хабарсиз эди, демоқчи эмасмиз. Назарий китобларда ва тадқиқотчиларнинг турли ишларида бу ҳақда анча-мунча маълумотлар бор. Биз сўз юритаётган китобнинг ўқувчининг қизиқтирадиган жойи шундаки, ёзувчилар ўзларининг ижодий тажрибалари, асарлари ва қаҳрамонларининг яратилиш тарихи ҳақида, ижод жараённинг ўзига хос, такрорланмас хусусиятлари тўғрисида ўзлари сўзлаб берадилар. Табийки, ёзувчиларни бундай “гапиртириш” ўз-ўзидан осонликча бўлмаган. Китобни ўқиётганда танқидчи бунинг учун озмунча меҳнат қилмаганлиги шундоққина кўриниб туради. Чунки одатда ҳамма вақт ҳам ижод кишилари ўз режалари, ўзларининг ёзувчиклик меҳнати билан боғлиқ “сир”ларни гапиришни ёқтирумайдилар. У. Норматов ҳар ҳолда ана шундай ҳийлагина мушкул ишни уddyалашга муваффақ бўлди.

“Талант тарбияси” китобида яққол кўзга ташланиб турадиган яна бир жиҳатни таъкидлаш лозим. Ундаги ижодкорлар билан қилинган баҳс-суҳбатларни ўқир эканмиз, танқидчининг катта масштабда фикрлаши, адабий ҳодисаларни кузатиш майдони кенг қамровли эканлигини кўрамиз. У адабиётимиз тараққиётининг турли давр ва намояндадарига оид адабий фактларни чукур билади, бадиий ижоднинг турли соҳа ва жанрлари ҳақида жуда эркин фикр юритади.

Муҳими шундаки, биз фикр юритаётган китобнинг муаллифи адабиётни кенг ҳолда тасаввур қила олишга қодир бўлган, бадиий ижоднинг ҳар бир соҳаси ҳақида ўз сўзини айта оладиган истеъоддага эга бўлган танқидчилар сирасига киради. “Талант тарбияси” китобидаги материаллар бу фикрларнинг энг яхши исботи бўлиши мумкин.

Биз юқорида У. Норматовнинг мазкур китобига хос бўлган бир неча асосий фазилатларни кўрсатишга ҳаракат қилдик. Лекин бу гапдан китобнинг ҳеч бир мулоҳазали ўрни йўқ экан, деган хуроса келиб чиқмаслиги керак. Айтилиши лозим бўлган мулоҳазалардан бири шундан иборатки, нима сабабданdir танқидчининг эълон қилинган айrim жуда бақувват суҳбатлари китобга кирмай қолган. Айниқса, ёзувчи Ш. Холмирзаев билан қилинган “Услуб, бадиий шакл муаммолари” сарлавҳали суҳбат ундан ўрин олса ёмон бўлмасди...

Умуман олганда, таниқли танқидчимиз У. Норматовнинг “Талант тарбияси” китоби, дадил айтиш мумкинки, адабий ҳаётга ўзига хос бир янгилик бўлди. Бадиий ижод ҳақидаги фанимиз оригинал бир асар ҳисобига бойиди. У ёзувчилар, адабиётшунос ва танқидчилар, кенг китобхонлар оммаси учун фойдали китоб бўлиб қолиши, шубҳасиз.

1981

*Омонулла МАДАЕВ,  
филология фанлари номзоди, доцент*

## РАПҚОНЛИК ФАН АРБОБИ

Фарғона водийсининг гўзал табиати қадимдан юртдошли-  
римизнинг меҳрини, ҳайратини қозониб келган. Водийдан ҳар  
бир қишлоқ, шаҳар аҳолиси меҳмондўстлиги, дилбар сұхбат-  
дошлиги билан шуҳрат топган. Жаннатмакон водийдаги шода-  
шода марварид маржоннинг битта мунчоғи Рапқон деб ата-  
лади. Қишлоқнинг номини кимдир Рапқон, кимдир Рафқон,  
кимдир Рофиқон дейди. Муқимий ҳазратлари “Кўқондан  
Фарғонагача” саёҳатномаларида бу масканни шундай таъриф-  
лаганлар:

*“Рафқон” ажойиб жой экан,  
Бир кўча кетган сой экан,  
Салқин супа ҳой-ҳой экан,  
Ким кўрса, ҳангу манг экан.*

Агар қўшни Тагоб ўзининг Худойберди Тўхтабоев деган  
ёзувчиси билан, бир оз нарироқдаги Олтиариқ Эркин Воҳидов  
билан машҳур бўлса, Рапқон Ўзбекистон халқ рассоми  
Йигитали Турсунназаров, тилшунос профессор Ёрмат Тожиев,  
адабиётшунос, фан арбоби Умарали Норматов билан танилган.  
Ажаб замонлар экан: кечагина ўқиши тутатган Умарали  
муаллимни домла Ғулом Каримов илтимоси билан Озод  
Шарафиддинов қишлоққа бориб университетга дарс бериш  
учун олиб кетган экан. Озод Шарафиддиновнинг шу сафари  
Умарали Норматовнинг тақдирини белгилади, десак, хато бўл-  
майди. Бу ҳақда уларнинг ўzlари шундай ёзадилар: “Анкета-

лардаги “Қаерда ўқигансиз ва қаерда ишлагансиз?” деган саволларга менинг жавобим битта – ҳозирда Мирзо Улугбекномидаги Ўзбекистон Миллий университети деб юритилаётган куттуғ даргоҳда олий ва аспирантура таълимини олганман, салкам олтмиш йиллик умрим шу даргоҳда ўтди, номзодлик, докторлик илмий даражалари; профессорлик илмий унвони, кафедра мудирлиги лавозими, Ўзбекистон Республикаси фанарбоби, Давлат мукофоти лауреати унвонларига шу даргоҳдаги хизматларим эвазига эришганман.” Юритаётган фикри-мизнинг яна ҳам адолатлироқ бўлишини истаган ҳолда яна бир иқтибос келтирамиз: “Менинг университетда топган энг катта бойлигим, баҳтим шуки, мен Озод Шарафиддиновнинг биринчи аспирант шогирди бўлиш шарафига мұяссар бўлганман. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳамкору, ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб биламан”.

Аслини олганда, Умарали Норматовнинг “Аллоҳнинг беназир инояти” деб биладиган саҳоватлар, бизнингча, анча кўпроқ. Гап шундаки, Умарали домла Озод Шарафиддиновдан бор йўғи бир йилча ёш бўлишларига қарамай мен биладиган ўзбек адабиёти кафедрасида ёшлар авлодининг вакили сифатида иш олиб борган. Ёшлар эса Ғулом Каримов раҳбарлик қилган жамоада фарзанд мақомида бир қатор имтиёзларга эга бўлган. Айниқса, илмий тадқиқотда, турмуш шароитини яхшилашда, ортиқча гап-сўзлардан ҳимоя қилишда, номзодлик, докторлик ҳимояларида имкониятларимиз кенгроқ бўлган. Шу билан бирга ўтган асрнинг 50-60- йилларида университетнинг филология факультети, хусусан, ўзбек адабиёти кафедраси (кафедрамизнинг аввалги номи шундай аталган бўлиб, “Қардош ҳалқлар адабиёти”, “Замонавий ўзбек адабиёти”, “Мумтоз ўзбек адабиёти”, “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси”, “Миллий уйғониш адабиёти” кафедралари шу кафедра асосида

кейинчалик ташкил топган) республика бўйича адабиётшунослик муаммоларини ўрганишда етакчи марказ ҳисобланган. Бу ерда Гулом Каримов, Натан Маллаев, Субутой Долимов, Зикрилла Мирҳожиев, Ҳомил Ёқубов, Матёкуб Қўшжонов каби ўз замонининг энг таниқли алломалари дарс беришган. Бундай туғма истеъдодлар маърузаларини эшитишнинг ўзи “Аллоҳнинг беназир инояти” эмасми?! Мен бир фикрни қайтаришни маъкул кўраман. Нуфузли илм даргоҳида ўқиши – баҳт. Аммо шу илм даргоҳида качон ўқишнинг ҳам аҳамиятини билиш керак. Ҳусусан, Умарали аканинг университетимизда таҳсил олиш даврини ҳақиқатан ҳам олий баҳт деб қабул қилиш керак.

Бизнинг ўзбек адабиёти, кейинчалик ўзбек мумтоз адабиёти кафедрамиз факультет бўйича энг фаол, энг табаррук, энг ҳазилкаш жамоа хисоблаган. Замонавий ўзбек адабиёти алоҳида ажралганидан кейин ҳам Гулом Каримов, Субутой Долимовларнинг устозлик мақомлари ўз даражасини сақлаб қолган. Янги кафедра ташкил топган вазиятда мудирликка икки – учта лойиқ номзодлар кўйилганди. Ана шундай муаллақ ва мураккаб вазиятда бутун жамоа бир бўлиб “Ўзимизнинг Умаралимиз”ни ҳимоя қилганмиз. Кейинроқ бу ном рамзга айланиб кетди. Натижада “Ўзимизнинг Улуғбегимиз”, “Ўзимизнинг Омонжонларимиз” пайдо бўлишди. Касбдошлар ўртасида ниҳоятда самимий муносабат ўрнатилган эди. Ҳатто ҳамма домлалар қўшилишиб айтадиган ашула-қўшиқлар ҳам тўқилганди. Кунлардан бир кун Аъло Ашраповнинг хонадонида ўтиришганида, ўртага тортиладиган овқат бир оз кечикади. Аъло аканинг Ҳазрат деган номлари ҳам бор эди. Ана шу куни тўқилган бир қўшиқ ёдимдан чиқмайди:

“Ҳазратим очликдан ўлдим, егани, нон бер менга,  
Ичали чой бер бер менга”...

Айнан мана шу воқеадан кейин кафедрамизининг “мағдия”-си ҳам пайдо бўлди:

*“Умарали Норматов – ҳа, Умарали Норматов,  
Субутой ака Долимов – ҳа, Гулом ака Каримов – ҳа,  
Умарали Норматов – ҳа, Умарали Норматов”*

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, мана шундай жамоада ишлаш, мана шундай устозлар билан ҳамнафас бўлиш баҳт эмасми...

Шубҳасиз, бундай номдор ва таниқли устозлар билан бир қаторда маърузалар ўқиши, катта илмий конференцияларда қатнашиш шараф бўлиши билан бирга ўзига яраша масъулият ҳам эди. Бу ўринда Умарали Норматов мудирлик қилган кафедрада Аҳмад Алиев, Озод Шарафиддинов, Норбой Худойберганов каби устоз домлаларнинг фаолият олиб боргандарини қайд этиш лозим. Аҳмад Алиевнинг тадқиқотлари асосан Абдулла Қодирий ижодига бағишланган. Абдулла Қодирий эса собық тузумда қора рўйхатнинг дастлабки қаторидан ўрин олган. Ёш мутахассислар билиб қўйишишсинки, адабимиз қала-мига мансуб “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” нашр қилинган 1970–1980 - йилларда ҳам мустабид тузумнинг ёзувчига нисбатан муносабатидаги музликлар ҳали эримаган эди. Норбой Худойбергановнинг мақолаларидағи ҳар бир сўз, жумла адабий микроскоп орқали назорат қилинган. Озод Шароғиддиновнинг Чўлпонга, Усмон Носирга бўлган муносабати мустақиллигимиз эълон қилингунига қадар қораланган. Бу “тўполончи” олимларнинг мақолаларидағи қилмишларига Умарали Норматов жавоб бериши талаб қилинган вазиятлар кўп бўлган. Унинг устига Умарали Норматовнинг ўзи факультет умумий йиғинида: “Куръон тиловат қилинганида, менинг вужудимда ажаб бир ҳис уйғонади. Роҳатланаман, руҳан ўзимни енгил ҳис

қиламан”, – деб турса... Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеъридаги “Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим, ёлғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим” мисралари Абдулла Орипов шу факультетда ўқигани учун факультет жамоасининг ислом динига хайриҳоҳлиги ифодаси сифатида баҳоланиб, бунга карши кескин чора кўрилиши лозимлиги уқтирилиб турган бир пайтда етакчи кафедра мудирининг бу гапларига қандай баҳо бериш мумкин?! Шунинг учун ҳеч иккilanмай айтиш лозимки, 1991 йилда Ўзбекистонимизнинг мустақил, дуб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Бизнинг университетда таҳсил олишимиз Умарали Норматов ижодий фаолиятидаги дастлабки босқич даврига тўғри келди. Мана яқин олтмиш йилдан буён устоз ёш мутахассисларни етиштиришда меҳнат қилмоқда. Ўтган вақт давомида ўнлаб китоблар нашр этилди. Ўнлаб назарий курслар, маҳсус курслар ўқилди. Аммо битта муҳим масалада ўзгариш бўлмади. Бу масала Умарали Норматов хизмат қилаётган халқقا, Ватанга бўлган фидойи фарзандлик билан боғлиқдир. Устозларга садоқат билан умр кечириш домланинг ҳаёт фалсафасидаги бош дастурамалдир.

*Қозоқбой Йўлдош,  
педагогика фанлари доктори, профессор*

### ФИКР ВА ТУЙҒУ НАВҚИРОНЛИГИ

Минглаб адабиётчиларнинг устози, кўзчил олим, адабиётимизнинг чинакам жонкуяри, таникли адабиётшунос, куйдишиди инсон Умарали Норматов домла қутлуғ тўқсон ёшга кирди. Домланинг соҳт-сумбати, кўриниши тўқсондан кўра кўпроқ етмиш яшар одамга менгзайди. Умарали ака вақтни

нозик ҳис этадиган одам. У ўз фикру туйғулариниң маромига мослай билади. Вақтдан ортда қолмаслиги иштеп тафаккурдан орқада қолмасликка сабаб бўлади. Демаккини бугун билан ёнма-ён юрадиган фикру туйғулари шу бўшигидан. Вужуди фикру туйғулар етовида бўлган одам жисмни қаримайди. Янги фикр вужудга тиним бермайди, доимо ҳаракатдаги жисм эса қарилликка бўй бермайди. Тўқонни тўлдирган домла фикран ҳам, жисман ҳам кўпгина етмишбойлардан ёшроқ кўринади.

Олдинлари фақат мақолаю китоблари орқали таниганим Умарали ака номзодлик диссертациямга оппонентлик қилган. Шу жараёнда мен домланинг қанчалик холис ва тоза одамлигига амин бўлганман. Кейинчалик ўрта мактаблар учун “Адабиёт” дастурини тузишда бирга хизмат қилдик. Бу кечимда олимнинг ўзгаларни эшитадиган, уларнинг ўринли фикри билан ҳисоблашадиган киши эканини кўрдим. Вақти келиб, анча йил бир кафедрада бирга ишладик ҳам. Бу даврда Умарали аканинг ўзига алоҳида эътибор талаб қилмайдиган, ҳатто бу хил эътибордан малолланадиган камтар одам эканини кўп бор кўрдим. Домла асло тўрга интилмади, лекин тўр доим унга мунтазир бўлди. Йигинлар тўрига интилмагани сари кўнгиллар тўридан жой ола билди. Бир мунча вақт фан олимпиадаларда қатнашдик ва бу жараёнда Умарали акани инсофли, холис, кўнгли ва қўли тоза одам сифатида кашф қилдим.

Маълумки, бадиий адабиёт – ҳайрат меваси. Шу сабаб адабиётшуносликни ҳайратшунослик дейиш мумкин. Чин филолог олим ана шу ҳайратнинг манбаси ва моҳиятини текшириш билан шуғулланади. Умарали Норматов домла доимо ҳайрат оғушида яшайди, ҳамиша бадиий сўз таъсирида, ҳаяжон оғушида юради. Ўзига ёққан асарлар ҳақида фикр билдирганида: “Ҳайратда қоларли даражада гўзал”, – дейишни хуш кўради.

Умарали ака бадиий асарни шунчаки ўқимайди, балки ҳайрат билан, муҳаббат билан идрок этади.

Домла бадиий адабиётни, кўрқам сўзни астойдил севади, шу сабаб унга мўъжизага қарагандай қарайди. Ижодкорга ҳайрат билан аёвли ёндашади. Табиатидаги самимий ҳайрат туйғуси баъзан битикларга ортиқчароқ баҳо бериб юборишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Умарали Норматов асару адигба болта кўтармайди, уни ширинлик билан сийлашни хуш кўради. Айни вақтда талабчанликни ҳам кўлдан бермасликка интилади. Умарали ака урадиган эмас, балки суядиган ва суяйдиган танқидчилардан саналади. Олим адабиёт ҳақида, чинакам ҳайрат манбаи тўғрисида бемалол, хотиржам фикрлашни хуш кўрмайди. Шу сабаб баҳсга чорловчи йўсинда эҳтирос билан самимий ёзади. Таҳлил мобайнода туйғунинг жўшқинлиги туфайли баъзан асарга ошиқчароқ баҳо бериши ҳам ана шундан.

Умарали Норматов бир умр китоблар курсовида. Янги чиққан асарларни қолдирмай ўқиб боришга интилади. Олим даврнинг нафасини нозик ҳис этгани учун ҳам ўзбек адабиётида модерн йўналишнинг намоён бўлиш йўсини ёки абсурд адабиётга хос хусусиятлар тўғрисида ўз фикрини айти олади. Ҳолбуки, у кишининг тенгдошлари адабиётимизда шундай ҳодисалар бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилишолмайди.

Олимнинг умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ўқитиши, олий филологик таълим муаммолари юзасидан билдириган фикрлари соғломлиги ва даврга мувофиқлиги билан эътиборни тортади. Айрим олимлар кексайгач, ёшлиқда орттирган фикрий заҳираларини сарфлаш билан кифояланмоқчи бўлишади. Умарали домла эса илмда бир нафаслик тўхташ етиб бўлмайдиган даражада ортда қолиш эканини жуда яхши билади. Шу боис ҳаммани аядиган одам ўзини аямай тинимсиз ишлашга мажбур қиласди.

Адабиётга доир қарашларини ҳар жиҳатдан асослашга астойдил интилгани ҳолда Умарали aka ўз фикрини сўнгги ҳақиқат деб тиқиширмайди. Олим бадиий адабиётнинг сирли-сехрли, серқиёфа ҳодисалигини, унда киши бирданига қабул қилиши оғир кечадиган жиҳатлар бўлиши табиийлигини яхши билади. Домлада эгоцентризм йўқлиги учун ҳам ўзининг бадиий асарга ёндашувини ягона мезон деб ҳисобламайди. Шу боис ўзига ёқмайдиган фикрларни ҳам бутунлай инкор этмайди, уларга имкон қадар холислик билан муносабатда бўлишга интилади.

Домла тинимсиз ўқигани боис ҳам миллий, ҳам дунё адабиёти ва адабиётшунослигидан яхши хабардор бўларди. Айримлар ўқимай туриб холоса чиқариш, тузукроқ танишмай туриб ҳукм айтишдан ҳижолат чекмайдиган бир пайтда домланинг ҳамиша бадиий матн билан таниш бўлгани туфайли айтадиган салмоқли фикрлари ўзгача аҳамият касб этади.

Умарали aka кўп ишларди ва кучли ҳаяжон билан тез ёзарди. Шу сабаб у кишининг китоблари сони юзлардан ошиб кетгандир. Мақолаларининг-ку саноғига етиб бўлмас. Ўта мурраккаб даврда ижод қиласан табиатан инсофли ва ўзига ниҳоят даражада талабчан одам бўлгани учун совет даврида яратган асарлари ҳақида олим: “Ўзимча ҳомчўт қилиб чиқсан уларнинг деярли тўртдан уч қисми бугун аҳамиятини ўқотибди. Бунинг боиси шундаки, ўша аҳамиятини ўқотган ишлар адабий жараёндаги ўткинчи, танқиддан тубан нарсалар ҳақидадир, арзимас масалалар хусусидаги баҳс мулоҳазалардир. Бугун уларнинг ҳеч кимга, ҳатто ўзимга ҳам кераги йўқ. Оллоҳ томонидан бир бор берилган умрни, ўзимга яраша қобилият-иқтидорни ўткинчи, арзимас машғулотлар учун беҳуда исроф қиласанимга афсусланаман”, – деб ёза билган. Аслида, домланинг афсус қиласидиган ишлари у киши айтганчалик кўп эмас. Бунинг устига,

ўзини тафтиш қилиш, хатоларини ошкора тан олиш ва буни матбуот орқали айта билиш учун ҳам иймон бутунлиги зарур бўлади.

Професор Умарали Норматов бадий асарга шунчаки бир тасодиф туфайли ёзилиб қолинадиган ҳодиса деб қарамайди. У бадий ижодни ҳамиша мустаҳкам ва турғун қонуният асосида ривожланадиган узлуксиз жараён ҳисоблайди. У – бадий ҳодисалар замиридаги қонуниятларни пайқай биладиган олим. Шунинг учун ҳам “Майсаранинг иши” асарида кулгининг халқона илдизлари ҳақида ҳажвушунослар пайқамаган нозик кузатишларни қила олади. Шундай ёндашув боис “Мехробдан чаён” романида халқ кулгиси муаммосини жуда миқёсли ижтимоий, миллий ва руҳий аспектларда текшириб ўзига хос хуносалар бера билади.

Домла улуғ ёшдаги кўпчиликдан фарқли ўлароқ янгиликка, янгича қарашларга ўч, қизикувчан. Баъзан бу қизикувчанлик меъёридан ошиб кетиши ҳам мумкин. Зотан, асл бадий адабиёт кўнгил мавжлари ифодаси. Кўнгилнинг тўлқинлари ҳақида кўнгилдан гапирилганда тошиқиб кетиш узрли.

Умарали Норматов чинакам бадий асарни бир ўқиб кетиладиган нарса деб ҳисбламайди. Балки, бирор асарни қайта ўқиш уни қайта идрок этиш, аввал пайқалмаган жиҳатларини кўриш имконини беради, деб билади. Шу боис ҳам баъзан бир ёзувчи, ҳатто унинг бирор асари ҳақида ўнлаб йиллар мобайнида қайта-қайта қалам суради ва ҳар сафар унинг янги қирраларини кашф эта билади. У Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳид, Ўткир Ҳошим сингари улкан адиллар ҳақида қайта-қайта мақолалар ёзган. Олимнинг бир қатор китоблари айни шу хилдаги қайта ўқиш ва такрор мушоҳада маҳсули ўлароқ дунёга келган. Жумладан, чин истеъодод эгаси, вақтга бўй бермайдиган адаб А.Қодирий ижоди тўғрисидаги

туркум мақолалари “Қодирий мўъжизаси” китобининг юзага келишига сабаб бўлди. Бу китоб ўзбек қодирийшунослигида ўзига хос ҳодисага айланди.

Маълумки, олим Абдулла Қаҳҳорнинг тасвир маҳорати ҳақида академик Матёкуб Кўшжонов билан биргаликда ёзган китоби таҳдилнинг пухталиги билан ажralиб турарди. Домла кейинги битикларида Абдулла Қаҳҳорнинг миллат ўтмиши акс этган ҳикоялари ҳамда “Сароб” романига бугунги адабий тафаккур талабларидан келиб чиқиб, герменевтик нуқтаи назардан ёндашди. Умарали ака асл талант эгаси қаламига мансуб ушбу битиклар давр янгиланиши ва ўқувчиларнинг бадиий тафаккури ўзариши билан янгича ўқилиши, янгича тушунилиши ва янгича талқин этилиши кераклигини англаб етгани учун ҳам миллат бадиий тафаккурида янгиланишлар рўй бериши билан Абдулла Қаҳҳор асарларини қайтадан идрок этиш зарурияти пайдо бўлганини, улкан адаб битикларини бугун қай йўсинда идрок этиш мақсадга мувоғиқлигини акс эттирувчи алоҳида китоб ёзди.

Аёнки, чинакам асар қачон ёзилганидан, қандай дунёқарашиб маҳсули бўлганилигидан қатъи назар кейинги авлодлар маънавияти ва руҳиятига таъсир кўрсатаверади. Асл бадиий асар мафкуравий қолиплардан юқори турароқ, унинг ўзгармасдай туюлган талаблари доирасини ёриб чиқароқ пайдо бўлади. Умарали Норматов “Қаҳҳорни англаш машаққати” монографиясида Қаҳҳор асарларидаги айни шу жиҳатларни ўта билимдонлик ва беадад муҳаббат билан кўрсатиб бера олган. Олим адаб асарларининг яшовчанлиги сирларини тадқиқ этар экан, чин бадиий кашфиёт муаллиф истагига зид ҳолда ҳам ўз умрини кечириши мумкинлигини асослаб беради. Китобда “Сароб” романини ўқишли қилган, унинг бугунги авлод туйғулари ва тафаккурига ҳам бадиий таъсир кўрсата олишини

таъминлаган жиҳатлар ғоят нуктадонлик билан кўрсатиб берилган. Монографияда шахсиятидаги бутунлик синдирилган инсон фожиасининг жуда кўламли ва таъсирчан тасвири қанчалик умрзоқ бўлиши мумкинлиги ёрқин намоён этилган.

“Қаҳҳорни англаш машаққати” китоби ҳозирги ўзбек танқидий тафаккури кўтарилигтан юксаклик ҳақида тасаввур уйғотиши жиҳатидан ҳам, бадиий матнга замонавий герменевтика илми талаблари билан ёндашишнинг амалий самараси сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Шуниси диққатга моликки, профессор Умарали Норматовнинг мазкур асари соғ амалиётчилик нуқтаи назаридан ҳам ғоят ўзига хос ҳодиса бўлиб, ўзбек адабиётшунослиги янгича қиёфа касб этаётганлигидан, унинг бугунги ҳаётий талабларни ҳисобга олиш имконияти ортиб бораётганлигидан ёрқин далолатdir.

*“Бир нарса кўнглимга таскин беради: мен бирор гуноҳ ишга онгли равишда қўл урган эмасман; оиласманга, турмуш ўртоғимга, фарзандларим, дўстларим, устозларимга энг кескин вазиятларда ҳам хиёнат қилмадим. Ҳамиша ҳаромдан ҳазар қилиб яшадим. Ҳеч кимга таъмагирлик билан ялтоқилик қилмадим”,* – деган эди кўп йиллар олдин Умарали Норматов домла суҳбатларидан бирида. Тўқсон йил давомида ўзи тайин этган ҳаётий ўлчамларга садоқат билан яшаб келаётган иймонли домламизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ёр бўлишини тилайман.

2021 йил 12 апрел

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор

## УЛУФ МУНАҚҚИД ФАОЛИЯТИ САҲИФАЛАРИ

Олимнинг умри йиллар билан ўлчанмайди, олимнинг умри у яратган асарлар, илмий тадқиқотлар салмоғи билан сарҳисоб қилинади. Олимнинг умри у ихтиро этган китоблар умри чадир, қолдирган шогирдлари воситасида бу умр келажакка қадам ташлайди. Аллоҳ ато этган буюк неъмат – умр қанча йил бўлса-да, бу моддий ҳаёт билан яшаш олимга камлик қиласди. Зеро, “олим” калимаси Аллоҳнинг гўзал исмлари (асмои хусно)-дан бирига айланишининг боиси ҳам шунда.

Етук мунаққид, фидойи олим ва шогирдпарвар устоз Умарали Норматов 1931 йил 3 январда Фарғона филояти Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида зиёли оиласида туғилди. Кўйкон мадрасаларида таълим олган оталари Нормат қори Қуръони карим ва Ҳадис илмини билгани, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил ва Машраб асарларини кўлдан кўймай ўқигани учун қишлоқ кишилари “Қори ақа” деб ҳурматлайдиган шахс бўлган. Ўзи миниб шаҳарга қатнайдиган баҳосиз Қорабайир отини Саъдий “Гулистон”ининг форсий-туркий матни кўллэзмасига алмаштириб юборгани қишлоқда ҳализамон оғиздан-оғизга ўтади. Оналари Сорабиби Яссавий ҳикматлари-ю, Сўфи Оллоҳёр байтларини нурли ва ҳазин оҳангда ўқийдиган отинча аёл бўлгани эсланади. Тоғалари қишлоқ мактабида усули жадидани жорий қилган муаллим Мулла Маҳмуд бир ҳафтанинг ичидаги жиян-шогирди Умаралига араб ёзувини ўргатгани маълум. Табиийки, шундай зиёли муҳитда тарбияланган Умарали Норматов ҳам университет таълимига

қадар ўрта мактабни аълога, педагогика билим юртини имтиёзли диплом билан битирди.

Талабалик йилларидаёқ Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов каби устозлар назарига тушди. Университетни имтиёзли дипломга битирган истеъодли шогирдини қишлоқ мактабида оддий ўқитувчи бўлиб қолиб кетишини истамаган устоз Озод Шарафиддинов уни ҳали мактаб бағрига сингиб улгурмасидан университет аспирантурасига олиб келади. Қишлоқ оқсоқоллари Озод аканинг Рапқонга боришию, “маслаҳат оши” ўтган чойхонани яхши эслашади...

Тошкент Давлат университетида аспирантура таҳсили (1959–1962)дан сўнг Филология факультетининг Ўзбек адабиёти тарихи кафедрасида ўз устозлари қаторига ишга таклиф қилинади. Орадан бир йил ўтмаёқ “Ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги тараққиёти тенденциялари” мавзууда номзодлик диссертацияси (1963)ни ёқлади. Фаол мунаққид, зукко олим сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг назарига тушиб, “Қаҳҳорнинг одами”, яъни унинг даврасига даҳлдорлар сафидан жой олади. Танқидчиликда Матёкуб Кўшжонов ва Озод Шарафиддиновдан кейинги мунаққидлар рўйхатида муқим турди. “Инсон фаолиятига оид соҳалар ичидаги сўз санъатидек тутқич бермайдиган” ижод турининг этагини маҳкам тутди, унинг “қолилга, қоидага тушмайдиган сир-синоати” қоида ва тамойилларини ишлаб чиқадиган олим бўлиб етишди.

Матбуотга чиққан илк мақоласидаёқ “ёш адилларнинг ютуқ ва камчиликлари”ни кўрсатишга (1957) интилган мунаққид сифатида кўринган бўлса, ўзининг илк китобини ўзбекнинг энг оддий ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини англашдек машаққатли ишга бағишилади. Оддий сўзда жилвалангандуюк қудрат ва илоҳий сеҳрни кашф этишдек нозик ва масъулиятли ишга “Маҳорат сирлари” (1968)дан тортиб “Тафаккур

ёғдуси” (2005)гача содик қолди. Сабаби “ҳар бир улкан ижодкор буюк асари билан ҳар гал янгича йўл, усул, қоидалар кашф этади. Бунинг устига ижодкор шахсиятидек сирли, ажабтовор одам боласига... Аллоҳ инсон зотига хос жамики кучли ва заиф, зиддиятли, сирли-сехрли, мўъжизакор сифатларни мужассам этиш учун ёзувчилик истеъдодини яратган бўлса”, мунаққидга ана ўша мўъжизалар билан иш кўрадиган, ҳар гал янги асар ўқигандага гўзаллик билан учрашгандай ҳайратлана оладиган, ўз ҳайратининг сабабларини таҳқиқ қилиб, уни ўқувчиларига юқтира оладиган салоҳиятни берган.

Умарали Норматов қаламидан чиққан беш юздан ортиқ мақолаларни тасниф қилганда, йигирмадан ортиқ китобларни мушоҳада этганда бу асарлар бағридаги чўғнинг тафтидан совуқ қалблар илиқлаша боргани, жозиб қалблар эҳтиросга берилганини ҳеч ташбеҳу таърифларсиз кузатиш мумкин. Ана шунда мунаққид умрени, ўзи айтгандай, бекорга сарф бўлмаганини, йиллар суронига совуриб қўймаганини ҳис қилиш мумкин. “Аллоҳ томонидан бир бор берилган умрни, ўзига яраша қобилият-иктидорни ўткинчи, арзимас машғулотлар учун беҳуда сарф қилгани” учун таассуф тортган олимгина ўз фаолиятига холис қарай олади, ўзининг камтарона илмий таж-рибасини ҳам устозларидан, атроф-муҳитдан кўради: “Университетдаги адабий муҳит, Гулом Каримов, Субутой Долимовдек алломалар билан бирга ишлаш, улфат тутиниш баҳти насиб қилганидан”, Озод Шарафиддиновдай давримизнинг буюк танқидчисига “биринчи шогирд бўлиш, салкам қирқ йил у аллома билан бирга ишлаш фахрини” ҳис қилган масъулияти мунаққид “ҳаётда, адабиёт илми йўлида топганлари қанчалар ардоқли бўлмасин”, олим “яшаган, ишлаган йиллари адабиёт илмида майдонга чиққан ёрқин сиймолар, содир бўлган буюк ўзгаришлар, кашфиётлар қаршисида анчайин камтарона ўрин тути-

шини ўйлаб бир оз “хушёр” тортиб қолади. “Ўзбек адабиёти, адабиётшунослик фани шу йиллар давомида жаҳон адабиёти, тафаккури ривожига таъсир кўрсата оладиган асарлар бера олдими?” деган савол олимни сонсиз жумбоқлар сари етаклайди. Бу савол қаршисида ўзини жуда-жуда ожиз сезади, айрим ҳолларда унга жавоб топгандай, адабиётимизда ярқ этиб кўринган ҳар бир учқундан юлдуз умидини қилишга, ҳар бир назарий ҳодисага жаҳоний маъно беришга тутинади. “Умарали ака урадиган эмас, суюдиган танқидчилардан” экани, “ҳайрат оғушидаги умр”, “ҳаяжонга кўмилган фикр” каби мақтov-танқидлар чимчилаб турса ҳам гўзалликни излашдан, топгандарини ўқувчилиги ҳовучлаб тутишдан тортинмайди. Чунки ҳайрат ва ҳаяжон замираida буюк СўЗга, сўз санъатига ва унинг келажагига чексиз муҳаббату ишонч ётади. Умид билан суқилган таёқнинг бир кун самара беришига ишониб, ҳатто ўзи танимайдиган бошловчи ёзувчига мактуб битади, унинг асарини “тафаккур ёғдуси” санаб, “ўзбекона нафосат,adolat туйғуси уфуриб турган истеъодли бир адабанинг кўз олдимизда шаклланиб келаётганлигини миллий насримиз учун қувончли ҳодиса” деб билади.

Абдулла Қодирийдан юқтирган “бутун одам” тушунчаси ҳаётий ибрат намунасигина эмас, балки эстетик идеал бўлиб туюлади, шунинг учун ҳар бир персонаж ва қаҳрамондан шахси бутунликни кутади, бунинг қирраларини учратган кимсани Қодирий ва Қаҳҳор қаҳрамонларида суйиб ардоқлади. Адабиётдаги ҳар бир янги асарни китобхонлардан бир кун аввал кўради, унинг янгилик белгиларини топганда асар муаллифидан ҳам шодмонроқ бўлиб суюнади. Озод Шарафиддинов ёзганидай, XX асрнинг 60-йилларида бўён миллий адабиётдаги биронта салмоқли асар ёхуд жиддий адабий воқеа танқидчинг эътиборидан четда қолган эмас. Ёзувчининг мунаққид-

лар билан ўзаро ижодий ҳамкорлигини кучайтиришда, ўта ижтимоийлашган танқиднинг бадиий ижод табиатини санъат асари деб англаши томон юз ўгиришида Умарали Норматовнинг чиқишилари, хусусан, ёзувчилар билан қилган адабий сухбатлари муҳим аҳамият касб этди. Олимнинг адабий-танқидий ишлари яхлит ҳолда замонавий адабий жараён ҳамда янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиёти масалаларига бағишиланган. Унинг қаламига мансуб миллий адабиётимизнинг нодир асарлари таҳлили, ўзига хос талқини, бу адабиётнинг ўнлаб намояндаларининг адабий портретлари, ниҳоят, янги ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларига оид илмий-назарий ишлари адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Янги ўзбек адабиёти анъаналари ва новаторлик хусусиятларини аниқлаш олим илмий тадқиқотларининг асосини ташкил этди. Ўзбек ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари ҳақидаги номзодлик, “Ҳозирги ўзбек прозаси (традиция ва новаторлик муаммолари)” (1978) тадқиқига бағишиланган докторлик ишларида, “Насримиз уфқлари” (1974), “Насримиз анъаналари” (1978) сингари китобларида ўзбек насрини тамойилларини изчил таҳдил қиласи, унинг тараққиёт хусусиятларини зукко олим нигоҳи билан кузатади. Бундай зоҳирий сифатларни асос билган шарҳчилар Умарали акани “наср мунаққиди”, “эпик танқидчи” каби тамойиллар билан сийладилар. Бироқ ёзганларини синчилкаб кузатган китобхон наср баробарида ўзбек назмининг устувор хусусиятларини сарафроз қилган, Чўлпондан Баҳром Рўзимуҳаммадгача XX асрнинг тиниқ шоир ва шоиралари ҳақида гўзал тақризу мақолалар яратган олим эканини яхши пайқайдилар.

Ҳар соҳадаги каби адабиётнинг ҳам юксак юлдузли онлари, нурли чўққилари баробарида қўналғада жиндай пастрлаб кетган даврлари бўлганидек, Умарали акада ҳам ўз даврига фар-

занд бўлиш, унинг зилол сувларидан нафланиш баробарида оқоваларига ҳам дуч келиш онлари бўлди. Мафкуравий тазиқ даври ўзбек адабиётининг хусусиятларини ўргангандада, давр адабиётининг назарий асоси реализм табиатидан келиб чиқиб иш кўриш “Етуклик” (1982), “Ақл ва қалб чироғи” (1983), “Давр туйғуси” (1987) асарларида кўзга ташланади. Давр зуғумига бўйин эгиб, етуклик белгиларини социализм тамойилларидан кутган бўлса-да, бу адабиётнинг улуғлигини турли хил шакллар ва услубларга бағрини очган бадииятида кўрди.

“Қалб инқилоби” (1986), “Қодирий боғи” (1996), “Ўткан кунлар” ҳайрати” (2000) китоблари замонавий ўзбек адабиёт-шунослигининг жиддий ютуғи сифатида эътироф этилди. Умарали ака ҳар доимгидек мустақиллик йилларида ҳам миллий-адабий жараённи қадам-бақадам синчилаб кузатиб борди, адабиётимизда пайдо бўлган янгича адабий-эстетик тамо-йилларни аниқлаш, бугунги адабий жараёнининг назарий муаммоларини тадқиқ этиш йўлидан борди. “Умидбахш тамо-йиллар” (2000), “Тафаккур ёғдуси” (2002) китоблари, матбуотда эълон этилган юзлаб адабий-танқидий мақолаларини айни шу муаммоларга бағишлаган. “Маҳорат сирлари” (1968)дан “Қаҳҳорни англаш машаққати” (2000)гача, “Қодирий боғи” (1996)дан “Тафаккур ёғдуси” (2005)гача XX аср ўзбек насрининг пирлари Қодирий ва Қаҳҳор ижодини бутун бўй-басти, нурли ва камчил томонларигача кузатишга вақтини, умрини сарфлашдан тийилмади. Хусусан, мунаққид ҳаётининг кўп қисми қодирийшунослик билан ўтди. Қодирий ҳаёти ва ижодига оид 10 дан ортиқ асарлари орасида “Қодирий мўъжизаси” (2010) тадқиқоти алоҳида ўрин тутади. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги китоб ва тадқиқотлари янгиланиб, “Абдулла Қаҳҳор: ши-жоат ва маҳорат жозибаси” (2020) юзага келди.

Адабий-танқидий мақолага нисбатан назарий ишнинг умри узоқроқ эканини яхши англаған олим бутун фаолияти давомида жаҳон адабиётидаги услубий оқим истилоҳларини ўрганишга, унинг табиатига мос равишда миллий адабиёти миздан намуналар, тимсоллар ва муқобиллар белгилашга дилдан ҳаракат қилди. Шу йўналишда “абсурд” адабиёти, символизм, структурализм ва постмодернизм каби ўзбек китобхонлари тугул адабиётшунослари ҳам қийинлик билан бўйин берётган ҳодисаларнинг моҳиятини англатишга, нафақат адабиёт, балки санъатнинг бошқа турларида кечеётган янгилашиб жараёнининг фалсафий моҳиятини идрок қилишга интилади. Ана шу маънода Умарали ака доим замон билан чарчамасдан ҳамқадам бораётган, ҳатто айрим ёш мунаққидлар кузатиб улгурмаётган ҳодиса ва жараёнларни, бадиий ва илмий-танқидий асарларни ўқиш ва ўқитишдан тинмайтганини кўрсатди.

Француз маърифатчиларининг устози Дени Диdro ёзганидек, киши ўқишидан, ўқиганларини таҳлил қилишдан тўхтаса, тафаккур қилишдан тўхтайди. Мустақиллик даври адабиётшунослигига Умарали Норматов нафақат йилдан йилга, балки кун сайин яшарив бораётган, тирик адабий жараённи ўзатча сезимлар билан англаб, янгича талқин қилаётган мұнажжид мақомини олди. Умарали акадаги бу сифат бисотидаги бир ҳовуч сўзни эзмалик билан айлантириб кун кўраётган кекта авлодга; ўқишидан, уқишидан, сўз ва фикр ҳаракатидан тўхтатган айрим ёш ижодкорларга ҳам ўрнакдир...

Европада нисбатан қадимги деб ҳисобланган адабий манбалар суҳбат тарзида ёзилгани мутахассисларга мазкурум. Афлотуннинг “Қонунлар”и Клиний ва Мегилл билан бўлган суҳбатлар, “Давлат” асари эса, шогирди Ксенофонт саводларига жавоб тариқасида яратилган. Бу ҳолат кейинчалик Ёаронд

Европа адабий-илмий доираларида ҳам урф бўлган. Фарб адабиёти мутахассислари буюк Гётенинг шахсий котиби Эккерман билан умрининг сўнгги дамларидаги сұхбати, Лев Толстойнинг Сергеенко билан бўлган сұхбатлари буюк даҳо санъткорлар ижодий оламининг айрим номаълум жабҳаларини очишга ёрдам беради.

Шарқда ҳам адабиётшунослик илми ҳам оғзаки ва ёзма тарздаги сұхбатлар баёни ҳисобига кенгайгани туфайли уларнинг айрим намуналари муайян танқидий жанрларнинг яратилишига сабаб бўлгандир. Мумтоз адабиётда адабий танқид ёзма рисолаларга кўчишидан аввал анжуман ва мубоҳасалар, алоҳида ижодкорлар асарлари хусусида навоийхонлик, бедилхонлик ва машрабхонликлар тарзида тараққий этгани маълум. Тасаввуф адабиётидаги мақомотлар – самовий мажлислар ҳам мана шундай сұхбатлар доирасида рух, ҳол, мақом, тариқат ва бошқа масалаларга багишлиланган назарий рисолаларда очиқланмаган муаммоларни очишга қаратилган. Бу каби адабий манбалар орқали мисоллар излашдан мурод Умарали Норматовнинг “адабий сұхбат”ларини юқоридаги манбалар қатори мангаликка муҳрлаш эмас, балки адабиётшунослик илми ўзининг илк туғилган пайтларидан бошлаб ўз бағрига адабий сұхбатларга ўрин бергани, бусиз унинг жанрлар майдони нисбатан камбағаллашиб қолиши мумкинлигини англашидан иборатdir. Зотан, Умарали Норматов мунаққид сифатида ўзбек танқидчилигига ўттиздан зиёд адабий сұхбатлар яратган экан, бу адабиётшунослигимизнинг сұхбатлараро кечган имкониятларини кўрсатиш ҳамdir.

Адабиётшунослигимизнинг кейинги даврдаги равнақи учун Иззат Султоннинг назарий қарашлари, Матёкуб Кўшжоновнинг таҳлил мактаби, Озод Шарафиддиновнинг публицистик талқинлари, Иброҳим Гафуровнинг мансура ва

мутолаалари, Нажмиддин Комиловнинг тасавиуфий рисолалари асқотарли бўлса, Умарали Норматов адабий сұхбатлари ҳам миллий адабиётшуносликнинг умр узоғлиги учун шунчалик қадрлидир. Айни ҳолни теран ҳис қилган мұнаққид Иброҳим Faфуров “Ижод сехри” китобининг сўзбошисида ёзди: “Умарали Норматов адабий сұхбатларида давр адабий-бадиий тафаккурининг такрорланмас белгилари акс этган. Бу сұхбатлар давр адабий ҳаёти, адиллар таржимаи ҳоли, улар қарашларининг такрорлымас қимматли хужжатларидир. Ўзбек адабиётимизда кейинги эллик йил ичидаги ҳеч ким бунчалик кўп ва хўп сұхбат яратмаган. Уларда адилларнинг ўзига хис қарашларигина эмас, танқидчи У.Норматов принциплари ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлиари акс этди. Таланттарбияси борасидаги масъулликни бўйнига олиши ва ҳис килиши кўзга ташланиб туради. Бу сұхбатларда қанчадан-қанча қимматли гувоҳликлар сочилган” (Faфуров И. Мұхаббатли одамнинг ҳайратлари ғ У.Норматов. Ижод сехри. – Т.: Шарқ НМАК. 2007. – Б. 11).

Адабий танқид ўз умри давомида проблематик мақола ва очерклар, ижодий портрет ва эсселар, талқин ва тақризлар билан иш кўргани маълум. Танқидчиликда ҳар бир жанрнинг ўз ўрни, имкониятлари, ифода йўсими ва шакл жозибликлари мавжуд. Улардан бири иккинчисининг юмушига киришиши қийин. Шундай экан, бундай ижодий сұхбатларда адабий жараён масалалари, бадиий асарларнинг яратилиш тарихи, сирсиноати, бадиияти қирралари ҳақида сўз кетар экан, хуллас, танқидчиликнинг муайян вазифасини ўзига хос шаклда ба жарар экан, нега унга алоҳида жанр сифатида ёндашмаслик керак. Қолаверса, адабий сұхбат ўзбек танқидчилигига биргина Умарали Норматов тажрибасидагина эмас, балки барча етук мұнаққидлар ижодида ҳам кузатилади. Ана шу доимий маш-

ғуллик натижасида мунаққид ушбу жанрнинг имкониятлари-ни кенгайтирди, адиларни ўз ижоди ҳақида сұхбатта тортиб, бадий асарнинг китобхонга номаълум жабжаларини очишига эътибор қаратди ва натижада мазкур асарни китобхонлар томонидан қабул қилинишини енгиллаштирди.

Умарали Норматов умрининг асосий қисмини университетда ёшлар орасида ўтказди. Кафедранинг илм тараққиёти йўлидаги имкониятларини яхши англаган олим 1974 йили Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига асос солди ва ўттиз йилдан ортиқроқ муддатда кафедра мудири ва профессори бўлиб ишлади. Янги ўзбек адабиёти намояндадарининг шўро даврида топталган шаънини тиклаш, улар меросини халқа қайтариш, XX аср адабиёти тарихини тубдан қайта баҳолаш, холисона илмий ёритиш йўлида жонбозлик қилди. 1990–2002 йиллари домла раҳбарлик қилган кафедра қошидаги 20–30-йиллар ўзбек адабиёти тадқиқига бағишиланган илмий гуруҳ улкан ишларни бажарди, “Абдулла Қодирийнинг бадий олами” номи остида илмий жамоа тўплами, Чўлпоннинг уч жилдан иборат “Асарлар”и нашрга таёrlанди, “Адабиёт надир?” китоби чоп этилди. Республика Фан ва технологиялар маркази гранти бўйича 2003–2005 йиллари О.Шарафиддиновнинг Истиқлол йилларида яратган асарларидан иборат 70 босма тобоқ ҳажмдаги “Сайланма”си нашр этилди. Шу асосда “Миллий истиқлол ғояси ва ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги тараққиёти тамойиллари” каби тадқиқот ишларини олиб борди. Бунинг баробарида кафедрада О.Шарафиддинов, А.Алиев, А.Расулов, Н.Худойберганов, С.Содиков, Р.Кўчқоров, Б.Каримов, А.Улуғов сингари истеъдодли мунаққид-адабиётшунослардан иборат илмий жамоа шаклланди, мазкур жамоанинг саъй-ҳаракати туфайли Миллий университет мамлақатимизда ва хорижда тан олинган адабий-танқидий тафаккур марказларидан би-

рига айланди. Адабий танқидчилика "Озод Шарифиддин Норматов мактаби" деб ном олган илмий марказга асос солинди. Кафедранинг барча профессор-ўқитувчилари Ёзуевчилар уюшмаси аъзоси сифатида қайноқ адабий ҳаёт ичида нағас солдилар.

Умарали Норматов университетда "Янги ўзбек адабиёти", "Хозирги адабий жараён", "Хозирги адабий жараён муаммолари", "Илмий ижодиёт методологияси" фанлари бўйича машғулотлар олиб боради, унинг маърузалари илмий теранлиги, янгича оригинал ёндашув ва жўшқин талқинлари билан ажралиб туради. Олий ўқув юртларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда самарали ишлади. О.Шарафиддинов ва У.Норматов тузган дастур ва унинг иштироқида тайёрланган "ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи" (1999) дарслиги университет тизимида фаол қўлланилмоқда. Умарали Норматов мамлакатимиз илмий салоҳиятини оширишда, уни истеъододли кадрлар билан таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатаётгани маълум ҳақиқат. Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, ЎзМУ қошидаги докторлик диссертациялари ҳимоялари бўйича ихтинослашган илмий кенгашлар аъзоси сифатида ўнлаб адабиётшунослар меҳнатини холис баҳолаб, уларни олимликка йўллади. Проф. Умарали Норматов раҳбарлигига тўртта докторлик, 15та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. У раҳбар бўлган кафедра мактабидан чиққан шогирдлар бугун маданиятимизнинг турли жабхаларида фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, филология фанлари доктори Дилмурод Қуронов Андижон Давлат университетида Ўзбек филологияси факультетини бошқарди; филология фанлари доктори Баҳодир Каримов Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида кафедра мудири, Улуғбек

Ҳамдамов ЎзРФА Тил, адабиёт ва фольклор институти бўлим бошлиғи ва таниқли адиб...

Умарали Норматов Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 1991 йил март ойида ташкил этилган умумтаълим мактабларига янгиланган адабий тафаккур асосида дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш бўйича муаллифлар гуруҳига раҳбарлик қилди. Ташкилотчи педагог раҳбарлигида адабиёт ўқитишинг янги концепцияси ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ умумтаълим мактабларнинг 5-11 синфлар учун “Ўзбек адабиёти” бўйича янги ўқув дастури тузилди, шу дастур асосида дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. 5-, 9- 11-синфлар учун Адабиёт дарсликлари, мажмуя ва методик қўлланмалари муаллифи сифатида қатнашди. Танловларда унинг иштирокида яратилган 9-синф “Адабиёт” (2002), 5-синф “Адабиёт” (2003) дарслик-мажмуалари ғолиб чиқди.

У.Норматовнинг адабиётшунослик, илм-фан, ёшлар тарбияси соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланмоқда. 1981 йили етук олимга Ўзбекистон Республикаси фан арбоби унвони, 1989 йили “Қалб инқилоби” китоби учун Республика Давлат мукофоти берилган; 2011 йили Меҳнат шуҳрати ордени билан тақдирланган, адабий-танқидий мақолалари учун “Шарқ юлдузи”, “Гулистон”, “Тафаккур” журналларининг йиллик мукофотларини олган. Олим Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси нишони (1992), “ТошДУ моҳир педагоги” унвони (1998) соҳиби. Устоз Умарали ака ёзадилар: “Дипломлар, гувоҳномалар, унвону даражалар ўз йўлига. Хўш, 70 йиллик филология йўлидаги тинимсиз фаолиятдан мен нима топдим? Топганим шу бўлдики, сўз санъати инсоният яратган, аниқроғи, Аллоҳ одамларга ҳадя этган ноёб неъмат, сеҳрли мўъжиза эканига тақрор-тақрор икрор бўлдим... Инсон фаолиятидаги ҳеч қайси соҳа адабиётчалик сир-сеҳрга бой эмас. Инсон

ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақиқатини кашф этишни бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўзиганини босолмайди... Чинакам санъат асарини ўқиганимда қўйилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман. Кўнглини соҳага майл-мехр уйғотгани, ризқимни шу соҳадән учун Яратганга шукроналар айтаман”.

Йил бошида Умарали Норматов келажак сари 90 ташлади. Қалбида ҳамон адабиётга муҳаббат жўшуради. Калит сўз санъати мўъжизаларидан завқланиш, ҳайратланиш хиссатарк этмайди ва бу жозиб хусусиятлари унинг шогирд ва яцинларига ҳам юққан.

*Дилмурод ҚУРОНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

## ҚОДИРИЙШУНОСЛИГИМИЗ ДАРҒАСИ

Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодий меросини фундаментал асосда тадқиқ этиш зарурати ва имконияти юзага келганида бу ишга биринчилардан (балки, биринчи) бўлиб қўл урган адабиётшунос Умарали Норматов бўлади. Зарурат деганимиз – бунга қадар Қодирий ҳаёти ва ижодий мероси “сайлаб” ва ҳукмрон мафқура нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлса, энди холисона илмий ўрганиш масаласи кун тартибига кўйилгани; имконият деганимиз – истиқбол шаронтида адиб яратган ўлмас асарлар мазмун-моҳиятимизни аслича очиб бериш, аҳамияти ва миллий маданиятимиз тарихидаги ўрнига объектив илмий баҳо бериш мумкин бўлгани.

Устознинг Абдулла Қодирий ижодини фундаментал тадқиқ этиш заруратини теран ҳис қилинни 80-йиллар охиринга –

мактаб ва олий ўкув юртлари учун янги адабиёт дарсликлигини яратиш жараёнида фаол иштирок этиб юрган вақтга түғрій келади. Домла сұхбатлари асносида албатта Қодирийдан сўз очадиган, унинг шахс сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам буюк ва бетакрор – бир сўз билан айтганда МЎҶИЗА эканлигини айтиб чарчамайдиган бўлганди ўша вақтлар... сўзларида ўзигагина хос самимий ҳайрат ҳамиша барқ уриб турарди. Айни шу ҳайрат кўп ўтмай “Ўткан кунлар” ҳайрати” номли мўъжаз китобида мужассам ифодасини топди. Аслида бу китоб домланинг дарслик яратиш бобидаги фаолиятининг бевосита давоми ўлароқ, ўқитувчиларга Абдулла Қодирийнинг ўлмас асарини қандай тақдим этиш ҳақида энг муҳим ва зарур тавсияларни бериш мақсадида яратилган. Табиийки, шунинг учун ҳам унинг услуби ва ифода тарзида оммаболлик устувор, ҳайратга йўғрилган самимий фикрлар бевосита сұхбатдошга айтилаётгандек бир шаклда тақдим қилинган. “Ўқитувчи” нашриётида давлат буюртмаси билан – 1996 йилда бу ғоят танқис иш эди! – 6000 нусхада – у вақтлар учун жуда катта тираж! – чоп этилган бу китоб мамлакат бўйлаб кенг тарқалди, “Ўткан кунлар”нинг янгича талқинларини оммалаштиришга замин бўлиб хизмат қилди.

Албатта, юқорида “биринчилардан (балки, биринчи) бўлиб” деганимиз “ахир, мустақиллик арафаларидан бошлаб Абдулла Қодирий ҳақида ёзмаган адабиётшуноснинг ўзи қолмади-ку, бас, биринчиликни белгилаш жоизми?!” деган эътиrozни келтириб чиқариши мумкин. Тўғри, Абдулла Қодирий ҳақида кўплар ёзди – бироқ улар эътиборни аксар у ё бу асаридаги ҳайратангиз нуктани тавсифлаш, адибнинг маҳорат қирраларидан бирини очиш, ҳаёти ё ижодидаги ибратли бир ҳолатни ёритиш сингари жузъий мақсадларга қаратишиди. Бу вақтга келиб олтмишни қоралаб кўйган, илмда аллақачон ҳавас қилгулик мавқе

ва обрў тошган йоғрисе оғиминиң ас-Абдурраҳими Ҳамидови  
ёндашуви оулардан ғамом фарзанди он. Рашити Ҳамидови  
шунос ёндашувидан асосий фарзанди ишенининниң  
фундаменталлик қодириниң ижтимоий таъсисати

Фундаменталлик Қодириниң ижодий меросиниң ишенининниң тарихи  
тунлика – даврининг мураккабо ижтимоий тарихига шароити,  
адибнинг ҳаёт йўли ҳамда маданий адабийти ашханалар кози  
текстларида олиб қаралгани билан таъмин этилади. Йилини бу  
ўринда фундаменталлик сўзи яхлит шадқиёни маъносига, эса  
эмас, объектга қандай қаралгани маъносидаги қўйлапмоқудаки, бу  
жиҳатдан устознинг Қодирий ҳақидаги кичик мақолоси иш  
айни сифатга лойиқдир. Академизм эса ўзбек адабиётшунос  
лиги эришган ютуқларга (устоз Қодирий ижоди тадқиқига ик-  
ришган вақтда улар инкор қилинган) таяниб, ҳар бир конкремет  
холда кўзланган илмий мақсадга мувофиқ келувчи синаатган  
илмий методларни қўйлаб амалга оширилган таҳдиллар, кун-  
нинг долзарб ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига жавоб бериш-  
дан кўра илмийлигига устувор аҳамият берилган холосалар чи-  
қаришга интилишда кўрилади. Айни шу хусусиятлар, бизнинг-  
ча, Умарали Норматов XX аср адоғи – XXI аср бошларида амалга  
oshiрган Абдулла Қодирий ҳақидаги тадқиқотларнинг илмий  
қимматини белгилаш билан бирга, уларга янги қодирийшунос-  
ликнинг дебочаси деб қарашга асос беради. Шу ўринда олим-  
нинг ўзи биринчилик масаласида айтган мана бу фикрини  
келтириб ўтиш жоиз кўринади: “Адабиётда бирор янги адабий  
шаклга илк бор ким қўй ургани эмас, балки шу шакл-жанрнинг  
чинакам баркамол намуналарини ким яратганлиги мухимроқ-  
дир”<sup>2</sup> Худди шунга ўхшаш, адабиётшуносликда ҳам адаб ҳақи-  
да кимнинг биринчи бўлиб ёзгани эмас, ижодининг асл мо-  
ҳияти ва миллий адабиёт ривожидаги ўрнини яхлит очиб

<sup>2</sup> Норматов У. “Ўткан кунлар” ҳайрати – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 39.

беролган, бу билан кейинги тадқиқот йўналишларини белгилаган ишларни ким амалга оширгани муҳимдир. Шу маънода Умарали Норматовни ҳеч иккиланмай қодирийшуносликнинг асосчиси деб кўрсатиш мумкин деб ҳисоблайман. Эндиғи вазифа шу қарашни асословчи нуқталарга диққатни тортиш бўлади.

Умарали Норматов энг аввал Абдулла Қодирий биографиясига, уни шахс ва адаб сифатида шакллантирган омилларга тўхталади. Тўхталганида ҳам илгари эътибордан четда қолдириб келинган нуқталарни таҳлилга жалб этади. Тўғри, 90-йилларга келиб ҳамма ҳам кўпроқ айнан “эътибордан четда қолдириб келинган” нуқталарга, яъни адабнинг жадидчилик билан алоқаси, 1926 йилда ҳибсга олингани ю судланиши, қатаронга тортилиш жараёнлари каби биографик фактларга қизиққан... Фақат шуниси борки, мутаносиб равишда унинг янги тузумга муносабати, шўро тузилмаларидағи фаолияти, асарларидағи “пролетарча” қарашларига кўз юмила бошланган. Яъни бир қутбдан иккинчисига сакралган: илгари бўрттирилган қирралар сийқаланган ёки буткул текислаб юборилган. Ҳолбуки, бундай ёндашув – моҳиятан инкор қилинаётган эскича ёндашувнинг айнан ўзи, фақат қарши кутбда жойлашган ва, шубҳасиз, илмийликдан буткул йироқ. Зеро, бу ҳолда тадқиқотчининг қаршисида ҳақиқий Абдулла Қодирий эмас, у кўришни истаётган (аниқроғи, у муайян давр ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари, қайфияти орқали тасаввур қилган) Абдулла Қодирий намоён бўлади. Адабиётшуносликда ёзувчи биографиясини ўрганишдан мурод – унинг психологик портретини тасаввур қилиш (Сент-Бёв) ва айни шу тасаввур асарнинг моҳиятини англашга асос бўлади, деб ҳисобланади. Модомики тавсифланган ёндашув самараси бўлган тасаввур ёлғон экан, унга асосланган талқин ҳам илмий бўлолмайди. Зеро, бундай

тасаввурни калит қилган ҳолда асар мөҳиятини очмоқقا уриниш муқаррар равишида бирёқламаликка олиб боради. Академик адабиётшунослик мактабини ўтган Умарали Норматов буни жуда яхши билади, шу боис 90-йиллар шароитида доминант ижтимоий қайфият таъсирига берилмасликка ўзида куч топади. Олим адабиётнинг ижтимоий табиатини тўла инкор қилиш, унда соғ санъатни қўришга мойиллашганлар “пичноғи кесган” бир шароитда ҳам социологик методдан буткул воз кечмади: Абдулла Қодирий ижодининг ижтимоий-тариҳий илдизларини ҳам очишга интилди. Ҳолбуки, шўро даври адабиётшунослигининг “авторитетлари” аёвсиз танқид қилиниб, ёзгандар архив мулкига айланди дегувчилар қўпроқ ҳақ билинган давр эди. Танқидлар шиддатига бўй бериб, илмий мавқеини ўзгартирганлар ҳам, адабий танқидий фаолиятдан четлашганлар ҳам бўлди. Умарали Норматов буларга парво қилмади, кечмиш фаолиятини теран мушоҳада қилди, йўл қўйган айрим хатоларини тан олди – бироқ катта ўлчамда умри зое кетмагани, то шу вақтга қадар ҳам адабиётга ва шу орқали ҳалқига хизмат қилиб келганига имон келтирди, шу ишончдан куч олиб, худо берган кейинги бир йигит умрича вақт давомида битта адабиётшунос бир умр аранг уddeлагудек ишни амалга ошириди, десак, асло муболага эмас.

Умарали Норматов талқинида Абдулла Қодирий ўз даврининг одами ўлароқ, бутун зиддият ва мураккабликлари билан намоён бўлади, муҳими, олим уни бор ҳолича қабул қиласди, асарларидан шунчалар хайратлангани билан ундан “кумир” ясашга интилмайди. Шу сабабли ҳам, масалан, таржимаи ҳолдаги “қизил” ўринлар айб деб тушунила бошлиған шароитда Абдулла Қодирийнинг шўро матбуотини шакллантиришдаги хизматларини қайд этади, унинг ўзи бу билан фарҳ этганини таъкидлайди. Муҳими, адибни “мажбурият орқасидагина иш-

лаган, шўро сафида туриб миллий озодлик учун курашган” дея тўқиб-чатишга уринмайди. Жумладан, шўро даврида Қодирий “миллий буржуазия вакили”, “савдогар фарзанди” деб кўрса-тилганини қайд этаркан, бу факт уни айблаш, “ижодидаги “фоявий нуқсонлар” манбанин асослаш учун” дастак қилинганини айтади. Масалага ойдинлик киритиш учун олим Қодирийнинг ўзи ёзган таржимаи ҳолдаги мана бу гапларни келтиради: “ёшим етти-саккизга еткач, қорним ошқа тўймағонидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганимдан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат саксон ёшлиқ бир чол отамнинг меҳнатидан, 1500 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан”. Албатта, бу ўринда “таржимаи ҳол 1926 йилда ёзилган, бас, у бирмунча “қизиллаштирилган”, адаб ўзини янги тузум одами ўлароқ тақдим қилиши зарур бўлган”, деган эътиroz бўлиши мумкин. Иккинчидан, “камбағалдан чиққан” қабилидаги факт-мақтов обдон одамлар меъдасига теккан, “ўзига тўқ, савдогар оиласидан чиққан”ни хушроқ қабул қилинадиган вақт эди. Лекин мақолга зид ўлароқ, олим замонга боқмайди – ҳаёт ҳақиқати ва мантиқига содик қолишга интилади: “Тўғри, ёзувчининг отаси Қодир бобо бир вақтлар савдогар бўлган, савдо ишларида муваффақиятсизликка учраб, дехқончилик, боғбонликка ўтган. Абдулла туғилган пайтда у камбағал бир боғбон эди”<sup>3</sup>. Эътибор беринг: Умарали Норматов бирёқламаликка йўл қўймайди, айни чоқда, муроса йўлидан ҳам бормади, “олтин оралиқ”ни тутгани ҳам йўқ – ҳақиқат принципига қатъий амал қилди.

Шу принципга содик бўлгани учун ҳам олим Абдулла Қодирийнинг ўрода, октябрь инқилоби ва социализм ғоясига муносабатини ҳам хаспўшламай – орттирмай ва камитмай кўрсатади: “Ёзувчини бора-бора большевиклар, Ленин партияси

<sup>3</sup> Норматов У. Таъланган асарлар. – Тошкент: Шарқ. 2021. – Б 22.

олиб бораётган ишлар ўзига торта бошлиди, бунда Исмоил Обидов ва Султонхўжа Қосимхўжаев каби инқилобчиларнинг хизмати, роли катта бўлди”<sup>4</sup>. Мустақилликдан кейинги дастлабки йиллар кишининг шўро ҳукумати идораларида, турли ташкилотларида қилган хизматига, ҳукумат амалга оширган тадбирлардаги иштирокига мутлақо салбий муносабатда бўлиш тенденцияси кузатилди. Кейинроқ бундай муносабат бироз юмшаса-да, биографиядаги бу фактларни эсламасликка ҳракат қилинади. Ҳолбуки, ўша даврда амалга оширилган ишлар ҳам шу юрт учун, шу ҳалқ учун қилинган, самарасини шу ҳалқ, шу юрт кўрган – бирор елкасига ортмоқлаб кетган эмас. Умарали Норматов – шу оддий ҳақиқатни теран англаған, қалби ва вужудида ҳис қилиб ўтказган донишманд инсон, айни қарашни Қодирий ҳаётини ёритишга ҳам татбиқ этади. Шу боис ҳам ҳеч иккilanмай адабнинг “уламо ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотга чақириб тарғибномалар ёздим” деган эътирофини келтиради. Албатта, олим бу фактни хаспўшлаб ўтаверса, аксинча, Абдулла Қодирийнинг шўро билан келишмаган ўринларини бўрттирса – омма кутган маълумотларни тақдим этган бўлур эди. Бироқ омма етовида юриш – чин олимнинг йўриғи эмас, популизмга бўй берган олим илм сарҳадларини тарқ этган бўлади. Шуни унутмаган ҳолда ёндашгани учун ҳам ёзганлари илмий салмоқ қасб этади. асл қимматини билгичларгина бера оладиган мақомга кўтарилади. Ва амин бўлингки, Умарали Норматовнинг шундай ёндашув асосида яратган асарлари қодирийшунослик мустаҳкам пойдеворга қурилаётганидан далолатдир.

Абдулла Қодирий ижодий меросидаги зиддиятли нуқталардан бири динга муносабат масаласидир. Аввало, динни ҳурофотга қоришириб, тирикчилик манбани қилиб олган руҳе-

<sup>4</sup> Шу китоб – Б. 25

ний қатламга жадидлар кескин қарши турғанлари, диний соҳани ҳам ислоҳ қилиш зарур деб билғанларини ёдда тутмоқ керак. Шўро даврига келиб, айниқса, 1925 йилдан бошлаб – собиқ иттифоқ миқёсида “Худосизлар жамияти” тузилгач – бу ишлар янада кенг кўлам ва шиддат касб этди, жамиятда атеистик кайфият устуворлашди. Афсуски, жадидларнинг бир қисми (масалан, Ҳамза) ҳам динни ислоҳ қилиш йўлида бошлаган курашини энди янгича ўзандা, аввалгидан кескинроқ тарзда давом эттириди. Мазкур жараёнларни жуда яхши ўрганган Умарали Норматов ёзади: “Қодирий илк асарлариданоқ барча жадидлар каби ислом мағкураси асосида халқнинг равнақини ўйлади, ҳаётдаги, руҳонийлар даврасидаги шариатга зид бидъатларни, қолоқ таомилларни танқид қиласи. Октябрь инқилобидан кейин бундай танқид бошқача, бирмунча зиддиятли кўриниш касб этади. Ёзувчи маълум муддат 20-йиллар аввалида кенг авж олдирилган динга ва диндорларга қарши шиддатли кураш таъсирида диний удумларни ёппасига кескин фош этувчи, диндорларни ер билан яксон этувчи асарлар ёзди”<sup>5</sup>. Бироқ Умарали Норматов адабнинг мазкур кайфият измида қолиб кетмагани, тездаёқ Русияда ўтказилаётган дин соҳасидаги сиёsatни бизда айнан ўтказиб бўлмайди, деган тўхтамга келганини таъкидлайди. Шунинг натижаси ўлароқ адаб асарларида “дин ва диндорларга муносабат хийла ўзгаради”, “уларни тушуниб, инсон сифатидаги мураккаблиги, марғуб ва номарғуб жиҳатлари ила бор ҳолича қўрсатиш” йўлидан борилганини айтади. Умуман олганда, Умарали Норматов талқинида Абдулла Қодирий мустаҳкам эътиқодли мусулмон сифатида гавдаланади, фақат ҳаётининг бир босқичида жамиятдаги кайфият таъсирига тушган, хайриятки, ундан тез қутула олган. Яъни Умарали Норматов адаб шахсиятини бир бутун қилиб

<sup>5</sup> Норматов У. Танланган асарлар. – Тоқпекент: Шарқ, 2021 – Б 41-42

турувчи жавҳарни кўради, талқинларида айни жавҳарни асосга кўяди, унга вақтинча яқинлашган, атрофида айланган зарраларни эътибордан соқит қилади. Таъкидлаб айтаманки, бу ўтмиш адабий меросимиз қайта баҳолана бошлаган даврдаги энг тўғри илмий ёндашув эди. Афуски, оқимга қараб фикрлашга мойил катта авлод ҳам, жамиятдаги янгиланишлар шиддатига маҳлиё ёш авлод ҳам вақтида буни етарли қадрлай билмади. Ўйлаб қарасам, устоз бунга муҳтож ҳам бўлмаган каби: *илмий принципларини таҳрирга ҳолда* (юқорида ҳам айтдик, улардан асло буткул кечмай) изланишда давом этди, ўзи ва умуман илмимиз илгари йўл қўйган хатоларни тузатиш, камчиликларни тўлатиш пайида бўлдики, бу *асл олим ва чин инсонга хос йўлдир!*

Абдулла Қодирий шахсиятини атрофлича ва чуқур ўрганиш, у ижод қилган давр ижтиомий-тарихий шароитлари ва кайфиятини яхши билиш Умарали Норматовга таҳдил ва талқинда кенг имкониятлар очди. Шу имкониятлар рўёби ўлароқ устоз “Ўткан кунлар”нинг янгича талқинларини тақдим этди. Муҳими, бундай *талқинлар ёзувчи шахсияти, асар ёзилган давр ижтимоий воқелиги ва руҳ-кайфияти ва, энг муҳими, асар матнидан келиб чиқиб амалга оширилдики*, шуниси билан улар янгиланаётган адабиётшунослигимиз учун методологик қиммат касб этди. Умарали Норматов “Ўткан кунлар”нинг етакчи ижтимоий пафоси “истиқлол қайғуси” эканлигини теран очиб берди, “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари” деб баҳолангандаврнинг асар ёзилган давр билан, асар устида ишлаётган муаллиф руҳий ҳолати билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. Шу билан бирга, олим асарнинг “маъно-мундарижа доираси ғоят кенг” эканлигини, “унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган”ини таъкидлади. Асарни замон билангина боғлаб талқин қилиш ва баҳолаш ама-

лиёти муқаррар бирёқламаликка олиб боришини “Ўткан кунлар” мисолида кўрсатди. Олим ҳақли тарзда: “Бир вақлар “20–30-йилларда аксилинқилобий миллатчилик ғояси, буржуамиллатчилик руҳи билан йўғрилган деб саналган роман 50–60-йилларга келиб инқилобни улуғловчи, тасдиқловчи, социалистик революциянинг чуқур “одампарварлик ва адолатпарварлик характерини” очиб беришга хизмат этадиган асар деб баҳоланди, эндиликда эса ундан инқилоб даври зиддиятларига ишоралар қидириляпти, феодал ахлоқини, одатини қораловчи, фош этувчи ҳисобланган асар бугун юксак инсоний ахлоқий фазилатлар, қадриятлар мадҳияси сифатида баҳоланаяпти”<sup>6</sup>, деб ёзди. Мазкур ҳолнинг сабабини бир томондан субъективлик (яъни танқидчилик) билан изоҳласа-да, олим асосий сабабни “чинакам санъат асари, хусусан, баркамол реалистик асарда акс этган ҳаёт ҳақиқатининг сержилолиги, маъно доирасининг кенглигига” кўради. Эътибор беринг: Умарали Норматов бу билан талқин асоси сифатида асар (матн)га таяниш кераклигини, бошқа омилларнинг бари талқинда асар (матн) орқали воқеланишини таъкидлаётирки, бу чин илмий ёндашув демакдир. Абдулла Қодирийни илк бор айни шу хил ёндашув билан тадқиқ этгани учун ҳам биз Умарали Норматов чин илмий асосдаги қодирийшуносликка асос соглан деб айтэтирмиз.

Шу ўринда қайд этиш зарур бир нуқта бор: Умарали Норматовнинг “Ўткан кунлар” ҳақида муфассал баён қилган фикр-хулосаларидан ҳам кўра *тегиниб ўтилган, ишора қилинган, масала қўйилган* жойлари қимматлироқ кўринади. Зоро, ўша нуқталар ривожлантирилса – тегинибгина ўтилган масалалар муфассал таҳлил қилинса, ишоралар воқелантирилса, қўйилган саволларга жавоб топилса – адабиёшунослик илми

<sup>6</sup> Норматов У Қодирий мўжизаси. – Тошкент Ўзбекистон. 2010. – Б 99.

ҳам, қодирийшунослик ҳам бир баҳя юксалиши шубҳасиз. Қаранг, устоз ишора қилган “Ўткан кунлар”нинг XX аср давомидаги турлича талқинлари масаласи алоҳида бир докторлик ишига дўнди. Шунга ўхшашиб, олим романнинг ижодий тарихи, ўзига хос бадиияти, бадиий-концептуал жиҳатлари ҳақида айтган фикрлар ривожлантирилса, яна қатор фундаментал тадқиқотларга замин бўлажак. Сираси, устоз Абдулла Қодирийнинг бошқа асарлари ҳақида айтган фикрлар ҳам шундай: ўзида ривожланиш, тармоқланиш, кенгайиш ва теранлашиш имкониятларини намоён этади. Жумладан, “Меҳробдан чаён”нинг биографик контекст билан боғлиқлиги ҳақидаги кузатишлар, “Обид кетмон”даги тагмаъно қатлами ва айни қатлам билан ёзувчининг давр концепцияси орасидаги алоқа каби масалалар ҳам йирик тадқиқотлар учун тайёр заминдир.

*Баҳодир КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

## ПРОФЕССОР УМАРАЛИ НОРМАТОВ ХАЗИНАСИ

Замонавий ўзбек адабиётшунослиги ва яқин ўтган давр адабий танқиди тарихи заҳматкаш олим, профессор Умарали Норматов адабий-илимий фаолияти билангина тугал тасаввур қилинади. Устоз адабиётшуноснинг ўзбек илм-фани, филологик таълим учун қилган хизматлари беқиёс, албатта. Мақолалар, рисолалар, монографиялар, ўқув қўлланмалар, дарслеклар, олим раҳбарлигига ҳимоя қилинган ўнлаб илмий тадқиқотлар, Республика ва яқин хориждаги юзлаб-минглаб шогирдлар – буларнинг саноғига етиш қийин. Буларнинг барчаси битта олим умр безаги. Буларнинг бари олимнинг ўзига хос

олами – бебаҳо маънавий ҳазинаси. Буларнинг ҳаммаси олимнинг ижод оламига, китоблар дунёсига бориб тақалди.

Аслида улкан санъатокр адилларнинг бебаҳо асарлари таъсиридан қалб ларзага келади, сеҳрланади, завқ-шавққа тўлади. Ҳақиқий бадиий асар кучи кўнгилда ўзгача бир ҳарорат ва ёруғлик пайдо бўлади. Ичкарида образлар ёки воқелик мөҳияти билан ғойибона мулоқотлар, баҳс-тортишувлар бошлилади. Адид ва уни англаш, асарлари ортидан келган бир олам гўзал таассуротларни баён этиш, тушунтириш баҳти ҳаммага ҳам насиб қиласвермайди. Профессор Умарали Норматов бутун илмий-ижодий фаолияти давомида ана шу саодатли дамлардан баҳра топди. Ҳақиқий умрбоқий, яхши асарлар домланинг кўнгил сирдошига ва ҳаёт йўлида йўлдошига айланди.

Ушбу китобга профессор Умарали Норматовнинг узоқ йиллик меҳнатлари ҳосиласи бўлган адабий-танқидий мақолалари, энг мўътабар китобларидан олинган адабий таҳдили ва талқинлар жамланди. “Қодирий мўъжизаси”, “Устоз ибрати”, “Уфқларнинг чин ошиғи”, “Ярим аср порлаган маёқ”, “Ижод сеҳри”, “Нафосат гурунглари”, “Хотиралар тилга кирганда”, “Тафаккур ёғдуси”, “Замондош қалам аҳли сиймосига чизгилар” каби бўлимлардан иборат бўлиб, зукко ўқувчи бу номларининг айримларини аввал олимнинг алоҳида чоп этилган асарлари сарлавҳаси эканини илғаб олиши қийин эмас. Китобга тартиб берилиш жараёнида домланинг барча адабий биссоти қайта назардан ўтказилди, сараланди ва бугунги ўқувчининг маънавий эҳтиёжи инобатга олиниб танланди. Зотан бу китоб орқали азиз ўқувчиларимиз бир қатор таниқли адилларнинг ўзига хос ижод оламига кириб борадилар; улар ёзган асарларга доир шарҳларни ўқийдилар. Бундаги фикр-мулоҳазалар, ёзувчиларнинг асарларига берилган баҳолар ўз ҳаётийлиги, ҳаққоний ва холислиги билан ўқувчи эътиборини

тортади, албаттга. Дейлик, уфқقا чин ошиқ бўлган адаб – Саид Аҳмад ижодини Умарали Норматов меҳр-муҳаббат билан таҳлил қиласди. Ёзувчининг дарду дунёсини англайди. Ёзган асарлари эмас, гоҳида ёзилиши лозим бўлган воқеиликлари ҳақида сўзлаган, Саид Аҳмадга илҳом берган паллалари ҳам бўлган мунаққиднинг. Дарҳақиқат, адебнинг истиқлол йилларида маҳбуслар лагерининг фожеавий ҳаётидан олиб ёзилган ҳикояларнинг бир қанчаси У.Норматов ундашлари билан қофозга тушагани айни ҳақиқатдир. Шу боис С.Аҳмад бир ҳикоясига нуқта кўяр экан, У.Норматов хат йўллайди : “Азизум Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда “Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг!” деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беолмас, дегандим.

Мана, “Борса келмас дарвозаси”га нуқта кўйдим. Ўрнимдан туроётганимда бошим айланиб ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор кўриб ўтирган куёв ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб қўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб қон босимимни ўлчади. 200га 130.

Биламан, бу инсульт остонасидағи ҳолат.

Беш кун кечаю кундуз ухламай ушбу хотирани ёздим. Гўё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.

“Сароб” деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта кўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолганди. Кечаси соат учда неварам шаҳар уйимизга телефон қилиб дадасига аҳволимни айтганида, у гўё Қибрайга учиб келган эди. “Тез ёрдам”ни чақириб касалхонага оборган.

“Сароб”да ҳам лагерь, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундоқ бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора кунлар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим.

Ўқиб кўринг, маъқул бўлса беҳад қувонардим.

Сизга самимий салом билан С.А.

2000 йил 5 май.”

Умарали Норматов илмий-ижодий тарихидаги, мазкур китобидаги бундай саҳифалар ёзувчи ва мунаққиднинг дўстона, ижодий ҳамкорлигидан дарак берди.

У.Норматов ўз китобларидан ёзувчи ёки шоир, устоз ёки шогирдлари тўғрисида ёзадими, адабий гурунглари қиласими – барчасида самимият ёлқини балқиб туради. Қадри баланд илмий-адабий китоблар ўқувчига манфаати, уларда китоб ўқиши ва ўқиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилиши табиий.

Гўзал асарлар жозибаси оддий китобхонни ўзига мафтун қиласди, адабиётшунос олимга тинчлик бермайди. Олим қалб тутёёнларини, ҳароратли сўзини бошқаларга айтишга, ёзувчи маҳоратидан, адабий қаҳрамонлар қисматидан сўз очишга эҳтиёж сезади. Шу зайлда турли - янгича адабий таҳлил ва талқинлар майдонга келади.

Профессор Умарали Норматов китобнинг “Қодирий мўъжизаси” бўлими айни жиҳати билан эътиборга молик, албатта. Маърифатталаб ўқувчи бундаги баёнлар орқали олимнинг завқ-шавққа тўла ҳаяжонли адабий-илмий таҳлилларига гувоҳ бўлди. Тўғриси, бундай асарлар бир-икки йил ичida ёки бир ўтиришда ёзилмайди. Улар узоқ изланишлар, қайта ўқишлиар, ўйланишлар, ички баҳс-мунозаралар изидан бунёд бўлади. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг барча қирраларини,

адибга муносабат билдирган илмий асарларни ўрганиш, тадқиқ этиш – бу осон иш эмас.

Агар диққат қилинса, У.Норматовнинг вақтли матбуотда босилган мақолаларининг сони олти юздан кўп, алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган асарларининг сони ўттииздан ортиқ. Табиийки, бу асарлар орасида Давлат мукофотига сазовор бўлганлари ҳам бор. Аммо, менинг назаримда, “Қодирий мўъжизаси” – бу мутлақо ўзгача, мароқ билан, завқ-шавқ билан, тўлиб-тошиб, меҳр-муҳаббат билан ёзилгани жиҳатидан барчасидан ажralиб туради. Унда ёзувчининг ҳаёт йўлини, бошидан ўтган яхши-ёмон қунларни, фожиавий қисматни ёритар экан, домла адид яшаган мураккаб адабий-ижтимоий муҳит руҳини, унинг атрофида кечган иғвою маломатлар моҳиятини чуқур ҳис этиб куйиниб ёзади: “Қамоқда, тергов пайтида устига бўхтондан иборат айблар қўйилганда, айниқса, ҳамкасларининг ўзсизларча мунофиқлик қилаётганини кўрганда адид қандай аҳволга тушганини, бу имони бутун, ўта ҳалол, ростгўй, мард йигит қалбида қандай туғёнлар кечганлигини хаёлан тасаввур қилиш мумкин. Агар ўша кескин драматик руҳий ҳолат тўла тикланса, шекспирона трагедия туғилиши аниқ”. Бундай аниқ ва кескин фикр-мулоҳазаларни манбаларни чуқур ўрганган ва ёзувчининг руҳий-психологик кайфиятини хаёлан тугал тасаввур қилган олимгина ёза олади.

Чинакам санъат асарларига қайта назар солинса, қайта ўқилса, аввал хаёлга келмаган янги маънолар пайдо бўлади, натижада уларни янгидан баҳолашга зарурат ҳам туғилади. Умарали Норматов Абдулла Қодирийнинг асарларига, архив ҳужқатларига, мавжуд илмий тадқиқотлар ва биографик маълумотларга назар ташлар экан, адебнинг бадиий тафаккур тарзини, ҳам истеъоддли ижодкор, ҳам ўз замонасининг кишиси сифатидаги фазилатларини теран тушунади. Адид дунёқараши

Шаклланган мұхит об-ҳавоси ҳароратига, таълим-тарбия маскан-ларининг савиясига түғри ташхис қўяди; бир қанча чигал масалаларга ойдинлик киритади. Олим ўз талқинларида ижод психологиясига, ижодкор инсон табиатига хос барча майлларни инобатта олади.

Умарали Норматов “Ўткан кунлар” романы негизида, истиқбол қайғуси билан яшаётган қаҳрамонлар орзуисида “истиқтол қайғуси”ни кўради. Романда тасвир этилган ижтимоий мұхитнинг мұхим бир қирраси – миллат истиқболига урғу беради. Табиийки, шу оламшумул фикр – бадиий ғоянинг илдизлари Абдулла Қодирий шуурида, асл маслаги ва унинг ҳамфикр маслақдошлари ичкарисида мавжуд эди. Бундай саҳифаларда жадид адилларининг орзу-армонлари кузатилади, бундай ўринларда даврдош даврадошларнинг дарддошлиги ва маслақдошлиги ойдинлашади.

Абдулла Қодирийнинг донишманд қаҳрамонларидан бири “умр – отилған ўқ эмиш”, дейди. Ҳар ўтган кун, ҳар ўтган давр тарихга, хотирага айланади. Хотиралар эса орадаги масофа кенгайиб боргани сари совийди, хира тортади, ёддан кўтарилиди. Энг қизиғи, агар ижод аҳлига оид хотиралар сунъий, тўқилган, ғайритабиий бўлса, гарчанд улар зар муқовали китоблар ичига жойлаб қўйилса ҳам, барибир эсдан чиқади. Чунки ижодкорнинг инсоният хотирасига абадий мұхрланиши учун, энг аввало ўқувчилар излаб, топиб, суюб, ўйлаб, қувониб, йиғлаб ўқийдиган асарлари, адабий дурданалари бўлиши лозим.

Ўзбек миллати манглайига битилган Абдулла Қодирийдек истеъдод эгаси орадан асрлар ўтса ҳам одамлар хотирасидан ўчмайди. Бунинг энг асосий омили – адаб ёзган гўзал санъят асарлари. У.Норматов “Хотираларда адаб сиймоси”ни ёзар экан, Ҳабибулла Қодирий, Масъуд Абдуллаевларнинг оталари ни эслаб ёзган асарлари ҳамда адебга замондош кишиларнинг

мақолаларига ділдегітін көрсеткіші. Бұз маншилар И.Кюлерманн, А.М.Бирик-бияти, асил маслаги, пәймән-жылтықоди, ишоди нағылдауда да оның нинг айрим қирраларини очиншілік түрде береди. И.Кюлерманнның биографик тадқиқ үсулнан күріл мактубалы, ғұрылған жағдайда да да күндаликлар, шахсий архив манбалары түрлерінде ишергендегі яқынлари ва замондошлары ёзған мәденилігінаннан: 1937 жылдан соң оламини түшүннешідегі қадр-қиймегінен түштірілген олимлардың учун И.П.Эккерманншының "Төте билән түрүнде" жағдайда бебаҳо хазина, улуғ адібнің маңынавиғат мұлдығынан да да сеҳрли калит саналади. Бир маҳал икки рус адіби – А.С.Пушкин мен М.Горький ўзаро сұхбатларыда немисларға халықтардың Лев Толстойнинг доно фикрлары исроф бўлаёттанидан, яъне фидойи котиб етишмаганидан афсусланади. Гётерга ишкең эмигридек, дейлик, Л.Тостой ва А.Қодирийдек улкан истеъзоддер ёнида "эккерманлар"нинг яшаши миллий адабиётни бойиттеги бўларди.

Жаҳон адабиётидаги жуда күп адилар умрининг охирги паллалары батафсил ёзиб қолдирилган. Маълумотларга күрга. И.Гёте умрининг сүнгги дамларыда күпроқ ёруғлик ва тоза ҳаво сўрайди. Л.Толстой эса "Нима қилишимни билмай қолдим!" деганича боқий дунёга сафар этади. Ҳўш, Абдулла Қодирийнинг сүнгги кунлари, охирги нафаслари хусусида нишалар биламиз? Шу пайтгача ҳужжатли, аниқ тафсилотли маълумот топилмади. 1937 йил 31 декабрида уйидан олиб кетилгани, терговлар; таниш-билишларнинг кўрсатмалари, 1938 йил 4 октябрида отилгани хусусида умумий маълумотлар бор, холос. Назаримда, У.Норматовнинг силсила хотиралар асосида ёзган "Қодирийнинг сүнгги илтижоси" мақоласи адип умрининг охирги лаҳзалари юзасидан яхши тасаввур уйғотади; кўнгилга таскин беради. Ўқувчи мақола таъсирида "инсон учун дунёда ўлумдан қўрқунч нарса йўқ" лигини жуда теран ҳис

этган шахснинг мардлиги ва жасоратига таҳсин айтади. Қолаверса, бу манзара “Меҳробдан чаён” романни бош қаҳрамони, ўлимга ҳукм қилинганди Мирзо Анвар ҳолатига оид бир эпизодни ҳам эсга солади. “Дор остида Анварнинг қўли ечилиб, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳаққи эди... Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнини ерга ёзи. Жаллодлар доирани бир оз кенгайтиб, Анвар икки ракаъат намоз ўқиди...” Абдулла Қодирий суюкли қаҳрамонига ўлеми олдидан, дор остида шундай бир қонуний ҳуқуқни “берган” экан, ўзи ҳам ўлеми олдидан ҳукм ижроисидан, аввало, ўз “қонуний ҳаққи”ни сўраши, иккинчи тарафдан, “қайралаётган пичноққа бутунлай парвосиз, қўрқувсиз” қарashi анча ишончли ва табиий кўринади.

Тўғриси, менда Масъуд Абдуллаевдан мерос-огзаки хотира асосида ёзилган бу мақола, маш’ум вазият тафсилоти – маҳкум адабнинг сув сўраши, таҳорат олиб икки ракаъат намоз ўқиши, тақдир ҳукмига бўйин эгиши ва тупроқдан ташқарида бир оёқнинг кўмилмай кўриниб қолиши – барча-барчасини аниқ-тиниқ тасвирлаган фожиавий пафосли яхши бир ҳикоя ўқилганидек таассурот қолдирди. Чунки туҳмат ва хиёнатларга бардошли адаб тўққиз ойлик руҳий азобларга қиёсан жисмоний ўлим қархисида мардона тура олиши мумкин эди. Аллоҳ зикри билан калимаи шаҳодатни айтиб жон таслим этиш, жаннатдан умидворлик иймонли одам табиатига хос. Шу маънода Қодирий умрининг сўнгги лаҳзалари тўғрисида ҳар қандай бошқа, турли версиялар бўлмасин, мақолада баён қилган воқеа мантиқ қучи билан ажralиб туради. Бу “сўнгги илтижо” адаб мухлисларининг юрагини ўртаб, зирқиратиб хотиржам қиласди. Қолаверса, домламиз келажакда бунга қараганда ишончли манба топилиш эҳтимолини инобатга олиб, холислик

юзасидан, олдиндан узрини айтади ва улар учун ҳам тадқиқлар эшигини очиқ қолдиради.

Вақтли матбуотни, янги босилаётган китобларни кузатган зиёли замонавий адабий ҳаёт шиддатига гувоҳ бўлади; бадиий асар сифати билан чиқаётган юзлаб асарларни саралаш, баҳолаш, таҳлил этиш заруратини сезади. Бу эҳтиёж ижроси мунаққид-адабиётшунослар зиммасига тушади. Вазифани бажариш учун эса адабий кечимни узлуксиз кузатиш, қиёслаб ўқиш, ўйлаб ёзиш, энг муҳими, жуда холис бир фикр айтиш ва унга бошқаларни ишонтириш керак бўлади. Ўз вақтида Умарали Норматов ижодкорларнинг ҳароратли сўзидан завқланган маҳали кўлига қалам олди; мутолаа шавқидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилди.

А.Қаххор, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Х.Тўхтабоев, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Хошимов, Ш.Холмирзаев, О.Матжон каби ижодкорларнинг ёзганлари У.Норматовнинг доимий кузатиш объектлари бўлди. У.Норматов “Замондош қалам аҳли сиймосига чизгилар”ида ҳам адабий ҳаётни, ижодкорлар истеъодини, бадиий асарларни жуда зукколик билан баҳолагани кўзга ташланади. Чунончи, олим Ўзбекистон Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Ориповга “Ватанинг оташин куйчиси” деб баҳо берар экан: “Дадил айтиш мумкинки, миллий шеърияти мизда эл-юрт қайғуси, бинобарин, ижтимоий мотив билан шахсий майлларнинг уйгун келиши бобида Чўлпондан кейин Абдулла Орипов энг юксак мақомга кўтарила олди”, деган ҳақ гапни ёзади. Эркин Воҳидов ҳақидаги “Шеъриятда сеҳр соҳиби” деб аталган мақоласида У.Норматов шоирнинг ижодий эволюциясини кузатиб шундай мулоҳазани ёзади: “Йиллар ўтган сари Эркин ижодида фикрлар уфқи кенгайиб, ҳис-туйғулар тобора сержило бўлиб борди”. Олимнинг ҳар бир ижодкор ҳақида

билдирган фикрлари негизида самимият ёғдуси балқиб туради.

Умарали Норматов истеъоди ва табиатига хос самимият, холислик, ҳақгўйлик каби таҳлил тамойиллари барча ёзганларини битта фокусда бирлаштиради. Энг муҳими, олим кўнглидаги самимият, қалб ҳарорати ўқувчи юрагига меҳр-муҳаббат, эҳтирос бўлиб кўчади. Адабиётшунослар бўладики, гўзал сўзлайди, дона-дона сўзлайди, лекин қуруқ ёзади. Оғзаки суҳбатлари билан иншолари орасида тафовут бўлади. Аммо Умарали Норматов домламиз ёзганларида унинг соҳир овози жаранглаб туради. Умарали Норматов шу жарангдор овози билан узоқ йиллар ёшлар қалбига кўркам адабиётга муҳаббат уруғини экди.

XX асар ўзбек адабий танқидчилиги тарихида адабий танқиднинг суҳбат жанрида мутахассислар билан энг кўп мулокотлар ўюнтирган мунаққид Умарали Норматов бўлди. Бу гапда муболага йўқ. Домла бутун ижодий фаолияти давомида қирқдан зиёд суҳбатлар ўтказиби.

Ўйлаб кўрсам, мен профессор Умарали Норматовни “Шарқ юлдози” журнали орқали мактабни битириш арафасида – ўтган асрнинг 80-йилларида таниган эканман. Ўқилган қайсиидир роман қаҳрамони исми таъсириданми, ҳар тугул, кейинчалик бир жамоада бақамти ишлаш, устоз-шогирд тутинишимиз мутлақо хаёлимга келмаган Умарали Норматов исми ортидаги мунаққид ўша ғойибона танишув маҳалида жуда ёш ва навқирон бўлиб кўринган эди. Университетга ўқишига кириб қарасам, Умарали Норматов улкан олим, профессор, кафедра мудири, фан арбоби, Ўзбекистон Ёзувчилар ўюнмаси аъзоси экан.

Бироқ ўқувчилик тасаввуримдаги ўша дастлабки беғубор сифат, тўғриси, ҳозиргача ўзгармади. Юракдан чиққан самимий маъruzалар, мароқли ва жўшқин суҳбатлар... Ижодкор ин-

сон учун ёзганлари ўзига ва ўзи ёзганларига ўхшаса – бу ҳам саодат.

Нашрга тайёранган ушбу муҳташам китоб профессор Умарали Норматовнинг 90 йиллик таваллуд кунлари учун катта бир совға ўлароқ жамланди. Домла китоб нашри ҳақида фикр ўртага ташланган маҳалидан бошлаб безовта бўлди, қувонди, ҳайратланди. Устознинг қизлари, филология фанлари номзоди, доцент Шоира Норматова шиддат билан ишга киришди. Саралади, жамлади, тартиб берди. Китоб ҳозирлангач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайд мемнуният билан нашрига Уюшма бош-қош бўлишишни айтди. Ва шу орада Умарали Норматовга қўнғироқ қилиб, аҳвол сўради, китоб, албатта босилиб чиқажаги хабарини бериб, домлани икки баравар ҳаяжонлантирди. У.Норматов устозлари, маслакдошлари – Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов, ИброҳимFaфуровнинг айни рукндаги китобларини ўз жавонларига қатор тизиб ҳавасланиб қарганига гувоҳ бўлганман. Улар қаторидан яқин кунларда домланинг ҳам китоблари ўрин олади. Ҳавасдан қўнгил ўсади, бу ажиб фазилатдан боғлар мевага киради. Ҳавас – бениҳоя гўзал инсоний фазилат. Умарали Норматов табиатида ҳавас кучли. Бирорга ҳасад қилгани ёки бемаъни ғурбатларга берилган ҳолатларини асло эслай олмайман. Агар гурунглар бирор сабаб ножӯя томон бурилиб қолса, сўз ўнқовини пойлаб, устоз секингина ўзининг беғубор ва давомли кулгилари билан давра аҳлининг фикрини, сұхбат йўриғини бошқа тарафга йўналтирганларини кўп кузатганман. Умарали Норматов табиатида ҳаққонийлик кучли. Фикр баёнларида, бирор асар таъриф ва тавсифларида баъзан муболаға бўлади. Бу муболаға домладан сұхбатдошига ҳам юқади. Аммо устознинг бирорни алдаши, номига бўлса ҳам ёлғон гапиришлари – булар асло бизларнинг тасаввуримизга сигмайди. Зоро,

чин устозлик, чин муаллимлик ҳам улкан саодатдир. Бундай саодат даражасига зинама-зина чиқилади. Бундай саодат шаъни мисқоллаб йигилади. Умарали Норматов эл-юрт ардоғи-эҳтиромига, шон-шухратга эришди, маънавият пиллапоялардан юксак бир рутбага кўтарили. Бу даража ва мартабага асло заҳа етмади. Ҳолбуки, У.Норматов ҳам инсон ўлароқ қанчадан-қанча қалтис вазиятларга дуч келди, муҳит гирдобига тушди. Аммо ўзлигига садоқати туфайли ўз инсоний шаънига заррача доғ туширмай ишлади, ижод қилди, фарзандлар ўстирди, шоғирдлар тарбиялади. Умр йўлдошлари, ўз вақтида адабиёти муаллимаси бўлиб ўқувчиларга сабоқ берган Венера опамиз домланинг илм ва ижод йўлларида устозга умр бўйи чинакам маслакдош, фикрдош ва йўлдош бўлди. Шу сабабли ҳали шу кунга довур Умарали Норматов уйлари остонасидан қўни-қўшилар, таниш-билишлар, ҳамкаслар, шогирдлар қадами узилмайди. Бунинг ўзи эътироф ва эътибор, шунинг ўзи ҳам улкан баҳту иқболдир аслида.

Професор Умарали Норматов ёзганлари ёшларга бадиий асарни таҳлил қилиш йўллари, усуслари, танқидий мақола шакл-шамойили ва бошқа қирраларидан сабоқ берадиган манбалар саналади. Домланинг илмий ижодининг қамрови кенг, уларнинг моҳиятини тугал очиш учун маҳсус илмий тадқиқот ишлари бажарилиши лозим.

Биз бир гуруҳ ҳамкаслар ҳар йилги одатимизга кўра янги йил аввалида домла хонадонларига бориб, таваллуд кунлари билан табриклаб гурунглашар ва дуоларини олиб ишга шўнгир эдик... Аллоҳ раҳмат қилсин, домлани... Энди эса раҳматлик Умарали Норматовни эслаб хотирлаб ўтирибмиз.

Яхши инсоннинг ёдга олиниши ва одамлар хотирасида яشاши – бунда ҳам ҳикмат ва ибрат бор, албатта.

*Ортиқбай АБДУЛЛАЕВ,  
филология фанлари номзоди*

## **ҚОДИРИЙ АБАДИЯТИ**

Умарали Норматов. “Қодирий мўъжизаси”. “Ўзбекистон”  
нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент- 2010 йил

Ўзбек адабий танқидчилигининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган заҳматкаш олим Умарали Норматов табуррук 80 ёшлик санасини “Қодирий мўъжизаси” деб номланган янги йирик тадқиқоти билан нишонлади. Маълумки, мустақилик йилларигача Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини таҳдил этишга бағишиланган бир қатор илмий асарлар ва анчагина мақолалар элон қилган, кўп баҳслар, мунозаралар, тортишувлар бўлиб ўтган эди. Уларни академик Матёқуб Кўшжонов “Қодирий – эрксизлик қурбони” (“Фан нашриёти”, Т., 1992) номли мўъжаз, аммо сермазмун рисоласида маълум даражада умулаштириб таҳдил этган. Шунинг учун бевосита У. Норматов тадқиқотига ўтишдан олдин мазкур мавзуни ўрганилиш тарихи хусусида қисқача тўхталишга тўғри келади. Бундай заруратнинг яна бир бошқа жиҳати ҳам бор. Камина М. Кўшжоновнинг рисоласи борасида каттагина тақриз ёзиб (“Гулистон” журнали, 1992-йил, 9-10-сон) эълон қилинган ва мавзу талқинига доир мулоҳазаларимни билидирган эдим. Ҳозир “Қодирий мўъжизаси”ни таҳдил қиласр эканман, уни четлаб ўтиш мумкин эмаслигини ҳис қилдим. Сабаби бу рисола ва тақризда тилган олинган кўпгина масалалар У.Норматов китобида кўтарилиган муаммолар билан бевосита боғланиб кетади.

Машъум қатагон қурбони, янги ўзбек насрининг тамал тошини қўйган буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ижоди мустабид

тузум йилларида муносиб қадри ва эътиборини топмагани бугун ҳаммага маълум. Адигнинг биринчи йирик асари “Ўткан кунлар” деярли ҳар бир саводли ўзбек хонадонига кириб боргани эди. Уни бутун ҳалқ севиб, қўлма-қўл ўқиган. Адигнинг шуҳрати 20-йиллардаёқ туркий ҳалқлар орасида кенг тарқалгани ҳақида маълумотлар бор. 20-йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетида ўқиган буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов ва таниқли туркман адаби Хидир Дириев, тоҷик ёзувчиси Жалол Икоромийларнинг мақола, хотиралари бунга гувоҳлик беради. Айниқса, Мухтор оға “Ҳеч кутилмагандасаҳрода улкан тоғлар ўсиб чиққани каби 20-йилларда ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг романлари пайдо бўлди ва ҳаммамизни ҳайратга солди”, – деб самимий эътироф этган, Қодирий ижоди ўзи учун улкан мактаб бўлганини тан олган эди. “Ўткан кунлар” 1928 йилда озарбайжон тилида, кейинроқ татар тилида нашр этилган. Машхур олим Е.Э.Бертельс Абдулла Қодирийни дунёда олтинчи ўринда турадиган ўзбек романчилик мактабининг асосчиси деб таърифлаган эди. Шунга қарамай, танқидчилик бу асарни ўта совуқ қаршилади.

Сирасини айтганда, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат ижоди инқилобдан кейинги ўзбек адабиётининг тиниқ кўзгувишидир. Бу ҳамма томонидан тан олинган очиқ ҳақиқат. Айни замонда, мазкур адигнинг асарлари ўзбек танқидчилиги учун ўзига хос кўзгу, синов тоши бўлиб келди. Бугунги қунда биз – мустақиллик даврида яшаётган авлод ана шу тиниқ кўзгуга боқиб, кимнинг тили ва дили қандай эканини, эсетик диди ва савияси қай даражада камолга етганини, фикрларининг етуклиги ёки қотиб қолганлигини аниқ ажратамиз. Халқимизда: “Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама” деган мақол бор. Шунга ўшаб, Қодирийни улуғлаганлар ҳам, ижодини тўғри тушунгандар ҳам, турли мақсадларда замонасозлик қилиб унга

тош отганлар ҳам, амал ва мартаба таъмасида била туриб бу табаррук ижодни камситган кимсалар ҳам бугун бутун жамоатчиликка беш қўлдек аён.

Шу жиҳатдан академик М. Қўшжоновнинг тилга олинган рисоласи ҳамда У. Нормаовнинг қўлимиздаги тадқиқоти бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради. Уларда Абдулла Қодирий ижодига муносабат воситасида ўзбек танқидчилигининг йўли, барча қучли ва заиф жиҳатлари, камолоти ва таназзулга кетиш сабаблари кенг, атрофлича таҳлил қилиб, умумлаштиргани, зарур хulosалар чиқарилганини кўрамиз.

Тарихга мурожаат этсак, Қодирий ижодига биринчи хужумни ёзувчи М.Шевердин бошлаб бергани маълум бўлди. “Мафкуравий жиҳатдан А.Қодирий романи – биринчи ўзбек романни – бизнинг роман эмас”, деб хulosса чиқаради у (“За партию” журнали, 1928 й., 3-сон). Ўша йиллар нуқтаи назаридан қаралганда, бу шафқатсиз хulosса эди. Унга кўра, роман мафкура, яъни ғояси бўйича бирзга тўғри келмайди. Демак, у меҳнаткаш халққа хизмат қилмайди. Шундай экан, бу роман – зарарли асар, халққа ёт. Ёзувчи – жамият душмани...

Қизиги шундаки, бу адид ҳам, ундан кейин асарга баҳо беришга интилган бошқа мунаққид ва ёзувчилар ҳам бир хил йўлдан бордилар, тўтиқушга ўхшаб бир хил фикрни тақорорладилар. Дастрраб, асар мақталади, адиднинг маҳоратига ҳамду сано ўқилади, кейин ёзувчи ижодидаги чекланганлик айтилади, адид тарихдаги прогрессив ҳодисаларни тушуна олмаслика, синфий курашни кўрсатмаганликда ва меҳнаткаш халқ образини яратмаганликда, ниҳоят, марксизмни етарли эгалламаганликда айбланади. Кўрамизки, мунаққидлар адид ижодига маълум андозалар, тайёр қолиплар билан ёндашмоқдалар. Бундай қарашлар кейинчалик “вулгар социологизм” сифатида қораланди ва рад этилди. Ҳозир бу ҳақида гапириш осон. У

пайтларда эса бундай бемаъни, бефаросатларча ёндашиш ҳукмрон қараш бўлиб, адабнинг тақдирини бир зумда бир ёқли қилиб қўйдаиган машъум куч ҳисобланарди. Аслида шундай бўлди ҳам. Фақат Абдулла Қодирий эмас, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир ва бошқа ўнлаб ижодкорлар қаттол замон ҳамда вульган социологизмнинг ноҳақ қурбони бўлиб кетдилар.

М.Шевердиндан кейин Абдулла Қодирий ижодини тадқиқ этганлардан бири – Сотти Ҳусайн ҳам вулгар социологизм изидан бориб, улуғ адаб асарларини асоссиз инкор этишга уринди. С.Ҳусайннинг ёзувчига зўрлаб ёпиширилган сиёсий ёриқларидан бири “жадидизм вакили” деган сиёсий айбнома эди. Мунаққид Абдулла Қодирийни “...пролетариатга қарши аксилинқи-лобчи куч” сифатида таърифлайди. Замонанинг зайнини қарангки, кечагина халқни маърифатга, эркка, озодликка чорлаган фидойи зиёлилар – жадидлар, яъни янгилик, янгича тартиб-интизом, маданий турмуш тарафорлари “пролетариат душманлари”га айланди. “Жадид” деганда ашаддий ёв тушуниладиган бўлди. Улар яратган асарлари ўқимай, мазмуни билан танишмай туриб, чангитиб сўкиш бошланди. Оқибатда, Мунавварқори, Беҳбудий, Сидқий, Абдулла Авлоний сингари ижодкорлар реакцион жадидга, Ҳамза, Садириддин Айнийлар эса илғор фикрли маърифатпарварга айланди. Ана шу тарзда ижодкорлар табақаланди: бу – пролетар ёзувчиси, буниси – буржуа, бу – попутчик, ишчи, деҳқон, шоир ва ҳоказо. Йиллар ўтиб, замонлар ўзгариб, адолат тарозиси тикланганидан кейин “жадид” ҳисобланган ижодкорлар чинакам халқпарвар, адолат-парвар курашчилар эканлиги маълум бўлди. Шундай экан, Абдулла Қодирий “жадид”лиги учун таъна тоши отишга эмас, ардоқланишга, эъзозланишга лойиқ ижодкор бўлиб чиқди.

Аммо у йилларда замон мантиғи бундай түғри фикрлашни тан олас эди.

М.Кўшжонов рисоласда атоқли санъаткор ёзувчимиз Ойбек ҳам 1936 йилда эълон қилинган “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” китобида нозик бадиий таҳлил қилиш йўлидан борганига қарамай, “ўзи билиб-бilmай, М. Шевердин, С. Ҳусайнлар позициясида” турганлигини түғри таъкидлайди. У ҳам асарга синфийлик, партиявийлик талаблари билан ёндашгани, қаҳрамонлари “юzlari ер доғлари билан доғланмоғон” кишилар, яъни меҳнаткашлар эмас, юқори табақа вакиллари дидир, деган айбни ёзувчига зўрлаб ёпиштирганини афсулсланиб айтади. “Романда камбағал табақасининг хонлик тузилишига қарши кураши кўринмайди”, деган эди Ойбек. Ҳатто у “Меҳробдан чён” романи ҳақида фикр юртар экан, Анвар образи талқинига доир шундай “камчиликлар”ни кўрсатади: “Анвар феодал хонлик системасида хақсизликларни, истибдодни сезиб, бу ҳақида гапиради. Аммо эзилганларнинг курашчиси бўлиб, ўз манфаатлари йўлида иш қилишга интилмайди”.

Камина М.Кўшжонов рисоласига ёзилган тақризида мазкур масалага тўхталиб шундай мулоҳаза билдирган эдим: “Бу ўринда адаб энг асосий нуқтага – тарихийлик мезонига, ҳаёт ҳакинатига эътибор бермайди. Романда тасвирлаган давр одамлари ана шундай “талабларга мувофиқ” ҳаракат қилини мумкинмиди? Уларнинг савияси, билим даражаси ва дунёқарashi “исёнкорлик” даражасига кўтарилган эдими? Бу асосли саволлар устиди дурустроқ бош қотириш ўрнига ҳаёт ва тарих мантиғига содик қолган буюк ёзувчининг таҳсинга лойиқ фазилати нуқсон сифатида камситилади. Бу ҳам вулгар социологизмнинг аччиқ меваларидан эди”.

Абдулла Қодирий ижоди расман оқланганидан кейин ҳам турли йўллар, баҳоналар билан ёзувчи ижодини камситишга

уриниш, унга тош отишлар давом этаверди. Ҳатто адаб ижодидан яна бир "муҳим" нуқсон излаб топилди. Отабекнинг чор Россияси қўшинларига қарши курашда ҳалок бўлгани китобхонга маълум. Ана шу ҳолат жуда кўп танқидчиларнинг тишини синдириди. Қаҳрамоннинг ўз Ватанини ҳимоя қилиши, босқинчи қўшинга қарши мардона курашгани ёзувчининг энг катта ғоявий хатоси, илғор Россиянинг тарихидаги "буюк роли"ни тушуна олмаслик, қолаверса, қасдан камситиш деб баҳоланади. Тўғри, ўтган асрнинг 50-йилларида (иккинчи ярмида) бу масалада бутунлай бошқача қараш юзага келган эди. Айниқса, мазкур ҳодисанинг "прогрессив аҳамияти"га бағишлиланган илмий конференциядан кейин тарихни соҳталаштириш авж олди. Ҳатто шу пайтгача кенг ишлатилиб келган "босиб олиш" ибораси "қўшиб олиш" тарзида юмшатилди. Катта-катта олимлар, расмий идора раҳбарлари бу соҳтакорликни рағбатлантириб турган пайтда "Ўткан кунлар" қаҳрамонининг рус қўшинларига қарши чиқишини оқлашиб бўладими? Ёзувчи масалани шу тарзда қўйиши катта ғоявий хато, марксизмдан чекиниш, дунёқарашдаги чекланганлик эмасми? Тадқиқотчиларимиз бундай қалтис саволлар қаршисида караҳт бўлиб қолдилар. Матёкуб Кўшжонов айтганидек, бир гуруҳ "зарбдор танқидчи"лар, "сўлқаш"ларнинг жони кирди. Хуллас, адига бағишиланган тадқиқотларга юқоридаги "иллат" ҳам тиркаладиган бўлди. Иззат Султон, Ҳомил Ёкубов, Аҳмад Алиев, Собир Мирвалиев каби катта олимлар, ҳатто Матёкуб Кўшжоновнинг ўзи ҳам бундан четда қолмади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида "Ўзбекистон маданияти" газетасида социалистик реализм муаммоларига бағишиланган йирик баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Унда ҳам Абдулла Қодирий ижоди ва "Ўткан кунлар" қаҳрамонининг чор босқинчиларига қарши кураши, бунга ёзувчининг муносабати ўзак масалалар-

дан бирига айланиб кетди. Мунозарада қатнашган бир гурух танқидчилар адаб социалистик реализм методига амал қилган деган нуқтаи назарни илгари сурган бўлса (булар орасида Умарали Норматов ҳам бор), бошқалар Қодирий лоқал танқидий реализм даражасига кўтарила омади, дунёқарashi жихатидан эса Муқимийдан ҳам пастда туради деган фикрни ўтиказиша уриндилар. Бу мулоҳазалар ёзувчига қайтадан сиёсий айб қўйишга интилишдан бошқа нарса эмас эди. Хуллас, “Туркистоннинг Россияга қўшилишидек прогрессив ҳодиса мөҳиятини Қодирий тушуниб етмади”, деган тавқи лаънатни ниқоб қилиб олиб, “ёзувчи миллатчи эди, терговда барча айбларини тан олган, унинг қамалиши тўғри бўлган” деган ҳукмни жиддий мажлисларда bemalol гапирадиган “чала мулла” одамлар яна бош кўтариб қолдилар. Марҳум Бердали Имомов бу борада катта рекорд қўйди дейиш мумкин. У шундай ёзган эди: “Романда Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олиш муносабати хира ва ноаниқ қолади. Отабекнинг ўша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангга киришини қоралаш ўрнига бу борада А.Қодирийнинг лоқайд қолиши, ҳатто унга майл билидириши ёзувчи позицияси анча хато эканлигини яна бир бор исботлайди”. Бу ўта адолатсиз, дидсизлик билан билдирилган фикр эди. Афусуки, ошкоралик йиллари ва Мустақиллик кунларигача шундай шафқатсиз қараш буюк адаб ижодига кўланка солиб, ғубордек эргашиб юрди. Мазкур мавзуга қўл урган айrim олимлар тарихни яхши билмаслигилари ва чор босқинига доир беҳисоб адабиётлар, хужжатлардан бехабар эканликларини ошкора кўрсатиб қўйдилар. Очигини айтганда, чоризмнинг истилочилик сиёсатига тўғри баҳо бермасдан келингани ўзбек олимларининг фақат журъатсизлиги эмас, маълум даражада фожиаси деб очиқ айтиш керак. Қатаогон даврида тиззаси қалтираб қолган илм ва адабиётининг энг аяичли

ва шармандали “хулоса”ларидан бири эди бу! Босқинни ўз номи билан очиқ айтиш ўрнига “прогрессив”лигини исботлаш эса на илм, на ҳаёт, на тарих мантиғига тўғри келарди...

Камина академик М.Қўшжонов рисоласини мана шундай йўналишда таҳлил қилиб “Журъат ва эҳтирос билан ёзилган мазкур рисола бизни яна баҳсларга, тортишувларга чорлайди, тилимизда тугун бўлиб ётган юзлаб муаммоларни ечишга даъват этади”, деб фикр билдирган эдим. Худога шукур, тилагимиз амалга ошиб заҳматкаш олим Умарали Норматов истиқлол йилларида Абдулла Қодирий ижодига бағишилаб ёзган илмий мақолалари ва сұхбатларини жамлаб йирик бир китоб шаклида талабчан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Юқорида айтганимиздек, бу кўламли тадқиқотни Қодирийга бағишиланган М. Қўшжонов рисоласидан кейинги салмоқли илмий асар ва табиийки, унинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш адоатли бўлади. Чунки М.Қўшжонов Қодирий ижоди ҳақида мустақиллик йилларигача ёзилган илмий-танқидий асарларга имкон қадар холис ва ҳалол муносабат билдирган бўлса, Умарали ака янада олға кетиб, кейинги салкам йигирма йилда бу мавзуга бағишиланган янги мақолаларни таҳлил қиласида ва аввалги баҳс-мунозараларни маълум даражада умумлаштириб, янги та-мойиллар асосида ўз кузатувлари ва хулосаларини чиқаради.

Маълумки, аввалги мунаққидлар кўпроқ адабнинг дунё-қарashi, синфий позицияси ҳақида баҳс юритганида ҳукмрон мафкура талабларидан четга чиқиб кетмасликка, адабнинг маҳорати, бадиий олами, қаҳрамонлари, санъаткорлик сирлари, жозибадор тили ҳақидаги барча мулоҳазаларни ана шу мустаҳкам “темир қозиқ” атрофида айлнатиришга маҳкум этилган эдилар. Матёқуб Қўшжонов ҳам, Умарали Норматов ҳам ўз асарларида йўл қўйган хатоларини астойдил тан олиб, шундай ёзишга мажбур бўлганларидан афсусланиб, маданий зиёлига

хос йўл тутгани ибратли фазилатдир. Масалан, Матёқуб Кўшжонов, “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати” рисоласида (олимнинг таъкидлашича. “бу китобча 1958 йилда ёзилган бўлиб, 8 йилдан кейин, яъни 1966 йилда аранг чоп этилди”) “Отабекнинг русларга қарши урушда ҳалок бўлиши реалистик далилланмаган бўлиб, бу ёзувчи дунёқарашидаги чекланишлардан келиб чиққандир”, деган муроаҳазаси хато эканлиги ва у мажбурият асосида ёзилганини самимий эътироф этади.

Умарали Норматовнинг дил иқорида ҳам шундай рух уступор: “Баъзи адабиётшунослар ҳаққоний, юксак бадиий, аммо ҳукмрон мафкура қолипига тушмайдиган нодир асарларни нима қилиб бўлса-да, ҳимоя қилиш, ҳалққа қайтариш”, “замонага хизмат қилдириш” мақсадида гоҳо “ҳийлаи шаръий” усусларини қўллашга мажбур бўлганлар, асардаги энг муҳим нуқталарни атайин четлаб ўтганлар ёки қўриб-кўрмасликка олганлар. Асарлардан социалистик мафкурага, социалистик реализм методи талабларига мос келадиган жиҳатларни топишга ҳаракат қилганлар. Шахсан мен ўзим ҳам 70-йиллари “Ўткан кунлар” теварагида борган, бу қутлуғ романни бадном қилиш учун бошланган мунозара чоғида... “Ўткан кунлар” “социалистик реализм асари” эканини, унда тарихни синфий тушуниш ва ифода этиш мавжудлигини исботлашга уринганман. Ҳозирга келиб бунақа баҳслар ҳийла чучмал, бачкана қўринади. “Ўткан кунлар” ўшандай ҳимояларга муҳтоҷ эмаслигини бугун ҳамма билади” (100-бет) – деб ёзади. Мазкур кўчирма ҳалол танқидчилар қандай шароитда ижод этганини кўрсатиш жиҳатидан ҳам муҳим. Мафкура тазиёки остида яшаш ва ижод қилиш ҳамиша қийин бўлган. Замона зайлар билан хатогга йўл қўйиш мумкин, ҳамма гап уни тан олишда ва тузатишда қолган. Умарали aka мазкур китобида вижданли одам сифатида

бунга иқор бўлиб, тўғри йўл тутишдан ташқари шу пайтгача тугун бўлиб ечилмай келган асосий масалани – “Ўткан кунлар” романининг чинакам моҳиятини белгиловчи ўзак нуқтани очиб беришга эришганини алоҳида таъкидлаш керак.

Кўриб ўтганимиздек, роман ҳақидаги баҳс-мунозаралар 20-30-йилларда ёзувчи дунёкараши, маслаги устида кечган бўлса, 70-йилларда у анча силлиқлашиб, метод, услугуб ва асарнинг жанр хусусиятларига (“роман социалистик реализмга мансубми ёки танқидий реализмми?”, “тарихий”, “социал-маиший”, “ахлоқий-психологик” ёки “ишқий” асарми?”) боғлиқ анча жўн доирада бошланиб, жиддийлашиб борганига қарамай, ўзак нуқта жавобсиз қолаверган эди. Бу масала ҳам аслида истиқлол, мустақиллик шарофати билан ечилди.

Ўз замонасининг фидойи фарзанди Қодирий Октябр тўнтаришдан кейин рўй берган улуғ миллатчилик, зўравонлик ҳаракатларини кўриб қаттиқ эзилган ва ундан кутулиш йўлларини тинимсиз излаган эди. Айниқса, большевиклар зуғуми остида Таъсис мажлисининг тарқатиб юборилиши, Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши (бир неча кун ичida Кўқон шаҳрида 10 000 киши ўлдирилган), “босмачиларга қарши кураш” ниқоби билан Фарғона водийсидаги тинч аҳолининг қатли ом этилишидан у яхши хабардор эди. Юрт тақдири, ўлка қисмати ҳар бир виждонли зиёлининг қайғусига айланганди, Фитрат “Юрт қайғуси” деб номланган сочма шеърида “Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?..” деб фарёд қилган ва “Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, Нафрат сени кўмгани келганларга!” сингари курашchan мисралар тизганди. Чўлпон “Бузилган ўлкага” шеърида зулм ва зўравонлик ичida қолган юрт қиёфасини, истибод манзараларини дадил суратлартириб берган бўлса, Элбек янги истилочиларнинг қонли кирдикорларини

“Қайси бири бўри?” масалида дадил фош қилган. “Куролға” шеърида эса ҳалқни мустақиллик йўлида курашга очиқ дайвавт этган эди. Бундай шароитда Абдулла Қодирий тинч тура олармиди? У ҳам парчаланиб бораётган Туркистон қисмати ҳақидаги аччиқ ўйларини дард билан, алам билан қофозга туширди. “Ўткан кунлар” адбининг дил фарёди, ўйлари тимсоли бўлиб қофозга кўчди. У санъаткор сифатида аламли ўйларини Отабек, Юсуфбек ҳожи сиймосида, уларнинг аччиқ сўзлари воситасида ҳалқча етказишга, миллатни уйғотишга, кўзини очишга ҳаракат қилди. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Тоҳир Малик Абдулла Қодирийнинг жасорати, романларининг асл моҳияти ҳақида шундай ёзади: “Гарчи “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” севги қиссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан туйғуси ётади. Адиб “Бир вақтлар қудратли бўлган ота юрт нима сабабдан ноҷор ва ғариб ҳолга тушди?” деган саволга жавоб топмоқ учун тарихни таҳлил этади. (Фитратнинг “Юрт қайғуси” сочмаларига ҳамоҳанг эмасми Қодирийнинг фарёди, дил иэтироблари? – О.А.) Тоҳир Малик ўз мулоҳазаларини шундай давом эттиради: “Тобелари бир-бирлари билан аҳил яшай олмаган жамият мозористон кабидир. Бу жамият аҳли гарчи тирик бўлиб кўринсалар-да, улар руҳан ўлиkdirлар. Ўтмиш воқеаларини таҳлил этган адибнинг холосаси мана шу. Подшо зулмидан большевик зинданига ўтиш даврида миллат гўё бир уйғонгандек бўлди-ю, сўнг яна ғафлат уйқусини давом эттириди. Отабекни қайғуга соглан нойтифоқлик миллатни яна занжирбанд қилди. Ёзувчи бу жараённи ўз кўзи билан кўрди, кўра туриб руҳи фарёд этди ва бу фарёд ёзилмиш асарларига кўчди” (А. Қодирий. Диёри бакир. Т., “Янги аср авлоди”. 2007-йил, 17-18-бетлар). Қодирий асарларининг асл руҳи, моҳияти ва аҳамияти нозик дидли адиб томонидан ниҳоятда тўғри то-пилгани ва ибратомуз таҳлил этилганини алоҳида таъкидлаш

лозим. Шундай фикрларни танқидчи Маҳкам Маҳмудов билан Қодирий романлари ҳақида ҳамкорликда ёзилган “Дилларни забт этган асарлар” номли мақолада биз ҳам айтиб ўтган эдик (Қаранг: Абдулла Қодирий. “Танланган асарлар, SMI- ASIA, Т., 2009; 569-бет).

Куюнчак танқидчи Умарали Норматов ҳам ана шу тўғри йўлдан бориб, Қодирий ижодини, унинг санъаткорлик маҳоратини эҳтирос, ҳаяжон, синчковлик билан ёрқин акс эттиришга эришди. У тақидчи, адабиётшунослар орасида деярли биринчи бўлиб Юсуфбек Ҳожининг, Отабекнинг асл қиёфасини киобдаги “Исиқлол қайғуси” бобида чуқур ёритиб беради. Қодирий романи қайта нашр этилганда (1958 йил) асоссиз қисқартириб юборилган парчаларни таҳлил доирасига тортиб, ўз мулоҳазаларини пухта далиллайди. Шу жиҳатдан китобда келтирилган шоира Ҳалима Худойбердиеванинг “Йиги” шеъри танқидчи фикрларини кучайтирига катта ёрдам берганини ҳам айтиб ўтиш керак. Олим қўллаган қиёсий-типологик йўл, нозик ҳиссий-психологик таҳлии услуби яхши самара берган. У ҳам буюк санъаткор ёзувчи қалbidаги нозик тебранишларни, дил армонларини, “ёзувчининг китобхонга айтмоқчи бўлган асосий ва зарур гапи нимадан иборат” эканини бугунги ўқувчиларимизга, хусусан, ёшларга аниқ, равshan тушунтириб беради. Асар билан тарихни, замонни қиёсий ўрганиш ва шу асосда бугунги китобхонга маънавий сабоқ беришга интилиш “Қодирий мўъжизаси” китобининг бош пафоси даражасига кўтарилиган. Бу самарали усул тадқиотнинг деярли ҳар бир саҳифасини илиқ нурга, жозибага тўлдиради. Танқидчи Қодирий асарларидан олган ёрқин таассуротларини меҳр ва ҳаяжон билан ўқувчига етказиш учун астойдил тер тўқади, изланади, ўз гапини айтишга интилади. Мазкур ижобий ҳодиса китобнинг ҳар икки бўлим: “Қодирий боғи” ва “Қодирий мўъжизаси”ни безаб ту-

ради. Танқидчи Абдулла Қодирий ижодига муносабат билдири-  
ган аввалги танқидчилар ҳамда ҳозирги мунаққид ва ёзувчи-  
лар ҳақида гапирганида ҳам назокат доирасидан чиқмасдан,  
уларнинг шахсига эҳтиром сақлаган ҳолда фикр юритади. Ай-  
ниқса, кейинги йилларда Қодирий ҳақида нозик кузатишла-  
рини баён қилган ҳассос танқидчи Иброҳим Гафуров ва дилбар  
ёзувчимиз Хайриддин Султоновларнинг янгича нигоҳ билан  
ёзилган мақолаларини хайриҳоҳлик билан таҳлил этиб, улар-  
даги талқин жозибасини маъқуллаган ўринларда бу фазилат  
яққол намоён бўлади. Китобдаги “Адиб ҳақида қайдлар”,  
“Бадиий сўз қудрати” (ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан сұхбат)  
бобларида билдирилган мuloҳазалар ҳам ёзувчининг ҳаёти ва  
ижоди ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади. У.Норматов  
“Орттирмай ва камитмай” бобида “Мехробдан чаён” романни-  
нинг тасвирий принципларини таҳлил этади ва бу асар ҳақида  
мулоҳаза билдирилган турли мунаққидларнинг қарашларини  
маълум даражада умумлаштириб баҳолайди. “Фигон” боби эса  
ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирий қаламига мансуб  
“Қодирийнинг сўнгги кунлари” хотира-қиссаси таҳлилига ба-  
ғишиланган. Бу бобда ҳам баҳс-мунозара, тортишув руҳи усту-  
вор. Тўғри, бобдаги айрим мuloҳазаларга қўшилмаслик, улар-  
ни рад этиш мумкин, лекин танқидчининг бу ҳужоқатли асарни  
ҳимоя қилиб айтган фикрларидаги ҳақиқат мантиғини, сами-  
миятни тан олмаслик, уларга қўшилмаслик мумкин эмас. Айни  
замонда Умарали Норматов китобида эътиrozга сазовор ўрин-  
лар ҳам бор, албатта. Масалан, олим Матёқуб Қўшжонов но-  
мини хайриҳоҳлик билан тилга олса-да, “Қодирий – эрксизлик  
қурбони” китобига дурустроқ аҳамият бермайди. Ҳолбуки,  
унга кенг тўхталиш лозим эди. Янги тамойиллар йўлидан юр-  
ган яхши, албатта. Агар шундай йўлдан олдин бирорлар юриб  
утган бўлса, бир оғиз унинг хизматини айтиб ўтиш ундан ҳам

яҳши. Умуман, шу ерда яна бошқа жиддий масала ҳам бор. Филология фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматов Матёқуб Кўшжонов китобига қарши “Танқидми, тош отиш?” номли маҳсус рисола ёзган эдики, ҳар икки асарни қиёслаб, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида холис фикр билдириш мазкур ўринда шарт эди. Ҳақиқий илм тамойили шуни тақозо этади. Негадир У.Норматов мана шу имкониятдан фойдаланмайди. Шунингдек, яхшигина тадқиқотлари билан танилиб қолган Баҳодир Карим (у Қодирий ижодини ўрганиш бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган)нинг изланишлари ҳам китобда тилда олинмаган. Бу нуқсон китобнинг кейинги нашрларида тузатилади деб умид қиласиз.

Умарали Норматовнинг “Қодирий мўъжизаси” тадқиқоти танқидчи ижодида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам муносаб ўрин эгаллашига шубҳа йўқ,

*Нурбой ЖАББОРОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

### ТИЙНАТИ ТОЗА, КЎНГЛИ ПОК ОЛИМ ЭДИ

Ҳайрат ва самимият туйғуси ижод одами, яъни шоир ёки адаб учун нечоғлиқ муҳим бўлса, адабиётшунос олим учун ҳам шунчалик зарурдир. Бу туйғунинг теран илмий тафаккур билан уйғунлашуви эса ҳаммада ҳам кузатилавермайди. Ушбу фазилат ато этилгани олимнинг Тангри назарига тушгани белгисидир. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов ана шундай назаркарда олимлардан эди.

Ана шу икки фазилат домланинг сиймосини нурлантириб турарди. Ўрта мактабни битиргач, 1983 йили ҳозирги

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетига ўқишига кирганмиз. Умарали ака биринчи курсларга “Хозирги адабий жараён” фанидан дарс берарди. Эндиғина мактаб партасидан келган биз ёшлар домланинг маърузаларини чукур қониқиши, завқ ва мароқ билан тинглаганмиз. Ўша дастлабки маърузаларданоқ бу профессор учун адабиёт шунчаки касб ёки тирикчилик манбай эмас, қисмат эканини, домла адабий жараён билан ҳамнафас, ҳамқадам яшаётганини ҳис этганимиз. Маърузадан маърузага ўтган сари адабиёт оламининг ўзимиз билмаган сирларини тобора чуқурроқ англай борганимиз. Домла биз талабаларга “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ҳар бир сонини ўқиши вазифасини юклар, янги чоп этилган шеърлар, ҳикоя ва қиссалар дарсда мунтазам муҳокама қилинарди. Бошқача айтганда, талабалар аудиторияси адабий жараён билан бирга нафас оларди. Умарали аканинг ўzlари ҳам ҳар бир асарни мунаққид назари билан мутолаа қилар, курсдошларимиз муҳокамасидан кейин асар ҳақидаги профессионал нуқтаи назарини билдирап эди. Домланинг қарашлари тафаккур ва қалб уйғунлиги ҳосиласи экани жиҳатидан бизни тўлиқ қаноатлантирас, ақлимизга ҳам, кўнглимизга ҳам ёруғлик олиб киради. Умарали ака билан профессор-талаба мақомидаги дастлабки мулоқотимиз ана шундай кечган.

Университетда ўқиб юрган кезларимиз “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида, “Шарқ юлдузи” ва “Гулистон” журналларида домланинг мақолалари мунтазам босилар, уларда атоқли синчининг адабий жараёнга холис илмий муносабати акс этар эди. Бу мақолалар таҳлилий қуввати кучлилиги, нуқтаи назарнинг холислиги ва теранлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Биз талабалар бу мақолаларни завқ билан берилиб ўқир ва домлага ҳавас қилар эдик.

Ўқиши битиргач, устозим академик Азизхон Қаюмов тавсияси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти аспирантурасига қабул қилинди. Номзодлик диссертациясини ёқлагач, бир неча йилдан сўнг докторантуратада таҳсили даврида ўзим ўқиган жонажон университетга ишга таклиф этилдим. Умарали ака билан яна тез-тез кўриша бошладик. Кўнгли тонгдай тоза, қордай оқ бўлган домла билан қадрдан бўлиб кетдик. У киши матбуотда чиқсан бирор мақоламизни эътиборсиз қолдирмас, албатта ўқиб, муносабат билдирарди. Мени факультет декани лавозимига тайинлашганда, ректор ҳузуридаги мажлисда домла бизнинг фаолиятимиз ҳақида самимий ва холис сўзлаган. Турли учрашувлар, анжуманлар, тўй-маъракаларга аксар Умарали ака билан бирга борардик. Менда халқимизнинг атоқли ва ардоқли ҳофизи Шерали Жўраевнинг сараланган қўшиқларидан иборат диски бўлиб, машина магнитафонида асосан шуни тинглашни хуш кўрардим. Умарали ака Захириддин Бобур сўзи билан айтиладиган:

*Баҳор айёмидур дағи, йигитликнинг овонидур,  
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур –*

деб бошланувчи қўшиқни ниҳоятда завқ ва мароқ билан тингларди. Машинага ўтиришлари билан: "Нурбойжон, "Йигитликнинг овонини тинглайлик", деб қолар, биргаликда қўшиқ эшистар эканмиз: "Вой буй, мусиқаси нақадар мукаммал басталанганд-а... Шерали нечоғлиқ маромига етказиб ижро этган-а.." – дея ҳаяжон билан кўнглида кечгандарини изҳор этар эди. Шундан кейин домлага телефон қилсан, ҳар сафар: "Устоз, йигитлик овони яхши ўтятпими?" – деб сўрайдиган бўлдим. Умарали акам завқ билан: "Нурбойжон, йигитлик овони ниҳоятда зўр ўтятпи!" – деб жавоб берарди. Тўқсонни қоралаган устозга бу

сўзлар ниҳоятда ёққани сезиларди. Домла билан сухбатлашганда, ҳар сафар менинг ҳам кайфиятим кўтарилиларди. Устоз камтар ва олижаноб инсон эди. Бирор анжуман, учрашув ёки тўй-маъракадан қайтар эканмиз, Миллий университетнинг ҳарбий кафедраси рўпарасига келганда: “Шу ерда қолдирсан-гиз, кифоя қиласди, Нурбойжон, уйгача оёқни ёзиб пиёда кетаман”, деб қоларди. Мен эса: “Янгам тайинлаганлар, уйгача олиб боришим шарт. Ким билади, сиз уйга борасизми ёки...” – дея ҳазил домлага хуш ёқар: “Унда кено-йингизнинг айтганини бажаринг”, дея самимий жилмаярди. Ана шундай дилкаш, кўнглида кири йўқ инсон эди Умарали ака.

Домла адабиётдаги ҳар бир янги асарни қувонч ва ҳаяжон билан кутиб олар, меҳр билан таъриф ва тарғиб этар, ўша асарни ўқишга ҳаммани ундар эди. Масалан, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романининг кўлёзмасини биринчилардан бўлиб ўқиган Умарали ака Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети кенгашида роман ҳақидаги таассуротларини ўзига энг таъсир қилган ўринларидан мисоллар келтириб, ҳаяжон билан таърифлагани ҳануз ёдимда. Ке-йинчалик романга устоз Озод Шарафиддинов ҳам юқори баҳо берди, “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилди. Бугун Умарали ака каби адабий жараённи мунтазам кузатиб, холис илмий баҳо берадиган олимни топиш тобора қийинлашиб кетяпти.

Умарали Норматов бир умр адабиёт оламининг ичida яшади. Бир лаҳза бўлсин, сўз санъатидан айри тушмади. Олим 1968 йили чоп этилган “Маҳорат сирлари” номли биринчи китобидан “Жанр имкониятлари” (1970) ва “Насримиз уфқлари” (1974)гача, улардан “Гўзаллик билан учрашув” (1976), “Насримиз анъаналари” (1978), “Ижоднинг қўш қаноти” (1981)

ва “Тафаккур ёғдуси” (2005) сингари асарларигача миллий насримиз ва шеъриятимиз намуналарининг ўзгалар назаридан нетда келаётган қирраларини теран тадқиқ қилди. Бу тадқиқотлар устоз олимнинг ижод аҳли орасида ҳам, адабиётшунослар даврасида ҳам муносиб эътироф этилишига, эҳтиром қозонишига сабаб бўлди.

Миллий адабиётимиз соцреализм қолипига солинган мурракаб ва зиддиятли даврда яратилган “Етуклик” (1982), “Ақл ва қалб чироғи” (1983), “Давр туйғуси” (1987) каби асарларида ҳам Умарали Норматов яккахукмрон мағкура андозасига зоҳиран мослашиб бўлса-да, адабиётнинг бош масаласи – бадиият сирларини инкишоф этишдек улуғвор мақсадига содик қолди. Домланинг замонавий ўзбек адабиётшунослигида ўзига хос ҳодиса сифатида эътироф этилган “Қалб инқилоби” (1986), “Қодирий боғи” (1996), “Ўткан кунлар” ҳайрати” (2000), “Қодирий мўъжизаси” (2010) сингари китоблари бадиий сўз сеҳрини, унинг инсон қалбини нурлантиришдек мўъжизакор қудратини кашф этишга бағишлиангани билан алоҳида ажрабиб туради.

Устоз олимнинг илмий тадқиқотлари қўлами кенглиги, серқирра экани билан алоҳида ажрабиб туради. Лекин ҳар бир олимнинг тадқиқотчилик фаолиятида алоҳида ажрабиб турадиган жиҳатлар бўлади. Умарали Норматов кейинги қарийб чорак аср давомида илмий-ижодий салоҳиятини асосан миллий адабиётимизнинг буюк намояндаси Абдулла Қодирий ижодини тадқиқ этишга бағишлиади. Олимнинг 2010 йили нашрдан чиққан “Қодирий мўъжизаси” асари бу борадаги теран тадқиқотларининг чўққиси дейилса, муболага бўлмайди. Домла буюк Қодирий асарларининг, “Ўткан кунлар” романининг тагматнда ифодаланган маъноларини ёритиб беради, асарда адабнинг миллий истиқлол ҳақидаги орзулари, армонлари

ифодаланганини аниқ мисоллар орқали чукур таҳлил этади. Ўша йили чоп этилган “Нафосат гурунглари” китоби ҳазрат Алишер Навоийдан келаётган нафис адабий мажлислар анъанасининг муносиб давоми, дейиш мумкин. Олимнинг олти юздан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари таҳлилий қуввати, ноёб адабий фактлардан салмоқли илмий хулосалар чиқарилгани билан муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга.

Адабий жараённи Умарали Норматовчалик синчковлик билан мунтазам кузатиш, унинг томир уришини домла қадар нозик ҳис этиш, адабиёт ривожига тўсиқ бўлаётган иллатларга устоз мұнаққид каби бехато ташхис қўйиш ҳаммага ҳам муяс-сар бўлавермаслиги аён. Домла қайси мавзуда қандай асар ёз-масин – у кичик мақола бўладими ёки йирик ҳажмли китоб – адабиёт муҳибларининг, мутахассисларнинг эътиборига туш-ган, эътирофига сазовор бўлган. “Ижодкорнинг даҳслиз дунё-си”, “Ижод сехри” сингари китоблари ҳам бунинг исботидир.

Домла чорак асрдан зиёд Миллий университетимизнинг Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасини бошқариш асносида ўзининг салоҳиятли раҳбар эканини намоён этди. Кафедра Умарали Норматов раҳбарлик қилган йиллари замонавий ўз-бек адабиёти бўйича эътироф этилган фан ва таълим марка-зига айлангани соҳа мутахассисларига аён. Айни шу ка-федрадан устоз Озод Шарафиддиновдек Ўзбекистон Қаҳрамон-лари, домланинг ўзи ва Абдуғафур Расуловдек фан арбоблари, ўнлаб фан докторлари ва номзодлари етишиб чиққани бунинг ёрқин исботидир. Улар миллий адабиётшунослигимизнинг XX ва XXI юзийилликдаги тараққиётини таъминлагани маълум.

Умарали Норматов ўнлаб фан докторлари ва фан ном-зодлари етишитирган салоҳиятли устоз. Шогирдлари орасида Дилмурод Куронов, Баҳодир Карим ва Улуғбек Ҳамдам каби замонавий адабиётшунослигимизнинг атоқли вакиллари бор-

лигиёқ домланинг илмий-педагог кадрлар етишириш бора-сида нечоғлиқ катта ютуқларга эришгани исботидир.

Ўрта ва олий таълим муассалари учун дарсликлар яратиш ҳар қандай олимнинг ёш авлод таълими ва тарбияси соҳасида эришган ютуқларини белгиловчи мезонлардандир. Умарали Норматов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз умумтаълим мактаблари учун "Ўзбек адабиёти" фанидан миллый истиқлол ғоялари руҳидаги янги ўкув концепциясини, дастур ва дарсликларни яратиш бўйича ижодий гуруҳга раҳбарлик қилди. Шахсан ўзи 5, 9, 11-синфлар учун дарсликлар муаллифи сифатида бу жараёнда фаол қатнашди. 1999-йили Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ва бошқа устоз олимлар билан ҳаммуаллифликда олий ўкув юртлари учун "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигини тайёрлаб чоп эттирди. Бу дарсликлар адабиётшунослиқдаги энг сўнгги ютуқларни мужассам этгани, талаба ёшларда адабий дид ва бадий идрокни ўстиришга хизмат қилгани жиҳатидан ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини сақлаб келаётir.

Биз Умарали Норматовнинг файзли хонадонида турли муносабат билан кўп марта бўлганмиз. Ҳар сафар ўзбек оиласига хос меҳмондўстлик ва хуш кайфият, самимият ва меҳр билан кутиб олинганмиз. Венера янгамиз устоз олимни бир умр эъзозлаб, ардоқлаб, асраб-авайлаганига гувоҳмиз. Хайратда қоладиган жойи, ҳамиша, куннинг қайси вақтида борманг, кетишига изн сўрашга ултурмай туриб янгамиз дастурхонга иссиқ таом тортишга ултурганлар. Янгамизнинг умрлари узоқ бўлсин! Фарзандлари ҳам солиҳ ва солиҳа, диёнатли ва оқибатли инсонлардир.

Бизнинг оиласига бекаси Шаҳлохон диссертация ҳимоясига чиқадиган бўлганда, устознинг оқ фотиҳасини олиш учун ҳам хонадонларига борганмиз. Умарали акам билан Венера янгам

худди ўз фарзандларининг ютуғини кўргандай севинган. Яхши тилаклар билан дуолар қилган. Бундай меҳрни, бундай самимиятни унугиб бўладими?

Устоз ҳақидаги мақолани ҳайрат ва самимият, ўзбекнинг олижаноб фазилатлари ва илмий тафаккур уйғуналиги ҳақидаги фикрлар билан бошлаган эдик. Адабиёт ва ижод аҳлига илҳом ва қувват бағишлайдиган ана шу ҳайрат туйғуси ва болаларча беғубор ҳаяжон атоқли адабиётшунос олим, дилкаш ва олижаноб инсон Умарали Норматовни бир умр бирор лаҳза бўлсин тарк этган эмас. Домла Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги "Устоз ибрати" китобини ҳар сафар янги асарини тухфа этгандаги каби муқовасини тоза оқ қоғоз (бамисоли одоб ва ҳаё пардаси) билан ўраб, каминага тақдим этганда, дастхатдаги: "Кўнгли поку сўзи поку ўзи пок азиз дўстим Нурбойга чин эҳтиром билан. (Имзо). 30.04.07", - деган сўзларни ўқиганимда, ниҳоятда таъсиранганиман, қувонганиман. Умарали акамнинг ўzlари ҳам ҳазрат Алишер Навоий Фарҳодга берган таърифдаги каби ҳар жиҳатдан пок инсон эдилар. Назари пок инсонгина ёш жиҳатдан анча кичик, фарзанди тенги шогирдига юқоридаги каби таъриф бера олади. Мен ҳануз ана шу таърифга, устоз олимнинг ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қилиб келаман. Куръони каримнинг бир қанча оятларида Аллоҳ таолонинг хузурида фақат салим қалб эгаларигина нажот топиши ҳақида зикр этилган. Яратган Эгамдан ана шундай пок тийнат ва тоза қалб эгаси бўлган устоз олимнинг нажот топган бандаларидан бўлишини, марҳум ва мағфур домламизга жаннат боғларидан жой ато этилишини тилаймиз.

Исломжон ЁҚУБОВ,  
филология фанлари доктори, профессори

## АДАБИЁТГА МУҲАББАТ ВА ҲАҚИҚАТГА САДОҚАТ

Устоз адабиётшунос ва мунаққид сифатида элимиз ардоғида бўлиб, табарук тўқсон ёш билан тўқнашиб, юз билан юзлашишга бел боғлаб турган мўътабар инсон – Умарали Норматовнинг ибратли умр йўлига назар ташлаш қуйидаги хуносаларга келиш имконини беради:

Умарали Норматов Турдиали бобо эътиборли шажарасининг генетик кодини ташувчи янги вакили – туғма талант соҳиби сифатида 1931 йилнинг 3 январида Фарғона вилояти, Бешарик туманининг Рапқон қишлоғида маърифатпарвар зиёли Нормат қори ва Сорабиби ая хонадонида дунёга келди. Адабиётшунос Иброҳим Ғафуров образли таъбири билан айтганда: “қадим ўзбек қишлоқлари тарихнинг қонли ўйинларига майдон бўлиб қолган... Инсон қисматлари адoқсиз фожиалар гирдобида чирпирак бўлган”<sup>7</sup> машаққатли ва мураккаб бир даврда туғилди

У илк таълим ва тарбия – адабиёт, санъат, маърифат ва маънавият таҳсилини оиласвий мұхитда олди. Таъби нозик, андишали йигит бўлиб улғайди. Ўз ҳаёт йўлини тўғри танлаб, аниқ мақсад сари сабот ва матонат билан интилди. Болалик ҳамда йигитлик даврларига хос беғубор соддалик, ишонувчалик, масъумлик, нафис ва тошқин ҳис-туйғуларга ошнолик, бағрикенглик кейинчалик унинг инсоний характеристери, айтиш мумкинки, адабиётшунос, мунаққид сифатидаги ижодий кредосини белгиловчи доминат фазилатларга айланди.

<sup>7</sup> Ғафуров И Умарали Норматов Муаллим, олим, ижодкор / Норматов У Ижод сехри – Т “Шарқ” ИМАК Бош таҳририяти, 2007 Б 3

Конибодом педагогика билим юрти ва Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетидаги таҳсил давомида Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов, Иззат Султон, Матёқуб Кўшжонов, Аҳмад Алиев сингари ўнлаб устозлар сабоқларини тинглади, улар илмий-ижодий тажрибаси, ҳаётий қаноатларини қунт билан ўрганди.

Китобга ошуфталик ва мустақил мутолаага шўнғиш Умарали Норматовнинг фикр-ҳисларини кенгайтирди, кузатувчанлигини оширди, таассурот-ҳайрат ҳиссини теранлаштириди.

Олимнинг шахсий ҳаётига файз қўшган улуғ аёл – турмуш ўртоғи Венерахон Исақова наинки меҳрибон она, оқила бека, моҳир педагог балки, бу ибратли оиласнинг мунаввар чироғи бўлиб, Умарали Норматовни ҳам олим, ҳам инсон сифатида бир умр ардоқлаб, эъзозлаб, беҳад авайлаб, ижодига рағбат бериб келмоқда.

Илмий-адабий жамоатчилик яхши биладики, Умарали Норматов 1952-2010 йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университетида таълимнинг бакалавриатура, магистратура босқичлари ўн минглаб талабалари, Олий таълимдан кейинги босқичда таҳсил олган аспирант ва докторантларига сабоқ берган, уларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилган. Салкам чорак аср (1976-2000) йиллар мобайнида “Ўзбек адабиёти” кафедрасига мудирлик қилган. Шубҳасиз, беҳад самарали изланишларгина бўлажак олимни адабиётшунослик ҳамда адабий танқидчилик сари етаклади. У бадиий асарларни ўқиши, улардан ҳайратланиши, мазмун-моҳиятини уқиши, поэтик жозибсини кашф этиши ва ўқтириши маҳоратини эгаллади. Йиллар ўтган сари, олимнинг социологик, психобиографик, герменевтик, аналитик, қиёсий-типологик таҳлил қилиш, поэтик

ижод асрорини англаш, ижтимоий-адабий, бадиий-эстетик мөхиятини қалбан туйиш, санъат асари ички қонуниятлари: қатрада уммон, дараҳт ортидаги ўрмонни кўриш, у ёхуд бу адабий ҳодисани давр интилишлари билан чамбарчас боғлик-лиқда тушунтириш малакаси тобора юксалиб борди.

У.Норматов XX аср ўзбек адабиётининг Ҳамза, А.Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон каби катта авлоди ижод асрорини қайта кашф этишга, улардан ибратланишга интилди. С.Аҳмад, А.Мухтор, О.Ёқубов, Мирмуҳсин, Ҳ.Ғулом, Шуҳрат, Н.Сафаров, Р.Файзий, Э.Воҳидов, А.Орипов, П.Қодиров, Ҳ.Тўхтабоев, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов каби ўнлаб ижодкорлар билан ёнма-ён ижод қилди. Уларнинг аксариятини адабий гурунгларга жалб этди. Хусусан, бу рўйхатда биз: А.Мухтор, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, Ҳ.Тўхтабоев, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, О.Матжон, Муҳаммад Али каби шоири носирлар; шунингдек, талай ҳамкаслару шонгирдлар: М.Саъдий, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронов, Р.Кўчқор, Ш.Сокин, У.Ҳамдам, Ж.Эшонкул, Р.Раҳмат ва бошқаларни санашимиз мумкин. Албатта, суҳбатдошларнинг танланишида ҳам ҳикмат кўп. Бироқ муҳими шундаки, холис ният билан ўтказилган адабий гурунгларда бадиий адабиётнинг ўзига хос табиати, муайян асар ижодий ниятда куртакланиб, кейин барг ёзишию тотли мева беришигача бўлган ҳаяжонли ва завқли онлар таровати, ижтимоий-адабий даврлар, адабий авлодларга хос белги-хусусиятлар, фазилат-ноқисликлар билан бир қаторда, алоҳида истеъдод тийнатига даҳлдор бетакрор индивидуалик, тафаккури инжа тўлқинлари, руҳиятининг нафис манзаралари очилди.

Ўша суҳбатларда сараланган залварли сатрларда У.Норматовнинг бадиий ижод ва ижод аҳли олдига қўйган талаблари, талант тарбияси ҳақидаги ахлоқий-эстетик қаноат-

лари, ҳассос қалбининг рубобий оҳанглари, қайноқ юрагининг зарблари ўз аксини топди. Шунинг учун, бу сұхбатлар адабий жараёнга жонли руҳ олиб кирди. Адабий ижод аҳлида мастьуллик түйғусини янада орттириди. Кенг жамоатчиликда ижод аҳлининг бетакрор дунёси, севимли асарларининг ички табиати ҳақида оҳорли фикрлар, нозик сезимлар уйғотди. Халқимизнинг нафис санъатга бўлган қизиқиш ва муҳаббат ҳиссини юксалтириди. Демак, олим ўттиздан зиёд (айрим манбаалар, хусусан проф. Д.Куронов мақолаларидан бирида 40 дан ортиқ дейилади И.Ё.) адабий сұхбатлари орқали ўзбек адабий танқидчилигида шу жанрнинг ривож топиши, сўз санъаткорлари ижодий олами айрим номаълум қирралари ойдинлашиши, профессор Ҳ.Болтабоев таъбири билан айтганда: “адабиётшунослигимизнинг сұхбатлараро кечган имкониятларини кўрсатиш”<sup>8</sup>, китобхонлик ва китобга бўлган меҳрнинг кенг кулоч ёзишига сезиларли импульс берди. Дарҳақиқат, Иброҳим Гафуров ҳақли эътироф этганидек: “Бу сұхбатлар давр адабий ҳаёти, адаблар таржимаси ҳоли, улар қарашларининг тақрорланмас қимматли ҳужжатларидир. Ўзбек адабиётимизда кеинги эллик йил ичida ҳеч ким бунчалик кўп ва хўп сұхбат яратмаган. Уларда адабларнинг ўзига хос қарашларигина эмас, танқидчи У.Норматов принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлиари акс этади. Талант тарбияси борасидаги масъулликни бўйнига олиши ва ҳис қилиши кўзга ташланиб туради.”<sup>9</sup> Шунинг учун ҳам профессор Д.Куронов сұхбат жанрини “фикрнинг чинакам дояси”<sup>10</sup> деб баҳолайди.

<sup>8</sup> Болтабоев Ҳ. Адабий сұхбат танқидчилик жаҳри сифатида / Норматов У. Ижодкорниш дахлсиз дунёси. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008. – Б.3.

<sup>9</sup> Гафуров-И. Муҳаббатли оламнинг ҳайратлари. / Норматов У. Ижод сехри. – Т.: Шарқ НМАК, 2007 – Б.11.

<sup>10</sup> Куронов Д. Фикр доясиг Норматов У. Ижодкорниш дахлсиз дунёси. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008. – Б.308

Англашиладики, У.Норматов қизғин адабий мұхит, жонли адабий жараён бағрида, жозиб ижодий сұхбат, қизғин баҳс-мунозаралар ичида камол топди. Агар, биз адабиётшунос олим қаламига мансуб 1952-2020 йиллар, яғни 68 йиллик изланиш ва ижод жараёнидаги XX – XXI асрлар ўзбек, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти, хусусан романчилик муаммолари кенг ва чуқур таҳлил ва тадқиқ этилган 50 дан ортиқ адабий-танқидий китоблар, дарслік ҳамда ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар ва 600 га яқин мақолаларни яхлит ҳолда кузатсақ, бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз. Бемалол айтиш лозимки, У.Норматов мамлакатимизда миллий адабиётни равнақ топтириш, жаҳоннинг илғор анъаналари, самарали ютуқлари негизида таҳлил қилиш, баҳолаш, замонавий адабиётшунослик илмий мактабини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Адабиётшунос ва мунаққид У.Норматовнинг: “Маҳорат сирлари” (1968), “Шуҳрат” (1969, 2008), “Жанр имкониятлари” (1970), “Сайд Аҳмад” (1971), “Насримиз уфқлари” (1974), “Тўзаллик билан учрашув” (1976), “Насримиз анъаналари” (1978), “Талант тарбияси” (1980), “Етуклик” (1982), “Қалб инқилоби” (1986), “Қодирий боғи” (1995), “Ўткан кунлар” ҳайрати” (1996), “Қаҳҳорни англаш машаққати” (2000), “Умидбахш тамойиллар” (2000), “Тафаккур ёғдуси” (2005), “Кўнгилларга кўчган шеърият” (2006), “Устоз ибрати” (2007), “Янги ўзбек адабиёти” (2007), “Ижод сехри” (2007), “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси” (2008), “Шижаот ва маҳорат жозибаси” (2020) каби адабий-танқидий китоблари, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларида янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиёт тамойиллари, замонавий адабий жараён: услуб, шакл, мазмун, адабий қаҳрамон, характер, ижодий метод ва жаҳон фалсафаси, эстетикаси ва адабиётининг авангард оқимлари: (модернизм, постмодернизм, абсурд), структурализм, адабий

синтез, поэтик маҳорат муаммолари атрофлича ёритиб берилди. Шунинг учун улар илмий-адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олиниб, баҳс-мунозаралар қўзғади, кўпчиликни янги изланишларга илҳомлантириди. Айни пайтда, муаллифга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори (1978), профессор (1979), Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1981), Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1989), "Меҳнат шухрати" ордени (2011) соҳиби бўлишдек эътирофу эҳтиром, шон-шараф ҳам олиб келди.

У.Норматов умумтаълим мактабларининг 5-, 9-, 11-синфлари учун яратилган "Ўзбек адабиёти" дарслик ва мажмуалари, олий ўкув юртлари учун мўлжалланган ва ҳамон амалда бўлган "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" (1999) дарслиги муаллифларидан биридир. Бу дарслик ва мажмуалар асосида таълим берган устозлар ва таҳсил олган бир неча авлод вакиллари қалбида миллий ва жаҳон адабиёти ҳақидаги билим, малака ва тасаввурлар олами кенгайгани, адабиёт ва бадиий ижодга меҳр-муҳаббат ҳисси ортганига шубҳа йўқ.

Гарчи мен пойтахтдан анча олис маскан – Нукус давлат университетида таҳсил олган бўлсам-да, 1982 йилда устоз олим У.Норматов биз талабаларга махсус курс ўқиганлар. Каминага "Етуклик" номли китобларини дастхат билан тақдим қилганларидан фахрланиб юраман. Эндиғина эллик ёшдан ошган У.Норматов ўшандаёқ етук олим, адабиёт ва санъатнинг чинакам жонкуяри эканки, бу ҳол биринчидан, китобнинг номланишидаёқ яққол қўзга ташланиб туради. Иккинчидан, қисқа бир фурсатда ёш истеъдод соҳибларини аниқлаб, уларга янги нашр қилинган асарини илинишлари ҳам зинҳор бежиз эмсадай, "тақдимнома"да ҳам улкан бир мужда бордек туюлади. Зотан, кейинчалик Ўзбекистон Миллий университети докторантурасида таҳсил олган кезларимда биз устоз билан бир

факультет, ҳатто битта кафедрада ҳамдам-ҳамнафас бўлдик. Қанчадан-қанча сұхбатларидан баҳраманд бўлдик. Айниқса, “Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси” мавзуидаги диссертацион тадқиқотим ҳимояси жараёнида устоз расмий оппонент бўлганлари, камтарона изланишларимни юксак баҳолаганларидан чексиз ифтихор туйаман. Турмуш ўртогум Тозагул Матёкубова Умарали Норматов илмий маслаҳатчилигида “Ғафур Ғулом ижодиёти поэтикаси” мавзуидаги илмий тадқиқот ишини ёзиб тугатгани устоз олимни чин маънода оиласизнинг қадрдан маслаҳатгўйи, эъзозли ва ардоқли отахонига айлантирганини алоҳида таъкидлашим лозим.

Умарали Норматов қалбида эзгуликка, ҳаётга, одамларга ишонч, меҳр-муҳаббат руҳини ҳаракатга келтирган юзлаб шогирлар, издошлардан бири (шундай дейиш мумкин бўлса, албатта) сифатида, кези келганда, устозгагина хос ва иккинчи бир инсонда учратиш қийин бўлган айрим фазилатларни ҳам санаш ўринли бўларди:

- *Наинки адабий асар ёхуд унинг муаллифи, балки ҳар бир сұхбатдошидан ҳам имкон қадар фазилат излаш;*
- *Исми шарифингизга фарғонача эҳтиром билан “хон” ва “жон” қўшиб гапириш;*
  - жамоани бир пайтлар урғ бўлганидай, “ўртоқлар” эмас, балки “азизлар” тарзида ўзига яқин олиш;
  - устозларга эҳтиром, шогирларга мурувват назари билан қараш;
  - *адабий жараённи муттасил ва фаол кузатиш;*
  - *тинимсиз ўқиш ва муносабат билдириш. Маълум фурсат ўтиб, яъни бирор асардан олинган ҳаяжонлар босилиб, фикрлар тиниқлашгач, “ўшандা биз ҳам сал эҳтиросга берилган эканмиз, аслида маунақа экан” тарзида ўзини-ўзи бегараз ислоҳ қила олиш....*

Менимча, буларнинг барчаси замирида адабиёт ва санъатга муҳаббат, ҳақиқатга садоқат, сўзга масъуллик, жонажон ватанга, бир-биримизга, ҳаётга муҳаббат ҳислари мужассам.

*Аҳмадали ГОФУРОВ, Фарғона давлат университети профессори, иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими*

### **ҚАЛБИ ДАРЁ ИНСОН**

**(доимо қалбимда сақлаган, болалигимдан дўстим бўлиб келган, ҳамкасбим, йирик ижодкор Умарали Норматовнинг порлоқ хотирасини ёд этиб)**

Ғолиблар ва нуфузли шахслар ҳақида, уларнинг маънавий гўзал аҳлоқи, ижтимоий-маърифий соҳада тутган ўрни ҳақида ҳаётий ҳақиқатларни барчага ўrnak бўлиши учун ёзгинг келади. Айниқса, у шахс билан болаликдан бирга ўсиб вояга етган бўлсанг.

Ҳар қандай ғалаба осонликча қўлга киритилмайди. Ана шундай катта юракли инсонлардан бири, ҳаёт аталмиш синовли, қор-бўронли ҳамда машаққатлардан иборат йўлдан мардонавор ўтган, тинимсиз меҳнат ва сабрда тобланиб, катта жасорат талаб қилинган умрни босиб, ғолибликка эришган дўстим **Умарали Норматовдир**. Бу беназир инсон билан бир пайтда Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги боф-роғларга кўмилган, ҳавоси тоза, инсонлари самимий ва меҳнаткаш Рапқон қишлоғида бир маҳаллада туғилганмиз. Менинг бобом Маматоҳир ва унинг бобоси Турдалибой Ўсаровлар ақа-ука эдилар. Сўлим қишлоқ ҳаётининг завқ-шавқларини, болалик-

нинг шўхликларини бирга ўтказганмиз, сенлашиб катта бўлганданмиз. Болалик йилларимиз таҳликали замонларга тўғри келган.

Умарали зиёлилар оиласида дунёга келган. Отаси Нормат қори 1914 йили Бухорадаги Мирараб мадрасасини тугаллаган. Ўқиши даврида Файзулла Хўжаевнинг гуруҳида ҳам иштирок этиб юрган экан. 1917 йили Бухородаги диний муассасани тамомлаб, советлар таъсиридаги “тўртингчилар” гуруҳига аъзо бўлиб, бизнинг ерларда совет хукумати ташкилланишига фаол ёрдам берган экан. Онаси ҳам йирик зиёли оиласдан бўлиб, Қўйкон қозисининг қизи, ўқимишли аёл эди.

Умаралининг ҳовлисига кираверишда кичикроқ меҳмонхона бўлар эди. Кечқурунлари етти-саккизта болалар шу ерда тўпланар эдик. Умарали бизга араб алифбосида ёзилган турли қизиқарли саргузашт, жантнома ва ривоятлар битилган китобларни ўқиб берар, биз жон қулоғимиз билан тинглар эдик. Булар сарасига кирган “Шоҳнома”, “Бобо Муслим” “Гўрўғли”, “Равшан ва Зулхумор”, “Зарқум”, “Ҳазрат Али” ва бошқаларни эслайман. Умарали ёшлигиданоқ ота-онаси ёрдамида савод чиқарган, диний ва дунёвий илмларга эга, зеҳни, шижоатли бола бўлиб, бизлардан ажralиб турарди. Уларнинг оиласи жуда меҳмондўст эди.

1947 йили Рапқон қишлоғидаги 26-сон тўлиқсиз ўрта мактабни аъло баҳоларга тутатган ва шаҳодатнома олган йигитлар ичида мен ва дўстим Умарали бор эдик. 1947-1951 йилларда қўшни Тожикистоннинг Конибодом шаҳридаги педагогика техникумida таҳсил олдик. Ўқиши йилларида ҳам Умарали жуда аъло натижалар кўрсатар, зийрак ва теран фикрлар эди. Биз фақат илм излаб, ўрганиб, “ётиб олиб” ўқирдик, бир-бира миздан ўтиб кетишга ҳаракат қиласдик. Илмга чанқоқ серғайрат йигитлар эдик. Умарали ичимиизда ўзининг одоби, кийи-

ниш маданияти, феълининг юмшоқлиги билан ажралиб турарди. У ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан ва инжиқроқ эди. Биз, ўртоқлар Конибодом педтехникумини ҳам аъло баҳолар билан тамомладик ва Тошкентта йўл олдик. Умарали Тошкент давлат университетининг филология факультетига имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, талаба бўлди.

Мен эса ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирдим. Тала-  
балик йилларимиз Тошкентда ўтди. Биз, Бешариқлик етти-  
саккиз нафар йигитлар, турли олийгоҳларда ўқисак-да, тез-тез  
учрашиб турардик. Шулардан мен, Олтмишбой Ўсаров, Асқар  
Ҳайдаров, Умарали ва бошқалар ҳар якшанба тўпланиб, бир  
сўмдан ўртага қўшиб, ош қиласардик. Дарсдан бўш пайтлари-  
мизда Чорсу бозори ёнидаги мардикор бозорига бориб, ишга  
ёлланар эдик. Одамларнинг ғиштларини қўйиб берардик, уй  
бузардик, ер чопардик ва ҳоказо.

Ва ниҳоят, талабалик тугаб, олийгоҳларни битирдик.  
Умарали Бешариқ тумани Рапқон қишлоғидаги ўзимизнинг  
26-сонли ўрта мактабга тил ва адабиёт фани ўқитувчиси вази-  
фасига тайинланди. Мен Фарғона вилояти ички ишлар бош-  
қармасига ишга келдим. 1958 йилда дўстим Бешариқда кўп  
йиллар мактаб директори бўлиб ишлаган Исақов Исмоилжон-  
нинг қизи Венерахонга уйланди. Бу оила ҳам зиёли, ўқимишли  
оилалардан бўлиб, қизлари жуда тарбияли, маданиятли эди-  
лар. Олти қиз ва икки ўғилни вояга етказишган, олий маълу-  
мотли қилишган. Венерахон дўстим Умаралига севимли, садо-  
қатли ёр бўлди, ҳаёт йўлидаги машаққатларни бирга баҳам  
кўрди, умрининг охирги дақиқаларигача дўстимни ҳурматини  
жойига қўйиб, меҳр билан парвариш қилди. Улар биргаликда  
бир қиз ва уч ўғилни яхши инсонлар қилиб, вояга етказишиди.  
Умаралининг никоҳ тўйида ҳамда фарзандларининг никоҳ  
тўйларида ҳам қатнашганман. Бу оиланинг яхши-ёмон қунла-

рини, қувонч ва қайғуларини гувоҳи эдим. Уларнинг уйларида жуда кўп меҳмон бўлганман.

Умарали 1960 йилда ТДУ филология факультетининг адабиёт кафедрасига аспирантурага кирди ва оиласи билан Тошкентга кўчиб ўтди. Умарали устозлари, ҳамкаслари Озод Шарафиддинов, Муҳиддин Ҳайруллаев, Матлабжон Воҳидов, Саид Шермуҳамедовлар, Лазиз Қаюмов, ёзувчилар Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов ва бошқалар билан водийга учрашувлар, декадаларга ташриф буюриб туради. Фарғонага ташриф буюришганида хонадонимизга таклиф этиб, жуда кўп марта уларни меҳмон қилар, сұхбатларидан баҳраманд бўлар эдим. Дўстим Тошкентдай азим шаҳарда илм-фан арбоблари, олимлар ичидаги ўз меҳнати, билими билан юксак чўққиларни забт этди. Олим ва чин инсон сифатида ўз обрў-мавқеига эга бўлди. Унинг номзодлик, докторлик диссертацияларининг муваффақиятли ҳимояларида қатнашиб, ҳамкасларининг ижобий фикрларини тинглаб, дўстим нақадар билимли забардаст олим эканлигидан бошим осмонга етган, у билан фахрланганман. Шогирдлари учун меҳрибон жонқуяр устоз эди.

Унинг адабиётшунос олим сифатидаги адабий-танқидий ишлари яхлит ҳолда замонавий адабий жараён ҳамда янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиёти масалаларига бағишиланган бўлиб, миллый адабиётимизнинг нодир асарлари таҳлили, янги ўзбек адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт таомонидан эътироф этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Дўстимнинг илмга қўшган буюк ҳиссаси муносаб эътироф этилиб, 1981 йилда “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони билан тақдирланди, 1989 йилда “Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати”, 2011 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган.

Дўстим билан охирги учрашувимиз унинг уйида, 2019 йилда бўлиб ўтди. Тошкентта шогирдимнинг ҳимоясига илмий раҳбар сифатида бордим. Ва албатта бу сафар ҳам Умаралини кўрмасдан қайтолмас эдим. Уларнига набирам билан бордик. Одатдагидек Умарали, Венерахон бизни қулоқ очиб, кутиб олишиди. Мириқиб суҳбатлашдик, болалик даврларимизга қайтдик. Ҳам йигладик, ҳам кулдик. Самимий бу инсонлар олдидан ҳеч кетгим келмас эди...

Афсус, шу кўришганимиз охиргиси экан. Умарали вафот этганини эшитганимда жуда кучли қайғуга ботдим. Икки-уч кун ўзимга кела олмадим. Кўз ўнгимдан унинг сиймоси, гап оҳанглари, меҳр тўла кўзлари кетмас эди. Бетоблигим туфайли Тошкентта бориб, сўнгги йўлга кузата олмадим. Лекин бир ҳафта ўтгач, хонадонимда Умаралининг божаси қудамиз филолог олим Маҳфузулло Раҳмонов, Умаралини таниган-билган Фарғона давлат университетининг домлалари, шогирдларини, қариндошларимни чақириб, дўстим хотирасига ҳатми Қуръон ўқиттириб, эҳсон оши ўтказдим. Ҳозир ҳам дўстимнинг порлоқ хотирасига, пок руҳига доим дуодаман. Илоҳим, охирати обод, жойи жаннатда бўлсин. Қиёмат куни ёруғ юз билан учрашишлик насиб этсин, омийн.

## ЧҮҚҚИЛАРГА ТУТАШ ТАҚДИР

“Укам Умаралининг аҳволи қундан-кун оғирлаша бошлади. Дадам унинг касалини “кўз”дан қўрар эди. Умарали жуда бўлиқ, шўх, тили ниҳоятда бийрон бола эди. Дадам ҳар куни ишга кетишда ҳам, ишдан қайтиб ҳам уни қўлига олар, суяр, чуғирлатар, гапларига, қилиқларига завқ қилиб кулар эди. Онам уни “суқ кўз”дан асраб, тўни, ҳатто кўйлакларига ҳам кўзтумор, кўзмунчоқ таққан, ҳар куни эртаю кеч унга исириқ солар эди”.

Бу парча Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” қиссасидан олинди. Умарали А.Қаҳҳорнинг ёруғ дунёдан жуда ёш кетган укаси. Оила бошига тушган бу фожия Абдулланинг мурғак қалбини ларзага солади.

Мақоламиз бу ҳақда эмас. Лекин қандайдир боғлиқлик томони бордай. Биз таниқли адабиётшунос олим ва танқидчи Умарали Норматов ҳақида фикр юритмоқчимиз. “Уйимизда бир бор меҳмон бўлган бу ёзувчи ўша-ўша бир умр уйимизнинг энг азиз кишисига, ўз одамига айланди”<sup>11</sup> – деб хотирлайди олим Абдулла Қаҳҳор ҳақида.

Баъзан исмлар ҳам қандайдир риштага айланиши, инсон ҳаёти билан боғлиқ жиддий нарсаларга туртки бўлиши мумкин. Балки, ўша дамда қаршисида турган жонли бир инсон – Умаралига нисбатан адаб қалбида меҳр пайдо бўлган бўлса ажабмас. Ахир марҳум укасининг исмини эшитганда, бир бор бўлса ҳам А.Қаҳҳор кўз ўнгида акалик меҳрини беришдан

<sup>11</sup> Умарали Норматов Адабий танқид жонкуяри (мақола). Абдулла Қаҳҳор замондошлиари хотирасида Адабиёт ва санъат нацириёти. Тошкент. 1987. 177-бет.

бенасиб қолган ўша йиллар, ўша болалик хотиралари жонлан-маслиги мумкинми? Мана шу табиийликка таянадиган бўлсак, мақоламиз бошида келтирилган парча ҳам ва унга қандайдир боғлиқлик томони бордай деган фикримиз ҳам ортиқча эмасга ўхшайди. Қолаверса, кўп нарса инсон қалбидаги англаб бўлмас нозиккина бир туйғудан бошланади.

Нима бўлганда ҳам Умарали Норматов Абдулла Қахҳордай унча-мунчани хушлайвермайдиган, талабчан ва нозик қалб эгасининг назарига тушди. “1960 йили кутилмаганда Абдулла Қахҳордан мактуб келиб қолса бўладими!..” деб ёзади юқоридаги хотира мақоласида. Қуйироқда эса “Сал фурсат ўтмай, Абдулла Қахҳор мени устозим Озод Шарафиддинов орқали уйига – Дўрмондаги боғига таклиф этди”, – дейди ва мақола сўнгидаги қўйидагиларни алоҳида қайд қиласди: “Ниҳоят, Абдулла Қахҳорнинг кўп ёшлар қатори менга кўрсатган шахсий ғамхўрлигидан, жонкуярлигидан, маслаҳат ва мададларидан беҳад миннатдор эканимни айтиб ўтишим керак. У менинг оиласвий, моддий аҳволим, яшаш, ишлаш шароитим, ўқишим ҳақида доимо суриштириб турар эди”.

Айтиш мумкинки, Умарали Норматов ижодий фаолияти-нинг дастлабки йиллариданоқ Абдулла Қахҳор таъсирида шакллана бошлади. “Университетда, Ёзувчилар уюшмасида А.Қахҳор иштирок этган учрашувлару ҳар хил адабий анжуманларга канда қилмай боргим, бу аллома адабнинг тўла мағизли, ниҳоятда зарур ва нишонга бехато урадиган, гоҳо омбурдек узиб оладиган, даврани тўлқинлантириб юборадиган нутқларини мароқ билан эшитар эдим”, – деб ёзади олим ўша тала-балик ва аспирантлик йилларини эслаб.

Ўша йилларда, аниқ қилиб айтадиган бўлсак, 1957 йилда ёш олимнинг биринчи мақоласи босилиб чиқади. Демак, унинг ёзганлари 11 йил Абдулла Қахҳорнинг “Ҳақиқат чиғириғи”дан

ўтиб турган ва чиғириқдан бутун чиқмаганлари ҳам бўлган. “Ёзувчилар уюшмасида қандайdir адабий йиғин бўлди-ю, Абдулла Қаҳҳор сўз олди; Жумладан, ёшлар ижоди ва адабий танқидчилик хусусида тўхталиб, кутилмаганда: “Менинг ёш танқидчи Умарали Норматовдан умидим катта эди, мен уни ҳалол, объектив мунаққид деб билардим...” “Маданият”даги ке-йинги мақоласини ўқиб қаттиқ ранжидим. Умарали худди цирк ҳаҳлавонлари каби енг шимариб майдонга тушибди-да, иккити улуғга таъзим қилиб, сўнг кучи етадиган ёшларни роса дўппослабди...”, деса бўладими!. Бу сўзларни эшигиб баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Абдулла Қаҳҳор ҳақ: ўша мақоламда иккита мансабдор ёзувчининг ўртачароқ асарлари кўкларга кўтариб мақталган, беозор ёшларнинг ҳикоялари эса хийла қаттиқ танқид қилинган эди. Бу дакки менга унутилмас сабоқ бўлди”.

Абдулла Қаҳҳор вафот этганидан сўнг асосан унинг ўгитларини олганлар, унга эътиқод қўйганлар, унинг жонкуярлигини, жасоратини маълум даражада давом эттира бошлаганлар ўзбек адабий танқидчилигининг савиясини, қолаверса, таъсирини саклаб турдилар. Булар қаторида Умарали Норматовнинг алоҳида ўрни бор. Тўғри, Шўро даври адабиёт-шунослиги ва танқидчилигидаги сиёсий қолипга мажбуран тушишдек қисматдан ҳеч ким кутула олган эмас. Лекин Озод Шарафиддинов айтганидай, бу авлод ўз соҳасида кўлидан келган ишларни қилди. Шу ўринда мен олдинги мақоламда айтган фикрларимни яна бир бор эслатиб ўтишни жоиз деб биламан: “Умарали Норматов ҳеч вақт методни дорматик тушунган эмас, аксинча, ҳамиша социалистик реализмни “очиқ система” деб билганлар қаторида бўлган, унинг рамкаларини кенгайтиришга интилган”. Агар мана шу интилиш бўлмаганда эди, олим юрагида чўкиб ётган ҳақиқатлар мустақилликдан сўнг бу қа-

дар шижаат билан юзага чиқмасди. Мустақиллик яна бир муҳим синов бўлдики, бунда эркин фикрлай олмайдиган, жаҳон бадиий тафаккуридан бехабар мутахассислар бадиий асарларни янгича идрок этишдек давр кўйган муҳим вазифа олдида ожиз бўлиб қолдилар.

Умарали Норматов тан олинган, ўз соҳаси бўйича илмий мактаб яратган, адабиётшунослик соҳасида қанчадан-қанча истеъодли ёшларни тарбиялаб, элга танитган олимларимиздан эди. Шунингдек, у ниҳоятда қизиқувчан, фикрлаш доираси жуда ҳам кенг, ўз қарашларида собит, илмдаги ҳар қандай баҳсларга ҳамиша тайёр мутахассис эди. Айниқса, домладаги ноёб истеъод ва улкан олимларга хос серқирраллилук унинг илм-фан тараққиётидаги алоҳида ўрнини белгилаб берган эди. Шу боис, Умарали Норматов каби етук олимлар фаолиятининг мустақил юртимиз илмий ҳәётидаги бекиёс аҳамиятини қайта-қайта таъкидлагим келади.

Домлани таниғанлар, яқиндан билганлар, дадил айтиш мумкинки, унинг ибратли инсоний шахсиятида меҳнатсеварлик, ҳалоллик, камтарлик, адолат, чин маънодаги фидоийлик, янгиликка ўчлик ўзининг чиройли вобасталигини мужассам этган эди.

Дарҳақиқат, домламизning ҳалол, адолатпарвар, сабр-қаноатли, ҳаёли, андиша ва истиҳолага ўта мойиллигини ҳам алоҳида таъкидлагим келади. Мана шу жиҳат ҳам ўзгаларда домламизга нисбатан ҳурмат, эътиқод туйғуларини мустаҳкамлаб келди. Ва атрофида меҳр-муҳаббатли, дўст бўлишга қодир, бир-биридан яхши одамларни жам бўлишига омил бўлди.

“Насримиз уфқлари”, “Етуклиқ”, “Қалб инқилоби” каби адабий танқидчиликда алоҳида эътиборга молик бўлган бир қатор китоблари ва 500 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп, илмий-услубий, адабий-танқидий мақолаларнинг муаллифи Умарали

Норматов истиқлол йилларида, аввало, энг фаол ижодкорлардан бирига айланди. Олимнинг ҳар бир мақоласи, ҳар бир китоби янгича фикрлашнинг маҳсули сифатида дунёга келди. Шу йилларда нашр қилинган “Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси”, “Қодирий боғи”, “Ўтган кунлар ҳайрати”, “Тафаккур ёғдуси”, “Умидбахш тамойиллар”, “Қаҳҳорни англаш машаққати”, “Устоз ибрати”, “Уфқларнинг чин ошиғи”, “Нафосат гурнглари”, “Ижод сехри”, “Ярим аср порлаган маёқ”, “Танланган асарлар” каби китоблари, ҳозирги адабий жараён муаммолариға бағишлиланган кўплаб мақола, суҳбат ва тақризлари ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш, фидоий, жонкуяр, изланувчан, ҳақиқатгўй, ҳурфиксали, камтар ва самимий бир олимнинг маънавий қиёғасини намоён этиб турибди. Мустақиллик йилларида Умарали Норматов яна бир жиҳатга кўпроқ эътибор қилганинг сезамиз. “Танқиднинг энг асосий вазифаси – истеъодод билан ёзилган асарларни кашф этиш”, – деган экан Абдулла Қаҳҳор. Олим даствлаб Қодирий асарларини қайтадан, янги бир нигоҳ билан кашф этишга куч берди. Сўнг Абдулла Қаҳҳор асарларига: “Қаҳҳорни англаш машаққати” номли мўъжазгина китобчасида мунаққид адаб асарлари қатидаги шу пайтга қадар англанмаган мазмунларни очиб берди. Китобни ўқигач, 80-йиллар охири 90-йиллар бошидаги Шўро даври адабиётига нигилистик муносабатнинг асоси бўшлигига амин бўламиз. Шуниси эътиборлики, Умарали Норматов Абдулла Қаҳҳор ижоди билан XX аср Ғарб адабиётидаги оқимлар орасида муштарак нуқталарни кўради. Хусусан, адабнинг асарларида “абсурд түйғуси” борлигини ёзади. Тўғри, бу фикрга кўпгина адабиётшунослар қўшилмади, матбуотда баҳслар бўлиб ўтди. Бироқ мунаққиднинг фикрини буткул асоссиз деб бўлмайди. Ҳали бу ҳодисани – 70 йил изоляция ҳолатида қолган ўзбек адабиётига ўша давр Ғарб адабиётининг таъсири масаласини

ўрганишга бағишланган асарлар яратилади, баҳсли масала ҳал қилинади. Умарали Норматов билдирган фикрлар эса музимога илк бор диққатни жалб этиши, ўша ишларни амалга оширажак тадқиқотчиларнинг фикрига туртки бериши жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир. Ҳатто бугунги ўзбек модерн шеърияти ҳақидаги баҳсли, мунозарали тортишувларда ҳам олимнинг таг-заминли, илмий, қолаверса, бағрикенглик билан айтган фикрлари мутахассисларни ҳам холисона хулоса чиқаришга ундайди. “Эҳтимол, – деб ёзади мунаққид, – ҳозирги ўзбек модерн шеъриятида ҳам, насрода ҳам Farb ёки Шарқ “модерн”-чиларига қандайдир тақлиидлар учрар. Бироқ яхлит олганда ҳозирги ўзбек модерн адабиёти миллий заминда, бугунги гловерлашув ва информатика даври тафаккури маҳсули сифатида дунёни янгича кўриш, англаш эҳтиёжи сифатида туғилган туғилаётган табиий адабий ҳодисадир”. Бу фикр модернизмга кескин танқидлар ёғилиб турган бир пайтда айтилганligини ҳисобга олинадиган бўлса, унинг таъсир кучи, қуввати нечоғлил эканини англаш қийин эмас.

Истеъодод билан ёзилган асарларни кашф қилиш танқидчи учун ўзини кашф қилиб беришдек бир гап. Бу жараёнда унинг ўзига хос фазилати очилади.

“Ёшлик”да чиққан “Тафаккур” номли ҳикоянгиз мени Сизга мактуб йўллашга ундали, – деб ёзади олим Зулфия Қуролбей қизига, – бошқа ҳамкасларимда қандай, билмайман, шахсан ўзим ўртача ёки бўш асарни ўқиганимда ҳар доим “танқидчи” ҳолига тушаман, асарларнинг кам-кўстлари, ожиз жиҳатларини, сунъий-ясамалигини баралла кўриб, йўл-йўлакай таҳтил этиб бораман. Ҳақиқий санъат намуналарига дуч келганимда эса мунаққидлик ҳунаримни бутунлай унугтиб муйян муддат ўша асар ичida яшайман, асар персонажлари менинг учун тирик одамларга айланади, воқеалар “иштироқчиин” сифати

персонажлар билан муроқотга киришаман, уларнинг ташвишу кувончлари, оху зорлари, ўй-мушоҳадаларига шерик тутина-ман. Кейинги йилларда миллий адабиётимизда пайдо бўлган икки асар мутолааси чоғи айни шундай ҳолатга тушдим. Олдинроқ бир сухбатда Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” ро-манни иутолааси мени не кўйларга солгани хусусида сўзлаган эдим. Мана энди сизнинг “Тафаккур”ингиз билан танишиш чоғи кўнглимда кечган армону аламлар, ўй-мушоҳадалар ҳақи-да гапирсам дейман”.

Асар мутолаа қилганда бундай ҳолатга тушиш фақат қалб-ли инсонларгагина хос. Бундай қалб соҳиблари агар танқидчи бўлса, бу албатта, китобхоннинг ютуғи. Чунки юрак ҳаяжони-дан, эҳтиросидан тўкилган ҳар қандай сўз юракка етиб боради. Ҳатто танқид бўлса ҳам. Умарали Норматовдаги асардан гўзал-лик излаш, ундан ҳайратланиш ва шу ҳайратини ўқувчиларга “юқтириш”га интилиш унинг илк адабий танқидий чиқиши-лариданоқ бошланган эди. Шуниси муҳимки, худди шу нарса мунаққиднинг бутун фаолиятига хос ўзак хусусият, унинг асосий ижодий принципи бўлиб қолди. Ҳатто кейинги йил-ларда “Умарали ака шоирона эҳтиросларга бериладиган бўп қолдилар”, деган танқидлар ҳам айтилди. Тўғри, бу эҳтирос, бу ҳайратга мунаққиднинг яна бир фазилати – бағрикенгликнинг кўшилиши баъзан бироз орттириб баҳолаш ҳолларини ҳам келтириб чиқарди. Бироқ бу мутлақо беғараз орттириб баҳо-лаш, аниқроғи, ғараз бўлса бордир, фақат у ижодкордан яхши-роқ асарларни кутиш, китобхонни ушоқина гўзалликни ҳам қадрлашга ўргатишдан иборат холос.

Танқидчилик шундай аччиқ бир санъатки, истасангиз ҳам ҳаммани миннатдор қилиш мумкин эмас. Ҳақиқат билан иш кўришнинг қонунияти – шу. Лекин ҳақиқий талант соҳиби тан-қидидан нима кутиши мумкин. Асаридан кўнгли тўқ бўлса,

мақтovлар ёғилиб турған бўлса. Энди унинг кутгани шу: асарида айтмоқчи бўлган юрак дардларини, аламлари ва орзумонларини топиб уни юрак билан китобхонга етказа олса. Ишонч билан айтиш мумкинки, кўплаб истеъдодлар Умарали Норматовнинг нозик қалби, эҳтироси, ҳайрати ва ўткир қалами орқали ўз кутганларини топа олганлар ва ундан миннатдор бўлганлар. Мана шунга биргина мисол. Олимнинг ўзи ёзди:

“Шу кунларгача Тоғай Мурод тўғрисида ёзган нарсаларим савия-даражаси ўзимга аён, улар ҳар жиҳатдан Тоғай Мурод бадий кашфиётлари даражасида эмаслигини сезиб тураман. Лекин Тоғай Муроддек гаройиб сиймо, ноёб истеъод эгаси ёзганларимдан мамнун бўлгани, бу дунёдан менинг камтарона ишларим учун миннатдор ҳолда кетганлигидан кечикиброқ бўлса-да хабардор бўлиш мен учун катта баҳт!”

Мақоламизни Абдулла Қаҳҳордан бошлаган эдик. У адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг юксак чўққиларидан эди. Лекин танқидчилигимизда яна бир чўққи қад кўтартган. Бу – Ўзбекистон Қаҳрамони, жасоратли ва фидоий олим Озод Шарафиддинов. Умарали Норматовнинг баҳти шуки, тақдир уни шу икки чўққига туташтириди. Чўққиларга туташ ҳар қандай тақдир эгасининг ўрни ҳам, албатта, юксакларда бўлиши табиий.

Умарали Норматов бутун умри давомида Ўзбекистон Миллий университетида хизмат қилди. У ана шу улкан илм даргоҳининг ўзига хос бўлган овози, ўз услубига эга бўлган тадқиқотчи, тинимсиз изланишни ҳаёти ва фаолиятининг асосий мезони деб билган олимларидан бири эди ва улкан мурраббий ва мутахассис сифатида Олий ўкув юртлари ва мактаблар учун қатор дарслик ва ўкув қўлланмалар яратди. Буларнинг бари домлани Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, “Меҳнат

шұхраги” ордени каби бир-биридан нұфузли мұкоғот ва әъти-рофлаға сазовор қилди. Түғриси, сен билан узоқ йиллар давомида сұхбатдош, илмий мұлоқотда бўлган азиз ва қадрли инсон ҳақида ўтган замонда сўзлаш ниҳоятда оғир. Лекин профессор Умарали Норматов каби иқтидорли олимларнинг умри улар қолдирган илмий-ижодий меросида давом этади. У киши билан ҳамсуҳбат бўлган, уни энг оғир дамларда ҳам англаб, қўллаб-кувватлаган ҳамкаслари, шогирдлари қалбидаги узоқ сақланади. Нияти зўр, касби яхшилик бўлган таникли олим, камтарин инсон, меҳрибон устозимиз Умарали домлани Яратган Эгам руҳларини ҳамиша шод қиласин, манзилу мақомларини жаннатмакон айласин.

*Йўлдошхўжса СОЛИЖНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

### **УМАРАЛИ НОРМАТОВ САБОҚЛАРИ**

Кучинг етса – олим бўл. Агар олим бўлолмасанг, олим одамга шогирд бўл. Буни ҳам эплолмасанг, чин олимларни хурмат қил. Бу ҳам қўлингдан келмаса, олимларнинг жаҳлини чиқарадиган иш қиласин.

Ҳадисдан

Ҳар йилнинг 3 январи биз, фарғоналиқ адабиёт шайдолари учун энг қувончли, энг шодиёна байрам куни ҳисобланади. Чунки айнан шу куни ҳамюртимиз, Фарғонамизнинг ифтихори, ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги фанининг пешволаридан бири, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон республикаси фан арбоби, Давлат мұкоғоти совриндори Умарали

Норматов таваллуд топганлар! У кишини бу қутлуғ сана мұносабати билан ҳар йили йўқлаш биз учун одат тусига кирган. Айниқса, таваллуди 0 рақами билан нишонланса, ҳаммага жон киради. 2011 йили устоз табаррук 80 ёши кутиб олдилар. У кишини табриклиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун курсдоши, таниқли адабиётшунос Азимжон Раҳимовнинг ўғли, домланинг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлаган Зокиржон Раҳимов ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг ўғли Баҳром Обиджон билан тонг саҳарда йўлга тушдик. Ҳавони қаранг! Қишининг чилласи-ю, худди баҳор фаслидагидек илиқ ва тароватли. Йўлда на туман бор, на қор, на музлик! Назаримда, яратган Эгам устозини йўқлаб кетаётган шогирдларнинг йўлини равон, тиниқ ва илиқ қилгандек... Аслида табиатнинг бу хотамтойлиги домла Умарали Норматовнинг ҳар доим кулиб юриши, хушчақчақлиги, бағри кенглиги, самимийлиги, кайфиятининг кўтаринкилигига жуда мос келарди.

Вақтнинг тез ўтишини қаранг, бугун ўша йўқловимизга ҳам ўн йил бўлибди! Афсуски, устозни табаррук 90 ёши билан табриклиш карантин туфайли бизга насиб қилмади. Бироқ кетма-кет нашр қилинаётган китоблари, мақолаларидан домланинг ғайрат билан ишлаётганини билиб, эшишиб турдик. Бундай сермаҳсуллиги билан Умарали ака 9 рақамини бир айлантириб 60 ёшга кирган навқирон йигитга ўхшарди! Умарали Норматовнинг ҳозирги ўзбек адабиётшунослари орасида энг сермаҳсул олимлигини биламиз ва бу билан чексиз фахрланамиз. Ахир, домланинг биринчи мақоласи “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасида эълон қилинганига 64 йил бўлди (1957, 23 март). Ўшанда домла университетни битириб, Рапқонга қайтган, мактабда ишлаб юрган пайтлари эди. Дарс бериш, жамоат

ишларида банд бўлишига қарамай турли тақризлари, муаммоли ҳамда ўқув-услубий мавзудаги мақолалари билан матбуотда фаол қатнашиб турардилар. Талабалик йилларидаёқ ўзининг илмий иқтидори, интилувчанлиги, фикрининг тиниқлиги билан Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов, Лазиз Қаюмов каби етук олимларнинг назарига тушган Умарали Норматов учун адабиёт ҳаётининг маэмунига айланган эди. Шунинг учун икки йилда қейин Озод академик аллома устоз атай Рапқонга келиб, у кишини аспирантурага олиб кетди.

Умарали Норматов устозларининг ишончини тўла оқлади. Аспирантура муддати тугамай туриб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва кафедрада ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Ҳозиргача домланинг 550дан зиёд адабий-танқидий мақолалари, 55дан ортиқ монография, рисолалари, дарслик ва кўллашмалари босилиб чиқди. Бу ҳазилакам хирмон эмас! Келинг, бу сермаҳсулликнинг қадрига етиш учун математика фанини ёрдамга чақира қолайлик. Умарали аканинг “Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари” деб аталган ilk мақоласи босилган 64ни бир йил ҳисобида 365 кунга кўпайтирасақ, 23360 кунга тўғри келаркан. Аммо бу рақам бир сутка, яъни 24 соатнинг натижаси. Ахир, одам узлуксиз 24 соат ишлай олмайди-ку, тўғрими? У ҳам ухлайди, дам олади, оила аъзолари, дўст-биродарлари билан сұхбатлашади, тўй-ҳашамларда қатнашади (бунақа хайрли ишларга эса домланинг “суюги йўқ”, ҳар доим “вақт” топадилар) ва ҳакозо. Бунинг устига Умарали ака маъруза ўқиши, шогирдлари билан ишлаш, уларнинг диссертациясини ўқиб, таҳrir қилиш, илмий Кенгашларда қатнашиш, расмий ёки норасмий оппонент сифатида тайёргарлик кўриш, яна 26 йиллик кафедра мудири сифатидаги тинимсиз меҳнат билан банд эди. Булар одамнинг ҳазилакам вақтини

олмайди! Бу ишлар учун бир сутканинг ярмини олиб ташлағанимиизда ҳам Умарали аканинг ихтиёрида 11680 кун қоларкан (аслида бу ҳам кўп, чунки одам 12 соат босим ўтириб ишлай олмайди-ку!). Ана энди ҳар бирини камидан 5 бетдан ҳисоблаб, 550 та мақолани (2750 бет), ҳар бири ўртача 180-200 бетдан иборат 55 та китобни (12000 бет) бу рақамга кўпайтирсақ, устознинг нақадар сермаҳсуллигига, меҳнатсеварлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Мен Умарали домланинг шогирдлари, ҳамкаслари қаторида кўп мулоқотда бўлганман ва ўша дамларни умримнинг энг саодатли кунлари деб ҳисоблайман. У киши фикр доираси ниҳоятда кенг, умумий адабий жараённи чуқур биладиган олим эдилар. Шахсан ўзим домла билан суҳбатлашиб, бир дунё сабоқ олардим, бир неча кунгacha ўзимни босолмай юрадим. Аммо шуниси ҳайратга солардики, домланинг ўзлари ҳеч касан билганларидан қониқиши ҳосил қиласди. Бу қониқмаслик ҳисси устозни янада кўпроқ мутолаага, изланишга ундишши шекилли, деярли ҳар йили ёки икки йилда китоблари низар қилинарди. Масалан, шулардан бири "Ижодкорнинг даҳстони дунёси" китобига кирган "Ҳамкаслар билан суҳбатлар инни ўқигансиз. Бу суҳбатларда Умарали ака ҳозирги дунё адабиёт-шунослигидаги янгича назарий маълумотларни шу қалар кўз билиши аён бўладики, ҳайратда қоламиз. Ахир, шу ёшга кирганда интернет материалларидан фойдаланиш, хорижда низар қилинган ноёб китобларни топиб ўқиш осонми?"

Адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён масалаларига бағишлиланган бу суҳбатларда илгари сурилган илмий-назарий мулоҳазалар Умарали Норматов домланинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жаҳон адабиёти мезонлари билан бўйлашаётган ўзбек адабиётининг сир-асрорини муттасанл ўрганаётгани, ундан орқада қолмаслик учун тинмай изланёт-

гани (домла адабий танқид бадиий адабиётдан олдинда юриші керак деган қоидага қатый амал қиласылар-да!)дан далолат берадики, устознинг бу фазилати нафақат ёш тад-қиқотилар ёки шогирдлари учун, балки тенгкүр адабиёт-шуносларга ҳам ўрнак бўларлидир. Ҳа, устознинг бу фазилатидан биз ҳам ўрнак олишимиз, танлаган касбимизга муҳабатни, адабиётга эътиқодни, фикр билдирилаётган ижодкор олдиғи масъулиятни у кишидан ўрганишимиз керак.

Ўша куни устоз бизга бир йилнинг ўзида нашр этилган бир-биридан сифатли иккита китобини тақдим этдилар. Бири олти бўлимдан иборат адабий-танқидий мақолалар, эсселар, хотиралар, қайд ва суҳбатларни ўз ичига олган “Нафосат гурнглари” деб аталган китоб бўлиб, ундаги жуда кўп мақолалар ўқувчилар хукмига илк бора ҳавола этилганди. Ҳайрон қолдии, домланинг ижод сандигида ҳали эълон қилинмаган ишлар ҳам кўп экан-да?! Яна бири Умарали домланинг қирқ йилда ортиқроқ давр мобайнида ўрганиб келган Абдулла Қодирий ижодига бағишлиланган бўлиб, “Қодирий мўъжизаси” деб аталган. Чиндан ҳам Абдулла Қодирий миллий адабиёти-миздагина эмас, балки жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчанса арзийдиган мўъжизалар яратган. Устоз ўзбек адабининг ана шу жаҳоншумул феноменига мос келадиган ном топа олганлар.

Қаранг, китобнинг муқаддимасида Абдулла Қодирийни даҳо санъаткор деб билган муаллиф ёзувчи яратган мўъжизаларни ўқувчи олдига очилдастурхондек ёзиб қўйибдилар-у, тағин камтарлик қилиб, “бу ёзганларим Қодирийнинг ёзганлари олдида урпоқ ҳам бўлолмайди” деб турибдилар. Бу узрини китобда ҳам куйидагича изҳор қиласи: бу “айтганларим, ёзганларим мўътабар қалам соҳиби шаънига, у қолдирган мўъжизакор мерос даражасига мос келармикан? Қодирийдек сўз

заргари “қаламим ожиздир” деб турганида, камина каби бир гарип мунаққид бу ишни қойиллатдим дейишга йўл бўлсин!”

Домла ўзининг ҳар бир қадами, хатти-ҳаракати, сўзи, муомаласи билан ўрнак бўла олади. Айниқса, устозларига нисбатан бекиёс ҳурмати, уларнинг хотирасини шод қилиш бўйича амалга оширган ишлари бизга ибрат бўларлидир. Масалан, ўзини илм даргоҳига олиб кирган устози Озод Шарафиддиновни ҳаётлик даврида ҳам, вафотидан сўнг ҳам иззат-ҳурматини ҳар доим ўз ўрнига қўйиб, номини улуғлаб юрдилар. Озод домла оламдан ўтганида энг кўп куйган ҳам, кейин устоз хотирасини ардоқлаб, кўплаб анжуманлар, йиғилишлар, давра сұхбатлари ташкил этган ҳам, китобларини тайёрлаб, кетма-кет нашр эттирган ҳам, у киши тўғрисида ўнлаб мақолалар ёзган ҳам Умарали ака бўлди десам, муболага бўлмас. Ёки Абдулла Қаҳҳор, Матёкуб Кўшжонов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов сингари устозларига бўлган шогирдлик меҳрини айтинг. Уларнинг ҳар бирини бошида кўтаради ва айнан шу фазилати билан шогирдларига намуна бўла олади. Айни чоғда домланинг ўзини ҳам юзлаб шогирдлари ардоқлаб, бошларида баланд кўтардиларки, бу устозларини улуғлаган инсонга меҳрибон Оллоҳнинг бекиёс марҳаматидир.

Адабиётшунос сифатида домланинг қиёфасини тўлдирадиган яна бир чизги тўғрисида тўхталиб ўтишни хоҳлайман. У кишининг билдирган фикрлари шаклан ҳам, мазмунан ҳам ҳеч қачон эскирмайди. Масалан, шахсан ўзим кўпроқ ўзбек насли, хусусан, роман жанри муаммолари билан шуғулланганим учун домланинг 70-йилларда эълон қилган “Роман ва замон” масаласидаги ўз-ўзи билан олиб борган адабий-танқидий баҳси билан орадан 30 йил ўтиб, мустақиллик даврида яратилган “Романинг янги умри”ни аниқлашга бағишиланган сұхбатини (сұхбатдош Д.Куронов) қайта-қайта ўқийман ва ҳар гал улар-

дан оламжаҳон билим оламан. Чиндан ҳам бундан 30-40 йиллар олдин роман жанрининг шакли ва мазмунини тубдан янгилаш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазалари мустақиллик даврида амалга ошганлигига ишонч ҳосил қиласман.

Усгод Умарали Норматов адабий анжуманларда, учрашувларда сўзга чиқиб, биринчи каломини “Азизларим, қадрдонларим, дўстларим” каби меҳр уфуриб турган сўзлар билан бошлилар эдилар. Ҳа, домламиз учун ёшидан, миллатидан, ирқидан қатъий назар, ҳамма одамлар азиз ва қадрли эди. Эҳтимол, шунинг учундир, Умарали Норматовнинг ўзи ҳам ҳамма учун азизу иукаррам ва қадрдон бўлиб қолди.

Хуллас, Умарали Норматов домланинг инсон, дўст, устоз, олим сифатидаги фазилатлари, илмий мероси тўғрисида ёзман десам, улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек, “водийдаги бор дарёларнинг сувини сиёҳ, Фарғонадаги барча чинорларни қалам” қилганимда ҳам етмайди. Ҳали бу мўътабар устоз шахси, фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида кўп ёзилади. Ҳозир эса, келинг, дуога қўл очиб Оллоҳдан ўтиниб сўрайлик: Эй яратган Эгам, устозимиз Умарали Норматовнинг охиратини обод, жойларини жаннатдан ато этгин. Қилган яхшиликлари, қолдирган илмий мероси боқий дунёда у кишининг бошига соябон бўлсин. Омин!

*Акбарали САБИРДИНОВ,  
филология фанлари дактори, профессор*

## АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ ДАРФАСИ

Ўз соҳасининг дарфаси бўлиш осон эмас. Ушбу мақомга эришмоқлик, барча томонидан эътироф этилмоқлик, яна-да

мушкул. Бунинг учун кишидан узоқ йиллар давомида тинимсиз изланиш, фидойилик, ҳаловатдан воз кечмоқлик, шунингдек, одамийлик, бағрикенглик каби қатор фазилатларга эга бўлишлик талаб этилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов ана шундай юксак мақомга эришган, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, умрининг деярли етмиш йилини адабиётимиз равнақига бахшида этган устоз-мураббий, етук олим эдилар. Унинг юзлаб мақолалари, олтмишдан ортиқ китоблари бугунги адабиётшунос-лигимизнинг долзарб муаммоларидан тортиб жаҳон адабиётининг муҳим масалаларигача, XX аср ўзбек адабиёти намояндалари ижодининг сирли қатламлари таҳлилидан тортиб, замонавий Farb адабиётининг ўрганилишга муҳтоҷ жиҳатларигача қамраб олинганки, буларнинг барчаси устоз адабиётшунос тадқиқотлари кўламининг кенглигини, сўз қадрини юксак мақомда тута билгани ҳолда жозибадор тадқиқотлар яратса билиш салоҳиятининг нечоғлик юксаклигини кўрсатиб туради.

Умарали Норматов асаларидан “ўқ томир” бўлиб ўтган жиҳатлардан бири холислик бўлса, иккинчиси ҳаққонийликдир. Учинчиси эса фазилатпарварлик, яъни тадқиқотлардан, бадиий ижоддаги йилт этиб кўринган ютуқни илғаб, кўрсата билишликдир. Тўртинчиси, мақолалари тилининг равонлиги, бешинчиси, тенденциозлик, популизмдан холилиги. Асар яратилган давр, адабий муҳит, ижтимоий-сиёсий шароит ва ижодкор психологиясининг айни дамдаги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда хулоса чиқара билишликдир.

1975 йил, сентябрнинг илк кунлари... Тошкент давлат университети филология факультетига ўқишига кириб, тала-баликнинг “олтин даври” сурурини энди ҳис эта бошлаган паллаларимиз. Аудиторияга Ғулом Каримов, Субутой Долимов

Озод Шарафиддинов, Аюб Гуломов, Лазиз Қаюмов, Талъят Солиҳов, Бегали Қосимов, Нодирмуҳаммад Сайдов, Ёрмат Тоғиев, Омонилла Маъдаев, Санжар Содиқов каби олимлар, адабиётимиз билимдонлари бирин-кетин кириб, маърузалар қила бошладилар. Биз бадиий ижод, асарнинг сирли олами қандай бўлишини, адабиёт деб аталмиш уммоннинг поёнсизлигини ана шу устозларнинг дарсларида чукур англай бошладик.

Ўқув йилининг иккинчи ярмидан юзи, кўзи, сўзида айрича меҳр балқиб турган, истараси иссиқ домла Умарали Норматов бизларга дарс ўта бошлади. Умарали Норматовнинг маърузалари фактларга бойлиги, олинган таассуротларни ҳис-ҳаяжонга уйғун баён этилиши билан биз талабаларни ўзига ром этарди. Устоз бадиий асардан олган таассуротларини, кечинмаларини нутқида ифодалай олар ҳамда тингловчиларга ҳам юқтирас эди. Бир пара дарснинг қандай ўтганлигини кўпинча сезмай ҳам қолар эдик.

Устоз бадиий асарни унинг муаллифи кимлигидан қатъий назар колис, ҳаққоний баҳолашга доимо амал қиласардилар. Бу борада танқидлари ғоят кескин бўлар эди. Табиийки, ушбу танқидлар ижодкорнинг келгусида ўз асари устида жиддий тузатишлар олиб бориб, тер тўкишга мажбур қиласарди

Адашмасам, етмишинчи йилларнинг охирларида Ёзувчилар уюшмасида ўша пайтларда юқори лавозимда ишловчи, таникли бир ёзувчининг романи муҳокамаси ўtkазилди. Авваллари ёзилган асарлар дастлаб “Шарқ ўлдузи” журналида чоп этилиб, уюшмада муҳокама қилинар, сўнг китоб ҳолида чоп этишга рухсат бериш одат тусига кирганди. Устоз ана шу йигинда сўз олиб, президиумда савлат тўкиб ўтирган ёзувчига қарата “Қани айтинглар-чи, асарингизда биронта романбоп деталь борми?” дея кескин муроржаат қилганди. Ёзувчи ҳам

ўзини тутолмасдан танқидчига нисбатан паст-баланд гапларни сўзлаганди. Шунда йиғилишни бошқараётган ёзувчи Мирмуҳсин икки бармоғини юқори кўтариб, “Бу бармоқларимнинг бири Умарали бўлса, иккинчиси сизсиз, унисини тишласам ҳам оғрийди, бунисини ташласам ҳам оғрийди. Келинглар, ярашинглар!” дея муросага чақириганди. Айтишларича, йиғилишдан сўнг устоз ёзувчининг олдига борган, ёзувчи ҳам у билан ҳеч гап ўтмагандек суҳбатлашган. Адабиётимиз дарғаларининг ана шундай ҳақиқатнинг кўзига тик қаравшлари, бу йўлда гина сақламасликлари ҳозирги авлод ижодкорлари учун ҳам ғоят ибратлидир.

Умарали Норматовнинг адабиётимизда баҳоли қудрат қалам тебратиб келаётган ёшларга меҳри бўлакча эди. Уларнинг арзимас ютуқларини дарров илғаб, рағбатлантиришга интилар эдилар. Бу борада улар “Ёшларни сийласанг, султон бўлар” деган нақлга доимо амал қиласар эдилар. Баъзан, оз бўлса-да, шахсий адоват ёки турли сабабларга кўра “тирноқдан кир қидиргандек” ёш тадқиқотчиларнинг ишларидан нуқсон топиб илмдан бездиришга интилишдек нопок ҳолатлар ҳам учраб туради. Мен ҳам кўплаб шогирдлари қатори диссертацияларим ҳимояси жараёнида устознинг руҳий қўллаб қувватлашларини доимо ҳис этиб турганлигимни бугун чексиз минннатдорлик билан эслашни жоиз деб биламан. Ўқиши даврида гуруҳимизга раҳбар бўлган Ҳулкар опа Олимжонова “Умарали Норматов кўнгли тоза, яхши устоз” деган эдилар. Устоз Умарали Норматов сажиясидаги ана шу жаҳатлар унинг ёзган мақолаларида, китобларида ҳам ўзига хос тарзда балқиб турибди.

Дамин ТЎРАЕВ, филология  
фанлари доктори, профессор

## УСТОЗ ИБРАТИ

Умарали Норматов том маънодаги илму ижод фидоийси эди. XIX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг тараққиёти ҳамда мустақиллик даври миллат бадиий тафаккурининг юксалишида, адабиётшунослигимизда ҳайтбаҳш иммий-эстетик тамойилларнинг юзага чиқишида у кишининг серқирра фаолияти муҳим ўрин тутади.

Менинг сўз санъати сеҳри ва қудратини англашимда, иммий тафаккуримнинг шаклланишида Умарали ака устозлик мақомига эга бўлган замондошим эди. Умарали ака билан 1966 йилда Қаршида – ўша кезлари перифериал институт ҳисобланган ўқув юртида танишган эдик. Адашмасам, у киши Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Шуҳрат билан бўлган ижодий учрашувда маъруза қилган эдилар. Талаба сифатида мен ҳам Шуҳратнинг “Олтин зангламас” романни хусусида мулоҳаза билдиридим. Орадан йиллар ўтиб ҳозирги Миллий университет аспирантурасига ўқишига кириш имтиҳонларини топшириш жараёнида устоз 1966 йилдаги ёзувчи Шуҳрат билан бўлган учрашувни ёдга олди. Энди сўзни устознинг камина ҳақида ёзган мақолаларидан бирида айтилган фикрлар билан давом эттирасам: “Мен Даминжонни у Миллий университет Ўзбек адабиёти кафедрасида аспирант бўлган 1971 йилдан бери танийман. У аспирантурадаги таҳсил давридан бошлаб кафедрамизнинг “фаҳрий аъзоси”дир. Дарвоҷе, у шу кафедрада номзодлик, сўнг докторлик диссертацияларини тайёрлади; адабиётшуносликка доир барча китоблари шу кафедра аъзолари назаридан

ўтиб, уларнинг ички тақризи ёки муҳаррирлиги остида чол этилган.

Булар ўз йўлига ... Аспирантлик кезлари ҳам, ундан кейин ҳам гоҳ бизнинг хонадонимизда, гоҳ Қаршида унинг хонадонида, турли-туман учрашувларда орамизда кечган тонготаргача чўзилган мароқли мулоқотларимни эсласам, кўнглим чароғон бўлиб кетади. У менинг шахсиятим ва илмий қарашларимга доим ҳурмат-эътибор билан қарайди. “Ҳаёт манзаралари” эсселар ва “Рангин тасвирлар жилоси” китобининг талай саҳифаларидағи, шунингдек, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да эълон этилган қатор мақолаларидағи илиқ сўзлар бу нинг ёрқин далил-исботидир (“Маънавий олам талқинлари” китоби. Т.: Akademnashr, 2020, 3-4 бетлар). Устознинг бу фикрлари ҳар доим менинг ҳам кўнглимни чароғон этиш баробарида илмий рағбатга ундейди ва масъулият юклайди.

Устоз ҳақида хотираларимни яна аспирантлик йилларимга – ўтган асрнинг 70-йиллар аввалидаги саргузаштлар билан давом эттирсам... Кафедра домлалари орасида биз – аспирантлар Умарали акадаги икки фазилатга ҳавас қиласр эдик. Бу фазилатнинг биринчиси, ўша кезлар у кишининг адабий жараёнда фаол иштирок этиб, ўзининг мақолалари ва китоблари билан намуна бўлса; иккинчиси, бизлар кимнинг аспиранти бўлишимиздан қатъий назар, мавзумиз бўйича маслаҳатларини аямасдан ғамхўрлик қилишлари эди. Устознинг сабоғи ва ғамхўрлигини эслаганимда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси, домланинг илмий тадқиқотига объект саналган ва ижодий маслакдоши Сайд Аҳмаднинг маҳзун ҳолдаги айтган ўй-хаёлларидан қуйидаги сўзлари ёдимга келади: “Баъзан хаёл олиб кетади. Ўтган йилларингга, босган изларингга қарайсан. Кимлар юрган йўллардан келдинг, кимлар босган изларни босдинг,

ҳамма-ҳаммасини кўрасан... Кимлардан меҳрибонлик кўрдинг, кимлардан панд единг, кўз олдингдан ўтаверади...

Сенга раҳнамолик қилган устозларинг қани?”

Устоздаги ҳавас қиласидиган инсоний фазилатлар Венерахон келинойимизда ҳам мужассам. У киши ҳам домланинг шогирдларидан ўз меҳрини дариг тутмас эди. Тошкентга бирор иш юзасидан бориб, “Домла, уйда бўлсангиз, бирор кириб ўтаман”, – деб телефон қилсан, келинойим, албатта, фарғонача ош дамлаб туар, бундан эса хижолатда қолар эдим. Баъзида келинойини ташвишга қўймай деб, телефон қилмасдан тўсатдан борсан ҳаи дастурхон ёзмасдан кетишга изн бермасди.

Умарали ака дўсту касбдошлари орасида самимий ва беғубор, камтар ва диёнатли, ҳаётий эътиқод эгаси сифатида эъзозланарди. Домладаги бу инсоний фазилатлар у кишининг илмий ижодини ҳам безаб турувчи хусусиятдир. Хусусан, домланинг китоблари ва мақолаларини ўқиган ҳар бир киши муаллиф билан биргалиқда адабиётга шайдо бўлади, ундаги воқеалар талқинига ҳайратланиш билан бадиий кашфиётлардан завқ ва эстетик сабоқ олади. Бу китоблар ва мақолаларнинг номланиши ҳам китобхонда бадиий ижод ва сўз санъатига бадиий-эстетик завқ бериш билан бирга уларда ошуфталик кайфиятини уйғотади. Эътибор қилинг: “Талант тарбияси”, “Ақл ва қалб чироғи”, “Қалб инқилоби”, “Давр туйғуси”, “Қодирий боғи”, “Ўткан кунлар” ҳайрати”, “Қаҳҳорни англаш мashaққати”, “Умидбахш тамойиллар”, “Тафаккур ёғдуси”, “Ижод сехри”, “Нафосат гурунглари”, “Ижодкорнинг ҳароратли сўзи”... Асарлари номланишига ҳайратланишим ва ихлосмандлигим сабабли, хотира мақоламни ҳам Устоз асарининг номи билан атадим.

Устознинг бадиий ижод ҳақидаги нуқтаи назари қўйида-гича: “Сўз санъати ўз номи билан санъат, нафосат олами!

Нафосат олами эса дағалликни, қўполликни ёқтирумайди". Атоқли адабиётшунос ўз фаолиятида ана шу илмий-эстетик бурчни мезон қилиб олган эди. Домла бадиий ижодининг назарий масалалари хусусида ҳам А.Қодирий, А.Қаҳхор, С.Аҳмад, Шуҳрат, Мирмуҳсин, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, О.Ёқубов, А.Мухтор, Ш.Холмирзаев каби сиймолар маҳорати, жанрлар тараққиёти ёки истиқлол даври адабиёти ҳақида ҳам, мактаб ва олий ўқув юртлари учун дарслик яратса ҳам самимийликка йўғрилган эстетик мезон асосида ёндашади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бу тараққиётлар, адабиётшунос У. Жўракулов тўғри таъкидлаганидек, адабий жараённи эстетик талқин этишнинг норматовча йўналишини белгилаб берди. Адабиётшуноснинг биргина Абдулла Қаҳхор хусусидаги кузатишларига эътибор берсак, унда адаб ижодининг китобхонга номаълум қирраларини, ҳаёти ва хонадонидаги ижодга алоқадор ноёб воқеаларни адабий жараёнга ҳамда адаб ихлос-мандлари аудиториясига устоз Озод Шарофиддиновдан кейин олиб кирганлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Устоз илмий фаолиятига хос айрича фазилатлар ҳақида тўхталганда, унинг илмий-адабий жамоатчилик эътироф этган яна бир муҳим фазилати – адабий жараён ичида яшashi, ҳозиржавоблиги ҳамда адабий сұхбатлар кашфиётчиси эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Аслини олганда, олим адабий сұхбатлари билан ўзбек адабиётшунослигида янги бир йўналишга асос солди. Бу сұхбатлarda қатор ёзувчиларимизнинг бадиий ижод, талант тарбияси, шоир олами, ижодкорнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини акс эттириш тамойиллари ҳақида айтган қимматли фикрларини бошқа ҳеч қаерда тополмайсиз. Атоқли адабиётшунос И.Фафуров айтганидек, "Уларда адиларнинг ўзига хос қарашларигина эмас, танқидчи У.Норматовнинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлиари акс этади. Бу

сұхбатларда қанчадан-қанча қимматли гувоҳликлар бор" ("Мангу латофат", 31-бет). Энг муҳими, бу сұхбатларда адабиёттимизнинг ўзак масалалари таҳлил асосини ташкил этади.

Хуллас, устознинг маънавий комилликка йўғрилган ҳаёт йўли, адабиёт ва адабиёт илми йўлидаги кашфиётлари камина учун ҳар доим ибрат намунаси бўлиб қолади.

**Усмонжон ҚОСИМОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
филология ф.д., профессор, Жиззах ДПУ**

### **АДАБИЁТ ВА ИСТЕЙДОД ЖОНКУЯРИ**

Алишер Навоий номли Тошкент давлат (ҳозирги миллий) университетининг филология йўналиши ривожи йўлида ўзларининг бутун қалб қўри, кўз нури, катта тажриба ва юксак билим-салоҳиятини ёшларга таълим-тарбия беришдек эзгу ишларга бахшида этиб келган фидойи устоз-мураббийлардан бири, шубҳасиз, аллома Умарали Норматов эди. Афсуски, "эди" деб ёзяпмиз. Вафотларидан сал олдинроқ у кишини кўргани дўстимиз, таниқли олим Отабек Жўрабоев билан хонадонларига боргандик. Ҳар доимгидек очиқ кўнгил билан кутиб олганлари ва баҳри дили очилиб, сұхбатлашганимиз сўнгги дийдорлашувимиз бўлиб қолишини билмаганмиз. Ўшанда Отабек иккимиз ҳам устозни кўп уринтириб, толиқтириб кўймайлик деб, бир неча бор кетишга ижозат сўраганимизга қарамай, домла бизни худди кўп йиллик қадрдонларидай, соғинган тенгқурларидай яқин кўриб кўпдан-кўп нурли хотиралари ва дилининг тубидаги қимматли фикрлари ва орзу-ўйларини жўшиб сўзлаб берганлари ва тўкин дастурхон устида

мириқиб мулокот қилганимиз ҳәётимиздаги файзли кунлардан бири бўлганди. Энди эса улар эзгин, аммо унutilmas хотиралар сифатида хаёлимизда жонланади... Ҳассос қалб, чуқур тафаккур соҳиби ва илмий-эстетик дид-савияси баланд, бағрикенг инсон, забардаст адабиётшунос олим, хизмат кўрсатган фан арбоби, давлат мукофоти соҳиби, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси профессор Умарали Норматовнинг табаррук 90 ёшлиги нафақат Миллий университет жамоаси учун катта шодлик, балки бу республикамиз зиёлилари, адаб ва шогирдлари, минглаб адабиёт мухлислари учун ҳам қувончли бир воқеа бўлиб дилимиздаги соғинч ва ҳавас туйғуларини кучайтирганди.

Ҳаёти сариштали, илмий-педагогик фаолияти ибратли ва ёрқин саҳифаларга бой бўлган Умарали aka энг аввало, иймон-эътиқодли, табиатан дилкаш ва баркамол инсонлиги билан ҳам кўпларнинг меҳрини қозонган. Кураш ва зиддиятларга тўла бу мураккаб ҳаётда бир умр етук инсон бўлиб яшаш эса барчага ҳам насиб этавермайдиган бир баҳт. Бундай инсоний яшаш сири ва баҳти ҳақида салкам юз йил яшаган улуғ адаб Леонид Леонов яхши айтган: "бундай баҳтга эришиш учун мукаммал биографияга эга бўлиши лозим. Бу шундай биография бўлсинки, одам уни жаҳоннинг энг гавжум майдонида бор овоз билан айтиб беришдан уялмасин".

Умарали aka ана шундай инсоний фазилатлари, ибратли умргузаронлиги ва серқирра илмий-ижодий фаолияти билан ҳаётини ҳар жиҳатдан мазмундор ва самарали бўлишига эришолган баҳтли тақдир эгаси. Бундай инсоний комиллик, ижодий балоғат замирида, албатта, унинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, ирода ва қатъияти, самимият ва камтаринлик, тўғрисўзлик ва одиллик каби олийжаноб фазилатлари жамулжам. Шу билан бирга у кишини юзлаб ҳамкасб ва тенгкур-

ларидан, яқин дўсту биродарларидан ҳам фарқлантириб турадиган бир хислатини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу онг-шууридаги оқилона меъёр ва масъулият туйғуси ва барча соҳада – юриш-туришию, муомала ва мулоқотда, илм ва ижодда ҳам, бадиий асарларни таҳлил ва талқин қилишда ё баҳс-мунозараларда бўлсин, ёхуд талабалар билими ва иқтидорини баҳолашдами – ҳамиша ўзининг ботинийadolat ва хайриҳоҳлик тамоилига амал қиласр эди.

Умарали ака билан мен устозимиз Озод Шарафиддиновнинг шарофати билан 45 йил давомида оға-инидек биродар бўлганмиз. У кишидаги камтарлигини қарангки, бир укалари ва шогирдларидаёш бўлсан ҳам, менга берган китобларидан бирига шундай дастхат ёзганлар: "Дўстим Усмонжонга! Адабиётга ва устозларга меҳр ва эътиқодимиз ҳамиша мадакор бўлсин". Умарали ака билан пойтахтда ва айниқса Жиззах ва Сирдарё вилоятларида адабий кечалар, нуфузли анжуман-давраларда, янги асарлар, илмий ишлар муҳокамасида қатнашиб, кўп фикрлашдик. Пахталарда, кўнгилли сафарларда, тўю маъракаларда қатнашдик. Дўсту қадрдонлар билан бирга қувончили воқеаларни нишонлаб, ҳаётимизга шукроналар айтиб, тонготар сұхбатлар қурган хушнуд дамларимиз ҳам кўп бўлган. Умарали аканинг ташаббуси ва етакчилигида ўтказилган кўплаб илмий-адабий тадбирлар нафақат вилоят ва университет миқёсида, балки республикамиз адабий-маданий ҳаётида ҳам муҳим ижтимоий-эстетик ва маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлганлиги жўмард ва дилкаш олимнинг ҳаёти ва фаолиятига жўшқин бир ижодий руҳ ва мазмун бағишлайди.

Озод Шарафиддинов билан анъанавий ижодий учрашувлар, Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романни тақдимоти ва 60 йиллик юбилейини нишон лаганимиз талабаларимизнинг адабиёт ва ижодга меҳр-ихлосини оширганига

гувоҳмиз. Ёхуд Абдулла Орипов билан ижодий учрашувда буюк шоиризни “Ўзбекитон Қаҳрамони” унвонига таклиф берганларимиз каби илмий-адабий анжуманларимизда ҳам Умарали Норматов домланинг етакчи бўлганини ҳар икки университет жамоаси қувонч билан эслаб юришади. Ана шундай нуфузли анжуман ва тантаналарда ҳам у кишининг каттаю кичикка эътиборлилиги ва табиатан беозор ва некбин инсонлиги на-моён бўлиб турар эди. Бу жиҳатдан ҳам Умарали ака кўпларнинг, айниқса, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, шарқона маданиятимиз руҳида вояга етаётган ёшларимиз кўз олдида фасоҳатли бир устоз- мураббий бўлиб гавдаланади.

Талабчан, фидойи устоз Умарали Норматовнинг кўплаб иқтидорли ёшлар ни, (жумладан, Жиззахдан камина ва бир неча толиби илмларни) кўллаб-кувват лаб, илм-фан ва бадиий ижоднинг катта йўлига бошлагани ва эндиликда улар етук адабиётшунос, шоир ва журналист бўлиб танилганлиги ҳам улуғ олим учун ҳаёт ва тақдирнинг юксак ажру мукофоти десак хато бўлмас. Менинг Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганишни давом эттириб, докторлик диссертациям мавзусини ҳам ЎзМУда, Умарали ака кўп йиллар бошқарган қадрдон кафедраларида устоз имиз Озод Шарафиддиновлар билан бамаслаҳат режалаштирган эдик. Ушбу тадқиқотимизнинг хайрли якунланишида ҳам уларнинг раҳнамолиги бекиёсdir.

Умарали Норматов элга танилган етук инсон ва йирик олим бўлишдек шарафли рутбага ўзининг ақл-заковати, мустаҳкам иродада-эътиқоди ва самарали меҳнати билан эришиб, нурли довонларни забт етганилиги ҳавас ва фахрланишга арзийди. Дарҳақиқат, олим ўзининг бой ижодиёти билан танқид ҳам санъатнинг бошқа турлари қаторида халқимиз маънавияти, адабий-эстетик ва танқидий тафаккури ривожида юксак аҳамият касб эта олиши мумкинлигини сўзда ҳам, амалда

ҳам исботлаб берганлиги айни ҳақиқат. Бежиз эмаски, Абдулла Қаҳҳор дай буюқ устоз ва Сайд Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод каби йирик адиблар ҳам Умарали Норматовнинг адабий жараёндаги фаоллиги ва етуклигини яқдиллик билан эътироф этишган. Шундай ҳақли эътирофлардан бирини келтириб ўттай. Эндиликда йирик адабиёт танир бўлиб тан олинган ва Умарали Норматовни ҳам устоз деб эъзозлаган проф ессорларимиздан бири Қозоқбой Йўлдошев бир гуруҳ ижодкорлар даврасида “Биласизларми, ҳозир адабиётшуносларимиз орасида ким энг фаол, сермаҳсул ижод қиляпти?”, – деб мурожаат қилганида, айримлар ўйланиб қолишиди. Савол ига унинг ўзи “Умарали Норматов”, – деб жавоб айтганида, барчамиз мамуният билан маъқуллагандик. Чунки бу самимий эътироф билан кўпчиликнинг яқдил фикрини ва серғайрат ва кичикфеъли нуроний устозга илиқ муносабатимизни ҳам ифода этган эди. “Зар қадрини заргар билади”, деганлари- шу бўлса керак.

Мустабид совет тузуми исканжасида эрк-хуқуқсиз бўлган юртимизда ва хукмрон социалистик мафкурага буйсундирилган илмий-адабий мухитда 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошида ижод оламига кириб келган ва умрининг охиригача сармали фаолият қўрсатиб келган пешқадам, ҳозиржавоб мунаққид ва адабиётшунослар сафида, шубҳасиз, серқирра ва ранг-баранг ижод соҳиби, Умарали Норматовнинг алоҳида ўрни бор. Олимнинг йирик тадқиқотлари ва кўплаб мақола ва тақризлардаги салмоқли фикр ва умумлашмалар бир неча йиллар давомида турли муносабат билан битилган. Улар бадиий ижод ва адабиётшунослик фанининг хилма-хил ва жиддий муаммоларига бағишлиланган бўлса-да, деярли барчасига хос бўлган ва кўзга яққол ташланиб турадиган бир қатор муштарак фазилатлар ҳам мавжуд. Абдулла Қодирий ва Қаҳҳор ва

уларга издош бўлган неча ўнлаб йирик сўз санъаткорларининг юзлаб ранг-баранг асар лари таҳлилга тортилган ва уларга, энг аввало, юксак санъат ва бадиият мезон лари нуқтаи назаридан ёндошилган. Ана шундай хайрли ният ва эзгу аъмолнинг аён самараси ўлароқ, Умарли Норматов асарларида, шунингдек, суҳбат ва нутқ ларида ҳам адабиётимизнинг улкан чинорлари бўлмиш устоз адиларимизнинг бетакрор шахсияти ва ўлмас асарлари, шунингдек, жаҳон адабиётининг нодир намуналари хусусида истиқлол даври адабиётшунослиги ва бадиий-эстетик тафаккури юксаклигидан туриб теран фикр юритилади. Нурли бир дард, сами мият ва қуюнчаклик билан ёзилган бу асарларнинг мазмун-руҳида “энди” деб, жўшиб сўзлайдиган Умарли Норматовдек ҳозиржавоб ва ғамхўр олимнинг ижод аҳлига чуқур ҳурмат-эҳтироми барқ уриб туриши билан янада қадрли.

Умарали Норматовнинг адабиётга ва истеъоддларга бўлган меҳр-эътиқод ва нуктадонлик билан битилган асарлари адабий жараённинг мураккаб ва зиддиятли кечишини англашга ва танқид-адабиётшуносликдаги айрим бирёқламаликларнинг олдини олишга ҳам ёрдам беради. Адабиётшунослигимизда Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлиланган йирик тадқиқотлар ва баҳсли фикрлар ҳам озмунча эмас. Профессор Курдош Қаҳрамонов тўғри таъкидлаганидек, У.Норматовнинг истиқлол йиллари илмий изланишларида А.Қодирий ва А.Қаҳҳор ижоди янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш салмоқли ўрин тутади. Бинобарин, Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа етук асарлари каби жиддий эътирозларга сабаб бўлган “Даҳшат” ҳикоясини илк бор Озод Шарафиддинов ва Умарали Норматов “ўтмиш ҳақидаги ҳикояларнинг гултожи”, деб таърифлагани ҳам бу олимларнинг юксак эстетик савияси ва таҳлил маҳоратидан далолатdir. Ўн

Йил давомида пишиб-етилган ушбу ҳикоя “ўтмиш ҳақидагина эмас, балки адаб ҳаётидаги бурилиш палласини, унинг шу даврдаги руҳиятини ҳам ўзида акс эттирган” теран асар эканлиги адабиётшунос Дилмурод Қуронов томонидан ҳам ўринли қайд этилган: “Сўз XX аср ўзбек адабиёти ҳақида борадими, миллий насримиз тараққиёти ҳақидами, ҳикоя жанри ё маҳорат масалалари ҳақидами, қатъий назар, “Даҳшат”нинг албатта тилга олиниши, унинг турфа талқинларга дош ва имкон бериб келаётганинг сири ҳам шунда-илҳом билан ёзилганидадир”. Профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг улуғ адабининг шундай мумтоз ҳикояларига структурал таҳлил жиҳатдан ёндошуви ҳам эътиборга лойиқдир.

Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорнинг нодир асарлари каби уларнинг танқид савияси ва маҳорати ҳақидаги теран қарашлари ҳам қанчалик асосли эканлиги ва улар кўрсатган жиддий камчилик ва муаммолар, афсуски, бизнинг кунларимизда ҳам барҳам топмаганини 70-80-йиллардаги адабий жараёнда кечган баҳс-мунозаралар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу жиҳатдан У.Норматовнинг эътирофи ҳам муҳим: “Абдулла Қаҳҳор “Танқиднинг асосий вазифаси-истеъод билан ёзилган асарларни кашф этиш” деган фикрни кўп таъкидлар ва дўстларини, шогирдларини шунга даъват этарди”. Бу юксак илмий ва ижодий мезон бугун ҳам адабиётимиз ва танқидчилигимиз равнақи учун жиддий аҳамиятга эга.

Устозлар огоҳ этганидек, бадиий асар ҳақида таҳлил-далларсиз “мавхум, мантиқсиз мулоҳаза юритиш 30-йиллар ўзбек танқидчилигидаги иллатлардан бири” бўлганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу каби камчиликлар натижасида танқидадабиётшунослигимизда ноўрин баҳслар ва бадиий ижод табиатини саёз тушунишдек салбий ҳолатлар тез-тез кўзга ташланиб туради. Масалан, истеъододли ёш адаб Тоғай Муроднинг

кескин тортишувларга сабаб бўлган янги қиссаси ҳақида Умарали Норматов ўз туйғу-фикрларини шундай баён этади: "Ойдинда юрган одамлар"ни ўқиб, ҳамон ўзимга келолмаяпман. Бу нима, бадиий асарми ё бир мўжизами? Ўзбек адабиёти ҳали бундай мўжизани кўрмаган". Аммо, афсуски, шундай асарни тушунолмасдан, уни ноҳақ қоралаган мунаққидлар ҳам бўлган. Сиёсатбозлик руҳида айтилган шундай фикрлардан бирига разм солайлик: "Ойдинда юрган одамлар" ўтмишни қўмсовчи асар. Муаллиф бу асари билан ўзбек совет халқини ўтмишга, бидъатга қайтишга чорламоқда. Муаллиф бу асари билан алмисоқдан қолган урф-одатлар, (эски расм-русумлар, чиркин маросим маъррака)ларни қайта тикламоқчи бўлган. Муаллифнинг бу ғализ, (хавфли) гояси ўтмайди. Ўзбек совет халқи коммунизмга қараб бормоқда..." (Ҳафиз Абдусаматов). Мана шундай ғаразли, "тўқмоқли" танқидлар оқибатида қисса тўрт йил нашр этилмасдан, "Шарқ юлдузи" журнали тортмасида ётди. Юқоридаги лавҳалардан "Ойдинда юрган одамлар" қиссасининг бадиий мўжиза сифатида яратилгани эътироф этилгани, аммо ҳукмрон мафкуранинг шотирига айланган адабий танқидчиликнинг айрим вакиллари уни антисовет асар деб, бутунлай рад этганилиги ҳам китобхонни чуқур ўйга толдиради. Вақт адибнинг ва унинг ноёб истеъоди ва бетакрор асарини биринчилардан бўлиб юксак қадрлаган Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов ва Сарвар Азимовларнинг ҳақлигини кўрсатди, қисса жамоатчилик томонидан юксак санъат асари сифатида тан олинди.

Умарали Норматовнинг адабий-танқидий фаолияти ва асарлари ўнлаб адиллар сиймоси ва бадиий-эстетик оламини тўла тасаввур этишга ёрдам бериб қолмай, XX аср ўзбек адабиёти, танқидчилик ва эстетик тафаккури тадрижий тараққиёт йўли ва омилларини кенгроқ ёритишда ҳам муҳим манба

саналади. Хусусан, адабиётимиз ва танқидчилигимиз ривожига катта тўсиқ бўлган синфиийлик ва партиявийлик деб аталмиш мафкуравий кишланлар бадиий-эстетик тафаккур ва танқид-адабиётшуносликнинг ҳам бошига тушган бало бўлгани Умарали Норматов каби етук олимларимиз томонидан 1999 йили яратилган "ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи" ва 2012 йили яратилган "Ўзбек адабий танқид тарихи" дарсликларида ҳам тўғри кўрсатиб ўтилган. Бу дарсликлар шўро давридаги манбалар билан қиёсланса, тарихий ҳақиқат ва бадииятга зид ноқисликлар яққол кўзга ташланади. 1960-70-йиллардаги адабиётдарсликларида сохта шиорбозлик авж олган: "Ўзбек совет адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги шаклланиши ва камолотга эришишида сотсиалистик воқелик билан компартиянинг доно раҳбарлиги ҳал қилувчи фактор бўлди" каби талқинлар тарихий ҳақиқатга ва ижод қонуниятларига мутлақо зид эди.

Шўро даври мафкурасидаги бундай шиорбозлик, сунъий бўрттиришлар ҳақида тасаввуримиз тўлиқроқ бўлиши учун Мустақилликдан бир йил олдин яратилган ва адабий-танқидий ва эстетик тафаккур ривожида муносаб ўрин тутган дарсликка ҳам бир назар ташлайлик. Профессор Норбой Худойберганов ва Абдуғафур Расуловинг олий ўкув юртлари учун "Ўзбек совет адабий танқидчилиги" (1990) дарслигига ҳам XX аср адаби ёти ва танқиди шаклланиши ва ривожи Октябр инқилобига боғлаб ёритилган ва айрим баҳсли қарашлар илгари сурилган: "Ахир, Октябр инқилобининг ўзбеклар юртида ғала-ба қозонгани ҳақиқат-ку?! Ҳа, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Илмий-эстетик ижоднинг тури адабий танқид Октябр инқилобидан кейин туғила бошлади" дейилади шу дарсликда. Бу хуносаса, албаттa, баҳсли эканлиги илмий жамоатчиликка ҳам аён.

Баъзан ижодий таъсир жараёнини юзаки талқин этиш ҳоллари ҳам учрайди. А.Бегжонованинг рус тилида нашр этилган “Н.В.Гогол ва Абдулла Қодирий” (1983) рисоласида бу икки ёзувчи ижоди хусусида мулоҳаза юритиб, Қодирий асарлари ва улардаги мұхим эпизод ва хаётый воқеа-ходисалар тасвирини ҳам адабий таъсир натижаси деб талқин этадики, булар ҳақында әзірлеуден көзінде үйгөтади. Яъни тадқиқотчи Гоголнинг Тарас Булбаси билан Қодирий яратған Обид Кетмон образининг полвонсиғат ташқи күренишида ҳам ёки Гогол қаҳрамони ўн етти яшар Оксананинг “рождество” байрамига күзгуга қараб ўзига оро бериши тасвири билан “Үткан кунлар” романиндағи Кумушнинг түй кечасидаги ҳолатини ҳам Гогол таъсири билаи изоҳлади. Ҳолбуки, булар Гогол ва Қодирий реалистик санъат талабидан келиб чиқиб, қаҳрамонлари хатти-харакати ва ички кечинмалари хаётый ва ишонарлы бўлишига эришганини кўрсатиши билан дикқатга лойиқ. Умарали Норматовнинг Қодирий ва Қаҳҳор ижодига бағишлиланган фикр-хulosалари ана шундай бирёқламаликларга ҳам ойдинлик киритади.

Ҳассос ва қуюнчак олимнинг кўп йиллик самарали изланишлари давомида яратған юзлаб мақола ва тақризлар, ўнлаб монографик тадқиқот ва илмий-адабий асарларининг қимматли бир жиҳати шундаки, уларда муаллиф шахси, унинг тафаккур ва дунёқараси, воқеликка ва адабий жараёндаги ўзгариш ва тамойилларга, инсонлар тақдирни ва келажагига оқилона муносабати ва фаол ҳаётый позицияси ҳам яққол бўй кўрсатиб турибди. Хulosса ўрнида ишонч билан айтиш лозимки, Умарали Норматовнинг сермаҳсул ижодий фаолияти ва ярим асрлик ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг мұхим қирралари ва етакчи тамойил ларини ёрита олган ранг-баранг асарлари Истиқлол даври адабиёти ва танқидчилиги келажаги учун ҳам зарур адабий-эстетик сабоқлар бўлиб хизмат қиласиди.

## УМАРАЛИ НОРМАТОВНИНГ МУНАҚҚИДЛИК МАҲОРАТИ

Мунаққид маҳорати кенг тушунча. Муайян бадий асарни ўқиши, ўқиганини ўқиши, англаш, англаганини кенг китобхонга англатиш, тадқиқ ва талқин этишдан тортиб адабий жараёнда кечган ва кечаётган ўзгаришларни, янгиланаётган тамойилларни теран кузатишлар асосида белгилаш, нафақат белгилаш, балки ушбу жараённинг фаол иштирокчисига айланиш, шу асосда унинг об-ҳавосига таъсир кўрсатишдек кенг муҳитни қамраб оладиган адабий тушунчадир.

Албатта, адабий жараён ўз номи билан жараён. У узликсиз ҳаракатда ўзини янгилаб бораётган, ҳар бир яратилган асар, чинакам бадиият намунасида янги-янги қарашлар, оқим ва йўналишларга йўл очаётган, замонасоз, ўткинчи тушунча ва ақидаларни инкор этиш баробарида, мудом ўзлигини намоён эстаётган адабий ҳодисадир. Бинобарин, мана шундай доимо янгиланишда бўлган, такомиллашиб бориш тақозо этиладиган ижодий майдонда ўзининг муқим ўрнига эга бўлиш, нафақат эга бўлиш, балки шу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиб бориш мунаққиддан тинимсиз илмий-ижодий изланиш ва теран ижодкорликни талаб этади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихида бундай фаол мунаққидлар кўплаб ўтган. Уларнинг кўпчилиги қарийиб ярим асрлик фаолиятлари давомида адабий жараённинг етакчи тамойилларини белгилаб келишди. Бу борада айниқса ўтган асрнинг 60-йилларидан то мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам адабиёт майдонида фаолият юритган М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Худойберга-

нов, И.Ғафуров, Н.Каримов, И.Ғафуров каби мунаққидлвримиз-нинг хизматлари бекиёс бўлди. Шулар қаторида Умарали Норматовнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Хўш, У.Норматовнинг мунаққидлик маҳорати нималарда кўринади? Олимнинг 60 йилдан зиёд илмий-ижодий фаолиятининг туб асосларини нималар ташкил этади? Ҳеч кимга сир эмас кўп умри ва илмий фаолияти собиқ шўролар мағкурасига хизмат қилган олимларимизнинг кўпгина изланишлари бугунга келиб эскириб, илмий истеъмолдан чиқиб кетмоқда.

Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсақ, олимнинг илмий изланишларига жон ато этиб, ичдан нурлантириб турадиган асосий омил бадииятнинг азалий қонуниятларини теран англаш, сўз санъатининг эскирмас қоидаси бўлган инсоншунослик эканини қалбан ҳис этиш ва шу асосда таҳлил ва талқинларининг туб замирини шахс жумбоғи билан боғлашида кўринади.

Олим эллигинчи йилларнинг охирларида чоп этилган “Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари” номли дастлабки мақоласидан бошлабоқ асосан замонавий ўзбек насли муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борди. Ўтган вақт давомида чоп этилган аксарият мақола ва тадқиқотларда замонавий ўзбек наслига хос етакчи тамойиллар, ижодий изланишлар хусусида, яратилаётган ҳикоялардан тортиб романларгача, барча барчасини ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик асосига кўра баҳолашга бўлган интилишларни кўрамиз. Замон ва қаҳрамон, давр ва шахс талқини масаласи ижодкорнинг поэтик олами, бадиий маҳорати нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Ҳар доим давр билан ҳамнафаслик олим қузатишларининг асосий хусусияти бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Олимнинг илмий-ижодий фаолиятида 80-90 йиллар алоҳида саҳифани ташкил этади. Зеро, бу давр тарих саҳифаларига

ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маданий-адабий ҳаётда ўтиш даври сифатида муҳрланди. Бу жараён ҳамон давом этмоқда. Бу даврга хос бўлган янгиланишлар барча жабҳада ўз акс-садосини берди. Жумладан, адабий танқидда ҳам. Буни биз олимнинг “Кечаги кун одамлари” ҳамда “Шахс жумбоги” мақолалари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мақолаларнинг дастлабкиси мустақиллик арафаларида яратилган бўлса, кейингиси орадан ўн йиллар чамаси ўтгандан кейин чоп этилган.

Дастлабки мақолада гарчи О.Ёқубовнинг “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”, Н.Қобулнинг “Унтилган соҳиллар” романлари ҳам романчилиқда янги давр бошланаштаганига мисол тариқасида келтирилса-да, лекин асосан М.М.Дўстнинг “Лолазор” романни таҳдилга тортилади. Мунаққид романни адабий жараёндаги ўзига хос ҳодиса сифатида баҳолайди. Уни романчиликтаги янги йўналишнинг дебочаси деб билади. Асарнинг ютуғини фақат асосий қаҳрамонлар Ошно ва Назар Яхшибоев характеристерининг ўзига хослигига эмас, балки ифода йўсинида бир қарашда анчайин содда тилда ёзилгандек таассурот қолдирадиган ифода “...замирида ўта жиддийлик, гўллик қобиғида эса қувлик, теран маънодорлик борлигига эътибор қаратади. Бир вақтлар қалбида олижаноблик ҳислари бўлган бу қаҳрамонларнинг фожиаси давр билан уйғунликда талқин этилади. Муҳими шундаки, мунаққид “Лолазор” тимсолида ўзбек романни ривожида янги босқич бошланаштаганидан бошорат қиласи. Буни романда кўтарилаётган долзарб мавзу ёки асосий пафосини яқин ўтмишга танқидий ёндашувда деб эмас, балки ҳар бир адабнинг гоявий-эстетик концепцияси, услуб-ифодаси ва оҳанги билан ҳам қимматли деб ҳисоблашида кўзга ташланади. Мунаққид 2001 йилда чоп этилган “Шахс жумбоги” номли мақоласида “Лолазор” романига қайта мурожаат қиласи экан, асарга янада теранроқ, янада асослироқ мезонлар билан ёнда-

шади. Бу мақолада роман қаҳрамонлари нафақат кечаги кун одамлари сифатида талқин этилади, айни пайтда "...бутун умри онгли равишда пуч ғоялар асосида юртни лолазорга – бўстонга айлантириш орзусида ўтган одамнинг адашган, алданган кишиларнинг аянчли қисмати ҳақида баҳс этади. Истиқлодан бурун роман муваллифи ўз қаҳрамонлари – шўро одамлари, аниқроғи масъул шахслар таянган ақидалар абсурд – маънисиз, ҳалокатга маҳкум эканини фавқулотда бир маҳорат билан очади; бутун бошли йирик роман саҳифаларида мавж уриб турган ажиб бир поэтик оҳанг – киноя, кесатиқлар орқали ўзининг бадиий ҳукмини ўқииди", дея баҳо беради.

Биз бу ўринда мунаққиднинг бир романга икки хил мұхитда берган баҳосидаги муштараклик ва фарқли жиҳатларни қиёслар эканмиз, буни нафақат мунаққид шахсияти ва дунё-қарашидаги ўзгаришлар сифатида баҳолаймиз, айни пайтда шу асосда умуман ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигидаги янгиланаётган концепция сифатида ҳам кўрамиз. Зеро, орадан ўтган ўн йиллар даври адабий жараён учун чинакам изланишлар, ўзининг методологик асосларини қайта кўриб чиқиш даври бўлгани барчамизга яхши маълум.

У.Норматов бу даврда, умуман истиқлол йилларида адабиётшунослик ва танқидчиликнинг барча жанрларида самарали илмий изланишлар олиб борди. Чоп этилаётган асарларга тақризлар ёзишдан тортиб адабий сұхбатларгача илмий-проблематик мақолалардан йилт этган истеъодларга битилган мактубларгача кузатишими мумкин. Албатта олимнинг мунаққидлик маҳоратини фақат ижодий фаоллик билан баҳолаш, масаланинг бир томони холос. Бироқ бу ҳам олимнинг тинимсиз меҳнати, мashaққатли изланишлари маҳсули эканини назардан соқит қилиб бўлмайди. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, илмий-ижодий фаолиятининг кўп вақти собиқ шўролар

даврига тўғри келган, фаол, бироқ ўша давр мафкураси билан боғланган кўпгина тадқиқотлар бугунги кунга келиб эскириб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албаттга қарийиб ўттиз йиллик меҳнат фаолияти шўро даври билан чамбарчас боғланган У.Норматов кузатишларида ҳам давр ўз муҳрини босган ўринлар учраши табиий. Лекин мунаққиднинг асосий кузатиш ва изланишлари қайси даврда яратилганидан қатъи назар бугун ҳам адабиётимиз хизматида эканининг бош сабаби ҳам инсон омили билан боғлиқ.

Мунаққиднинг истиқбол йилларида ёзган тадқиқотларининг мавзу кўлами ниҳоятда кенг, адабий жараёнда бўлаётган ўзгаришларнинг деярли барча томонларини қамраб олган десак, муболаға бўлмайди. Бу кузатишларда адабий жараёндаги янгиланиш тамойилларидан тортиб, адабий меросни қайта баҳолаш масалаларигача, ижодий метод ва оқимлар, хусусан, абсурд адабиёт, модернизм ҳақидаги масалаларгача қамраб олинганига гувоҳ бўламиз. 1993 йилда чоп этилган “Умидбахш тамойиллар” номли мақоласи ҳам шу жиҳати билан характерли. Мунаққид умидбахш тамойиллар деганда адабиётдаги янгиланишларни, янгича ёндашувлар асосида яратилаётган асарларни назарда тутади. Ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритар экан, энг аввало одамга бўлган муносабат янгиланаётганини таъкидлайди. Уни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсулни эмас балки, “кўпроқ илоҳий, туғма-табиий, сирли сеҳрли мавжудод тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий, тарихий шароит-тузум, давлат, сиёsat, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини онг-идроқдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини бадиий тадбиқ этувчи, экспизтенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаётир ёки шу хил талқинлар кенгроқ илдиз отиб бораётир. Бу фоний дунёning омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг,

мехнатининг бемаънилигини қабариқ тарзда, кўлгина рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги, фожиаси билан кўрсатувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар ҳам йўпайиб қолди". Мунаққид мақолада бу борада кўплаб асарларни санаса-да ўз қарашларини кўпроқ Назар Эшонкул ҳикоялари таҳлили билан асослашга қаратади. Мақолада олтин ўрталик сифатида Шукур Холмирзаевнинг "Куёш-ку фалакда кезиб юрибди..." ҳикояси анъанавий реалистик асар намунаси сифатида талқин этилиб, адабий жараёндаги хилма-хиллик намунаси сифатида тақдим этилади.

Олимнинг адабий ҳаётдаги бу каби янгиланишлар ҳақидаги кузатишлари, айниқса абсурд асарлар ҳақида фикр-мулоҳазалари турли хил баҳс мунозараларга сабаб бўлганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бу хил қарашларга эътиroz билдирувчилар ҳам, кўллаб-куватловчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди, асослашга ҳаракат қилишди. Бу алоҳида масала. Бу ўринда биз эътибор қаратган нарса олимнинг мақоладаги таҳлилга тортилган турли савия ва ифода усулида битилган асарларни таҳлил этишдаги бош мезон унинг марказида турувчи бош масала ҳар доим ҳам инсон образини яратишга эътибор билан белгиланишини таъкидлашдан иборат.

Олим абсурд деб белгиловчи Назар Эшонкул ҳикояларини таҳлил қиласими ёки Ш.Холмирзаев, О.Ёқубов, А.Мухтор, О.Мухтор асарларига мурожаат қиласими қатъи назар барча кузатишларидан қизил ип бўлиб ўтадиган мезон – мақола бошида келтирилган "шахс жумбоги" масаласи эканида кўринади. Менимча, мунаққид кузатишларига жон бағишлиб, маҳоратини намоён этиб турадиган асосий хусусият ҳам шу бўлса керак.

У.Норматов “Сукутда эмас, ҳаракатда” номли мақоласида сўнгги давр танқидчилининг адабий жараёндан узилиб қолгани ҳақидаги хавотирларга муносабат билдирар экан, бу хавотирларда жон бор эканлигини таъкидлаш билан бирга бунинг сабабини қуидаги муроҳазаларида кўрсатиб ўтади. “90-йиллар давомида фаол фидойи танқидчиларимиз учун жорий адабий жараёндан кўра янги ўзбек адабиёти тарихини қайта идрок этиш, баҳолаш муҳимроқ ва зарурийроқ бўлиб туюлди”. Дарҳақиқат, мунаққид таъкидлаётган масала истиқлоннинг дастлабки ўн йиллик фаолияти учун характерли ҳол бўлди. Зеро, адабий меросни, хусусан, XX ўзбек адабиётини янгича ёндашувлар асосида қайта баҳолаш асосий мавзулардан бирiga айланиб бормоқда эди. Мунаққид ўзининг “Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар” номли мақоласида айни долзарб ва мураккаб масалага ўз муносабатини билдиради. Яъни янгиланаётган адабий тафаккур адабий жараёнда кечеётган ҳодисалардан тортиб миллий-маданий қадриятларни, биринчи галда шўро даврида яратилган асарларни қайта баҳолаш масаласига қаратар экан, уларни қандай мезонлар асосида тадқиқ этиш ҳақида баҳс юритади. Олим адабий жараёнда кечеётган бир-бирига зид, қарама-қарши қарашларга муносабат билдирар экан, ҳар бир даврни ўзининг характерли томонларидан келиб чиқиб баҳолаш зарурлигини таъкидлайди:

“Кези келганда айтиб ўтай: адабий жараёндаги мафкуравий-сиёсий жиҳатдан фарқ қилувчи йўналишлар хусусидаги баҳс-мунозаралар қисман миллий маданиятимизни синфий жиҳатдан кескин иккига ажратиб текшириш, баҳолашдан иборат ва яқин ўтмишда кўп чалкашликларга, оғир мусибатларга олиб келган машъум таълимотни қайта тирилтиришга уринишдай таассурот қолдиради. Адабиётга, адабиёт тарихига тор

синфий-партияйи ёндашишдан иборат бўлган <sup>бўнгай</sup><sup>209</sup> ўзини оқламайди, ғайриилемий усул сифатида рад этилди.

Айни шу ҳолат мунаққид илмий илмий изланишларни мухим бир йўналишини ташкил этади. Ш; <sup>жизонга</sup> У.Норматовнинг истиқлол йиллари илмий изланишларни А.Қодирий ва А.Қаҳҳор ижоди янгича ёндашувлар асосида таъкиқ этиш салмоқли ўрин тутади. Олимнинг А.Қодирий <sup>жизонга</sup> дига бағишлиланган “Қодирий боғи”, “Ўтган кунлар” <sup>жизонга</sup> “Қодирий мўъжизаси” каби китобларида адаб ижоди баланд маҳорат нуқтаи назаридан қайта баҳоланади. “Қодирий мўъжизаси” китоби адабиётшунос Б.Каримов таъбири билан айтганда ”...адабиётшунос олим ижодий биографиясидаги бош мавзу ва бош китобдек таассурот қолдиради”. Ушбу фикрларни А.Қаҳҳор ҳақидаги изланишларига ҳам айтиш мумкин. Зеро, У.Норматов А.Қаҳҳор ижодини доимий равишда кузатиб борди. М.Қўшжонов билан ҳаммуалифликда чоп этилган “Маҳорат сирлари” китобидан ташқари мустақиллик йилларида “Қаҳҳорни англаш машаққати”, “Устоз ибрати” каби китобларини чоп эттириди. 80-90 йилларда Қаҳҳор ижоди, айниқса “Сароб” романи юзасидан адабий жараёнда кўплаб баҳс-мунозалар бўлиб ўтди. Олим бу баҳсларга ўзининг фаол муносабатини билдириб, “Сароб” романи пешқадам танқидчилар томонидан аллақачон адашганлар фожиасини, инсон табиатига хос худбинлик психологиясини тасвирловчи асар сифатида эътироф этилгани ва айни шу хусусияти унинг яшовчанлигини таъминлаётгани баён этади.

Хулоса қилиб айтганда, устоз У.Норматов ўзининг илмий-ижодий фаолиятида доимо жўшқин, қайноқ адабий мұҳит билан баб-баравар қадам ташлади, ўзининг кўплаб илмий изланишлари билан унинг тамойиллари юзага келишига ўзхиссасини кўшди.

## **ЗИММАМДА ҚОЛГАН ЧОПОН...**

Билдирилган ишончда ҳикмат кўплигига умрим давомида боб-бот ишонч ҳосил қўлдим. 1967-1972 йилларда устоз Умарали Норматов домланинг қўлида ўқидик. 2-курсда менга ишонч билдириб адабиёт майдонига биринчи бор олиб кирган устозим бўладилар. Университетда Ўткир Хошимовнинг “Баҳор қайтмайди “асарининг муҳокамасига бағишиланган тадбирда қатнашдим. Минбарга биринчи марта чиқишим эди. Маърузам маъқул келди. Танилдим. Норматов домла сабаб минбарда нутқ сўзлаш бўйича тажриба орттиридим, ёзувчилар ўюшмасида ўтказиладиган тадбирларда, учрашувларда чиқиш қила бошладим. Чиқишлиар бири иккинчисига уланиб кетди. Университетни битиргач, ишга қўлимиизда қалам билан келдик. Университет бизни лойдек пишишиб, ишлов бериб, ташкилотларга узатди, шаклни иш жойимиизда олдик.

Дастлабки дарсларда устозларимиз берган кўрсатма (уставновка) тақдиримизни белгилади, ўзига ҳос дастурамал вазифасини ўтади деб ўйлайман:

Омон Мадаев домла: “Агар филология факультетига математикаси йўқ деб кирган бўлсаларинг, туёғингни шиқиллат, жўналаринг, ўзларингни ҳам, бизни ҳам вақтимизнинг олманглар”, – деб уқтиридилар. Бироз қўпол, бироз оғир гап эди. Лекин ҳақиқат эди. Курсимиздаги 100 талабадан ярмимиз битирдик.

Озод Шарафиддинов домла: “Адабиётшуносда мантиқ ус тивор бўлиши керак. Сутни оқлигини ҳамма билади, лекин сут қора деб мантиқан исботлашга салоҳияти етган одам, адабиётчи бўлиши мумкин”, дер эдилар.

Лазиз Қаюмов домламиз дарсда эснаб ўтирган талабани кўрсалар кўлларидағи бўрни чунонам беҳато отар эдиларки, тўппа – тўғри эснаётган талабани оғзига келиб тушарди.

Анвар Ҳожиаҳмедов домламиз: “ Мени дарсимда мен сизга маълум бўлмаган, сиз эшитмаган илмий маълумотларга доир маъруза ўқийман, матбуотда, дарсликларда, китобларда чоп этилган маълум маълумотларни ўзларинг ўқиб, тагига етиб дарсга тайёр келинглар дер эдилар. Ҳақиқатда, бу берилган йўналиш ишимиз давомида аскотди. Фақат йилдан йилга қайтариладиган дарслик ёки чоп этилган китоблардаги маълумот билан чекланмасдан, адабиёт борасида олиб борилаётган тури-туман, баъзан фикрлар бир жойдан чиқмаган материаллар, олиб борилаётган тадқиқот ишлари, мунозаралар билан ҳам танишиш одат тусига кирди.

Умарали Норматов устозимиз бўлса: “ТашГУни педагогика институти билан фарқини тушунтириб берганлар. Сиз кирган бу муқаддас даргоҳ тадқиқотчиларни тайёрлайди, педагогика университети эса ўқитувчиларни тайёрлайди”, – деб тушунтириш берганлар. Ўқитувчи бўлиб ишлашни мақсад қилганлар пединститутда ўқигани маъқул дердилар. Университетини битирганимиздан сўнг, орамизда ўқитувчи бўлиб ишлаганлар кўпчиликни ташкил этди, лекин тадқиқочилик нонини еганлар ҳам оз эмас. Университетда бизни ўқитган ҳар бир устозимиз ўзига хос бир мактаб эди. Устозларнинг энг “Ас”лари, шоҳлари ўқитган баҳтли курслардан биримиз.

Умарали Норматов устознинг дарсларидан бири бир ёзувчининг янги чиқсан асари муҳокамасига бағишлианди. Курсда берилган китобни ўқимасдан келган фақат бир мен ўзим бўлиб чиқдим. Нега ўқимадингиз, деб сабабини сўрадилар. Бу ёзувчининг асарлари менга ёқмайди, дедим. Сокин, ҳамиша талабарга хайриҳоҳ муносабда бўладиган Норматов домланинг

чунонам жаҳллари чиққанини биринчи кўришимиз эди. “Ёққан асарни ўқиб, ёқмаганини ўқимасангиз нима бор бу касбни танлаб, деб жаҳллари чиқиб кетганидан тутилиб-тутилиб гапирдилар. Кейин бироз ўзларига келиб, асар сизга ёқадими йўқми, шу касбни танладингизми ўз фикрингизга эга бўлишингиз учун ўқиб чиқишинглар шарт дедилар. Талабалик йилларида бу кўрсатмаларига амал қилдим. Лекин, бутун умрга етадиган кўнишка ҳосил қилолмадим.

Устоздан олган сабоқларимиздан яна бири: Университетга уйи яқин домлаларни дарси биринчи парага қўйилар эди. Норматов домланинг ҳам дарслари одатда биринчи парага тўғри келар эди. Курсимизнинг йигитлари, хали барвақт, бугун чиққан газеталарни домла ўқиб улгурмаган бўлсалар керак деб, қитмирлик қилиб савол беришар эди. У кезларда ҳар бир газета эрталаб нашрдан чиқиб улгуар ва киоскаларда барвақт сотилар эди. Домла, биринчи пара дарсга янги чиққан маълумотларни ўқиб, боҳабар бўлиб келар, берилган саволларнинг ҳаммасига жавоб берардилар ва бизни шу кунни тонгда чиққан газеталардаги маълумотларни ҳам ўқиб улгургандари билан лол қолдирар эдилар.

Университетни битириб кетганимиздан кейин ҳам университет домлалари билан алоқамиз узилмади. Ёзувчилар уюшмасидаги, Ўзбекистон Фанлар академиясидаги тадбирларда, муҳокама, конференцияларда, ҳимояларида университет устозлари ҳам фаол қатнашишар эди.

Умарали Норматов устозимиз Гулом Каримов домламизнинг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказилган илмий конференцияда гапириб берган бир воқеа менда кучли таасусрот қолдирди. Эмишки: устозимиз Иzzat Султон Саттор Ҳайдаров домламизга илмий раҳбарлик қилганлар. Ой ўтибди, йил ўтибди, Саттор Ҳайдаровнинг илмий ишидан дарак йўқ

эмиш. Шунда Иззат Султон домла Саттор Ҳайдаровга икки бетда диссертация режасини тузиб берилдилар. Бу режани ҳар битта жумласи кенгайтирилса бир диссертация чиқар экан. Иззат Султон ёзиб берган икки бетлик режа асосида Саттор Ҳайдаров уч ойда диссертацияни ёзиб, муҳокамага қўйибдилар.

Бундан илҳомланган Умарали Норматов домла Иззат Султонга мурожаат қилибдилар: "Қизингизни диссертация иши ҳам олдинга босмаяпти. Шу қизингизга ҳам Саттор Ҳайдаровга ёзгандек диссертация режаси тузиб берилса яхши бўлармиди", – деб. Шунда Иззат Султон: "Сатторни болалиги тезак ичида, мол боқиб, молга қараб ўтгани учун диссертация режасини ёзиб бердим. Қизим эсини танибдики, китоблар ичида, мени китобларга бой кутубхонамни ичида умри утяпти, ўзи эпласин", – дебдилар. Бу воқеадан нечоғлик таъсиранганим, олган ибратим, чиқарган хulosамга изоҳни зарурати бўлмаса керак. Норматов домладан ҳозиржавобликни ўргандик. Аравани қуруқ олиб қочишни эмас, айнан предметно – ҳозир жавобликни. Иззат Султон домламиз эса илмда ён босиш мева бермаслигини бизга сингдирдилар.

Университетни битириб Фанлар академияси ТАИ ишга келдим. Аспирантурани битирдим, фан номзодлигини ёқладим. Докторантурани Москвада ИМЛИ да ўтадим, фан доктори бўлдим. Ва шу муқаддас даргоҳдан нафақага чиқдим. Фан номзодлигини ёқлаганимда Умарали Норматов домла диссертация ишимга оппонент бўдилар.

Маълумки, одатда, ВАК белгиланган тартиб бўйича диссертация оппонентга камида 10 кун аввал етказилади. Мен ишимни улгурмаганимдан, ташкилий ишлардан тажрибам мутлақо йўқлигидан диссертацияни домлага ҳимояига бир кун қолганда олиб борибман. Ҳозир эсласам, уялганимдан ҳануз

ҳижолат тортаман. Шунчалик бағри кенг, хокисор инсон әдилар. Домла индамасдан олиб қолдилар. Ваҳоланки, диссертант диссертацияни белгиланган муддатда олиб келмади деб, ишимни қайтариб беришлари, ҳимояни тұхтатишлари мүмкін әди. Боз устига, ёшлик, ҳаяжон, саросима, тажрибасизлик ҳисобига бўлиши керак, оппонентларни келишига машина ҳам таклиф қилмабман. Айни ўша кезларда ВАК Москвага қарашли бўлиб, банкетлар бекор қилинган пайт әди. Елкалари чопон ҳам кўрмади. Афсус билан эслайман. Имкониятим бор әди. Докторский ёқлаганимда эса, банкет ўтказишга руҳсат бор әди, имконият бўлмади.

2023 йил 26 май

*Равшанбек МАҲМУДОВ,  
фалсафа фанлари доктори, профессор*

### **УСТОЗ ИБРАТИ**

Ўқувчилик йилларимиэда Рапқон қишлоғи марказидаги Фурқат номли мактаб узун коридори деворида иккита стенд осиғлиқ туради. Стендда "Умарали Норматов - олим" деган мақола ва учта китоби бор әди. Иккинчи стендда эса "Тилшунос – Ёрмат Тожиев" деган мақола ва иккита китоб осиғлиқ әди. Мактаб ўқувчилари Фурқат мактабини собиқ ўқувчилари Умарали Норматов ва Ёрмат Тожиевлар ҳақидаги мақолаларни қайта-қайта ўқишар, уларга ўхшашни ният қилишарди. Агар бугун Рапқон қишлоғидан эллиқдан ортиқ фан номзодлари, фан докторлари етишиб чиққан бўлсалар уларнинг барчаси Умарали Норматовга, Ёрмат Тожиевга ўхшашни истагани учун

олим бўлишган. Устоз Умарали Норматов ўзлари сезмаган, билмаган ҳолда Рапқонлик ёшларга устоз, ибрат бўлганлар.

Умарали Норматовни Рапқонда доимо юксак ҳурмат билан тилга олишар, телевизордаги ҳар бир чиқиши бир ҳафталар чойхоналардаги гурунгни асосий мавзуси бўларди. Ёши улуғлар Озод Шарафиддиновни Рапқонга Бешарик вокзалидан юк машинасида келганликларини фаҳр билан гапиришади. Озод Шарафиддинов Рапқон қишлоғи марказида жойлашган пахта пунктидан Умарали Норматов ҳовлисини сўрайди. Қаровул чол Умарали Норматовни акаси Ҳайдарали Норматов пахта пункти директори эканлигини, ҳали замон келиб қолишини айтади. Лекин Озод Шарафиддинов қишлоқ кўчалари бўйлаб Умарали акани уйини излаб кетади. Домла ҳовлисини топганида Умарали Норматов бошқа кўчадан Киров (ҳозирги Бешарик) тумани марказига Комсомол комитетига ишга кетиб бўлган экан. Озод Шарафиддинов – Умарали акани отаси мулла Нормат бува, акаси Ҳайдарали aka билан танишади. Биргина сұҳбат Озод Шарафиддиновни бир умр Рапқонга боғлаб қўяди. Озод Шарафиддинов Киров тумани Комсомол комитети биринчи котиби олдига кириб Умарали Норматовни Тошкентга олиб кетишини айтиб ишидан рухсат олади. Шу куни Озод Шарафиддинов ва Умарали Норматовлар Тошкентга поездда қайтиб кетишади.

Озод Шарафиддинов – илмли йигитларни излаб узоқ, тоғ этагида жойлашган Рапқон қишлоғига боришдан эринмайди ва адабиётшуносликда янги бир олим Умарали Норматовни кашф қилган. Илмий мавзу беруб номзодлик диссертациясига раҳбарлик қилган.

Бугун ўзбек танқидчилигини, адабиётшунослигини Умарали Норматовсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, муаллим, олим, ижодкор Умарали Норматов характеридаги мулоли-

йимлик, билимдонлик, сермулоҳазакорликнинг илдизи ота-онасининг саводхонлигига боғлиқ, менимча. Нормат қори бува нафақат Рапқонда балки Фарғона музофотидаги Қуръонни ёд биладиган саводли, инсофли, адолатли инсонлиги билан ҳам кенг халқ оммаси ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Бундай зиёли оиласда туғилган болани ўқимишли, саводли бўлмаслиги мумкин эмас эди.

Умарали Норматов – танқидчи. “Танқидчи – алоҳида иқтидор соҳиби. Танқидчи – ижодкор. Ёзувчи ҳаёт орқали китобга боради. Танқидчи китоб орқали ҳаётга киради. У китобларни очади. Доим шу маънода кашфиётга мойил. Муаллимга эрудиция сув ва ҳаводек зарур. Лекин танқидчини эрудициясиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Эрудиция етилгандагина танқидчи етилади” – деган эди Ўзбекистон санъат арбоби, адабиётшунос Иброҳим Ғофуров. Умарали Норматов – устозлари Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов, Иззат Султон, Матёкуб Кўшжонов, Аҳмад Алиев сингари олим, муаллим, маънавиятчи, маърифатчи, адабиётшунос – танқидчи бўлишни орзулади. Ва бу орзу-сига етишди. Мамлакатимизнинг бу улуг олимлари билан бир қаторда туриб фаолият кўрсатди, улар билан адабиёт муаммолари ҳақида баҳслар олиб борди.

Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университети профессори Тўра Сулаймон: Адабиётшунослар ёзувчилар ва шоирларни таҳсиллаб олишган “бор товоғим кел товоғим дегандай” – деган эди. Умарали Норматов бундай танқидчилар сирасига кирмайди. У юрагини жунбушга келтирган ҳар қандай ижодкор асарига кескин муносабатини билдира олиш ҳусусиятига эга олимдир. Олимнинг ҳар бир чиқиши хоҳ у газета-журналда, хоҳ телевидениедаги, радиодаги баҳсада бўлсин факат рост гапни, юраги буюрганини, ёқиш-ёқмаслигидан қатъий

назар ҳис-ҳаяжон билан айта олиши билан олимлар, ижодкорлар ўртасида катта хурмат топган.

Умарали Норматов асарларини кўп ўқиганмиз, конспектлаштирганмиз, ёш ижодкорларни ўқишига тавсия қилганмиз, реферат ёздирганмиз. Чунки ёш адабиётшунослар, танқидчиларни етишиб чиқишида Умарали Норматов асарлари кўлланма, дарслик вазифасини бажаради. Олим Абдулла Қаҳҳорни ниҳоятда яхши кўради. Сўз сеҳргари Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишилаб юзлаб мақолалар ёзган. Бундан ташқари Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Назир Сафаров, Раҳмат Файзий, Эркин Воҳидов, Пиримкул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Хошимов, Иқбол Мирзо, Исажон Султон, Тоғай Мурод каби кўплаб ижодкорлар асарлари ҳақидаги баҳсларда фаол. Олим адабий жараён, ёзувчиларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, ютуқлари, камчиликлари ҳақида тўлқинланиб ёзади ва гапиради.

Адабиётшунос олим Умарали Норматов меҳнатни улугловчи танқидчилиги билан бошқалардан ажralиб туради. Чет эллардаги ижодкорларда бир ҳусусият кўзга ташланади. Яъни кичик бир асар ёзилса ҳам, у ёзувчини кўкларга кўтариб мақташ орқали юксалтириш одати бор. Умарали Норматовда барча ижодкорлар меҳнатини улуғлаш, хурмат қилиш, эъзозлаш орқали рағбатлантириш ҳусусияти жуда кучли. Умарали Норматов назм ва насрни бирдек яхши тушунадиган ва таҳлил қила оладиган танқидчилар сирасига киради. Энг асосийси олим узоқ йиллар ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети Филология факультетида фаолият кўрсатди. Минглаб ёшларга адабиёт, танқидчилик сир-асрорларини ўргатди. Адабиёт ўқитувчиларини тайёрланишига ўз ҳиссасини қўшди. Олим фақат маъруза ўқиш, дарс ўтиш билангина эмас балки мактаб ўқувчилари учун 5, 9, 11-синфлар учун яратган дарсликлари олий

ўкув юрги талабалари учун “ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини яратилишига катта ҳисса қўшган алломадир.

Адид Абдулла Қаҳҳор Умарали Норматовга шундай деган эканлар: “Кўриб турибман, ўзингни анча олдириб қўйибсан. Биргина муштга шунчаликми?, дедилар қулиб ва қўли билан бошига ишора қилиб сўзида давом этдилар, – бу бошга бунақа муштлардан сон мингтаси тушган, ўлиб қолганим йўқ, мана тирик юрибман. Навоий айтмоқчи, “Эмас осон бу майдон ичра турмоқ”... Адабиёт ишини чидаганга чиқарган!” Бу ўлмас, олға чорлатувчи фикрлар Умарали Норматовга ҳурмат, меҳр, садоқат, рухлантириш, юксалтириш, маслаҳат вазифасини бажарган бўлса керак. Адабиётшунос олим, танқидчи бўлиб етишишида бундай самимий, меҳрли фикрларни, қўллаб-қувватлашни аҳамияти катта бўлганлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Умарали Норматов устозларидан олган ўгитлари эвазига ўзига ўхшаган самимий, рост сўзларни доимо айта оладиган Ҳамидулла Болтабоев, Баҳодир Карим, Улуғбек Ҳамдам, Дилнурод Қуронов каби юзлаб танқидчилар, ўн минглаб муаллимлар етишиб чиқишига катта ҳисса қўшди.

Адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносаб баҳоланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” унвони, Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби бўлди. Филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов ҳозиргача элликка яқин адабий-илмий, танқидий китоблар, йигирма бешта дарслик, ўкув қўлланмалари, етти юздан ортиқ адабий танқидий мақолалари мамлакатимиздаги ва хориждаги нуфузли журнallарда эълон қилинган. Олимнинг, айниқса, “Гўзаллик билан учрашув”, “Умидбахш тамойиллар”, “Етуклик”, “Қалб инқилоби”, “Қодирий боғи”, “Қаҳҳорни англаш машаққати”, “Ижод сехри” каби элликка яқин китоб-

лари ёш адабиётшунослар, танқидчилар, муаллимлар учун дарслер, ўқув қўлланмаси вазифасини бажариб келмоқда.

Умарали Норматов бугун 90 ёшни қаршиламоқдалар. Айни кунларда ҳам мамлакатимиз адабиётшунослари, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари учун устозлик вазифаларини бажариб келмоқдалар. Биз шогирдлари устозимиз, маслаҳатгўйимиз, меҳрибонимиз Умарали Норматов таваллудларининг 90 йиллиги билан самимий табриклаймиз. Умрлари узоқ, соғсаломат бўлсинлар.

*Акбарали САБИРДИНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор  
Маҳфузулло РАҲМОНОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент  
Зокиржон РАҲИМОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент*

### ФИДОЙИ МУНАҚҚИД, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗ

XX аср ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида қадрли устоз, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовнинг алоҳида ўрни бор. Домланинг етмиш йиллик ижодий фаолияти давомида адабиётшуносликнинг долзарб масалаларига бағишлиланган мингдан ортиқ мақолалари, олтмишдан ортиқ китoblari чоп этилди. Бугунги кунда XX аср адабиёти билан боғлиқ қайси бир муаммога мурожаат этмайлик, албатта Умарали Норматов асарларини четлаб ўтиб ҳал эта олмаймиз. Уларда XX аср ўзбек адабиёти намуналаридан то жаҳон адабиёти муҳим масалаларигача қамраб олинганини қўрамиз. Домла замонавий ўзбек

адиблари асарларини жаҳон адабиёти андозалари асосида таҳлил этади.

Ҳар соҳанинг усталари, дарғалари бўлиши аён ҳақиқат. Аммо, ушбу мақомга эришмоқ, барча томонидан эътироф этилмоқ осон эмас. Бунинг учун йиллар давомида тинимсиз изланиш, фидойилик, ҳаловатдан воз кечмоқ, қатор фазилатларга эга бўлмоқ лозим. Умарали Норматов ана шундай юксак мақомга эришган, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, умрини адабиётшунослигимиз равнақига баҳшида этган етук устоз – адабиётшуносдир.

Умарали Норматов асарларида “ўқ томир” бўлиб ўтган холислик, ҳаққонийлик, фазилатпарварлик, равонлиқ, аниқлик каби жиҳатлар муаллиф сажиясида ўтган десак хато бўлмайди. Домланинг яна бир юксак фазилати – адабиётта эндиғина кириб келаётган ёш ижодкорлардаги йилт этган ижобий жиҳатни тезлик билан илғасидир. “Ёшни мақтасанг, султон бўлур” нақлига амал қилганлари ҳолда уларга дарров руҳий, маънавий рағбат берадилар.

Домла ижодининг қамрови кенг. Бир кичик мақола доирасида улардаги барча жиҳатларни ёритишнинг имкони йўқ, албатта. Шу ўринда устоз адабиётшуноснинг бир китоби тўғрисида баҳоли қудрат тўхталиб ўтсан.

2010 йили “Муҳаррир” нашриётида чоп этилган “Нафосат гурунглари” китоби унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига, Миллий университет даргоҳида салкам олтмиш йил давомида орттирган ноёб бойлиги – устозлари, ҳамкаслари, ушбу даргоҳга дахлдор ижодкорлар ҳақидаги хотира, дил сўзлари, шунингдек, фаолият сарҳисобига бағишлиланган. Китобда ўтган асрнинг 70-80 йилларига оид айрим тақриз, адабий суҳбатлар, мақолалар ҳам жамланган.

"Устозлар ибрати" деб номланган биринчи бўлимдаги "Устози аввал", "Одамохун сиймо", "Олим, таржимон, мураббий", "Шарқу Фарб тадқиқодчиси", "Аввал қалом!..", "Мунаққид жасорати", "Муносиб эъзоз", "Миллий танқидчилигимизнинг кўш қаноти", "Адолат фидойиси", "Мирза аканинг надомати" мақолаларида С.Долимов, Ш.Шомуҳамедов, Ф.Сулаймонова, Ш.Раҳматуллаев, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, А.Алиев, М.Исмоилий билан боғлиқ хотиралар, воқеалар тасвирланган. Шунингдек, улар китобхонни Фирдавсий, Умар Ҳайём, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдураҳмон Саъдий, Сотти Ҳусайн, Абдулла Қаҳҳор каби ижодкорлар олами билан ҳам ошно этади.

Китобнинг "Сафдошлар даврасида" деб номланган кейинги бўлими "Чин инсон, зиёли олим, истеъдодшунос эди...", "Қатъият", "Кўнгли поку сўзи поку ўзи пок...", "Оға-инилик шукуҳи", "Ярим асрга чўзилган мuloқot", "Баҳсларда кечган йиллар", "Мен билган Гаффоржон", "Ўзимизни Маҳмуджон" мақолалари Нуриддин Шукуров, Бегали Қосимов, Ўлмас Умарбеков, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Гафуров, Норбой Худойберганов, Гаффор Мўминов, Маҳмуд Саъдий каби аданбийётшунослар фаолияти, ижодига бағишланган. Муаллиф қайси шахс ҳақида фикр юритмасин, аввало, улар ҳаётидан энг муҳим воқеаларни илғаб олиб, мароқ билан ҳикоя қиласади. Ҳар бир мақола номи ўша ижодкор сажиясининг бирон-бир жиҳатини ифодалайди.

"Ижоднинг машаққатли ва нурли йўллари" деб номланган учинчи бўлимида С.Аҳмад, О.Матжон, М.М.Дўст, Х.Даврон, А.Суюн, Ў.Раҳмат каби ижодкорлар ҳаёт йўли, фаолияти ҳамда услубидаги ўзига хосликлар таҳлил этилган.

Ҳамзанинг "Паранжи сирлари", Фитратнинг "Абулфайзхон", П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", О.Ёқубовнинг "Бир кошона сирлари", "Қайдасан,

Морико”, Э.Воҳидовнинг “Руҳлар исёни”, А.Ориповнинг “Булбул ўтгай эрур...”, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, Э.Аъзамнинг “Жаннат ўзи қайдадир” асарлари таҳдили китобнинг “Бир асар тарихи ва талқини” деб номланган тўртинчи бўлими асосини ташкил қиласди. Ушбу бўлимдан муаллифнинг Зулфия Куролбой қизи ва Турсан Алига йўллаган очиқ хатлари ҳам ўрин олган. Мунаққид қайси бир ижодкор ҳақида фикр юритмасин, асарларининг маъно қатламларига чукур кириб боради. Бир қарашда жуда оддий, аммо ижодкор ғоявий кредитосини белгиловчи муҳим жиҳатларни топишга эришади.

Китобнинг “Тафаккурдаги эврилишлар” деб номланган навбаҳдаги бобида миллий дарслик яратиш борасидаги муаммолар Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода”, Ойбекнинг “Гулнор опа”, Альбер Камюнинг “Бегона” каби асарлари таҳдили орқали ёритилади. Ушбу асарларнинг ёш авлод тарбиясидаги муҳим ўрни асослаб берилади.

Муаллифнинг П.Қодиров, О.Ёкубов, Х.Тўхтабоев, “Гулистан” журнали адабий ходими М.Абдуллаёрова билан қилган сұхбатлари китобнинг олтинчи бўлими асосини ташкил этган.

Хуллас, фидойи мунаққид, меҳридарё устоз фаолияти барчага ўрнак, асарлари эса мангуликка даҳлдор ҳодисалардир.

*Раъно САЙФУЛЛАЕВА,  
филология фанлари доктори, профессор*

### ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ УСТОЗ!

Умарали ака Норматов дейилганда, назаримда, ҳамманинг кўз олдига кулиб турган, чехрасидан нур ёғилган Устозимиз келадилар.

Мен устозни кўпроқ ва яхшироқ Тошкент давлат университети (ҳозир Ўзбекистон Миллий университети) филология факультети (ҳозирги ўзбек филологияси факультети) методист ва лаборант бўлиб ишлай бошлаганимдагина билиб олдим. Ажойиб фарзандлари - катта ва чиройли кўзли Шоирахон билан ҳам ўша даврларда танишганман. Шоирахонда ҳам худди домланикидай ёқимли табассумлари одамни ўзига тортарди.

Домлани қачон кўрсам, қўлларида портфель ва яна икки-уч журнал ҳамда газеталар бўларди. Кафедрада жуда кўп устозлар ишларди. Устозлар дарслари йўқ пайтларида ёки машғулотлар орасида кўпинча шахмат ўйини билан банд бўлардилар. Ўзбек тилшунослиги кафедрамизда шахмат доска алоҳида шкафда турарди. Бизда шахматчи усталар – устозлар Ё.Тожиев, М.Қодиров, А.Йўлдошев, И. Исҳоқовлар, табиийки, бирлари ютиб, бирлари ютқазиб доналарни суришарди. Уларнинг бир-бирларига бўлган самимий муносабатлари, секингина кулиб қўйишлари дам олаётганларидан дарак берарди. Тушликда биргалашиб университетимиз ҳовлисидаги чойхонага боришарди. Чойхонада Абдулла aka аччиқ чой, қайноқ сомсалар, хуллас, домлаларга нима керак бўлса, ўзлари билиб муҳайё қиласардилар. Чойхонада ҳам имконият борида шахмат ўйини давом этарди.

Устоз Умарали аканинг кафедрадаги шахмат ўйинларига аралашганларини кўрмаганман, аммо у ёки бу асарни муҳокама қилиб ўтиришларига кўпроқ дуч келардим. Бу кафедрада “ашаддий” шахматчи устоз Озод aka Шарафиддинов эдилар. Устоз билан Ёрмат aka шахмат ўйинларида бир-бирларидан ўтардилар. Ёрмат aka кафедрада бўлмасалар, билардим-ки, у киши Умарали аканинг кафедраларида шахмат билан бандлар. Кафедра эшигини қия очиб, секин мўралаганимда, Маствурахон

опа чиқиб кетган бўлсалар, устоз менга қараб секин “ҳозир” дердилар. Тушунардимки, Айюб Гуломович Ёрмат акани чақириб келишимни менга буюрганлари, аммо мен устозларнинг завқ билан бажараётган машғулотларини бузишга журъат этолмаганимни Умарали ака тушунгандар ва Ёрмат акани кафедраизга жўнатардилар. Мана шундай ҳолатларда устоздан шундай хурсанд бўлардимки, миннатдорчилик билан ишларимни бажаришга киришардим.

Филология факультети рус филологияси, журналистика каби йўналишларни ўз ичига олган ва кейинчалик улар алоҳида факультетларга ажralиб чиқсан эди. Мана шундай катта факультетда кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлар бўлиб, хар бир курсда 100-120 тадан талабалар ўқирди. Кафедралар ҳам катта бўлиб ҳар бирида 15-20 ёки ундан кўпроқ ўқитувчилар машғулотлар олиб борардилар. Домлалар вақтли келиб, кеч кетишарди. Ўша даврларда компьютер-у қўл телефонлар йўқ эди, биз, лаборантлар, “Оптима” ва “Януар” (бунинг каретаси катта эди) каби ёзув машинкаларида ҳамма топшириқларни бажарар эдик, лекин бирортамиз нолимасдик. Ҳозир эса ахборот технологиялари ривожланган даврда муҳтарам президентимиз бизнинг авлод ҳавас қилган шароитларни мукаммал тарэда яратиб, моддий томондан ниҳоятда қувватлаб тургандарида ният қиласизки, Устоз Умарали ака, Айюб Гуломов, Озод Шарафиддинов каби буюк инсонлар севимли университетимизда туғисин ва халқимизга хизмат қилсин! Биз, лаборантлар, ўша даврларда мана шундай инсонлар билан ишлаганимиздан фахрланардик.

Тушлик пайти, одатдагидек, 1 соат давом этарди. Ҳаммамиз уйимиздан баҳоли кудрат қилинган емишлик олиб келардик ва бирга овқатланардик. Бизнинг онахонимиз Умарали аканинг катта лаборантлари Мастиурахон опам эдилар. Ҳар бир

лаборант ўқитувчиларнинг дарс жағвали-ю, нақбатчилиги үки бошқа вазифаларини ёддан биларди. Биз тушликда нақбатчилик қиласардик ва бирор кафедрада овқатланардик. Ички телегонлар орқали Мастира опа ҳаммамизга кўнгироқ үилиб чиқирадилар. Бир неча марта тушлигимиз тугашига қасргандир йигилишга кетган устоз келиб қолгандар. Стол тезда тартибига солинарди. Мастира опанинг баъзида қаттиқ ҳазилланиш одатлари бор эди. Домла эшикни очганиларида чиқиб кетишга ултурмаган лаборантлар қотиб қолдик, шошиб салом бериб, қочдик. Кечга яқин Мастира опадан ҳол сўрадик. Домладан яхшигина гап эшитган бўлсалар керак, деб ўйлаган қизларимиз ҳайрон бўлиб қолишиди. Кимнидир уришиш ёки ранжишларини билдириш домланинг феълларида йўқлигини билардик. Агар шу ҳолат бизнинг кафедрада бўлсамиди, раҳматли Ғулом ака Шариповнинг жаҳулари чиқарди.

Устоз Умарали ака кафедра катта лаборантлари Мастира га Маъмура опа ва шу кафедра доцентлари Хатифахон Матлубахон олимга опалар, умуман, аёл зотини хурмат қиласардилар. Тўғриси, кафедранинг ҳамма хужожатларни Мастира опа тартибга солиб, юритардилар, Маъмура опа эса кўпроқ деканат топшириқларини бажаардилар. Бағрикенг устоз бундай ёндашувга бирор марта эътиroz билдирганларини эшитмаганман.

Мен номзодлик диссертациямни ҳимоя қилгунимча, З йил мобайнида лаборант бўлиб ишладим. Ўша даврда мен учун азиз бўлган университетдан бошқа олийгоҳга ўтиб кетиш ниятим йўқ эди. Ўқитувчиликка ўтганимдан кейин устоз билан кўпроқ кўришадиган бўлдик: факультет мажлислари, турли йигин, анжуманларда... Шу жараёнида устознинг ҳар бир масалага жиддий ёндашишларини кўрдим. Факультет илмий кенгашидаги ҳисоботми, бир масаланинг муҳокамаси бўладими ус-

Тоз ҳали ҳеч ким айтиб улгурмаган фикрни ўртага ташлар эдилар. Ва шу масала, албатта, ижобий ҳал бўларди.

Устознинг яна бир ажойиб хислатлари – ҳеч қачон ҳеч кими ни жеркимаслик, менсимаслик, камситиш ёки гапириб турганида фикрини бўлиб, чалғитиш каби муомала домладан жуда узокда эди. Нимаики бўлса, вазминлик билан тинглаб, бирор нинг фикрини ҳурмат қилиш орқали масалани ҳал қиласидилар.

Факультетдаги аёллар билан бирга устознинг уйларига борган эдик. Табиийки, Маствура опа бош-қош бўлганлар. Венерахон опа устозим Айюб Гуломовнинг рафиқалари Сайдахон опа билан 249-мактабда ишлаганлар. Кейинчалик бошқа мактабда устоз Раҳматулла ака Иноғомовнинг рафиқалари Маликахон опа билан ишлаганлар. Талабалар билан амалиётга борганимизда опалар билан кўришиб турардик. Бундан ташқари, Устознинг уйларига қачон борсақ, Венерахон опа ҳаммамизни ниҳоятда самимият билан кутиб олдилар. Дастурхондаги ҳар бир таом опанинг пазандаликларини билдириб турарди. Ўша даврда ҳамма аёллар пишиқлар-у, турли хил таомларни уйда тайёрлашарди, чунки ҳозирдагидек буюртма қилишлар йўқ эди. Бизни кутиб олган, суҳбатлашган уй бекаси ниҳоятда нозик дидли, юмшоқ табиатли эдилар. Ҳовли ва уйдаги файз ҳар бир инсонда ҳавас уйғотиши табиий ҳол эди. Ҳам давлат ишида ишлаш, ҳам болаларни вояга етказиштарбиялаш, уй-рўзғор ишлари, кейинчалик қуда-андачиликни расо олиб бориш каби қатор вазифалар билан ҳар куни банд бўлиш опага Устозга алоҳида меҳр бериш, илмий ишларида қувват бўлиб туришда Яратган яна қувват берди. Шу қувват Устознинг янада қизиқиш билан маърузалар ўқиш, талабаларга илм бериш, ижод қилишга, ажойиб, чукур мазмунли илмий асарлар яратишга унdagани аниқ.

23.09.06.

Абдулла УЛУГОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

## МУНАҚҚИД МАЊНАВИЯТИ

Ҳар қандай нарса, фан, соҳа эҳтиёж ва талаб натижасида пайдо бўлади. Адабий танқидчилик ҳам кимнингдир хоҳиш истаги ёки талаби эмас, балки одам ҳаёти, унинг қувонч-ташвишлари, инсоннинг жамиятдаги ўрни хусусида мулоҳаза билдириш эҳтиёжи натижасида юзага келган. Агар шу ҳақиқат эсга олинса, мунаққид ҳам худди шоир, адаб сингари ижодкор экани аёнлашади. Афсуски айримлар шеър, ҳикоя, роман бита-диганларни “ижодкор” дегани ҳолда, танқидчиларга андак беписанд қарайди. Улар адабий-танқидий мақолаларни ўқиёл-маслигидан шикоят қилишади. Бунга, бир чеккаси, айрим мунаққидларнинг мақола, тақризларидаги мулоҳазалар маъноси мавҳум эканлиги, уларнинг бурама, чийратма усулда ёзиши ҳам сабаб. Аслида, ҳар бир соҳага “ўз одамлари” обрў келтиради. “Ўз одамлари”из ҳар қандай соҳа, тармоқ таназзулга учрайди. Ҳар қандай фан, йўналиш ўз фидойилари туфайли равнақ топади. XX аср мислсиз фожиаларга тўла бўлса-да, унда инсоният жуда кўп нарсаларга эришди. Айни шу даврда ўзбек халқи ҳаётига ҳам кўплаб янгиликлар кириб келди. Адабий танқидчилик ана шундай янгиликлардан бири бўлди. Энг муҳими, бу даврда унинг “ўз одамлари” етишиб чиқди. “Адабий танқидчилик” деган ихтиосслик, “мунаққид” деган мутахассис пайдо бўлди. Ушбу янги йўналишга ўтган аср аввалида “тамал тоши” кўйилди. У 60-йиллар бошидан чинакам ривожланиш босқичига кирди. Умарали Норматов ана шу даврда мунаққид сифатида фаолият бошлади. Агар бу соҳа фидойиларнинг энг саралари “рўйхати” тузиладиган бўлса, Умарали Норматовнинг

номи, албатта, пешқадамлар қаторидан жой олади. Унинг соҳага фидойилиги, тинимсиз меҳнат қилишини ҳамма бирдай тан олади. Умарали Норматовнинг адабиёт одами эканлигига барча ҳавас қиласди. Соҳасига фидойи одамлар эса ҳамма замонларда ҳам жуда кам учрайди. Айнан улар туфайли тармоқ, соҳага бошқаларда ҳам қизиқиш кучаяди. Умарали Норматов ўзининг матбуот, радио, телевидениедаги фаол чиқишлари билан адабий танқидчиликка қизиқишни кучайтириди. Унинг газета-журнал, тўпламлардаги мақолалари, китоблари номи рўйхати унинг бўйидан анча баланд келади. Агар Умарали Норматов рисоладагидан анча бўйдор экани эътиборга олинса, унинг адабий танқидчилик соҳасида қанча меҳнат қилиб, заҳмат чеккани аёнлашади. Умарали Норматовни кузатган одам дарҳол у юрганда ҳам, турганда ҳам адабиёт ва асарлар тўғрисида ўйланишини ҳис қиласди. Чунки у тарих ва бугунги кун муаммоларини ҳам, кундалик майший турмуш масалаларини ҳам, албатта, адабиётга боғлайди. Бу хислат унинг бутун руҳига, вужудининг ҳужайраларига сингиб кетган. Лекин у ҳеч қачон ўзини адабиёт билимдони сифатида кўз-кўз қилмайди. Адабиёт, ҳаёт ҳақида эҳтиросга тўлиб, жўшиб, тўлқинланиб сўзласа-да, мунаққид эканини ҳеч қачон писанд қилмайди. Унвонларини эслатиб, “менинг китобимда…”, “менинг мақоламда..” деб гапирмайди.

“Танқидчи” деганда кўпчилик асарларнинг “айб”ини айтидиганларни хаёлига келтиради. Бу ҳам асосли. Негаки айримлар бирорнинг камчилик, хатоларини таъна қилишдан маза қилганидай, баъзи танқидчилар асарларнинг заиф жиҳатларини толишданро ҳоҳатланади. Бошқаларга беписанд қараб, пичинг, кесатиқ қиласидиганларнинг хатти-ҳаракати, гапириш оҳангига эътибор қилинса, уларнинг ичи қора, баҳил эканлиги сезилади. Бундайларнинг турқи, овозидан “захар” чакиллаб

туради. Баъзи танқидчи, адабиётшунослар таниш шоир, ёзувчилари асарларидаги камчиликлардан кўз юмиб, “бегона”ларнинг шеър, ҳикоя, қиссаларидан қусур излаб юради. Қадрдонлари китобларига бир умр ҳамду сано ёғдиргани ҳолда, бошқаларнинг ижодига ғашланиб қарайди. Бу ҳам уларнинг инсон сифатидаги олами, адабиётшунос, мунаққид сифатидаги савияси қандай даражада эканини кўрсатади. Умарали Норматов одамлардан ҳам, асарлардан ҳам фазилат излайди. Камчиликлар тўғрисида ҳеч қачон кескин оҳангда гапирмайди. Баъзан эҳтиросга тушиб гапириб қўйса, ўзи хижолат тортади. Мунозаралар кескинлашишига йўл қўймайди. Мулойим муомала, ширин сўз ҳар бир кишига энг яхши тасалли эканини дил-дилдан ҳис қиласди. Адабиётни, сўзни тушунган, унинг турфа маъно, жилоларини қалбига сингдирган одам айни жихати билан бошқалардан устун туради. Санъат, адабиётга мансаб-мартаба, шон-шуҳрат манбаи, бойлик орттириш воситаси деб қарайдиганлар ҳеч қачон бундай мавқега эриша олмайди. Улар ҳар қандай юксак мартаба, унвонни эгаллласин, бошқаларнинг самимий ҳурматини қозонолмайди. Умарали Норматов “адабий танқид, биринчи галда, гўзаликни ҳис этиш, англаш, кашф этиш санъати” деб билади. Унинг китобларидан бири “Гўзалик билан учрашув” деб номланади. Мунаққид сифатида асарлардан нафосат излайди, ижодкорнинг маҳоратини таърифлашдан завқланади. Бошқаларни ҳам ўзи ҳис қилган завқдан баҳраманд этишга интилади. “Нафосат гурунглари”дан ҳам худди истак “қизил ип” бўлиб ўтади. Умарали Норматовнинг бошқа китоб, мақола, эссе, хотира, қайд ва суҳбатлари моҳиятида ҳам худди шу нарса туради.

“Нафосат гурунглари”нинг биринчи фаслида мунаққид устозлари, уларнинг ибратли фазилатлари тўғрисида эҳтиросга тўлиб сўзлайди. Устозларини таърифлаганида у тўлқинланиб

кетади. Бу унинг устозларига меҳри, садоқатидан далолат беради. Киши ўзи меҳр қўйган кишилари тўғрисида жўнгина гапиролмайди. Ҳавас қилган кишиларингнинг инсоний ожиз-ликлари ҳам фазилат каби туюлади. Умарали Норматов Озод Шарафиддиновни “устози” деб билади. “Менинг университетда топган энг катта бойлигим, баҳтим шуки, мен Озод Шарафиддиновнинг биринчи аспирант шогирди бўлиш шара-фига мұяссар бўлганман. Ярим аср у билан ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб биламан” дейди. Озод Шарафиддиновнинг китобларидан бири “Ижодни англаш баҳти” деб аталади. Умарали Норматов ҳам устози сингари “адабиётни англашни чинакам баҳт” деб билади. Адабиёт хусусида фикр юритиш, асарлар тўғрисидаги мулоҳа-заларини ёзиш, сўзлашдан лаззатланади. Умарали Норматовнинг айни ҳолатини сўз санъатига шайдо, унинг сирли, сеҳрли оламига маҳлиё киши чуқур ҳис қиласи.

Умарали Норматов “Гарчи адабиётшунослик бобида бой тажрибаларимиз бор бўлса-да, замонавий танқидчилик бизда кейинроқ, ўтган аср бошларида майдонга келди” деб таъкидлайди. Ҳақиқатан, минг йиллик тарихга эга мумтоз адабиётимиздан кимни “мунаққид” дейиш мумкин? Адабий танқидчилик нафақат ўзбек, балки бошқа ҳалқлар адабиётида ҳам янги ҳодиса. У адабиётшунослик, фалсафа, тарих каби турли фанлар ҳамда адабиётнинг бағридан ўсиб чиқди. Фан ва санъатга хос хусусиятни ўзида мужассам этган бу соҳа ижтимий-бадиий тафаккурга янги парвоз баҳш этиш баробарида, кишиларнинг эстетик дидини ўстириб, уларнинг ҳаёт ва адабиёт, санъат тўғрисидаги тасаввурини бениҳоя кенгайтирди. У бунга Умарали Норматов сингари заҳматкаш, фидойилар туфайли эришди. “Нафосат гурунглари” билан танишган ҳар бир киши муаллифнинг мунаққидликни қисмат-баҳт деб билиши, у асл

асарларни эҳтиросга тўлиб тарғиб этиши, ўзи ҳис этган гўзаллик, нафосатни бошқаларга етказишга интилишидан, албатта, ҳузурланади. Табиати – феъл-автори, руҳига сўз сехри, нафосат ҳисси сингмаган киши “Ўткан кунлар”, “Улуғбек хазинаси”дан ҳеч қачон ҳайратга тушмайди. Улар бошқалар олдида бемалол оёғини чалишириб, қўлларини икки ёнига ёйганча керилиб ўтираверади. Чунки бундайлар ўзини ҳаммадан юксакда ҳис этади. Умарали Норматов ҳеч бундай ҳолатда турмайди, бирорга беписанд муомала қилиб жеркимайди. Талабаларни ўғли, қизи, набиралари каби қўради. Уларга асло овозини кўтариб гапирмайди. Бу унинг адабиётда азалдан улуғланиб келинган эзгулик, меҳр-шафқат каби аъмолларни табиатига сингдиргани, қалбига жо этганидан далолат беради. Афсуски, кўп кишилар имон, инсоф, диёнат, ҳалоллик, ҳақиқат ҳақида оғиз кўпиртириб гапиради-ю, ўзи ҳаром-хариш “кўча”сидан бери келмайди, порахўрлик, тамагирлик, фаҳшдан ҳазар қилмайди. Одамлар эса буни кўриб, билиб туради. Сўзи бошқа-ю иши бошқа кишилар амал-мартабаси, “ҳайбаракалла”чиларига ишониб, ўзини “реклама” қилса, дағдағага ружу қўйса, обрў-эътиборга эмас, турли латифаларга “объект” бўлишга эришади, холос. Чунки ҳурмат талаб қилиб ёки сотиб олинадиган нарса эмас. Ҳурмат ҳисси – кўнгил иши. Кўнгилга буюриб, зутум ўтказиб бўлмайди. У – чинакамadolat тарозиси. Кўнгил бошқаларни ҳам, кишининг ўзини ҳам ҳаракат, амалига кўра мезонга солади. Афсуски, табиатига такаббурлик “кир”и қат-қат ўрнашиб қолганидан кўпчилик шу ҳақиқатни англамай ўтиб кетади. Ўзини англамай туриб эса ўзгаларни тушуниш мумкин эмас. Афсуски, кўпчилик ўзини англамагани туфайли бошқаларни бемалол ранжитиб юраверади. Турмушдаги барча муаммо, зиддиятлар кишиларнинг ўзини англамаслиги – ўзини бошқалардан юксакда тутишидан келиб чиқади. Ҳаёт эса та-

каббурларни ҳеч қачон аяб эркалатиб қўймайди. Ундаイラга барчага кўргазма, сабоқ бўладиган қилиб аёвсиз жазо беради. Сабр қилганлар уларга жабр етказганлар, албатта, азобланганини кўради...

“Устозлар ибрати”, “Сафдошлар давраси”да Умарали Норматов ортга назар ташлаб, босиб ўтган ҳаётини баҳоли қудрат таҳдил қиласди, билган, кузатган, дуч келган одамларига баҳо беради. “Бир асар тарихи”, “Тафаккурдаги эврилишлар”, “Адабий суҳбатлар”, “Ижоднинг мashaққатли ва нурли йўллари”да ҳам айни мулоҳазаларини давом эттиради. Чунки ҳар бир одам ҳаётнинг аввал англамаган жумбоқ, ҳикматларини шу тарзда билиб олади. Киши таниган, билган кишилари, кечган воқеаларни хотирлар экан, ўзининг умр йўлларини хаёлан кезиб чиқади, ўзи билан суҳбат қуради, қувонч, шодлик ҳиссидан яйрайди, нафрат, аламдан азобланади. Бесамар ўтказган вақти, қадрламаган одамлари ҳақида ўйлаб эзилади. XX аср ўзбек адабиёти тарихини обдон ўргангандан, 60-йилдан адабий жараён “марказ”ида юрган, унинг пасту баландидан хабардор мунаққиднинг устозлари, тенгдошлари, ижодкорлар тўғрисидаги хотиралари ҳам кишига кўп янгилик, сабоқ беради.

Умарали Норматов ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган воқеалар тўғрисида сўзлар экан, устозларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ижобий жиҳатлари, фазилатларини таърифлайди. Айни хусусият мунаққиднинг мақолаларига ҳам, такриз, хотиралари, эsselарига ҳам файз бахш этади. У асарлар баҳонасида ўзининг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадаларини изҳор этади. Унинг саксон ёши арафасида навқиронликка хос жўшқин эҳтирос билан мушоҳада юритиши, янгиликка пешвоз чиқиши кишини ҳаваслантиради. Кўпчилик сингари Умарали Норматовни ҳам ижодкорларнинг ишлаш тартиби, ижод жараёни қизиқтиради. У шоир, адабиётшунос,

мунаққидларнинг асарлари, шахсига баҳо берганда, албатта, шу хусусда сўз юритади. “Нафосат гурунглари”даги “Куй таровати, тасвир латофати” мақоласи бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур мақола таниқли ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “ижод жараёнидан бир лавҳа” каби таассурот уйғотади. Умарали Норматовнинг адаб, шоир, адабиётшунослар билан суҳбати ҳам ана шундай нозик қузатишларга асосланади. Мунаққид, адабиётшуноснинг мақола, тақризи кишиларни китоб мутолаа қилиш ва мушоҳада юритишга ундаши, рағбатлантириши билан амалий аҳамият касб этади. Китоблар эса ҳикматлар хазинасиdir. Китоблар кишиларнинг олам ва одам ҳақидаги тушунча-тасавуруни кенгайтириш, ҳис-туйғуларини тўлқинлантириш баробарида, уларнинг ўз “мен”ини англаши, шахс сифатида шаклланишига таъсир этади. Китобларнинг бу борадаги қуввати оила муҳити, теварак-атроф таъсиридан асло кам эмас. Адабий танқидчилик, адабиётшунослик кишиларни мутолаага қанчалик кенг жалб этса, зиммасидаги вазифа<sup>2</sup> миссиясини шунчалик адо этади. Афсуски, айни муаммога деярли эътибор берилмайди. Адабий танқидчилик, адабиётшунослик ёш фан бўлгани учун бу йўналишда ҳали ўзининг тажрибада синалган самарали методларига эга эмас. Оммани “оломон маданияти” хуружларидан асрашга, биринчи галда, мунаққид, адабиётшунос, санъатшунослар масъулдир. Таасуфки, уларнинг аксарияти ана шу масъулиятни ҳис этмайди.

Умарали Норматов сўз санъатини “ноёб хилқат” деб билади. Бу борада у Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддинов каби устозларидан ибрат олади. “Ўткан кунлар”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўхна дунё”, “Лолазор” сингари адабиётнинг асл асарларидан ҳайратга тушади ва буни тўлиб-тошиб, эҳтирос билан изҳор этади. “Бу лаҳзалар чинакам санъат намунаси” деб ҳаяжонлашади. “Тафаккур ёғдуси”да: “ана шу драматик дақиқалардаги

тиғиз руҳий ҳолатлар ифодаланган лавҳаларни ўқишиң қийин, ниҳоятда қийин! Ўша дақиқаларда “дод!” дегингиз келади” деб ёзди. Мунаққиднинг адиба Зулфия Куролбой қизига очиқ хати, адиб, шоирлар билан суҳбатлари унинг истеъодидни эъзозлаши, сўз санъати сехрини дил-дилидан ҳис қилишидан далолат беради. Умарали Норматов адабий жараёнга ҳеч қачон бефарқ қарамайди. У барча янги асарлар билан, албатта, танишиб боради ҳамда шу “майдон”даги ҳар бир умидвор бандадан бир оғиз ширин сўзини дариф тутмайди. У худди шу жиҳати билан бошқа мунаққидлардан фарқ қиласди. Жумладан, “Гуллаётган юрак” шеърий тўплами муаллифига очиқ хат битиб: “ёзганларингиз қўйиб қўйгандек ўзингизга ўхшайди” деб кўнглини кўтаради. Мунаққид ўз “ижодий лаборатория”си хусусида: “Бошқа ҳамкасларимда қандай, билмайман, шахсан ўзим ўртacha ёки бўш асарни ўқиганимда ҳар доим “танқидчи” ҳолига тушаман, асарларнинг кам-кўстлари, ожиз жиҳатларини, сунъий-ясамалигини баралла қўриб, йўл-йўлакай таҳлил этиб бораман. Ҳақиқий санъат асарига дуч келганимда эса мунаққидлик хунаримни бутунлай унутиб, муайян муддат ўша асар ичидаги яшайман, асар персонажлари менинг учун тирик одамларга айланади, воқеалар “иштирокчиси” сифатида персонажлар билан мулоқотга киришаман, уларнинг ташвишу кувончлари, оху зорлари, ўй-мушоҳдаларига шерик тутинаман” дейди. Сўз санъатига меҳр қўйган, унинг сехри, жозибасини қалбдан ҳис қилган, юрагига сингдирган кишилар адабиёт олами билан шундай муносабатга киришади. Адабиёт одамларининг фазилати, бошқалардан фарқи ва устунлиги шундаки, улар ҳаётда ҳеч кимга беписанд қарамайди, атайлаб бирорвоннинг дилини ранжитмайди. Одамзод эса азалдан айнан шу иллатдан азоб чекиб келади. Афсуски, ўзини “осмон устуни”, доною даҳо чоғлаб, бошқаларга беписанд қараб, дилини ранжитадиганлар

ҳар бир жамоада учрайди. Аслида улар Яратганинг боши; бандаларига юборган синови<sup>°</sup> сергак бўл, деган огоҳлантириши! Сир-жумбоқ шундаки, бундайлар, албатта, ҳамтовористарини топиб, уюшиб олади. Улар заҳар томадиган турки, түриши, қараши, овози оҳангি билан ҳам бошқаларга албаттазият етказади ва бундан лаззатланади. Нафосатни ҳис китмайдиган, гўзаллика ҳирс билан қарайдиганлар, афсуски, ҳамма замонда тиқилиб ётади. Бундайларнинг санъат, адабиёт тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам совуқ, шилимшиқ, ирганч бир нарсадек туюлади. Эмоционал туйғулари суст, заиф одам ҳеч қачон табиат ва санъатдаги нафосат, гўзалликни чуқур ҳис қилолмайди, юрагига сингдиролмайди. Натижада, унинг қиёфасидан атрофдагиларга, бутун дунёга қаҳр ёғилиб туради. Бундайлар худди осмонни тутиб тургандай “Ташлаб юбораман, парча-парча бўлиб кетади”, “пачақлаб ташлайман” деб дағдаға қилишдан уялмайди. Санъат, адабиёт – нафосат оламида бундай ёвуз табиатлиларнинг салтанат билан юриши кишини ажаблантиради. Нафосат, ҳақиқат ҳақида галирмоқ учун аввало одам ўзи шу эзгу хислатларга эга бўлмоғи, унда адолатни ҳамма нарсадан устун қўйиш ҳисси бўлмоғи керак. Афсуски андиша, уят ҳиссидан маҳрумлар маънавий ҳаққи бўлмаган нарсаларга ҳам дაъво қиласкеради. “Нафосат гурунглари” муаллифи эмоционал туйғуга эга мунаққид. Шунинг учун у сўз санъатига хос гўзаллик, нафосатни тезда илғайди ва бу хусусдаги мулоҳазаларини бошқаларга етказишга интилади. Ана шу интилиши туфайли у ҳамма вақт адабий жараён “маркази”да туради, энг фаол мунаққид сифатида кўринади. Унинг мақола, тақриз, сұхбатларига хос асосий хусусият шуки, уларда бирор бир асар шунчаки таъриф-тавсиф этилмайди, унинг сюжети мазмуни жўн баён қилинмайди. Балки асарда қаламга олинган воқелик, ундаги характерли жиҳат мисолида адабий жараён-

нинг муҳим муаммоси, бугунги кун учун аҳамиятли зарур гап айтилади. Мунаққид адабиёт ўқитиши, ижодкор тақдири, тарихий роман муаммолари тўғрисида ўй-фикрларини жўшиб, тўлиб-тошиб изҳор этади, мавжуд қарашларга муносабат билдиради. Муаммога ҳар доим янгича нуқтаи назарлар асосида ёндашишга интилади. У шу мақсадда ижтимоий фанлардаги янгиликлар билан мунтазам танишиб боришга ҳаракат қиласди. Фалсафа, психологияга доир тадқиқотларга катта қизиқиш билан қарайди. Билган янгиликларидан бошқаларни хабардор этиб, сұхбатли мақолаларида таъкидлайди. Мунаққиднинг бу хусусдаги мулоҳазаларидан унинг сўз санъати сеҳрига ошуфталиги, бутун борлиғи билан унга меҳр қўйгани яққол билиниб туради. “Нафосат гурунглари” даги улуғ адаб Одил Ёқубов билан олиб борилган сұхбатини ўқиган киши, албатта, бунга ишонч ҳосил қиласди. XX аср ўзбек адабиёти намояндлари орасида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди тўғрисида жуда кўп ёзилган. Умарали Норматов улар ҳақида энг кўп ёзганлардан бири, аниқроғи, пешқадамидир. Мунаққиднинг бутун ижодий фаолияти марказида шу уч сиймо туради. Унинг “Қодирий боғи”, “Ўткан кунлар” ҳайрати”, “Қаҳҳорни англаш машаққати”, “Устоз ибрати” китоблари, Ойбек ижодига бағишинланган мақолалари ўзбек адабий танқидчилигига ўзига хос ўрин тутади. “Истеъдод кўлами” да мунаққид Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари тўғрисидаги кўп йиллик кузатишлиарини ўзига хос тарзда ихчамлаштириб умумлашитиради ва ҳар доимгидек, янги фикр айтади. Умарали Норматов нафақат ушбу сұхбатда, бошқа мақола, тақриз, хотира, эсселарида ҳам нимадир дейиш, қандайдир янги гап айтишга чоғланади ва мунаққиднинг бу ҳаракат, интилишларида у чинакамига адабиёт одами, шу сирли, сеҳрли олам фуқароси экани кўринади.

Йиллар одамнинг бўй-басти, қиёфа-кўринишига, албатта, турли ўзгаришлар “киритади”. Табиатнинг азалий бу “хукм”идан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Вақт кишининг жисмига эмас, руҳияти, маънавияти, ҳаётга қарашларига ҳам шубҳасиз таъсир этади. У, жумладан, мунаққид, адабиётшуносга ҳам “фармон” беради. Шундай экан, Навоий, Бобур ижоди, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа шоир, адилларнинг асарлари турлича талқин қилиниши табиий ҳол. Матёкуб Кўшжонов, Озод Шарофиддинов сингари адабиётшунос, мунаққидларнинг “Ўткан кунлар”, “Навоий”, “Қутлуғ қон”, “Сароб” асарлари ҳақидаги дастлабки мақолалари уларнинг шу хусусдаги кейинги мулоҳазалари билан таққосланса, муайян фарқ, тафовут кўринади. Бундай “манзара” Умарали Норматов ижодий фаолиятида ҳам яққол сезилади. Энг муҳими, орадан йиллар ўтиши билан, унинг адабиётга меҳри ортиб, қарашлари теранлашиб боргани кишини кувонтиради. Умарали Норматов етмиш ёшдан ўтганида Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамза, Гафур Ғулом асарларида шу пайтгача эътибордан четда қолиб келган ўринлар мавжудлиги ва улар жиддий аҳамиятга эга эканлигини толиб кўрсатди. Унинг айни мулоҳазалари навқиронликка хос шижаат, ёниқ эҳтиросга йўғрилгани билан диққатни жалб этди. Мунаққид Абдулла Қодирий, Ҳамза, Гафур Ғулом асарларида халқ кулгсининг ифодаланиши ва унинг аҳамиятини, айтиш мумкинки, ўзига хос тарзда кашф этади. Унинг “Навоий” романига оид “Персонаж меъмори” мақоласи хусусида шундай дейиш мумкин. Мунаққид “Шум бола” қисссасига янгича нуқтаи назардан қараб, мафкуравий-сиёсий тазиيқ шароитида муаллиф ҳақиқатни айтишда қандай йўл тутганини очиб берди. “Паранжи сирлари” драмасидаги қаҳрамонлар образи янги қирраларини, Ҳамзанинг халқ тилидан фойдаланишдаги маҳоратини теран таҳлил этди. Мунаққиднинг бу хусу-

сидаги мuloҳазалари худди Озод Шарофиддиновнинг “Истиқ-лол қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” мақоласи сингари санъаткор Ҳамза тўғрисидаги тасаввурни ойдинлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Буларнинг барчаси Умарали Норматовнинг адабиётга чексиз меҳри ва унинг мунаққид ва инсон сифатидаги юксак маънавиятидан далолат беради.

Ҳар бир бадиий асар – алоҳида бир олам. Бу сирли-серҳли оламни ҳар ким ўз диди, таъби – маънавияти даражасида англайди. Асл асарлар нафақат китобхон, ўқувчилар онги, дунёқарашига, балки адабиёт тарихига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари анча вақтдан бери адабий жараёндаги ўзгаришлар даражасини белгилашда ўзига хос мезон бўлиб келади. Янги асарлар бу адиларнинг роман, ҳикояларига таққосланади. Умарали Норматов Ойбек асарлари мукаммал жилдлиги нашр этилишига бағишланган сұхбатда: “Менинг назаримда, “Ўткан қунлар”, “Сароб”, “Кутлуг қон”, “Навоий” яхлит ҳолда ўзбек романчилигига замин бўлган, кейинги тараққиёти, етакчи тенденцияларини белгилаб берган асарлардир. Сўнгги қирқ-эллик йил давомида ўзбек романчилиги, асосан, шу тўрт асар ғоявий-поэтик бойлиги доирасида ривожланиб келди” дейди. Мунаққиднинг бу каби мuloҳазалари адабий танқидчилик ва адабиётшунослик бир-бираига уйғун, вобасталиги, улар ўртасига “хитой девори” қўйиш тўғри эмаслигини кўрсатади. Ҳусусан, Умарали Норматовнинг мақола, тақриз, сұхбатларида адабиётшуносга хос кузатиш, мунаққидга хос тезкор мuloҳаза ўзаро бирлашиб кетади. Бу ҳам унинг сўз санъати сеҳридан бениҳоя мутаассир бўлиб юриши, унга чин дилдан меҳр қўйгани адабиёт одамига айланисиб кетганидан келиб чиқади. Мунаққид ўзининг қайтарзда адабиёт одамига айлангани ҳусусида мuloҳаза бил-

диаркан, мактабда, ўқувчилар гендеридан таъсирланаётган эслаб: "Айни шу асарлар менини кечаладиганда яхши ҳал қилган, деб дадил айтта оламии. Уни ҳам буларни албатта, адабиёт муаллими бўлинини, унр. 1922-1923-йил мўъжизалари оламида яшанини, яйти колиб, үзун чорада бимдаги ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларини тўкиб қилинганда қилган эдим" дейди. У чин дилдан ортиқ кимни олди, оларни ижобат бўлиб, мақсадига тўлип-тўкиб пришири бўлди. Осиёдаги нуфузли олий ўқув юргида толабаларни таъсирланаётганда бери дарс бериб келади, Олий педагогика институтидаги профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтидаги профессор-ўқитувчилар, муаллимларга замоназий ҳизбатни бўйича маърузалар ўқыйди. Минглаб ўқувчилар, тарафдорларни ёзган дарслик, ўқув қўлланмаларидан сабоқ олади. Тарафдорларни ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларини тўкиб солиб" неча излаб келинганда такриз, сухбат, йигирмадан ортиқ китоб чикарди. Атрофдаги осон, бундай натижаларга у осонгина эришмади. Муртазалиев меҳнат қилиш туфайли буларга мояссар бўлди. Сўз овардига чинакам меҳри унга иштиёқ билан ишлаш - мутолеъ шартни ёзиш лаззатини баҳш этди. Одам касбига меҳр кўзега берадиган билан ишламас экан, у кўпчиликнинг бири бўлиб кетадиганда. Атрофдаги тарафдорлари мақтаб, ҳар қанча тарафдорларни кот этмасин, у шу соҳанинг одами сифатида зўтириб этди. Умарали Норматов сўз санъати сехрига сўзларга эканни, унинг йўлида заҳмат чекиб келаётганини эса бўлтича таъсирлайди. Бул олади.

У қалбига адабиётда азалдан улуғлаб келинганда, сўзларни жо этганини устозларнiga ҳамиша эҳтималга берадиганда адабиётда улар амал қилган ақидаларни садекат сўзларни кот эттираётганидан ҳам билса бўлади. Умарали Норматовни кот эттираётганини худди Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддиновни кот эттираётганини

Кўшжонов сингари истеъдодли ижодкорларни, ёшларни қўллаб-кувватлайди. Уларнинг ижоди, асарларининг фазилати тўғрисида эҳтирос билан тўлиб-тошиб мулоҳаза билдиради. Қалбини тўлқинлантирган, уни ҳаяжонга соглан асар ҳақида, албатта, матбуотда чиқишилар қиласди. Умарали Норматов қатор ёшларни, хусусан, Зулфия Куролбой қизини, биринчилардан бўлиб, истеъдодли ижодкор сифатида тарғиб-ташвиқ этди. Зулфия Куролбой қизи асарларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталаркан: “Адабанинг “Ёзиз йил”, шунингдек, “Куёш нега чиқаверади?”, “Бахтсизлик маликаси” ҳикояларида персонажлар тушиб қолган чигал вазият, ўша кезлари улар қисмати, табиати, руҳиятида юз берган эврилишлар, қабоҳат ва эзгу туйғулар муҳорабаси ифодаси “Машаққатлар гирдobi”, “Армон асираси” романларидагидан бутунлай ўзгача. Романларда инсон қисмати, табиати, руҳиятидаги жараёнлар ҳаётдаги ижтимоий силсилаш билан алоқадорликда содир бўйса, ҳикоялардаги ҳолат, тушуниш ва тушунтириш мушкул бўйлан, қисман, “илми ғойиб”га даҳлдор қисмат жумбоғи, тақдидири азалнинг “шева”лари, қолаверса, шахс тафаккури, “онг оқими” нағмалари, инсон табиатидаги туғма фазилат ва иллат, улуғворлик ва тубанлик, даҳолик ва ожизлик, нафосат ва дагаллик орасидаги азалий зиддиятларнинг ҳосиласи тарзида талқин этилади” дейди. Мунаққид бошқа ижодкорларни ҳам шу тарзда “кашф” этади. Унинг ижодий фаолиятида Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ижоди талқини алоҳида ўрин тутсада, ёш адаб, шоирлар асарлари тўғрисидаги мақола, тақризлари ҳам сон-салмоғи жиҳатидан ундан асло кам эмас. Бу ҳам мунаққиднинг сўз санъатига астойдил меҳр қўйгани, унинг айнан шу оламда яшаб, нафас олишидан далолат.

Айрим адабиётшунос, мунаққидлар бир “объект” ни ушлаб олади-да, умр бўйи унинг атрофида қолиб кетади. Агар кимдир

унинг "объекти" хусусида бирор мулоҳаза билдиrsa, албатта, ғаши келади, аюҳаннос солади. Ваҳоланки, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат ёки Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳеч кимга хусусий мулк, шахсий томорқа қилиб берилмаган. Умарали Норматов қўламни кенг олиб, баланд миқёсда фаолият олиб борадиган мунаққидлар сирасига киради. У аввал адабий жараён билан муттасил танишиб боради. Ўзини тўлқинлантирган, ҳис-ҳаяжонга солган асарлар тўғрисида мулоҳазаларини, таъкидлага-нидек, албатта, матбуотга тақдим этади. Бу осон, жўн иш эмаслигини барча ҳам бирдай билавермайди. Янги асар тўғрисида ёзиш нечоғлик машаққат эканини бошидан кечирган кишигина ҳис қиласди. Албатта, ҳар қандай юмуш, иш заҳмат эканлиги бошга тушганда билинади. Ўзининг бошига тушма-гунча одам дард, оғриқ, ташвиш, муаммони ҳис қилмайди.

Кишилар иссиқ, совуқ, шамол, нур каби табнат ҳодисаларини дарҳол сезишади. Лекин одамлар улардан ҳам кўпроқ Сўздан таъсиrlанишади. Улар иссиқ, совуқ, шамол таъсирини муайян муддат ўтгач, албатта, унтушишади. Аммо мақтаб ёки ёмонлаб айтилган бир оғиз калимани ҳар бир киши бир умр ёдида тутади. Бу худди нафас олиш, овқатланиш, сўзлаш сингари одамзоднинг табиий хусусияти саналади. Ҳар бир одам ўзи тўғрисида айтилган сўзни хотирасининг тўрига жойлаштириб қўяди. Шу боис илоҳий китобларда "унутгин" дейилмасдан, кечиримли бўлиш фазилат эканлиги уқтирилади. Бундан аён бўладики, сўз мислсиз қувватга эга. Бу илоҳий мўъжиза орқали кишини турли ҳолатга солиш мумкин. Тиф жароҳати битади. Тил жароҳати эса битмайди. Сўз етказган жароҳат маддалаб, ҳамиша оғриқ беради. Унинг жароҳатидан доим қон силқиб туради. Ўқувчи ҳам, мунаққид, адабиётшунос ҳам асарлар тўғрисида сўз юритганда, баҳо берганда масаланинг мана шу нозик жиҳатини, албатта, эътиборга олиши жоиз. Чунки шеър,

ҳикоя, қисса, драма, роман – ижодкорнинг узоқ изланишлари, машаққатли меҳнати “мева”си. Ҳар бир киши эса меҳнати қадрланишини истайди. Муносиб қадрланса, қувонади. Аксинча бўлса, унинг дилига жароҳат етади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қахҳорни калтаклаб, уриб, сўкиб, ҳақорат қилишмаган. Улар асарлари тўғрисидаги баланд-паст гаплардан азият чеккан. Шу оғриқдан руҳан, жисмонан хасталанган.

Адабиётнинг асл асарларидан беҳад таъсирланиб ҳаяжонга тушган одам, табиийки, бадиий жиҳатдан noctor асарларнинг ҳам кам-кўсти, заиф ўринларини ҳам бирданига пайқайди. Умарали Норматов шундай кишилар сирасига киради. У асл асарларни эҳтиросга тўлиб, таъриф-тавсиф этгани ҳолда, заиф асарлар хусусида шовқин-сурон кўтартмайди. Аниқроғи, буни ўзига эп кўрмайди. У ижодкорнинг мешаққатли изланишини эътиборга олади. Уни инсон сифатида қадрлайди, ижодкорга азият етказмай, деб ўзини тияди. Бундай муносабат, албатта, табиатан талашиб-тортишишга мойил кишиларга унча хуш келмайди. Чунки ундейлар жиққамушт бўлаётганларни томоша қилишдан мириқади. Ўзи ҳам ким билан бўлса-да, мунозара қилиш, уришиш учун доим енг шимариб туради. Бундайлар кимдир жабр чекса, бепарволик билан “бу – табиат қонуни” деб кўя қолишади. Мехр-шафқат ҳисси жуда суст бу кимсалар аслида қалбida қаҳр қайнаб тошишидан қийналади. Уларнинг кўрининиши, юриш-туриши, овозидан аламзада эканлиги сезилади. Ўзини ўзгалардан устун санайдиганларнинг гап-сўзи, хатти-ҳаракатлари Садриддин Айнийнинг “Эсадликлар” асарининг “Парвардигорхўжа” бобини ёдга солади. Унда насл-насабини пеш қилиб, бошқаларни назар-лисанд қилмайдиган Сайд Акбархўжанинг ғаройиб феъл-автори баён этилади. Кишилар Сайд Акбархўжани хурмат қилиб, гаштак (гап)га чақиришади. Бир меҳмонхона одам икки соат кутса-да, у кел-

майди. Эртаси куни келмагани сабабини сўрашганида, Сайид Акбархўжа “Фирт саводсиз бўлган уй эгаси менинг отимни атаб, “фалончи ҳалигача келмади” деганини ўз қулогим билан эшигдим. Бухоро мадрасаси толиби бўлган мен каби бир кишининг номини тилга олишга саводсиз бир деҳқоннинг ҳаққи борми, ахир? Бу одобсизлик эмасми? Шунинг учун меҳмонхонанинг эшиги олдидан қайтиб келдим” дейди. Шунда унга: “Сиз катталиқ қилиб, отангиз томонидан берилган номдан орланар экансиз, сизга ўзингизга муносиб улуғ бир ном бериш керак, токи у номни тилга олиш билан биз сизни фаҳмлайлик. Бу муносиб ном Худонинг оти бўлган “Парвардигор”дир. Оламда бу номдан каттароқ ном йўқ. Айниқса, бу номга сизнинг авлодий унвонингизни қўшиб, “Парвардигорхўжа” десак, Худонинг номидан ҳам каттароқ бўлади. Бу ном билан сизни атасақ, шаъннингизга зиён қилмаса керак” деб айтишади. (Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. 5-том. – Т.: “Тошкент” Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 312 б. – 109-бет.) Такаббурлик, таъна қилиш, айб қидириш энг қабиҳ иллатдир. Кишининг табиати ушбу иллатлар билан булғанса, бу унинг иши, фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Такаббур кимсаларнинг ўзида йўқ ҳалолликни бошқалардан талаб қилиши жуда кулгили туюлади. Чунки бу дунёда барча бир-бирини кўриб, кузатиб юради. “Фалони қандай? Фалони ўзгариб қолибдими?” сўроқлари кундалик муомала-мулоқотда фаол қўлланиши ҳам шундан далолат беради. Ҳар бир кишига, у ким бўлишидан қатъи назар, ҳаракат-амалига қараб, баҳо берилади. Умарали Норматов асарлар тўғрисида мулоҳаза юритганда ҳам, ижодкорлар, устозлари, сафдошлари, ҳамкасабаларини тавсифлаганда ҳам, юқорида эътироф этилганидек, кўпроқ уларнинг фазилатларига ургу беради. Ҳеч қачон ўзини “биринчи план”га қўйиб гапирмайди. Айримлар икки гапининг бирида “мен” деб ўзини кўз-кўз этади. “Нафосат

турунглари” муаллифи такаббурларга хос бундай иллатдан, ҳар қалай, холи. У асарларга ҳам, одаларга ҳам авайлаб муносабатда бўлади. Бу ҳам унинг адабиётда улуғланган инсоний сифатларни қалбига, табиатига сингдирганини билдиради. Албатта, Умарали Норматов ҳам бекаму кўст, мукаммал одамга айланиб кетган эмас. Унинг ҳам мақола, тақризларида давр руҳи бор. Шароит, вазият тақозосига кўра, айрим асарларни меъёридан ортиқроқ мақтаб юборган. Баъзи “мавсумий” ижодкорларни “классик” дейишгача бориб етган. “Соцреализм – очиқ система” деб кўп ёзган. Бир сўз билан айтганда, замонга боққан. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки одам ҳар қанча ақдли, донишманд бўлмасин, у – замонасининг фарзанди. Ҳар бир одам, истаса-истамаса, замоннинг йўриғига бўйсунади. Ҳеч ким даврнинг умумий оқими, ундаги ҳукмрон қарашларга кескин қаршилик кўрсатолмайди. Ҳамма ўз замони талабларига “давр тақозоси”, “шундай бўлиши керак” деб қарайди. Одам алдангани, хато қилганини кейинчалик пайқайди. Умарали Норматовнинг ҳам, бошқа мунаққид, адабиётшуносларнинг ҳам соцреализм тўғрисидаги чиқишилари замона зайли эди. Ўша пайтда адабиётшунос, мунаққидларнинг ҳеч бири соцреализмни инкор этган эмас эди. “Замона зайлар”га пешвоз чиққанларни оқлаш ёки қоралашдан олдин одам ўзини ўшаларнинг ўрнига кўйиб кўриши керак. Барча замонларда ҳам душман мавҳ бўлгач, ботир кўпаяди. Шўро даври “дағдаға”сидан бехабар, уни танасида татиб кўрмаганлар ўша замон зулми остида яшаб ижод қилганлар тўғрисида билиб-билмасдан, англаб-англамасдан ҳар хил гапларни гапиради, уларни аямасдан танқид қиласди. Аммо бундан қандай наф чиқади? Қандай натижага эришилади? Нафи, натижаси шуки, бундайлар ўзларининг шуҳратпарастлик хусурини бир оз қондиради, холос. Ўтмишнинг ўлчовлари бугунги кун мезонларига мос кел-

майди. Ҳар бир даврнинг, ҳар бир жойнинг ўз тартиб-қоидалари, тош-тарозиси бўлади. Умарали Норматов, бугун, шўро даври адабий методи ҳақида мулоҳаза билдирар экан, соцреализмни "очиқ система" дейиш "унинг қатъий чегараларини – имкониятларини кенгайтириш йўлидаги бир уриниш эди. Бу уриниш, масалан, бизда Қодирий, Чўлпон каби адилларни, "Ўткан кунлар", "Абулфайзхон", "Сароб", "Жалолиддин" каби асарларни оқлаш, энг муҳими, мавжуд "қолип"ларга асло сифтмайдиган А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи, О.Матжонлар шеъриятини, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамлар ҳикоя, қисса, романларини ҳимоя қилиш воситаси эди..."дейди. Одам ўзи ҳақиқат деб билган, меҳр қўйган нарсасини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш учун ҳар қандай воситадан фойдаланади. Шундай экан, шўро даврида ҳам ўз юрти равнақи, жумладан, санъат, адабиёт ривожи учун жонкуярлик билан хизмат қилганларни айлаш, жиноятчига чиқаришдан олдин, озгина андиша қилиш, "Ўзим ким? Адабиёт равнақи йўлида қанча хизмат қилдим? Бошқаларни оқлаш, қоралашга маънавий ҳаққим борми?" деб ўзига ўзи савол бериш керак. Афсуски, айримлар бирорнинг адашиши, янгилишишини пойлаб туради ва унга ташланиб, бадном этишга уринади. Умарали Норматов унга қилинган маломатларни жуда осонлик билан енгди. Тўғрироғи, таъналарга кўпда парво қилмади. Бундай пайтда унга сўз санъатига бўлган меҳри қувват бўлди. Ҳақиқатда ҳам киши соҳасига астойдил меҳр қўйса, йўлда дуч келадиган машаққату маломатлар унга тўсиқ бўлолмайди. Аксинча бўлса, салгина қийинчиликдан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, киши нима қиласини бўлмасдан қолади. Бозор иқтисодига ўтиш бошланган кезлари кўпчилик касб-корини кўп марта ўзгартирди. Юзага келган иқтисодий қийинчилик кўпчиликни шундай қилишга мажбур қилди. Адабиёт-

шунос, мунаққидларнинг ҳам ўз ишидан кўнгли совиб, анчамунчаси бу “майдон”ни тарқ этди. “Нафосат гурунглари” муаллифи эса ўта оғир пайтда ҳам мунаққидлик фаолиятини бир зум сусайтирмади. Аксинча, янада фаоллашди. У 60–90-йилларда – 30 йилда ўнта китоб нашр эттирган бўлса, истиқлол даврида ҳам шунча китоб чоп эттирди. Аввалги ўттиз йилда чиқарган китоблари кейинги ўн саккиз йилдаги китоблари қаршисида ҳажми – босма табоғи жиҳатидан ҳам, мазмун-мундарижасига кўра ҳам анча кичкина, жуда жўн кўринади. У мустақилликни олтмиш ёшида қарши олди. Лекин истиқлолга эришилганидан кейин навқиронликка хос ёниқ шижоат билан меҳнат-ижод қилди. Айтиш мумкинки, у бу даврда мунаққидлар пешвоси бўлди. Адабиёт назариясида эришилган энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиши баробарида биринчилардан бўлиб, уларни ўкувчиларга етказди. Мунаққиднинг Ҳамидулла Болтаев, Жаббор Эшонқул, Раҳимжон Раҳмат билан суҳбатлари бунга мисол бўла олади. Муҳими шундаки, у адабиётнинг назарий масалалари хусусида барча тушунадиган тарзда мулоҳаза юритади. Айрим адабиётшунослар сингари фикрларини эга-кесимсиз чийратма жумлаларда баён этмайди. Масалан, адабиётда асарлар жанрини белгилашда кўп чалкашликлар учрайди. Умарали Норматов ушбу муаммони ҳал қилишда ўзининг аниқ тавсиясини беради. Унингча, асарнинг: “жанр хусусияти аввало қаҳрамон билан уни қуршаб олган муҳит, шароит орасидаги муносабат кўламига қараб белгиларади”. Ёки “Бадиий конфликт, гарчи унинг ифода тарзи, хиллари қанчалик турли-туман бўлмасин, пировард натижада, ҳаётдаги зиддиятларнинг инъикоси-ку!”дейди. Умарали Норматовнинг назарий муаммолар хусусидаги бу каби фикрларини филолог эмас, ҳар қандай ўкувчи бемалол тушунади. Баъзи адабиётшунос, мунаққидларнинг эса мақоласи, кито-

бини ўқиганда нима тўғрисида гап кетаётганини илғаб бўлмайди. Уларни ўқиш, мутолаа қилиш кони азоб. Улар ўзларининг турли термин, атамаларга тўла, ўқиган одамни асабини қақшатадиган “хат”ини “мураккаб услуб” деб аташади. “Мураккаб услуб”чиларнинг даъвосича, улар “катта фикр” айтармиш. “Катта фикр”ни эса ҳамма тушунадиган тарзда ифода этиб бўлмасмиш... Мунаққид, адабиётшуноснинг мақола, китоби математика, физикага оид тадқиқотлардан шуниси билан фарқ қиласдики, у мутахассисларни эмас, барча ўқувчиларни қизиқтиради. Шундай экан, мунаққид, адабиётшуноснинг китоби, мақоласи барчага бирдай тушунарли бўлиши, яъни филологияга доир тадқиқотларда фикр аниқ, тиниқ баён этилиши керак. Афсуски, аксарият ҳолларда бу унтилади. В.Белинский, Н.Добролюбовнинг адабий-танқидий мақолалари шоир, адиларнинг асарлари даражасида омма эътиборини қозонгани таъкидланади. Ёки О.Шарофиддинов, М.Қўшжоновнинг мақола, китоблари худди шеър, ҳикоя, қисса, роман сингари иштиёқ билан ўқилади. Умарали Норматовнинг сухбат, эсселари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. У бадиий асар, адабий жараён, адабиёт назарияси, адабиёт ўқитиш методикаси тўғрисидаги мулоҳаза, қарашларини осон, бир ўқишда тушуниладиган қилиб ёзади. Аниқроқ айтганда, мунаққид адабиётни бугунги кун, ҳаёт тўғрисидага ўй-кечинмаларини изҳор этиш воситага айлантириб олади. Шу боисдан унинг мақола, тақриз, сухбатларида эҳтирос акс этади. Бу эҳтирос эса мунаққиднинг адабиётга меҳри юксаклиги, унинг сўз санъатида эъзозланган эзгу ақидаларни қалби, руҳига сингдирганидан келиб чиқади.

Адабиёт тарихи, унинг муайян даври, ижодкор босиб ўтган йўлга баҳо берганда, биринчи навбатда, ўша пайтдаги вазият, даврнинг талабларини эътиборга олиш керак. Умарали Норматов XX аср адабиётидаги мураккабликлар тўғрисида сўз

юритганда шундай йўл тутади. Айримлар барчанинг диққатини ўзига қаратиш, ўзини доно-ю донишманд кўрсатиш мақсадида Абдулла Қаҳҳор ижодига қаратса “тош” отганида у “Қаҳҳорни англаш машаққати” китобини ёзиб, ижтимоий давр мураккбликлари, улуғ адабнинг ижодий маҳоратини кўрсатди. Мунаққид бадиий асарларни, ижодкор шахсини ҳамиша ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда таҳлил қиласди. Асар қаҳрамонларини ҳаётдаги одамларга таққослади. Умарали Норматов мақола, тақриз, сухбатлари марказига муҳим бир муаммони қўяди ва қатор асарларни қиёслаш асосида шу хусусда сўз юритади. Айрим адабиётшунос, мунаққидлар бир йилда, нари борса, иккита-учта мақола ёзади ва уч-тўрт қоғоздан ошмайдиган бу “нарса”лардан бирор маънони ўқиб бўлмайди. Сабаби, улар “катта фикр” оқимига хос мураккаб услубда битилган...Худди шу “мураккаб услуб”и туфайли тилшунослик, фалсафа, тарих, санъатшуносликка оид талай мақолаларни ўқиш машаққат. Амаллаб ўқилганда ҳам нима дейилганини тушуниб бўлмайди. Кишининг “хат”и эса унинг ҳарakterига хос анча-мунча жиҳатларини аён этади. Адабиётшунос, мунаққиднинг услуби ҳам унинг ички олами, феъл-авторини кўрсатади. Бағри кенг, билимдон муаллифларнинг мақоласи билан танишиш кишига ҳар доим мароқ бағишлиади. Равон услубда ёзилган, фикр аниқ -тиниқ баён этилган бундай мақолаларни ўқиб тугатганингни сезмай қоласан. Бурама, чийратма жумлаларда битилган, турли термин, атамалар қалаштириб ташланган “нарса”ларга дуч келганда, кўз олдингда чиркин, қора аллақандай шарпа тургандай туюлади... Мураккаб, мавхум услубда ёзадиганлар атрофдагиларга яхши, ажойиб инсон сифатида кўринса-да, нимадандир аламзадага ўхшайди. Ижодкорларнинг услубини уларниг шахсияти, феъл-автори билан боғлиқ ҳолда ўрганиш жуда қизиқарли мавзу. Афсуски, бизда бу йўналишда тадқиқотлар

олиб борилмаган. Шоир, адиб, адабиётшунос, мунаққид, санъатшунос, тарихчиларнинг бадий асарлари, илмий тадқиқотлари тўғрисида сўз юритилиши, уларга баҳо берилиши, албатта, дуруст. Аммо уларнинг шахсиятини англашга имкон берадиган мақолалар яратилса, бу бадий асарлар, илмий тадқиқотлар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ идрок этишга олиб келади. Масалан, Виктор Шкловскийнинг “Лев Толстой” китоби шундай салмоққа эга тадқиқотлар сирасига киради.

Умарали Норматов асарларни таҳлил қилиш, адабий жараёнга ёндашиш, ижодкорлар ҳаётини ёритиш ва мулоҳазаларини ифодалашда равонлик, аниқликка интилади. У бу борада устозлари анъанаисига амал қиласа-да, аммо ўз “хат”и, услубини намоён этади. Шоир, адиб, адабиётшунос, мунаққид қачон ўз услубини топади? Қачонки сўз санъатини муқаддас билиб, унга чин дилдан ихлос қўйса ҳамда шахс сифатида “мен”ига эга бўлса! Шунда унинг асарлари, тадқиқотлари бошқаларникидан алоҳида ажралиб туради. “Нафосат гурунглари” муаллифининг китоблари, мақолалари, шубҳасиз, шундай салмоққа эга. У салкам ярим асрдан бери ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилигида ўз “овоз”ига эга ижодкор сифатида фаолият кўрсатиб келади. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад Эркин Воҳидов каби ўнлаб улкан шоир, адиблар, кўплаб ижодкорлар ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши тўғрисида сўз юритилса, албатта, Умарали Норматовнинг мулоҳазаларига мурожаат қилинади. Адабиётшуносликнинг қатор назарий муаммолари, хусусан, реализм, соцреализм тўғрисида баҳслар марказида у бўлгани, албатта, эътироф этилади. Миллий адабиётимизда мансуранинг шаклланиши Иброҳим Гафуров номи билан боғланса, Умарали Норматов ўзбек адабий танқидчилигида “адабий сұҳбат”нинг оммалашиши, мустақил жанрга айланishiiga бош-қош бўлгани таъкидланади. (Қаранг: Норматов

У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”, 2008).

Одамнинг овозида унинг ички дунёси акс этгани каби ижодкорнинг асари, тадқиқотида унинг дунёқараши, маънавияти кўринади. Бу дунёқараш, маънавият унинг ҳаёт тарзи, кишилар билан муомала, муносабатида ҳам яққол сезилади. Умарали Норматов адабиётда эъзозланиб келинган эзгу қадриятларни қалбига сингдиргани, унинг маънавияти шу асосга мустаҳкам боғлангани боис инсон табиати беҳад нозиклиги, каттами-кичикми, ҳамиша мулоим муомала, ширин сўздан яйраши, одам табиатан танқидни хуш кўрмаслиги, беписанд муомала барчага оғир ботишини жуда чукур ҳис қиласди. У табиатида ана шундай ажойиб фазилат мавжудлигидан адабий танқидни “Сўз санъати мўъжизаларини кашф этиш санъати” деб қарайди. Ижодкорнинг изланиши, меҳнати, шахсига ҳурмат кўрсатади, истеъдодларни ҳамиша эъзозлайди. Буларнинг барчаси Умарали Норматовнинг адабиётга бўлакча меҳри, унинг мунаққид ва инсон сифатидаги юксак маънавиятидан далолат беради.

*Обидэжон КАРИМОВ,  
Намду доценти, филология фанлари номзоди*

### ИЖОДКОР ОЛИМНИНГ АДАБИЁТГА БАХШИДА ҲАЁТИ

Йиллар – инсон умрининг пиллапоялари каби уни юқори мартабаларга кўтаради. Йиллар – йўллар каби мақсад манзилларига етказади. Йиллар – кеча-кундуз интилишдан ва излашишдан тинмайдиганларни баҳту иқбол билан сийлайди. Устозимиз Умарали Норматов кечган умрларидан мамнунлик ва

масрурлик туйишга мушарраф бўлган табаррук инсон эдилар. Боиси, устоз узоқ ва мазмунли умри давомида адабиётга ошуфта халқимизга қатор-қатор илмий рисолалар ёзиб тухфа этдилар, кўплаб ўзларига ўхшаган зукко адабиётшунос шогирдлар тайёрлаб, улар камолотига қанот бердилар, ҳаётининг сўнгги лаҳзаларигача ижоддан тинмай, ёшларга ибрат бўлгудек даражада фаоллик кўрсатиб келдилар. Бу унча-мунча инсонларга насиб этавермайдиган толе, омад ва баҳту саодатдир, албаттa.

Ҳадиси шарифларда “Устоз отангдек улуғ” деб ёзилган. Зеро, бу фикрларда заррача муболага йўқ. Мен илм йўлида кўп заҳмат чекиб, минглаб адабиёт ихлосмандларига устозлик қилган ҳаётини илм-фан ривожига баҳшида этган серқирра олим, севикли ёр, дилбандларига вафодор ота бўлмиш Ўзбекистон фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан ва бунга ҳақлиман. Домла чин маънода адабиётшунос олим, талабчан муаллим эди. Мен ҳам илм йўлида қанча муваффақиятларга эришган бўлсам, устознинг насиҳатларидан, ёзган китобларидан деб биламан. Устоз яратган китоблар мени адабиёт оламига етаклаган.

Мен устознинг китобларидан таниганман, уларни ўқиб шу даражага етдим. Устоз билан яқинроқ танишиш 70-йиллар охирида насиб этган, ўшанда мен малака ошириш курсига келган эдим. Домланинг энг сермаҳсул, энг билимдон, камтарин ва самимий, шу билан бирга, эътиқодига содиқ инсон эканига ёрқин гувоҳ бўлганман.

1986 йилда мен Ўзбекистон фанлар академияси қошидаги Тил-адабиёт институти аспиранти эдим, бир дўстимнинг ҳимояси сабаб домла ишлайдиган Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)га боргандим. Устоз Илмий Кенгаш раиси экан.

Ҳимоя ниҳоятда тартибли, савол-жавоблар, баҳсу-мунозаралар остида ўтди. Катта-катта олимлар, уларнинг салобати дўстимни шошириб қўйди. Устоз ўтирганларга ва ҳимоя қилаётган дўстимга қаратса ҳеч қандай ҳаяжонланишга ўрин йўқлигини, фикрларни исботи билан дадил айтишини қайта-қайта таъкидлади. Бу муносабат дўстимни ўзига бўлган ишончини ошириб, дадил-дадил гапирди ва муваффақиятли ҳимоя қилиб олди. Кейин бир пиёла чой устида устоз мени кўриб қолдилар ва дарҳол танидилар. Ҳайрон қолдим: ана кенг тафаккур эгаси бўлган бағри кенг олим, шогирдларнинг меҳрибон, керак бўлган пайтда, ёрдамини аямайдиган ғамхўр мураббий! Ич-ичимдан суюниб, тасаннолар айтдим, ўрни келганда менинг ишларимга, раҳбарим ва диссертация мавзусига қизиқдилар ва самимий маслаҳатлар бердилар. Ўша вақтда илмий раҳбарим академик, филология фанлари доктори, профессор Салоҳиддин Мамажонов эди. Устоз менинг раҳбарим билан жуда яқин эканлар. Менга ўзларини яқин олиб кўп маслаҳатлар бердилар. Ҳатто “Гулистан” журналида чиқсан Ҳалима Худойбердиева ҳақидаги мақоламни ҳам ўzlари билиб мени анча руҳлантирганлари кечагидек эсимдам. Бу орада мен оиласдан оғир йўқотишларни бошимдан кечирдим, Наманганга қайтиб, ҳам оиласдан қарадим, ҳам ишимни давом эттирдим. Бунинг устига устозим Салоҳиддин Мамажонов вафот этдилар. Шу тариқа ишимни маълум муддат давом эттира олмадим. Умарали ака олдига ҳам бора олмадим. Мен аспирант бўлган институт раҳбари академик Бахтиёр Назаров бир куни чақириб, илмий ишларимнинг қандай кетаётганига қизиқдилар. Кейин акаларча оҳангда “академик Салоҳиддин Мамажонов иккимизнинг ҳам устозимиз эдилар. Сени аспирантурада ўқиган пайтларингдан яхши биламан. Кел, энди ўзим раҳбарликни зижмамага олай, илмий ишингни охирига етказ”, – дедилар. Кейин академик,

филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Назаров раҳбарлигига илмий тадқиқот ишимни давом эттирдим. Илмий ишимга алоқадор кўплаб мақолаларим ва монография бевосита устоз маслаҳатлари ва кўрсатмалари асосида дунёга келди. Ҳимоя вақти яқинлашиб, авторефератим чиққач, устоз Умарали ака Норматов олдиларига бордим. Бағри кенг инсон мендан бир оз хафа ҳам бўлдилар, лекин қўлимдаги авторефератни кўриб ёш боладай суюниб кетдилар ва менга анча далда бердилар. Тақриз ҳам ёзиб, ўzlари Кенгашга топшириб кетибдилар. Аллоҳум менга бағри кенг, сахийқалб устозларни рўпара қилганига чин дилдан шукроналар айтдим...

Устоз қаерда бўлмасин, илм ва адолатни бош мезон деб билди ва ўзига шиор қилиб олди: талабаларни ўқитадими, тадқиқот ёки рисолалар ёзадими, барида юқорида ўлчовга қатъий амал қилди. Шу бўлса керак, шогирдлари устозни ҳақиқатгўй олим сифатида қадрлайдилар. Устознинг 60 дан ортиқ китоб, дарслик ва ўкув кўлланмалари, 600 дан ортиқ илмий-назарий мақолалари ҳамон адабиёт ихлосмандлари томонидан эзгуликка, маърифатга хизмат қилиб келмоқда. Мактаб ўқувчилари учун адабиёт дарслклари, филологлар учун ҳамкорликда ёзган дарслклари шулар жумласидандир. Бугун бирор адабиётшунос йўқки, домланинг китобини ўқимаган, унинг фикрларидан иқтибослар олмаган бўлса. Буларнинг барчаси устознинг узоқ йиллар қилган ҳалол меҳнатлари самарасидир.

Устознинг баҳти шундаки, “Ўзбекистон Қаҳрамони” Озод Шарафиддиновдек кучли билим ва тафаккур эгасига шогирд бўлган. Устози сабаб Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳдор, Шайхзода каби XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакиллари билан сухбатлашган, уларни кўрган. Шу боис, улар ҳақида ёзган тадқиқотлари, баҳсталаб мулоҳаза-ю мунозаралари ҳаққонийлиги билан мутахассислар диққатида бўлиб келмоқда.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги “Маҳорат сирлари” китоби 1968 йилда босилиб чиққан. Айтиш мумкинки, мазкур китоб бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, қадрини йўқотмаган. Устознинг Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Хуршид Дўйстмуҳаммад каби ёзувчиларнинг ижоди ҳақидаги тадқиқотлари ҳақида ҳам илик фикрлар айтишга ҳақлимиз. Булар олимнинг адабий тандидчилик соҳасида ҳам беназир эканини исботлайди. Мунаққиднинг эллика яқин адабий сұхбатлардан иборат “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси” (Тошкент, 2008), “Ижодкор сеҳри” (Тошкент, 2007), “Уфқларнинг чин ошиғи” (2008), “Нафосат гурунглари” (2010) китобларида сұхбат жанрининг янгича сайқал топганига гувоҳ бўламиз. Олимнинг сұхбатлари ижодкорнинг камёб қирраларини очиб беришга хизмат қилиши шубҳасиз. Устоз Умарали Норматов Озод Шарафиддинов билан бир қаторда машхур фанимиз дарғалари Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Фозила Сулаймоноваларни устоз сифатида алоҳида эҳтиром этади, уларни қатор тадқиқотларида хотирлайди. Шу билан бирга, ҳаммаслак, ҳамкасб дўйстларини ҳам эътироф этишдан чарчамайди. Кўнгил кишиси бўлган устоз фазилатларини эсларканман, халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидов томонидан айтилган қўйидаги мисралар ёдимга тушди:

*Соҳибқирон ётар устоз пойида,  
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.  
Устоз буюк деган буюк қоида,  
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.  
Афлотунга шогирд эди Арасту,  
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.*

*Бу олтин силсила давоми мангу,  
Ўзи устоз бўлар устоз қўрганлар.*

Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор “Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик ва шиҷоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим”, – деган эди. Умри давомида ҳалоллик ва шиҷоатни, камтарлик ва самимийликни ўзига шиор қилиб олган устоз ана шу таърифга тўла арзиди. Устоз бу дунёни тарк этган бўлсалар-да, яқинлари, адабиёт ихлосмандлари ва шогирдлари қалбида, ардоғида бир умрга ўчмас бўлиб қолаверадилар.

# **ШОГИРДЛАР**

# **ДИЛ ИЗҲОРИ**

Саъдулло ҚУРОНОВ,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

### “ГОЯ ЎГРИСИ” ЭДИМ

Ҳозир адабиётга доир бирор нарса қоралашни ният қилсам, илгаригидек дадил, ўзимга ишонч билан ёза олмайман. Ёшлигимда жуда ёш бўлган эканман дейман ўз-ўзимга. Энди тушуниб етяпманки, олдинлари ўзимга ишонч билан ёзганимда, кўпроқ билганим ёки ўқиганимдан эмас, бунинг аксидан қувват олганман эканман. Балки ўқимай-уқмай билағонлик қилиш, ўзига бино қўйиш ёшлик деб аталмиш ажиб бир даврнинг бош хусусиятдир?! Билмадим, нима бўлганда ҳам, энди ўзимни ёшлар сафидан чиққан ҳис қиляпман. Бунинг исботи сифатида ана шу ҳадикни, ўзимга бўлган ишончсизликни кўрсатишим мумкин, холос.

Устозим Умарали Норматовнинг ёзганларини энди ўқияпман. Аниқроғи, уқиб ўқишини энди бошладим. Бир вақтлар менга “садда”, тилни ортиқ бурамай, “енгил илмий услугуб”да айтилгандек туйилган гап, хулоса, ҳукмларнинг мағзини чақиб, бу гапларнинг ортида катта илм, тажриба, ҳайрат, адабиётга садоқат борлигини энди-энди англагандек бўляпман. Уларни ўқиб бир вақтнинг ўзида ҳам садда, ҳам салобат ва ҳикмат билан ёзиш мумкинлигини ҳис қиларканман, ҳар қанча уринмай бунга ўхшаш бирор нарса ёза олмаслигимни тушуман. Умуман шундай ҳисни Иzzат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Абдуғафур Расулов, Бахтиёр Назаров каби адабиётшунослигимиз дарғаларини ўқиганимда ҳам туяман. Попугим пасайиб, “ўрнимни” билиб оламан...

Мен Умарали Норматовнинг илмий, ижтимоий фаолияти мисолида адабиётга хизмат қилиш фақат адабий-танқидий,

илмий мақола ва монографиялар ёзишдан иборат эмаслиги англаб етдим. Саналган омиллардан ташқари олимда виждон, садоқат, меҳр, ҳиммат каби инсоний фазилатлар бўлмаса, ҳар қанча ижод қилмасин ўзидан катта мерос қолдира олмас экан. Зеро, назаримда, илмий мерос деганда жилд-жилд китобларгина эмас, ортда қолган катта мактаб, фазилатли шогирдлар, одамларни қалбида яшаб, тилдан-тилга ўтиб юрувчи илиқ хотиралар ҳам тушунилади. Яъни олимнинг вафотидан кейин ҳам у бошлаган ишлар тўхтаб қолмади. Илмидан, ўз фазилатидан шогирдларига юқтиргани униб-ўсиб, авлоддан-авлодга томир отади. Лекин фақат катта қалб, ҳиммат эгаларигина ўзидан ана шундай тўқис ва катта илмий мерос қолдира оладилар. Устозим Умарали Норматов ана шундай мартабага етишган етук олим эдилар.

Илк бор домланинг уйига борганимни яхши эслайман. 2007 йил, иккинчи курс талабаси әдим. Сўраб-сўраб “Профессорлар шаҳарчаси”ни топиб бордим. Куруқ қўл билан боргим келмади, йўл-йўлакай арzon резина каби чўзилувчан нондан иккита олдим. Ҳовлига кириб борар экаман, мени Ая (келин ойимизни шундай чақирамиз) қарши олди. Ая табиатан жуда меҳрибон, шу билан бирга синчков, хушёр аёл. Одамларни кўзига қараб ўқийдиган, бир қараашдаёқ кимни-ким эканини ажратса оладиган инсон. Хуллас, бир қараашдаёқ мени ўқиб олган-дек бўлдилар. Талабалик ҳаёти оздириб, қоқ суяги қолган болнанинг қўлидаги нонни ўзгача бир меҳр билан олдилару “Бошқа бундай овора бўлиб юрманг” дедилар. Мени домлага йўллаб қўйиб, ўzlари тезда дастурхонга уриндилар...

Шу куни домла мендан нималарга қизиқишимни, қандай мавзуда диплом иши ёзишни исташимни сўрадилар. Мен модерн шеъриятга қизиқишимни айтиб улгурдим, холос. Кейин эса фақат домла гапирди, мен эса тингладим... Кўп ўтмай Ая

иссиқ овқат билан кириб келди. Қорним очлиги сезилган шекилли “Домлани эшитиб, овқатни еяверинг” дедилар. Бироз иймандим, бироқ Ая қаршимга ўтириб, худди боласига овқат едиришга уринган онадек “қани бошланг” дегандек ишора қилиб турарди. Мен дастурхондаги нозу неъматларнинг ҳар биридан еб, то қорним яхшилаб тўйгунича Аянинг ўткир назоратида турганимни ҳис қилдим. Шундан кейингини Ая ўринларидан туриб, бошқа ишларига уринди.

Домла эса Фахриёрнинг “Геометрик баҳор” номли шеъри ҳақида гапиради. Бу шеър ўзбек адабиёти учун бутунлай янги ҳодиса эканини, уни тушуниб-тушунмай танқид қилишга, “бемаънилик” деб аташга шошмаслик кераклигини, олдин моязиғига етиб, жаҳон адабиёти контекстида ўрганиб, кейин бирор ҳукм айтиш мумкинлиги ҳақида уқдиради. Кейин шоирнинг шу номли тўпламини олиб, “Геометрик баҳор” шеъридаги айрим ўринларни таҳлил қилиб, ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берди. Бу йўналишни бироз англагандек, моязиғи сари илк қадамларни ташлагандек ҳис қилдим ўзимни (шу сұхбат таъсирила кейинчалик “Шеъриятда шаклий излашилар” номли мақола ёздим).

Шу куни домла яна Баҳром Рўзимуҳаммад, Абдували Кутбиддин, Азиз Сайд, Гўзал Бегим каби шоирлар ижоди билан мени яқиндан таништириди. “Адабиёт ва санъат” газетасининг фалон сонида, фалон йили “Жаҳон адабиёти”нинг фалон сонида чиқан ўқиган бўлсангиз керак” деб сўзи давом этарди. Шу қадар кўп асар ва мақола ҳақида гапирдики, мен калаванинг учини йўқота ёздим. Замонавий ўзбек адабиёти ҳақида деярли ҳеч нарса билмаслигимни ҳис қилиб, уятдан қизардим. Домланинг менга ишонч билан, кўп нарсани биладиган илгор талабадек муносабатда эканини кўриб, ер ёрилсаю кириб кетсан деган ўйда ўтиравердим. Ҳа, домла ана шундай, катта-

кичик деб ажратмас, ҳар ким билан самимий, билим-савиасига шубҳа қилмай гаплаша олар эди. Бундай муносабатни кўрган ҳар қандай вижданли шогирд домла билан суҳбатга тайёрланаб келиши кераклигини ҳис қиласади. Ўзига билдирилаётган ишончни суистеъмол қилишдан истиҳола қиласади.

Шу куни пешиндан то аср вақтига қадар домла билан ҳам-суҳбат бўлдим. Суҳбат сўнгида домла ўзининг “Тафаккур ёғ-дуси” номли китобини бериб, унда модерн шеърият ҳақида мақолалар борлиги айтди. Ая эса бир халтага нон, турли пишириқ ва мевалар солиб қўярда-қўймай қўлимга тутқазди, “ўртоқла-рингиз билан баҳам кўрасиз” деди. Бу мен Тошкентга келиб меҳр ва парвариш кўрган ilk кун эди! Шу сабабли бу кунги воқеалар барча тафсилотлари билан онгу шууримга муҳрланиб қолган.

Менга билдирилган ишонч ва эътибордан рағбатланиб ғайрат билан ўқиши ва изланишга киришдим. Кўп ўтмай ўзбек модерн шеърияти ҳақида қатор мақолалар ёздим. Бу орада тез-тез доиланинг уйига қатнашни, уларнинг қимматли суҳбатида бўлишу, Аянинг ширин таомларига тўйиб келишни канда қилмасдим. Суҳбатларда эса кўпроқ “ғоя ўғрилиги” билан машғул бўлардим. Ҳа-я, бу ҳақида батафсил тўхталмасам бўлмайди!

Домланинг илмий фаoliyatiдаги энг катта ва ажralиб турувчи жиҳати адабий жараённи тўла, мукаммал кузатиб боришида эди. Менимча, яқин тарихда Умарали Норматов каби адабий жараёндаги ҳар бир даврий нашрни, янги ном, янги асарни ўқиб борган ва муносабат билдирган олим йўқ бўлса керак. Домла ҳар йили “Ўзбекистон адабиёт ва санъати”, “Маърифат” газеталарига, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Ёшлиқ” журналларига обуна бўлар эди. Доимий обуначи бўлгани боис, почта хизмати ҳам кечиктирмай, бирор сонни тушириб қўймай домлага элтиб берарди. Қанча ури-

нишлар бўлмасин, ҳатто домла анча кексайиб, кўзи ўқишига ярамай қолган вақтларда ҳам улардан адабий жараённи кузатиб боришда ҳеч ким ўзиб кета олмади. Чунки ўзлари ўқий олмай қолган вақтларда ҳам Ая барча нашрларни ўқиб берардилар.

Хуллас, домладаги бу хусусият улар билан суҳбатда бўлган ҳар қандай адабиёт ихлосманди учун асқатарди. Шогирдларнику қўяверинг, домла биз учун адабий жараённинг фильтри эди. Вақтли нашрларни кузатмай ҳам домланинг суҳбатига бўлсангиз, яқин орада қандай яхши асар ё мақола чиққанни билиб олиш мумкин эди. Бир сўз билан айтганда, Умарали Норматов адабий жараённинг кўзгуси эди.

Суҳбат давомида домла ўзига ёққан бирор асар ҳақида эринмай, атрофлича сўзлар, асарнинг ютуқ ва камчиликлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берар, ўз хulosалари билан ўртоқлашарди. “Фоя ўғрилиги” айни шу суҳбатларда со-дир бўларди. Мен домлани муайян асар ҳақидаги қисқа, лўйда хукм ва хulosаларини “ўғирлаб”, кейин мустақил атрофлича ўрганардим, таҳлилларни мақола тарзида жамлаб сўнг домланинг олдига олиб келардим. Лекин домла бирор марта “мен айтган фикрларни ривожлантирибсиз” демаган, қайтага, бу фикр билан энди танишаётгандек завқ билан ўқир ва мақтаб кўяр эди.

Мен Умарали Норматовнинг энг кенжаси, энг сўнги шогирдиман. Домнинг илмий раҳбарлигига филология фанлари бўйича фалсафа доктори унвонини олдим. Ҳозирги кунда ҳам улар берган докторлик мавзуси устида илмий тадқиқот олиб боряпман. Буни домланинг мероси, гўё уларнинг яқунланмай қолган сўнги иши сифатида тушунаман. Айни дамда, бу менга тоғдек масъулият юклашини ҳам биламан...

Аллоҳим, устозимга муносиб шогирд бўлишни насиб қил,  
юзимни ёруғ қил!

Аллоҳим, устозимни мағрифат қил!

*Хуршида ҲАМРОҚУЛОВА,  
филология фанлари доктори*

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ САБОҚЛАРИ

Умарали Норматов XX аср ўзбек ижодкорларини фундаментал тадқиқ қилган забардаст олимлар қаторида туради. Устознинг фақатгина Абдулла Қаҳҳор ижоди юзасидан олиб борган тадқиқотларининг сони ўндан ортади. Абдулла Қаҳҳор ижодидан баҳс этувчи, адаб ижодини холис баҳоловчи қарашлар “Маҳорат сирлари”дан бошланиб, “Қаҳҳорни англаш мاشаққати” асарида ўзининг чўққисига кўтарилди. Айтиш мумкинки, мазкур рисолада устоз ўзигача бўлган фикрларни инкор этмаган ҳолда адаб ижодини белгиловчи омиллар, хусусан, “Сароб”, “Кўшчинор чироқлари”, “Синчалак”, “Ўтмишдан эртаклар” асарлари ҳақида янги қарашларини баён этди.

2000 йиллар устоз раҳбарлигида Абдулла Қаҳҳор ижоди юзасидан номзодлик тадқиқотини олиб бораётган илк кезларим эди. Абдулла Қаҳҳор ижодига қўл урмаган деярли атоқли адабиётшунослар қолмаган, улардан фарқли адаб ижодига баҳо бериш, айниқса, йиллар давомида адабий танқиднинг қайта-қайта объектига айланиб келаётган “Сароб” романни ҳақида жўяли фикр айтиш масъулияти елкамда эди. Шу вақтнинг бирида устоз университет нашриётида 200 нусхада чоп этилган “Қаҳҳорни англаш машаққати” китобининг ҳар бир нусхасини синчиклаб кўздан кечириш, хатоларини қора қалам

билин текшириб чиқиши вазифасини қўйдилар. 200та китобнинг ҳар бир саҳифасини қайта-қайта назардан ўтказиш давомида мен нима учун бу вазифани менга топширганларини англаб етдим. Тушунишимча, бу иш устознинг илм йўлида менга берган илк сабоғи эди.

50 саҳифадан иборат бўлган рисола Абдулла Қаҳҳор шахсияти ва ижодининг асосий кредосини белгилаган мұхим манба эди. Рисолада Абдулла Қаҳҳор шахсиятига хос белгилар асарлари билан қай даражада ҳамоҳанглик касб эттанига алоҳида эътибор берилган эди. Тадқиқотда ёзувчининг бениҳоя мураккаб қиёфаси у яратган образлар, танланган сюжетлар, тифиз концентрик жараёнларда ҳаракатланувчи инсон қисмати тасвири орқали очиб берилган эди. Ёзувчи асарларининг хронологик кетма-кетлиқда таҳлил қилиниши орқали адид қарашларидаги ўсиш-юксалиш палладарининг намоён бўла бориши тарзи менга “Сароб” романни таҳлилида ўзига хос йўл, калит вазифасини ўтади. Умарали Норматов муайян асар ҳақида фикр билдиран экан, образлар моҳиятини очишга киришар экан, бадиий таҳлилнинг ҳамма методларидан унумли фойдалана олгани, шунинг учун у танлаган асарлар кенг ва атрофлича таҳлил қилиниши, мунаққиднинг назаридан асар матни остидаги сир-синоатлар ҳам четда қолмаслиги маълум бўлади. Мұхими, устоз мунаққид ҳар бир фикрдан керакли калит сўзларни топа олади. Бу калит сўзлар асарни яхлит ҳолда идрок этишда ижодкор шахсияти, асар ёзилган пайтдаги руҳий жараёнларни англаш имконини беради. Натижада, асарнинг актул қатлами билан унинг эстетик қатлами ҳам очила боради.

“Қаҳҳорни англаш мashaққати” китобида устоз ҳақли таъкидлаганидек, Абдулла Қаҳҳорнинг қизғин ижодий фаолияти XX асрнинг энг фожиавий палласига, яъни 30-50-йиллар ша-

роитига тўғри келган эди. Бу давр мустабид яккаҳоким мафкура, совет адабий сиёсати таъсири ва тазиқи остида кечди. Унинг ноҳуш таъсири адиб ижодида акс этиши табиий ҳол эди. Шунга қарамай, “Аллоҳ берган беназир истеъдод, ноёб шахсий фазилатлар – ўзига хос ўткир нигоҳ, фуқаролик туйғуси, қатъият, иродабардош, ҳақғўйлик, ҳалоллик ва шиҷоат туфайли<sup>12</sup>” Абдулла Қаҳҳор замонаси талотумларидан юқори кўтарила олди. Умарали Норматов Абдулла Қаҳҳорнинг шўро даврининг “тутуруқсиз мунофиқона адабий сиёсатини, ҳам “сийлов”, ҳам дабдабаю таъқибларини татиб кўрган адиб” бўлганини қайд этар экан, ундаги ноёб фазилатлар асарларига кўчиб ўтганлиги, бу эса уларнинг умрзоқлигини таъминлаган омиллардан бири эканини эътироф этади. Мунаққид Абдулла Қаҳҳор ижодини унинг шахсий биографияси билан боғлиқликда ўрганганд олим сифатида адиб тутган позицияга баҳо беради.

Умарали Норматов талқинида Абдулла Қаҳҳор ҳикояларига хос хусусиятлар, асарларининг мумтоз асарлар сирасига кириши қўйидагиларда кўринади:

1. Абдулла Қаҳҳорнинг совет воқелигини қўйиб, кечмишга юз ўғириши, замоннинг илғор кишилари, ижобий қаҳрамонлари қолиб, қандайдир кичик одамлар, қолоқ кимсалар ҳаётидан асарлар ёзиши ёзувчининг ўзи ҳам англаб етмаган онг ости туйғулари билан боғлиқлиги.

2. Адиб қуллик психологиясининг мудҳиш оқибатларини асарларида кўрсата олганлиги, шунингдек, ёзувчи бот-бот муте одамлар образини у ёки бу усулда тасвирлашга мойил бўлганлиги.

<sup>12</sup> Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. – Т.: Университет, 2000. Б.3.

Бу ҳол адиб ижод лабораториясига чуқурроқ кириш заруратини беради. Негаки онгда, шуурда акс этган воқелик бадий асадардан жой олади.

3. Бу ҳикояларнинг пафоси Чўлпон, Қодирий асаллари руҳи, қатор персонажлари талқини билан оҳангдош эканлиги. XX аср адабиётида Чўлпон анъаналарини изчил давом эттирган адиб ҳам айнан Абдулла Қаҳҳор эканлиги. Агар Чўлпон ижодида шахс эрки масаласи очиқ ифодаланган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ижодида шахс эркининг мутелик психологияси остида қолгани улкан фожиаларни келтириб чиқарганлиги.

Абдулла Қаҳҳор тұғма ҳикоянавис эканлиги, бошқа жанрдаги асалларидаги ҳам ҳикояга хослик сезилиб туришини устоз шундай изоҳлайди: “Қаҳҳор истеъоди бадий тафаккур тарзи ҳар жиҳатдан ҳаёт ҳодисаларини ҳикоя шаклида кўриш, идрок этишга мойилдир<sup>13</sup>”. Синчиклаб назар ташланса, адиб яратган қаҳрамонларнинг аксарияти ўзининг прототипига эга. Оддий ҳаёттій воқеаларнинг бадиият даражасига кўтарилиши ёзувчининг ўзига хос ишонтириш кучида. Муаллиф ҳодисага ўзгартириш киритаётганда ҳаёт мантиғига, бадиият қонуниятига асосланган. У.Норматов Абдулла Қаҳҳор руҳият мусаввири эканлигини Бабар ва Туробжон тасвирида яққол кўрсатади. Асарни қисмларга ажратиб, кейин уни бир бутун ҳолда яхлитлаштиришга асосланган структурал ва персонаж руҳиятига чуқур кириб борадиган психоаналитик таҳлил “Анор” ҳикояси мисолида ўзгача сайқал топар экан, мунаққид қаҳрамонлар қалbidаги меҳригиёни топади. Ва ана шу меҳригиё асарни бошдан охиргача тутиб турган куч эканлигини аниқлайди.

Умарали Норматов Абдулла Қаҳҳор шахсиятига оид фактлардан улар остида яшириниб ётган таг маъноларни илғайди. Натижада асалларидаги сюжет кўп қатламли маъноларга эга

<sup>13</sup> Қаҳҳорни анилани машаккати, 12-бет

эканлигини ойдинлашади. Маълум бўладики, адаб ҳақидаги фактлар, ёзувчининг ўзи ҳақида билдирган фикрлари ҳам асарлари моҳиятидаги туб маъноларни тўла равишда англашга асос бўла олмайди.

Устоз мунаққид “Сароб” романи поэтикаси ҳақида ўзигача айтилмаган мухим фикрни илгари суради. Яъни “Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий мафкура билан қуролланган, синфиий рақибларни асло аямайдиган жангари курашчиларнинг ҳақиқий башарасини билган, лоақал холис реалист савқи табиий сажия орқали беихтиёр англаган. Эҳтимол, бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айни ўша кезларда улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушқул эканини тушунган, ҳис этган ҳолда, яхиси, бундай шахсларни асарга киритишдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас<sup>14</sup>”. У.Норматовнинг “Сароб” қаҳрамонлари ҳақида айтган “Бу роман биринчи галда хазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр достони, икки кўркам ёшнинг – бирбирига муносиб, аслида баҳт учун туғилган, аммо табиатидаги ожизликлар туфайли ҳаётда чалғиган, адашган қалбларнинг аччик фожиавий қисмати, руҳий изтироблари ҳақидаги асар сифатида ўқувчини ҳаяжонга солади<sup>15</sup>” деган холосаси XX асрнинг 30-йиллари ҳақида тасаввурларимизни бир қадар тиниқлаштиради. У.Норматов “Сароб”нинг ҳар уч вариантига тўхталар экан, охириги вариантда бош қаҳрамон руҳиятида кечган ўзгаришлар ҳам мантиқий асосига эга эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қаралса, “Сароб”нинг биринчи ва учинчи вариантлари талқинидаги Саидий образи ўзининг турфа қиёфаси билан намоён бўлган мустакил образ ҳисобланади. Саидий фожиаси, аввало, оилада баҳтга эришмаганида эди.

<sup>14</sup> Қаҳҳорни англиши машакқати, 21-бет.

<sup>15</sup> Қаҳҳорни англиши машакқати, 22-бет.

Сораҳон унинг таъбидаги аёл бўлмади. Ҳатто унда ўртача аёл белгилари ҳам мавжуд эмас эди. Унинг жамият кишиси бўлмагани, яхши ёзувчи бўлиб ҳам етишмагани, борингки, шўро одами бўла олмагани ҳам фожиасидаги асосий сабаб бўла олмас эди. XX аср 30-йилларнинг суронли даври, янгилик ва эскилиқ орасидаги муттасил кураш, одамнинг тинкасини қуритар даражадаги очлик ва қаҳатчилик, ҳадик ва қўркув аралаш яшашга маҳкумликка ҳеч бўлмаса оиласидаги ҳаловат чек қўйиши мумкин эди. Саидийга қисмат шуни ҳам раво кўрмади. “Сароб”даги ёрқин персонажлардан бири Муродхўжа домла, образига тўхталар экан, мунаққид унинг миллатчи экани, ёхуд, адаб талқинида миллатчиликни фош қилувчи образ тимсолида гавдаланганига эмас, биринчи галда, унинг инсон сифатида паст-баланд жиҳатларига назар ташлайди. Унинг “табиий инсоний зиддиятлари, ожизликлари билан жаҳон адабиётида мавжуд шу турдаги персонажлар сифатида турувчи ёрқин характер” эканлигига ургу беради. Умуман, Умарали Норматов “Сароб” персонажларини аввало инсон сифатида кўра билади.

Мунаққид “Қўшчинор чироқлари” романи, унинг тақдири каби масалаларни ёритар экан, роман “Сароб”нинг мантикий давоми бўлганига эътибор қаратади. Шунингдек, “Қўшчинор” ҳақидаги фикрлар асосида романнинг яна бир варианти юзага келгани, асардаги сохта ижтимоий конфликт асар баҳосини пасайтиргани, ночор драматизм, пишиқ ишланмаган характерлар, схематизм асар қийматига жиддий путур етказганини таъкидлайди. У.Норматов айни роман тақдиридан муҳим хулоса чиқаради. Яъниким, ўзи шахс эркини куйлаган адаб шу асари орқали эрксиз инсон қисматини тақдирида кўришга мажбур бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссасини танқидчилар замонасозлик руҳида битилган деган қарашларига қарши

ўлароқ, У.Норматов Саида образи тасвиридаги киноявий жиҳатларга эътибор қаратади. Бу образ замиридаги жамики мусбат ва манфий жиҳатлар илдизини очиб берганини таъкидлайди. Саида образига хос шиддат, эркакларга хос қаттиққўлликни оиласининг ўтмиши билан боғлар экан, инсон руҳиятининг чегара билмас оламига, қондан ўтган ирсий белгиларга ҳам алоҳида ургу беради. Шунингдек, шўро сиёсатининг мудҳиш асоратини ўзбек хотин-қизлари тақдирида қандай асорат қолдиргани асардаги Кифоятхон, Мехри, Тожихон, Ойниса образлари мисолида тадқиқ қиласиди, бу асарнинг асло замонасозлик руҳида ёзилмагани, Саидани фақат замонасининг фаол пешқадам, дунёни ўзгартиришга қодир одами сифатидаги образ эмас, балки, Саида фонида давр сиёсатининг ўзбек хотин-қизларига ножӯя таъсири қандай мудҳиш оқибатларга олиб келгани, муҳими, оиласидай муқаддас даргоҳга путур етгани, бу эса жамиятдаги мувозанатга ҳам салбий таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар одамни бефарқ қолдирмайди.

Мунаққид Абдулла Қаҳҳорнинг XX аср 50-60-йилларидағи фаолиятини эринмай таҳдил қиласар экан, адаб шахсиятидаги журъат ва шижаот унинг бутун фаолиятига сингиб кетганини бадиий қаҳрамонлари тақдири ва ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб беради. Менинг назаримда, Устоз “Қаҳҳорни англаш машаққати” рисоласини тақдим қилиш асосида инсон умр йўлида, ҳаётий фаолияти давомида, илм йўлида ўзининг мустаҳкам қарашларига эга бўлиши зарурлигини, шахсиятда событқадамлик зарурлигини, айниқса илмий фаолият шахсият мустаҳкамлиги асосида қарор топишини таъкидлаган эдилар.

*Латофат ТОШМУҲАМЕДОВА  
ЎзЖОКУ Ўзбек тили ва адабиёти  
кафедраси мудири, филология фанлари номзоди,  
доцент*

## ДОМЛАЖОН

1999 йил куз ойлари... Минг бир истиҳола билан 5 йиллик умрим ўтган, талабаликнинг серзавқ ва ажойиб кунларининг гувоҳи бўлган ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг Ўзбек филологияси факультетига бордим. Умарали Норматовнинг олдиларига кафедрага кирап эканман, ҳаяжондан оёқларим дир-дир титрар эди. Домла очиқ юз билан кутиб олиб, мени тингладилар ва илмий реферат ёзиб келинг дедилар. Деярли 4 йил болалар парвариши билан шуғулланган, илмдан узоқлашиб қолган аёл учун бу топшириқ жуда оғир туюлиши табиий ҳол, албатта.

Бир неча кун ўйладим, изландим ва берилган топшириқни қўлдан келганча бажариб, яна қадрдон факультетга бордим. Бу сафар домлага учраш олдиdan ҳаяжоним яна бир неча баробар ошди. Ёзганим ёқмаса-чи, урушиб берсалар-чи деган фикрлар онгимда чарх уради. Кафедранинг эшиги олдида анча турдим, ниҳоят ўзимда журъат топиб, ичкарига кирдим. Домла ишимни синчиклаб ўқий бошладилар, ниҳоят жуда узоқ чўзилган жимлиқдан сўнг менга қараб “бўлади” дедилар. Ҳозиргина ўқиган сатрларини таҳлил қила бошладилар. Англаганим, Умарали акага ёзган рефератим маъқул келган эди.

Сиртқи аспирантурага қабул қилиндим. Ҳар гал кафедрага қимтиниб кириб келар эканман, Домла келинг қизим деб, илиқ кутиб олардилар. Ниҳоят номзодлик диссертацияси учун “Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари” мавзуини танладик. Энди ҳар икки ҳафтада кафедрага келар ва ўта

қизғин баҳс-мунозараларнинг гувоҳи бўлардим. Умарали Норматов, Қозоқбой Йўлдошев, Абдуғофур Расулов, Раҳматилла Иноғомов, Санжар Содиқов, Баҳодир Каримов ва бошқа олимларнинг сұхбатлари, маслаҳатларидан куч олиб ишни ёзишни бошладим.

Бу орада Домламнинг уйларига бориб аёллари Венера опа билан ҳам танишиб олдим, 60 ёшдан ошганларига қарамасдан аямлар жуда чаққон, пазанда, киришимли эканликлари билан мени мафтун этдилар. Биз аспирант аёллар: Хуршида, Шаҳноза, мен аямлар билан жуда тез чиқишиб кетдик. Уйдаги илиқ муносабатлар, Умарали ака ва Аямларнинг бир-бирларига бўлган меҳрли хурматлари, самимий ҳазиллари ҳам биз учун бир мактаб бўлган ўша вақтда. Тушлик вақтида борсак ҳамиша иссиқ овқат ёнида салати билан тайёр турарди. Домлам ўша вақтда 70 ёшга тўлган бўлсалар-да, тетик, бақувват эдилар. Бирга юрсақ, орқаларидан югуриб етолмасдик. Профессорлар шаҳарчасидаги кўркам ҳовлига ёзда бориб қолсак, Домла ўзлари дарахтга чиқиб гилос териб берардилар, Аямлар бир пиёла чойсиз кетишга рухсат бермасдилар. Менимча, домланикага борган ҳар бир инсон шу гилосдан емасдан чиқиб кетмасди. Ана шунақа меҳмондўстлар менинг Домлам билан Аямлар!

Орадан 20 йил ўтган бўлсада, собиқ аспирантлар ҳамон ўша дамларни кўмсаймиз, эслаймиз. Ҳар йили 3 январь куни Домланинг эшиклари тагида йиғилиб, биргаликда уйларига кириш, аямлар билан меҳмонлар келишига тайёргарлик кўриш одат бўлиб қолган.

ДОМЛАЖОН, 100 ёшлардан ошиб аямлар билан қўша қариб юринг, биз шогирдлар баҳтига омон бўлинг! Намунали оиласизга кўз тегмасин. Биз эса ҳамиша 3 январдаги табрик аралаш илмий маъruzага ўхшаш сұхбатлардан баҳраманд бўйайлик. Аямнинг меҳр билан тайёрланган дастурхонлари

атрофидаги давра ҳеч қачон совумаслигини Яратгандан сўраб қоламан.

*Тозагул МАТЕҚУБОВА,  
филология фанлари номзоди, доцент*

### УСТОЗЛИК ШАРАФИ

2021 йилнинг 3-январида Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор – устоз адабиётшунос ва ҳассос мунаққид Умарали Норматов 90 ёшга тўлди. Устоз 68 йиллик илмий фаолиятини XX–XXI асрлар ўзбек, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти, хусусан романчилик муаммоларини кенг ва чуқур таҳдил ва тадқиқ этишга бағишилаган. Бу йиллар мобойнида эълон қилинган илмий, илмий-публицистик мақола, тақриз, адабий сұхбат, рисола, монография, дарслик ва ўкув кўлланмалари адабиёт ихлосмандларининг бадиий адабиёт сир-синоатларини англаб етишларига, асар жозибасини тушунишларига ёрдам бериб келмоқда. Ўз онгли ҳаёти ва фаолиятини илм-фан ривожи, таълим ва тарбиянинг юксалишига бағишилаган устоз катта ҳаёт мактабини ўтади. Университет таҳсилини тамомлагач, умумтаълим мактабида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да аспирант, доцент, профессор, кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатди. “Насримиз уфқлари” (1974), “Етуклик” (1982), “Қалб инқилоби” (1986), “Қодирий боғи” (1996) каби ўнлаб китобларида ўзбек адабиётидаги янгича адабий-эстетик тамойилларни тадқиқ этди.

Мунаққиднинг ижодкор лабораториясини, бадиий ижод қонуниятларини ўрганишга бағишиланган: "Умидбахш тамо-йиллар", "Тафаккур ёғдуси", "Қаҳҳорни англаш машаққати", "Кўнгилларга кўчган шеърият", "Устоз ибрати", "Ижод сехри", "Ижодкорнинг дахлсиз дунёси", "Қодирий мўъжизаси" ва "Нафосат гурунглари" китоблари илмий-адабий жамоатчилик эътибори ҳамда эътирофига сазовор бўлиб, кўплаб тадқиқотчilar учун дастуриласал бўлди.

Истиқоллининг дастлабки йилларида ёқ Умарали Норматов умумтаълим мактаблари ва Олий ўқув юртлари учун янгиланган дастур ва дарсликлар яратишда фаол иштирок этди. У умумтаълим мактаблари ва Олий ўқув юртлари учун яратилган бир қатор дарслик, ўқув кўлланмаларнинг муаллифларидан биридир.

Устознинг кўп йиллар давмида қилган самарали меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1981), Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989); Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси (1992), "Меҳнат шуҳрати" ордени (2011) соҳибидир.

У.Норматов олимликни педагоглик билан биргаликда олиб бораётган забардаст устозларимиздан биридир. У кўплаб мақола ва китоблар муаллифи сифатида ёш истеъдодларга билвосита устозлик қилди. Айни пайтда, педагог, илмий раҳбар, маслаҳатчи, оппонент сифатида бевосита ҳам истеъдодлар тарбияси ва камолига баракали ҳисса қўшиб келмоқдалар. Дарҳақиқат, У.Норматов узоқ йиллар давомида Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилиш билан бир қаторда, юқори даражадаги маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ҳам олиб борган, БМИ ва МДларига раҳбарлик қилган. Кўпгина илмий

тадқиқотчилар улар раҳбарлигига ўзларининг номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишган. Мен ҳам кўплаб шогирлари қатори талаба сифатида устознинг маъruzalарини тинглаш, илмий раҳбарликларида докторлик диссертациям устида иш олиб бориш баҳтига мушарраф бўлганман.

Адабиётга ихлосманд, нафис сўзнинг муҳиби бўлган инсон борки, Ўзбек филологияси бўйича таҳсил олишни, улуғ адабиётшунос, тилшунос устозлар маъruzalарини тинглашни орзу қиласди. XX асрда Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети ана шундай сўз санъати шайдолари ҳавас қиласидиган масканлардан бири бўлиб келди. Бизнинг давримизда, маълум узилишлардан кейин бу анъана яна қайта тикланди. Хуллас, 1989 йилда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, мен ҳам кўпчилик тенгдошларим қатори катта орзу-умидлар, чексиз қувонч билан шу университет даргоҳига қадам қўйганман. Бу муқаддас даргоҳда биз талabalарга филология илми ва ҳаёт мактабидан: Ш.Юсупов, Б.Қосимов, У.Норматов, А.Ҳожиаҳмедов, А.Расулов, С.Содиқов, О.Мадаев, И.Қўчқортоев, Б.Исабеков, Ш.Раҳматуллаев каби ўз касбининг фидойилари бўлган адабиётшунос ва тилшунослар устозлиқ қилишган.

Мен устозим У.Норматовни илк бора 1 курсда ўқиётганимда “Ҳозирги адабий жараён” фанидан маъруза машғулотига киргланларида кўрганман. Унгача домланинг исми шарифларини матбуот саҳифаларида тез-тез учратиб турар, айrim мақола ва рисолалари билан таниш эдим. Умумтаълим мактабини эндиғина тугатиб, университетда таҳсил ола бошлаган биз талabalар наздида фан доктори, профессор бошқа олам вакилидек тасаввур қилинарди. Машғулотлар жараёнида домла У.Норматов оддийлиги, камтаринлиги, самимийлиги билан

кўпгина талабалар меҳрини қозона олган эдилар. Курсдошларимиз билан биргалиқда уларнинг ҳар бир машғулотини интиқлик билан кутардик ва дарс тугагач, аудитория баҳс-мунозара майдонига айланиб кетарди. Машғулотларда биз янги эълон қилинаётган асарлар, уларнинг яратилиш тарихи, адабий жараёндаги ўрни, бадиий хусусиятлари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб, бўш пайтларимизда ўша асарларни излаб топардик, қизиқиш билан ўқиб чиқардик, уларни сотиб олиб, шахсий кутубхонамизни бойитардик. Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, О.Ёқубов, С.Аҳмад, Ў.Хошимов, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг янги асарларини ўша пайтларда севиб мутолаа қилганмиз. Улар бизнинг қўнгил мулкимизга айланган.

Демократия ва ошкоралик деб ном олган 1985 йилдан кейинги даврда XX асрнинг 30-йилларида ноҳақ қораланиб, қатағон курбони бўлган ижодкорларга бир қадар холисона ёндашиш имконияти пайдо бўла бошлади. Натижада, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир сингари ижодкорларнинг асарлари, улар ҳақидаги мақолалар матбуот саҳифаларида чоп этила бошланди. Биз ушбу ижодкорлар ҳақидаги бор ҳақиқатларни У.Норматовнинг маърузаларида тинглаганмиз ва “Шарқ юлдузи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” сингари нашрлардан кичик ҳажмли асарларини, улар ҳақида матбуотда эълон қилиб борилаётган О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, Б.Дўстқораев, Ш.Турдиев ва бошқа адабиётшуносларнинг мақолаларини топиб ўқиб борганмиз. Демак, биз сингари адабиёт даргоҳига эндиғина қадам қўйиб келаётган ёшлилар қалбida адабиётга муҳаббат, илмга рағбат уйғониш, уларни адабий меросни қайта баҳолашга ўргатишда устознинг сабоқлари муҳим ўрин тутгани шубҳасизdir.

Устозимиз У.Норматовда айтаётган фикрини самимий ифодалаш ва ҳаяжонларини тингловчисига таъсиричан тарзда юқтира олиш қуввати ғоят кучли эди. Шунинг учун ҳам домла билдирган ҳар бир фикр талабага тез етиб борар ва унда сўз юритилаётган ижодкор ва унинг асарларига нисбатан меҳрмуҳаббат ҳисси пайдо бўларди. Биз таҳсил олган сабоқдошларимиз орасидан кўпгина фан номзодлари, доцентлар, фан докторлари етишиб чиққани ва улар бугунги кунда республикамизнинг нуфузли университетларида адабиётшунослик фанларидан талабаларга сабоқ бериб келаётганликлари бевосита талабалик йилларимизда У.Норматов ва унинг сафдошлари берган сабоқлар натижаси деб бемалол айта олишимиз мумкин.

У.Норматовни кўпчилигимизга маъқул бўладиган ўзига хос бир жиҳати бу – устозларга чексиз эҳтиром туйғуси эди. Домла ҳар бир дарс машғулоти ёхуд сұхбат-мулоқотлари асносида ўз устозлари ҳақида хурмат-эҳтиром билан сўз юритардилар. Натижада биз, талабалар, нафақат У.Норматов китоблари, балки улар эъзозлайдиган О.Шарафиддинов, М.Кўшжонов сингари адабиётшуносларнинг китоб ва мақолаларини ҳам чанқоқлик билан ўқиб, ўрганиб боришни одат қилгандик.

Орадан йиллар ўтиб, 2004 йилда қадрдон университетимга докторантурага ўқишига кирдим. Не ажабки, У.Норматов “Ғ.Фулом ижодиёти поэтикаси” номли докторлик диссертациямга илмий маслаҳатчи бўлдилар. Натижада устозим билан адабиёт ҳақида сұхбатлашиш, илмий ишим юзасидан маслаҳатлар олиш, тез-тез учрашиб туриш имкониятлари кенгайди. Домла билан узоқ йиллик мулоқотларимиз давомида мен У. Норматов чин инсонийлик фазллатларнинг етук қомуси эканликларига гувоҳ бўлдим. Улар ғоятда камтаринлар. Оиласида

ҳам, университетда ҳам ўзларини ғоятда камтар, беғараз ва самимий тутадилар.

Дарҳақиқат, устоз У.Норматов юксак Шарқона муомала маданиятига эгалар. Талаба, магистр, аспирант, докторантми бирор масалада уларга мурожаат қиласа, ким бўлишидан қатъи назар домла у кишига фарғонача мулойим оҳанг билан “сиз”-лаб, ҳурмат билан муносабатда бўладилар, сұхбатдошини диққат билан тинглаб, кейин ўз фикрини ифодалайдилар.

У.Норматовдаги масъулиятни ҳис қилиш туйғуси кўпчиликка ўrnак бўла олади. Докторантурада ўқиши жараёнида шахсий режамга мувофиқ талабаларга муайян дарс соатларини ўтишимиз лозим эди. Мен илмий маслаҳатчим У.Норматов машғулот ўтаётган 1-курс магистрларига машғулот ўтишим режалаштирилган эди. Дарс ўтадиган куним жадвалга мувофиқ 5-минут олдин аудиторияга келсан, устоз аллақачон келиб, мени кутиб ўтирган эканлар. Машғулотни ўзлари бошлаб, мени таништирилар ва дарс ўтишни менга топширдилар. Мен энди домла кафедрага кетсалар керак деб ўйлагандим. Аммо домла охирги партага ўтиб, машғулотни кузатиб ўтирилар. Ҳар бир машғулотда шу ҳолат такрорланди. Ҳатто шу фанга ажратилган аудитория соатлари ўтиб бўлингач, якуний назоратни ҳам биргалиқда олиб, ўзаро маслаҳатлашиб, талабаларни баҳолаганмиз. Домланинг ўз касбига бўлган бундай мұҳабати, садоқати, эътибори, нафақат биз шогирдлар, балки барча педагоглар учун ҳам ибрат бўлишга лойиқdir.

У.Норматов инсон қадрини ҳамма нарсадан устун қўйиб, адабиётни инсоншунослик сифатида ардоқлаб, ҳамиша биз шогирдларга беғараз ёрдам бериб келганлар. Докторантурада ўқиб юрган йилларим устозимнинг янги китоби нашрга тайёрланаётган эди. Шогирдлар ўзаро маслаҳатлашиб, навбати билан уларнинг уйларига бориб, китоб матнини ўқиб чиқишида

озроқ ёрдам бермоқчи бўлдик. Менинг навбатим келган куни ишдан кейин уларнинг хонадонларига йўл олдим. Уйларига боргач, нима мақсадда келганимни эшитиб, домла ва Венера аямиз, қизлари Шоира опа мен билан бироз суҳбатлашиб ўтиришиди. Ишга навбат келганида, астойдил илтимос қилишимга қарамай, фарзандларингиз ёш, бир томонда илмий иш, рўзгор ташвиши билан бандсиз, овора бўлиб юрманг, бошқа шогирдлар ёрдам беради, деб уйга жўнатиб юборишган. Бунга ўхшаш ҳолатлар жуда кўп бўлган. Муҳими, устоз У.Норматов нафақат етук олим, юксак фазилатлар соҳиби сифатида, балки файзиёб оиланинг бошлиғи, инсонни дилдан тушунадиган, муаммоларини самимий ҳис қиласидиган, руҳан қайишадиган бағрикенг Инсондир.

Мен азиз устозим доимо соғ-саломат бўлишларини, юз ёшларга кириб, фарзандлар, невара, эваралар ардоғида юришларини тилаб қоламан. Ҳар бир жабҳада биз шогирдларга ибрат бўлиб юрсинлар. Умарали Норматов асос солган илмий мактаб янада юксалаверсин!!! Илоҳим, шундай устозлик шаррафи биэга ҳам насиб қилсин!!!

*Шаҳноза ЭРГАШЕВА,  
филология фанлари номзоди*

## **БАГРИЕНГЛИКДА БЕНАЗИР ОЛИМ**

Инсон ҳаётда эришган ҳар бир ютуғи учун устозлари олдиди қарздордир. Устоз жуда кенг қамровли тушунча: кимдир илмда, кимдир касбда, яна кимдир ҳаётда бошқа бировга устозлик қиласы, йўл-йўриқ кўрсатади. Камина устозлардан ёлчиган баҳтли шогирдман. Боиси нафақат илмда, балки инсонийлик, олийжаноблик ва бағриенгликда ҳам ибрат бўла оладиган олим, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовнинг шогирдиман.

2003 йилда илм иштиёқида Ўзбекистон Миллий университети аспирантурасига минг ҳадик ва ҳаяжон билан ҳужжат топширганман. Синовлардан муваффақиятли ўтгач, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Қозоқбой Йўлдошев, Раҳматилла Иноғомов сингари дарғалар фаолият кўрсатадиган “Ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедрасига тадқиқотчи сифатида бириктирилдим. Филология фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев турмуш ташвишлари ва фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиб, илмий ва адабий жараёндан анча узилган, ўзига ишончи суст тадқиқотчи билан қисқа сухбатдан сўнг “Сиз билан Умарали ака ишлайдилар”, деди.

Кафедра фаолиятига, машғулотлар жараёнига киришиб кетдим, лекин устозим тадқиқот обьектини белгилашга, мавзуу беришга шошилмас эдилар. Назаримда, улар илмий фаолиятга жалб қилиш асносида оиласвий шароитим, қизиқишиларим ва билим даражамни зимдан ўргандилар. Бир куни “Саида Зуннунова шеъриятида ижодкор шахсияти ва лирик қаҳрамон

муаммоси" мавзусини ишлайсиз, жуда сизбоп мавзу", деб қолдилар.

Тұғриси, ўша пайтда Саида Зуннунова ижоди билан яқындан таниш әмаслигим, шеъриятта нисбатан насрға қизиқишим устунылиги боис бошқа мавзуларни ўз билганимча айтиб күрдім. Домла эса қатъий ишонч билан: "Шу мавзу сизга жуда тұғри келади, ўрганишни бошланг. Ҳали ўзингиз қизиқиб кетганингизни билмай ҳам қоласиз", дедилар.

Иzlанишларим давомида устозимнинг нақадар ҳақ эканликтарини, тұғри қарор қабул қылғанликларини ҳис қилдім; шоира ижоди билан яқындан танишганим сари шахсиятига ва асарларига қизиқишим тобора ортиб борди. Беназир шоира-нинг күнгил қатларидан тұқылған сатрлар нафақат бадий вайлмий савиямни ошириш, балки аёл, она, оила бекаси ва ижтимоий шахс сифатида ўсишим учун турткы берди.

Илмий-тадқиқот фаолиятини журналистика билан уйғунликда олиб борғанлигим учун илмий мақолаларни шакллантиришда, фикрларни баён этишда қийинчилик бўлмасди. Бундан устозим жуда хурсанд бўлар эдилар, "Бошқа шогирдларнинг мақолаларини бир неча марта ўқиб, таҳрир қилиб қайтараман, сизнинг ифода услубингиз яхши", деб мендек ўзига ишончи заиф бўлган шогирдга далда берар эдилар.

Биз – шогирдлар домланинг хонадонларига ўз уйимиздек bemalol кириб бораверамиз. Устознинг турмуш ўртоқлари – аямиз ниҳоятда бағрикенг, нозиктаъб, ширинсухан аёл, меҳмон қилмагунча чиқармайдилар. Биз учун устоз ва ая жуфтлиги – мустаҳкам оила, ҳурмат ва эҳтиром намунаси. Аямиз ҳар бир шогирднинг феъл-атворини яхши биладилар, қачон борсам, домланинг кенжә шогирди, деб очиқ чехра билан кутиб оладилар.

Илмга муносабат ва фидойилик бобида ҳам устоз ҳамиша шогирдларига ўрнак. Айрим тадқиқотчилар илмий раҳбарларининг мақола, автореферат ёки диссертациясини ўқиб, на-зардан ўтказиш жараёнини чўзишларидан нолишади. Бу бо-рада бизда асло муаммо бўлмаган, домла ишимизни дарҳол ўқиб, фикрларини эринмай қоғоз четига ёзиб кўядилар. Агар ишдан кўнгиллари тўлса ёки қайсиdir фикр ёқиб қолса, те-лефон орқали муносабатларини билдирадилар.

Устознинг ғайрат-шижоати, адабий жараёнга фаол муносабати, сўз санъатидаги янгиликлардан боҳабарлиги биз шо-гирдларни ҳамиша ҳайратлантириб келган. Иш столлари устида тахланиб турадиган, сиёҳи қуриб улгурмаган қўллэзмаларни ўқиб, ҳис-ҳаяжон билан сўзлашлари, адабиётдаги ҳар бир ҳодисани синчковлик билан кузатиб, илмий таҳлил қилишла-рига ҳавас қиласиз.

Кунларнинг бирида устоз “Саид Аҳмад домла чақиряп-тилар, бирга бориб келамиз”, деб қолдилар. Гарчи Нодира Саид Аҳмад қизи билан учрашиб, илмий иш учун улардан материал ва маслаҳат олиб юрган бўлсан-да, машҳур ёзувчининг хонадо-нига ташриф буюриш камина учун ўта ҳаяжонли воқеа бўлган.

Саид Аҳмад бизни ҳазил-мутойиба билан кутиб олди, бир пиёла чой устида суҳбат қурилиб, муддаога ўтилди. Ёзувчи-нинг вафодор рафиқаси Саида Зуннунова ҳаётининг сўнгги ку-ни билан боғлиқ ғамгин хотирасини диққат билан тингладик.

Маълумки, Саида Зуннунованинг “Сўқмоқлар” қиссаси ўз даврида жиддий танқидга учраган. Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, шу қисса сабаб адібанинг бошига “тўқмоқлар” ёғил-ган.

Саид Аҳмад шоира вафотидан бир кун аввал касалхонага диктофон билан келишни илтимос қилганлиги, диктофон унутиб қолдирилганлигини билгач, кўзига ёш тўлгани, шоша-

пиша “Сўқмоқлар” асарини қайта ишлаш нияти борлиги ва айрим саҳифаларини қандай сюжетлар билан тўлдиришини айтиб берганлиги ҳақида сўзлагач, олдимиизга бир даста қозоғ кўйди. Бевақт ўлим туфайли шоира асарни қайта ишлай олмаганлиги, орадан йиллар ўтиб, ёзувчи ушбу саҳифаларни тиклаганлигини айтди: “Вакти қазо етиб, у дунёга борсам, Саидахонга ҳисоб беришим керак. Ахир вафотидан бир кун олдин бежиз менга бу гапларни айтмаган”, деди. Ёзувчи кексайиб қолганлигини, айрим фикрларда такрорлар ва услубий ғализликлар бўлиши мумкинлигини айтиб, мендан қўлёzmани таҳrir қилиб беришни сўради.

Ушбу қораламалар устоз раҳбарлигига таҳrir қилингач, 2005 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Сўқмоқлар”нинг асарга кирмай қолган саҳифалари” сарлавҳаси остида чоп этилди.

Бу йил устозимиз табаррук 90 ёшни қораладилар. Заҳматли меҳнат, илмий изланишлар, педагогик ва устозлик фаолияти, инсонийлик атоқли олим Умарали Норматовнинг сермазмун умр китобидаги бош мавзулардир. Ўзбек илм-фани, адабиётшунослиги шундай олимлар ҳисобига ривожланади, ёш авлод эса уларга муносиб бўлишга интилади.

*Умида РАСУЛОВА,  
филология фанлари доктори*

## ОЛИМНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

Илму маърифатнинг маҳзанини англаш душвор, бунда зakovat, қаноат, қунт, сабот муштараклиги муҳим саналади. Инсон кўнглидаги поклик, шаффофлик ўз соҳасига содиқлик,

масъуллиқда намоён бўлади. Йиллар давомида китоб аҳдини Қодирий боғига сайрга чорлаган, ёш қаламкашларни Ижод сехридан воқиф айлаган, қизикувчан талабага Қаҳҳорни англаш машаққатидан таҳсил берган, билағон болага Саргузашт сардорини ҳамроҳ қилган, Умидбахш тамойилларни кашф этган олим Умарали Норматов адабий жараённинг фаол қузатувчиши ҳисобланади. Атоқли профессор Сайд Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон каби ижодкорлар яратган асарлар бадиияти, қаҳрамонлар дунёқарashi борасида оҳорли мулоҳазалар билдиради. У синчков мунаққид сифатида адабиётимиздаги эстетик тамойилларни, назарий муаммоларни биринчилардан бўлиб тадқиқ этаркан, бунда ижодкор лабораториясини, поэтик дунёсини ҳам инобатга олади. Ёш истеъдодларни сўз салмоғи, шукуҳини ҳис этишга, миллий, маънавий бойликни асрasha даъват этади. Адабиёт илмини қисмати деб билган олим глобаллашув жараёнида ҳам маданий меросимизни авайлаш, миллий анъаналарни тарғиб этиш борасида залворли қарашларни илгари суради. Умарали Норматов ўзбек адабиётининг бу-гунги манзарасини ҳам ватан, оила, ахлоқ масалалари билан уйғуноликда кўришни истайди.

Ўзбекистон Миллий университетида ярим асрдан зиёд фаолият кўрсатган бу инсоннинг маъруза, сухбатидан баҳраманд бўлган илму толиб, ҳамкаслар, ижодкору шогирдлар унинг фитратидаги самимийлик, жўшқинлик, эркинликни ҳис қилганилар. Умарали Норматов танқиднинг тақриз, адабий портрет, муаммоли мақола, адабий сухбат жанрлари ривожига ҳам муносиб ҳиссасини қўшмоқда. "Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси", "Талант тарбияси", "Қалб инқилоби" каби асарларда адаб биографияси, давр адабий муҳити, бадиият масалалари қамраб олинади. Олим холислик ва ҳалоллик мезони ила

бадиий яратиқларни баҳолашга, истеъдод мөхнатини қадрлашга риоя этади. Ўзбек танқидчилигида қодирийшунослик, қаҳҳоршунослик илмий мактаблари ривожида олимнинг муносиб ҳиссаси бор. Вақтли матбуот саҳифаларида адабий метод, йўналишлар борасидаги баҳсларда ҳам Умарали Норматовнинг асосли, теран мулоҳазалари дарҳол эътиборни тортади. Ҳозирги адабий жараёндаги ўзгаришлар, жаҳон адабиётидаги янгиликлардан боҳбар мұнаққид сафдошлари, шогирдлари билан бу борада адабий сұхбатлар уюштиради, кенг жамоатчилик, китоб мухлисларининг фикрини ҳам инобатга олади. Озод Шарағиддиновнинг ilk шогирди Умарали Норматов доим устозини эъзозлаган, унинг сийратидаги ҳақиқат, садоқатни қадрлаган. Ёдимда, 2002 йилда Шарқшунослик университетида амалий лойиҳани тасдиқлатиш мақсадида Умарали Норматов, Абдуғафур Расуловлар билан раҳбарлар хузурида йиғилғанмиз. Бу лойиҳа доирасида Озод Шарағиддиновнинг "Ижодни англаш баҳти" асари нашр этилиши режалаштирилган. Ҳайъат аъзолари иқтисодий томондан барча нарсани назорат қилиб, кўплаб лойиҳани тасдиқламаган. Айрим кишилар мунозара жараёнинда фикрини асослай олмай, муддаога эришолмаган. Навбат бизга келиб, сўзга Умарали Норматов чиқадилар. Уларнинг эҳтиросли нутқлари, дадил қарашлари барчанинг диққатини чорлаган, регламентга ҳам риоя этилмаган. Сўзлари якунида навбатнинг Абдуғафур Расуловга берилишини сўраб, унинг ҳам лойиҳа салмоғи борасидаги мулоҳазасини тинглашга чорлаганларида ҳайъат раиси туриб, ҳеч қандай эътиroz йўқлигини, лойиҳа тасдиқланишини маълум қилган. Амалий лойиҳа натижасида яратилган монография ҳозирги кунда ҳам мутахассислар томонидан севиб мутолаа қилинади. Кўринадики, ўз соҳасини пухта билган,

аниқ мақсад билан фойдали илмий тадқиқотлар яратган олимлар турли даврада ўз ғояларини етказа олганлар.

Озод Шарафиддинов маслаҳати билан бошланган давраларда Умарали Норматов, Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Ғафуров, Ўткир Ҳошимов, Неъматилла Иброҳимов, Ҳуршид Дўстмуҳаммад, Ҳамидулла Болтабоев, Шуҳрат Ризаев каби олиму ижодкорлар ҳамкорлиги мустаҳкамланиб борган. Бу адабий гурунг янги асар тақдимоти, мунаққид ва санъаткорнинг кўнгил мулоқотига айланиб, адабиёт, маданият, тарих, эстетика, фалсафа соҳасидаги қизгин мунозараларнинг майдони бўлган. Даврдаги кишиларнинг интеллекти, диди, хәёлларини адабиёт ва санъат олами бирлаштириб турган. Адабиётшунос нигоҳидан ўтган, моҳир тингловчи эътиборига ҳавола этилган бадиий асар холис фикр, баҳо боис пишиб, етилиб, тўйинтирилиб маромига келган. Айтиш жоизки, бу нафосат гурунгида адабий жараёндаги янгиликлар, ёш истеъдодлар, жаҳон адабиётидаги ўзгаришлар борасида самимий фикр алмашилган. Мазкур жараён йиллар силсиласида етук асарлар тақдим этилишига имкон яратган.

Умарали Норматов Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмасидаги илмий, бадиий кенгашларда ҳам фаол қатнашиб, бугунги кун долзарб муаммоларини ҳал этишга ҳиссасини қўшиб келади. У аввало, ҳар бир янги асар бадиинини баҳолаш, саёз асар кўпайишига йўл қўймаслик, китобхон ёши, дунёқарашига монанд яратилган матн пухталигини кузатиш борасида зарур маслаҳатини аямайди. Олим жаҳон адабиётидаги модернизм, структурализм, постмодернизм оқимига хос хусусиятларнинг бугунги ўзбек шеърияти, насрода намоён бўлиш ҳолати борасида ҳам залворли мулоҳазаларини билдиради. Умарали Норматов янгиликнинг маданий, ижтимоий қатламга таъси-

рини англатишда маънавий аҳқомларни қадрлаш, инсон сийратидаги одамийликни эъзозлаш ақидасини қувватлайди. Ўзбек адабиётининг дунё маданиятидаги мақомини асраш мақсадида ижодкор томонидан яратилган тимсол, характерларда унинг ўзлиги, ориягини кўрсатиш муҳимлигини эслатади.

Заҳматкаш, фидойи Умарали Норматов бугун 90 ёшга тўлди. Унинг умр йўлдоши маъсума Венера ая домланинг бу марта бага эришишида доим суюнчиқ бўлдилар. Адабиётнинг садоқатли, бағрикенг муҳибларига Яратгандан соғлиқ, хотиржамлик тилаб қоламиз.

*Ҳалим КАРИМ  
филология фанлари номзоди, доцент.  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

### ТАҚДИРИМНИ БЕЛГИЛАГАН УСТОЗ

Атоқли адабиётшунос олим Умарали Норматов менинг тақдиримда – адабиётшунос, ижодкор, қолаверса, одам сифатида шаклланишимда муҳим рўл ўйнаган инсонлардан бири эди. Шунинг учун устоз ҳақида ўйлаганимда нафақат Тошкент давлат университети филология факультетидаги талабалик даврим, балки кейинчалик айнан домлага бориб қадаладиган ўқувчилик пайтларим ҳақидаги хотиралар ҳам жонланаверади. Республиkanинг бош олийгоҳида фаолият юритадиган асли фарғоналий йирик адабиётшунос олим билан Андижон шаҳридаги мактаблардан бирининг ўқувчиси ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин ?!

Мен 1967-77 йиллар давомида Андижон шаҳридаги академик Ҳадича Сулаймонова номли 15-ўрта мактабда ўқиганман.

Маҳалламизга яқин бўлган бу мактаб ва у ерда ишлайдиган педагоглар, айниқса, биринчи ўқитувчим Софияхон Замонова, синф раҳбарим Нурия Хисматулина, она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари – кейинчалик қадардонларимга айланган Ваҳобжон aka Жабборов ва у кишининг холавачаси бўлган ажойиб лирик шоира ва оташин публицист Турсуной Содикова каби устозларим уч ёшида онадан етим қолиб эсликкина бўлиб қолган мендай “кўнгли ярим” болакайнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлар. Ўқувчилик йилларим бугун ўқисам энсам қотадиган шеърлар ёзиб юрар эдим. Ёўр шеърларимни ўқиган ўқитувчим Ваҳобжон aka Жабборов мен ҳақимда айтган бўлса керакки, борган сари танилиб, машҳур бўлиб бораётган шоира ўқитувчим Турсуной Содикова гарчи ҳали бизга дарсга кирмасалар ҳам менга алоҳида меҳр кўрсатар эди. Опа гоҳида қўлимдан ушлаб ўқитувчилар хонасига олиб кирава ўзининг янги ёзган шеърларидан ўқиб берив, мени ҳайрон қолдирганча “Қалай?” деб сўраб қолар эди. Ўша пайтлари ўқитувчи шоиранинг ижодига баҳо беришга унчалик ақлим етмаса ҳам “Опа, яхши ёзибсиз” деган бир хил гапни айтишга фаросатим етган бўлса керак. Мактабни битираётган пайтларим эди. Ваҳобжон акам билан Турсуной опам мени ўз хоналарига чақириб, “Сен филология факультетига ўқишга киришинг керак” деб қолишибди. Уларнинг бу гапи мактабда яхши ўқисам ҳам ҳалигача келажакда ким бўлишимни ҳал қилолмаган мендай бир ўсмирнинг келгуси ҳаётини белгилаб берди! Устозим Ваҳобжон aka Жабборов “Сен Тошкентда ўқигин, пойтахтда ўқиш иккита институтни битириш билан баробар. Ҳаёт дорилғунуни ҳам ўрганасан”, – деди. Турсуной Содикова эса “Сен мен ўқиган ТошДУда ўқийсан, устозларимга хат ёзиб бераман. Бу йил Умарали Норматов домла имтихон комиссиясининг раиси. У жуда ҳалол, покиза ва фидойи инсон. Омадинг келиб қолса

ажабмас,” – дедилар. Опам шунчаки гапирмаган экан, Тошкентга кетар чоғим қўлимга учта (!) конверт тутқазди. Уларнинг биринчиси ўша йили ТошДУ филология факультетига ўқишига кирувчилярнинг ҳужжатларини қабул қилаётган Тожихон опа Собитовага (кейинчалик филология фанлари номзоди, доцент, фольклоршунос олима), иккинчиси, опанинг яқин дугонаси филология фанлари номзоди Матлуба Азимова ва у киши орқали имтихон комиссиясининг раиси Умарали Норматовга ёзилган хатлар эди. Табиийки, мен бу одамларнинг бирортасини ҳам танимас, Тошкентга ҳам мустақил равишда эндиғина кетаётган эдим. Улкан адабиётшунос олим, устозим Умарали Норматов ҳақидаги хотираларимни ёзишда гапни узоқдан бошлишим бежиз эмас. Бугунги ижтимоий ҳаётимиз, одамларнинг маънавий қиёфаси, бир-бирларимизнинг тақдиримизга бефарқлик, олий ўқув юртларига киришдаги юмшоқ қилиб айтганда “машмашалар” фонида мен юқорида санаган ўқитувчиларимнинг, пойтахтдаги устозларим ва дўстларимнинг меҳр-шафқатлари ғалати туюлмаяпдими сизга?! Бўлмаса, бор йўғи уч-тўртта бир-биридан ғўр шеър ёзиб қўйган ўсмирнинг машҳур шоира ва ўқитувчилар билан қандай яқинлиги бор?! Ёки пойтахти азимдаги университетда фаолият юритувчи олимлар билан нари борса талабаси ёки курсдоши бўлган вилоятдаги мактаб ўқитувчисининг қандай алоқаси бор?! Ўшанда Тожихон опа Турсуной опамнинг хатини ўқиди-ю ҳужжатларимни қабул қилишга ёрдамлашди. Умарали Норматов ва Матлуба Азизова ўқитувчимнинг хатини ўқиганлиги учун, албатта, гарчи “беш” баҳога яраша жавоб бермаган бўлсан ҳам “аъло” баҳо қўйдилар ва мен айнан ўша “аъло” эвазига университет талабаси бўлдим. Мен уларнинг бирортасига хатто “раҳмат” ҳам демаганимни бугун алам ва ўқинч билан эслайман. Фақатгина, кейинчалик шоира ва оима Турсуной Содикова билан битта кафедрада

ишлаганим, устозим янги китобларимни фаҳр билан қабул қилгани, анча-мунча ижодкор ёнларига боришдан ҳам ҳижолат тортадиган улуғ олим Умарали Норматовнинг менинг “Тарихий шахс ва бадиий образ” номли монографиямга тақризчилик қилгани, “Мехрим” деб аталган шеърлар ва ҳикоялар китобимга юксак баҳо берганлари, “Бизнинг водийда истеъдодлар жуда кўп” дея хурсанд бўлганлари кўнглимга озгина таскин беради.

1977 йил 1 сентябрь. Ҳеч ёдимдан чиқмайди... Талаба бўлганимизнинг биринчи куни, биринчи дарс эди. Аудиторияга Умарали Норматов кириб келдилар. Биринчи гаплари ҳаммага савол бўлди: “Ким “Ўтган кунлар”ни ўқимаган?” Саволнинг оҳангиданоқ ҷўчиган талабалар гарчи романни ўқимаганлари бўлса ҳам жим қолдилар. Фақат бир-икки талаба ўрнидан туришга жазм қилди. Домла бирдан ҳаяжонланиб кетдилар: “Ўтган кунлар”ни ўқимасдан туриб нега филология факультетига ўқишга кирдингиз?” деб романни ўқимаганларни мулзам қилдилар. Буёғи бошланиб кетди... Биринчи ўзбек романининг фазилатлари... Бадиий асарнинг вазифалари... Ёзувчининг бадиий маҳорати ва унинг сирлари... талабаларга сўз санъатининг тилсимотлари аста-секин эшикларини оча бошлади. Энг муҳими домланинг биргина саволининг ортида адабиётга бўлган муҳаббат, сўз санъатига ошифталик ва ижодкорлик ўзига хос фидойилик ва қатъиятни талаб этишини ҳис қила бошлаган эдик.

Биз 2-курсда ўқиётган 1979 йил баҳорида аксарият талабаларнинг севимли устози, йирик адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таваллудининг 50 йиллиги нишонланди. Тадбирнинг асосий қисми ТошДу бош кутубхонасининг катта залида ўтказилди. Мен ҳам тадбирга даҳлдор – хизмат қилувчи талабалар қаторида эканлигимдан фаҳрананар эдим. Машхур шоири адиблар ва олимлар ташриф буюрдилар. Озод домла ҳақида жуда илиқ фикрлар, табриклар айтилди. Совғалар топ-

ширилиб, зар чопон кийдирилди. Тадбирда О.Шарафиддиновнинг биринчи шогирди ва дўсти Умарали Норматовга ҳам сўз берилиб, унинг филология фанлари доктори, профессор даражасига етгани айтилди. Шунда Озод аканинг бир иши йигилганларни ҳаяжонга солди. Устоз ўзига кийдирилган зар чопонни Умарали аканинг елкасига ёпди. Гулдурос қарсаклар янгради. Бу устоз ва шогирд муносабатларининг ёрқин ифодаси бўлиши билан бирга Умарали Норматов иқтидорининг ўзига хос эътирофини кўрсатувчи ибратли воқеа эди.

Тақдир тақозоси билан мен Умарали Норматовнинг жигаргўшаси Шоира Норматова билан курсдош, ҳамфир ва ҳаммаслак дўст бўлдим. Бу ҳам бизнинг домла билан янада яқинлашибиз, хонадонига бориб туришимиз, устознинг турмуш ўртоқлари Венера ая билан танишишимиз, уларнинг турмуш тарзларидан ибрат олишимизга туртки бўлди.

40 йилдан буён талабаларга адабиёт илмидан сабоқ берадман. Ёзмаса бўлмайдиган даражага етгандагина ёзилган ижодим ҳам бор. Маърузаларимда раҳматли устозларим Субутой Долимов, Сидик Фузайлар, Иристой Кўчқортов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Норбой Худойберганов, Бегали Қосимов, Абдугофир Расулов, Мухсин Олимов, Ёрмат Тожиев, Омонилла Мадаев каби устозларимнинг дарслклари, мақолалари ва маърузаларидан ҳануз фойдаланаман, ҳатто уларга баъзан билиб, баъзан билмай тақлид ҳам қиласман. Талабалар дарсларимдан мамнун бўлганларини сезганимда устозларими ни хотирлайман. Уларнинг дастлабки қаторида улуғ олим, олижаноб инсон устоз Умарали Норматовнинг ҳамиша жилмайиб турган нурли сиймоси ҳам бор.

## УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Устозларни одатда шамга қиёслашади. Улар шам каби порлаб қоронғи борлиқни илм нури ва зиёси билан ёритиб кўнгилларни нурафшон этадилар. Атрофида истеъоди “йилт” этган илм толиби ёки шогирди борми, уларни илм ёки ижоднинг машақатли ва қоронғи йўлларида адашмасликлари учун тўғри йўл кўрсатиб оталарча ғамхўрлик кўрсатадилар. Буюк миссия – маёқлик вазифасинини бажариб, кексайғанларида ҳам шогирдларнинг ғами, қувончи билан саодатли ҳаёт кечирадилар. Сўнг эса ҳам Яратганинг буюк ҳақиқатига бўйунсиниб қалбларидаги ҳарорат тафтидан шамдек зриб, мангулик қаърига абадий сингиб ўзларидан яхши ном қолдириб кетадилар. Донолик билан айтилган бу гўзал фалсафа, қайси донишманднинг сўзи бўлса ҳам жуда ўринли ва топиб айтилгани айни ҳақиқат. Ростдан ҳам ҳақиқий олим ва устозларнинг шарафли ва машойихларгагина насиб этадиган баҳтли қисмати ана шундай. Аслида бундай буюклар атрофида илмий, ижодий муҳит ва бадиий мактаблар шаклланади. Мен устоз Умарали Норматовга замондош сифатида шундай баҳтли қисмат – домлага ҳам насиб этган деб баралла айта оламан.

Бизнинг гуруҳ йигирманчи асрнинг етмишинчи-саксонинчى йилларида Ўзбекистон Миллий университетининг (со-биқ В.И.Ленин номидаги ТошДУ) филология факультетида улуғ устозларнинг қўлида ўқиши баҳтига мұяссар бўлган. Бу тарихан қисқа йилларга ўзбек миллий маданияти, илмининг гуллаган - олтин йиллар деб баҳо бериш тўғри бўлади, меним-ча. Мазкур даврдаги адабиёт факультети тимсолида айтиш мумкинки, биз кўнгли ижод кишиси бўлиш орзусида ёнган

романтик ёшлар жўшқин ижодий муҳити оғушига тушиб қолганмиз. Факультетда ўша пайтда қизғин ижод билан шугулланаётган ва республика вақтли матбуотида адабий баҳс ва мунозараларнинг энг фаол иштирокчилари бўлган олим-ўқитувчилари дарс беришар, биз бадиий асарнинг мезони ғоявийликми ёки бадиийликми деб икки йўл орасида қолган талабаларга Л.Қаюмов, О.Шарафутдинов, М.Сайдов, У.Норматов, А.Расулов, Н.Худойберганов, Б.Қосимов ва бошқа таниқли олимларнинг эҳтиросли, илмий асосланган, таҳдилга бой маърузалари сабоқ бўлар, эстетик дидимиз адабий жараён, бадиий асарни тушуниш, бадиий маҳорат ва уни баҳолаш меъёrlари ҳақидаги дунёқарашимизни шакллантирар эди. Олимлар ўртасидаги ўзаро самимий ва беғараз баҳслар ва устоз-шогирдлик муносабатларидан биз жуда ҳайратланардик. Мумтоз адабиёт билимдонлари Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Шариф Юсупов, Ғайбулла Саломов, тилшунос олимлар Аюб Ғуломов, Шавкат Раҳматуллаев, Иристой Қўчқортов, Миразиз Миртоғиев каби дарғаларининг чуқур илмий ва юксак дараҷадаги жозиба ва маҳорат билан ўқиладиган маърузалари бизларда катта таассурот қолдиради. Биз бу ерда катта ижодий муҳит, мактаб шақлланганини кейинчалик йиллар оша англаб етганмиз. Бу муносабатларнинг гўзаллиги шунда эдики, катта жамоада ҳавас қиласлик даражада самимий дўстона устоз-шогирдлик руҳи уфуриб турарди. Устозларнинг аксарияти уруш кўрган ёки ундан кейин шаклланган зиёлилар авлоди ва уларнинг шогирдлари бўлиб, муносабатларнинг замирида ягона маслак, ўзбек миллий маданияти равнақига холис хизмат қилиш нияти ётарди.

Биз Амир Темур, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар ҳақидаги ўша вақт матбуотида айтиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни Озод Шарафитдинов, Умарали Норматов, Аҳмад Алиев,

Вилоят Файзиева ва бошқа олимларнинг бадиий таҳлилга тўла, чуқур илмий маъruzalari орқали билганмиз.

Бу ижодий мактабда ҳукмрон бўлган беғараз самимий муҳит, йўллар оша бизларга зиёли инсон ўз миллати равнақига, Ватани ва маданиятига қандай хизмат қилиши лозимлигини ўргатди. Бу ибратли фазилат бизнинг маънавий тамоийлларимизни, инсоний дунёқарашимизни шакллантирди. Қалбимизга нурли чироқ бўлиб порлади. Ва умрбод тақдиримиз улуғ даргоҳ тақдири билан боғланниб қолди. Бунинг таъсирида сағимиздан камтарона бўлса ҳам ўз касбига содиқ дўстларимиз ф.ф.д., профессор Дурдана Худойберганова, ф.ф.н., доц. ва шоир, ЎзР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳ.Каримов, ф.ф.н., фольклоршунос олим(мархум) доц. Т.Ҳайдаров, ф.ф.н. доц. Ш.Норматова, фал.ф.н. Ф.Абдусаматова, Ўзбекистон Ҳалқ маорифи аълочиси С. Ахроров, ёзувчи, сценарист Б.Каримов ва бошқа эл таниган ношир, журналист ва қаламкашлар, республикамиизда таникли ўқитувчи, зиёли ва жамоат арбоблари етишиб чиқдилар.

Бу мактаб вакиллари устоз Умарали Норматов каби умрларининг сўнгги дақиқасигача солиҳ фарзандлари, касбдош дўстлари, шогирдлари ардоғида саодатли умр кечириб ўтдилар. Шу ўринда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ижодкорнинг тарихдаги ўрни унинг ўзи танлаган соҳага, жамият маънавиятининг ривожига қилган хизмати билан белгиланади, – деган фикри эсимга тушади.

Ақлий меҳнат инсон ақлини чархлайди, умрини узайтиради деган фикрнинг исбот талаб эмаслигини мен Умарали Норматов ҳаёти тимсолида кўрганман. Ҳаётимда устоз билан боғлиқ бир воқеани айтиб берай. Ёшлиқдан бадиий ижод билан озми-кўпми шуғулланиб келганман. Лекин инсон ўз иқтидорини тарбиялаб, ўз устида мунтазам ишласагина у рӯёбга чиқар экан. Мен дорилфунундан сўнг турли нашриётларда

муҳаррир ва бош муҳаррир бўлиб ишладим. Тирбанд иш, доимий бандлик. Вақт етишмайди. Кейин тадбиркорлик билан шуғулландим. Бундай шароит, яхши ташвишлардан ижод ке-йинги ўринга ўтиб қолар экан. Эсимда, 2017 йилнинг қиши ойларидан ўз-ўзидан яна қаламим ёзиб кетди. Кетма-кет ёзилган машқларим кўпая бошлади. Ҳайрон бўламан? Атрофимдаги қаламкаш дўстларимга кўрсатаман. Шикаста кўнгилга таскин берувчи хайриҳоҳ кўзларнинг борлиги, иккиланган кўнглимни янада қувонтиради денг. Барibir менга нимадир етишмайди. Юрак ютиб ёзганларимни домлага кўрсатгани олиб бордим. Кўп йиллик шахсий мулокотларим, кузатишларимдан холосам шуки, Умарали ака доим илмда ҳалол, тўғри гапни айтадиган инсон. Мени кўриб устоз ҳурсанд бўлиб кетдилар. Кўлёзмаларим билан бир кунда танишиб чиқдиларда, ўзларига хос ҳаяжонли овозда ҳайрат билан кутилмагандა: Укам қаламингиз анча пишиб қолибди. Муҳаррирлик иши ижодкорнинг қаламини чархлайди. Мен кутмагандим. Менга маъқул бўлди. Сиз энди тинмай ёзинг. Бу ҳикояларни тезроқ китоб қилиб чиқаринг. Китобингизга Сўзбошини ўзим ёзиб бераман. Бўшашманг. Бу ишларни ўн-ўн беш аввал бошлишингиз керак эди. Раҳматли Отангиз, амакиларингиз қандай ҳурсанд бўлишар эди-я, деб менга самимий далда бердилар.

Афсуски, домла илк китобимга Сўзбоши ёзишга улгурмадилар. Жойлари жаннатда бўлсин! Бугун кечроқ бўлса ҳам китобим чоп этилди. Устознинг кўллари теккан ва қалам билан ҳаяжонли ўзгартишлар киритилган ўша қўлёзмаларни ҳалигача авайлаб асраб юраман. Уларни ҳар гал қўлимга олганимда Умарали аканинг сиймоси кўз олдимга келаверади.

Дилдора БАҲРИДДИНОВА  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

## МАЪНАВИЙ УСТУН

Қадимги дунёнинг етти мўъжизалари ҳақида эшитгансиз. Улар орасида Искандария маёғи жуда машҳур бўлган. Александр Македонский томонидан қурдирилган ушбу маёқ асрлар давомида қоронғу кечаларда манзил тополмай адашган йўловчиларга, денгизчиларга йўл кўрсатган. Ҳаётимиизда шундай инсонлар бўладики, улар бизга ана шундай маёқ сингари йўл кўрсатади. Устозим Умарали Норматов - чинакам олим ва одам қандай бўлиши кераклигини менга ўргатган инсон. Илмда ўша машҳур Искандария маёғи каби тўғри йўлни ёритиб берган зотdir. Ҳозиргача домла ҳақида ўйласам руҳим ёришиб кетади. Домла ўзининг адабиётга муҳаббати, ҳайрати, самимийлиги, инсонийлиги билан бизга ибрат бўлгулик ҳаёт ке chirдилар.

Мен домлани биринчи марта Миллий университетнинг ўзбек филологияси факультетида, биз магистрларга "Ҳозирги адабий жараён" фанидан дарс ўтганларида кўрганман. 2006 йил эди. Мен бакалавр босқичини Андижон университетида ўқиганман. Домланинг мақолалари, китобларини ўқиб "тишимиз чиққан" лекин шундай машҳур олимни дарсда кўриш бошқача эди. Озод Шарафиддинов ёзувчи Ўлмас Умарбеков ҳақида ёзган мақоласида рус адаби А.П.Чеховнинг "Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам" деган фикрини келтиради. Бу фикрлар устоз Умарали Норматов ҳақида ҳам айтилганидек эди гёё. Ички олам гўзаллиги ва ташқи қиёфа уйғунлиги домлада мужассам эди. Талабалар билан ҳам жуда самимий муносабатда бўлар

эди. Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов сингари катта олимларнинг биз кичкинагина талабаларни ўзига яқин олиб ҳол-аҳвол сўраши, гапларимизни диққат билан тинглаб, фикр билдириши ажойиб холат эди. Бу бизга ишонч берарди. Ҳозир ўзим ҳам шу университетда ўқитувчиман. Талабалар билан муносабатда ана шу табаррук устозлар намуна бўлганидек самимий муносабатда бўлишга ҳаракат қиласман.

Домла матбуотни, адабий журналларни домий кузатувчиси эдилар ва домла уялтирумасин деб биз ҳам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” саҳифаларини кузатувчисига айландик. Эсимда, ўшанда домланинг қадрдони Раҳматилла Иноғомовнинг сўнги таржимаси – Сомерсет Моэмнинг “Ой ва сариқ чақа” романи “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида чоп этилганида домланинг тавсияси билан бутун гуруҳ асарни ўқиб чиққандик. Асар муҳокамасида домладаги ҳайрат бизгаем юқсан, “Қаранг, ижодкор руҳиятини қандай тавсирлаган” деган товуши халигача қулогим остида жаранглайди.

Магистратура босқичини тамомлагандан сўнг Асакадаги ўзим ўқиган Академик лицейга ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. 2-3 хафта дарс ўтганимиздан сўнг биз ўқитувчиларни Бўз (ҳозир бу туман Бўстон деб аталяпти) туманига пахта теримига олиб кетишди. У вақтларда бу каби хашарлар оддий хол эди. Эрталабдан кечгача далада пахта териб, ўқийман деб олиб кетган китобларга қарашга холим бўлмасди. Одил Ёқубовнинг “Диёнат” романи қаҳрамони Соқижон Обидов айтган “Бу колхозчилар оғир меҳнатдан кейин китоб ўқишига хафсала қилмайди” деган холга тушдим. Ўша пайтда “Жаҳон адабиёти ва назария” кафедраси учун аспирантурага 4 та ўрин ажратилганини эшишиб Тошкентга келдим ва Жаҳон адабиёти фанидан дарс берган устозимиз Узоқ Жўракуловга учрашдим. Домла менга

илмий раҳбарлик қилишга рози бўлди. Ҳужжатларни топшираётганимда Аспирантура бўлимидан Узоқ ака доцентлик диплоини олмагани учун сизга раҳбарлик қилолмайди дейишидی Шунда Узоқ ака “Сизга Умарали Норматов домла раҳбарлиғ қиласмикин, мен қўнғироқ қилиб айтаман”, -дедилар. (Шундай инсонга шогирд бўлишимга сабаб бўлгани учун Узоқ акадаю тоабад миннатдорман) Узоқ Жўрақулов домла телефонда вазиятни тушунтирганида Умарали Норматов домла ярим юрат ўтар-ўтмас кафедрага кириб келди. Ўша вақтда домла салқам саксон ёшда, уйимга келиб имзо қўйдириб кетсин деса ҳам ярашаверарди. Лекин эринмасдан ўзи келиб, магистрлик ишимни обдон қўздан кечириб, розилик хатига имзо қўйиб бердилар. Домлага шогирд бўлгандан сўнг биринчи ёзиб боргай қораламаларимдан ҳозир уяламан. Лекин домла уларни эринмай ўқиб, камчиликларимни тушунтиради. Тенгқурларим икки -учтадан мақола эълон қилишди ҳамки, домлага ёзиб борганларим ёқай демасди. Хатто аспирантурани ташлаб кетмоқчи ҳам бўлдим. Ҷарсларда осонгина баҳо қўйиб берадиган домла шогирдларига нисбатан ўта талабчан бўлиб чиқди. Охири домланинг илмга масъулият билан қараш ҳақидаги танбехларидан сўнг гайрат отига миндим. 2012 йилда қайта таъмирдан чиқсан Алишер Навоий кутубхонасида бир йилдан зиёд ишлаб, материал йиғдим. Ўқиб-ўрганиб ёзганларим домлага ёқа бошлади. Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” достони ҳақидаги мақоламдан сўнг домла менга “Қизим, ана энди ўзингизга келдингиз” дегани ёдимда. Болалар тарбияси билан бўлиб ишим янада чўзилди. Лекин ўн йилдан зиёд Профессорлар шаҳарчасидаги домланинг уйига боравериб, бу хонадоннинг қадрдонига айланиб қолдим. Домлани еру кўкка ишонмай парвариш қиласиган Венера аяжоним, қизлари Шоира опамлар билан қондошдек бўлиб кетдик. Ҳар гал домланинг уйига

борганимда маънавий тозариб, руҳан бойиб келардим. Домладек катта олим мендек ғўр бир шогирди билан адабиёт ҳақида, янги яратилган асарлар ҳақида соатлаб сұхбатлашарди. Менинг китобхон эканим домлага манзур бўларди. Ҳозир ўйлайман, агар домла ўшандা менга қаттиқўллик қилмаганларида нима бўларди? Илмий ишимга тақриз берган профессор Сувон Мелиев “Умарали Норматов домла доим уникальный шогирд чиқарган” дея домлани алақадилар. Буларнинг барчаси Умарали Норматовнинг илмга, адабиётга ҳамиша ҳаётининг бош аъмоли сифатида қараганидан далолат беради. Домла “Тафаккур” журналидаги бир сұхбатида “Олим адашса – олам адашар” деб тўғри таъкидлаган эди. Домла бир умр халол, пок яшади. Адабиётни ҳайрат билан севди. Баъзилар сингари адабиётни, илмни “воситаи жоҳ”га айлантиrmади. Сўзи ва амали бирлиги билан чин инсонлик номига муносиб тарзда яшаб ўтди. Ҳаёт йўлимда шундай улуғ инсонга шогирд бўлиш баҳти насиб этганидан қувонаман. Назаримда Умарали Норматовдек инсонлар бу ёруғ оламда яхшилик борлигига одамларни ишонтириш вазифасини бажарадилар. Илоҳим, домланинг охиратлари обод бўлсин. Ўзлари каби покиза, гўзал маконлар мангу ошиёни бўлсин.

# **ЯҚИН ИНСОНЛАРИ**

# **ҚАЛБ СЎЗЛАРИ**

## АДАБИЁТГА БАХШИДА УМР

Мана Домланинг вафотига ҳам икки йил бўлди. Ўзбекистон йўлаганда мана бу гаплари хотирамга келаверади. У ишни доим “Туғилмоқ бор, бир кун ўлмоқ ҳам бор”, дардилар.

Биз Тошкенттага 1959 йил ноябр ойида кўчиб келдик. Шу жўвадаги бир хонадонда ижарада яшадик. Шу бир хонадони иборат уйимиз доим меҳмонлар билан гавжум бўлар эми Москвада ўқиётган Мұхаммад Али бир достонини шу уйда јўзи берган. Абдулла Ориповнинг шеърлари ҳам шу ижарада уйимизда жаранглаган, Ўткир Ҳошимовнинг ҳикоялари ўқилган ва ҳ.к. Шу уйда яшаган вақтимизда Faafur Fулом, Абдулла Қаҳхор каби замонасининг улуғ ижодкорлари назарига тушганлар. Faafur Fулом билан биринчи учрашувлари ёдимда. Шоирнинг ўзи уларни уйларига таклиф қилган, ўзининг ижодига бағишлиган Домланинг талабалик битирув ишидан мамнунлигини изҳор қилган эди. Уйимиздаги эски албомда Faafur Fулом имзоси қўйилган сурат ҳануз сақланади.

“Ўзбекистон маданияти” газетасида Абдулла Қаҳхорнинг Даҳшат ҳикояси ҳақида (“Ҳикояда ритм”) мақолалари чиқкан. Шу мақола Абдулла Қаҳхорга маъқул келиб уйларига чақирганлар ва мақола ёққанини айтиб: “ҳикоянинг лаҳм жойларини сиҳга териссан” деган эканлар.

Домла доим “Мени тақдир сийлади, ҳамма вақт яхши одамлар даврасига тушдим”, дер эдилар. Аввало, Озод Шарафиддинов устоз раҳбарлигида номзодлик ишини ёқлаганлари, Fулом Каримовдек домла бош бўлған кафедрада ишлаганлари учун фахрланар эдилар. Субутой домлалар билан ҳамсухбат бўлганлари учун хурсанд эдилар.

Ўз даврининг энг машхур ёзувчи, шоирлари билан сухбатлашиш, бир даврада бўлиш шарафига мұяссар бўлганларидан мамнун эдилар. Кўп таниқли ёзувчи, шоирлар ҳақида мақола, китоб ёздилар. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Шуҳрат ака, Сайд Аҳмад ака, Эркин Воҳидов ижоди бўйича китоб ёзганлар, кўплари билан биргаликда сухбатлари барчага манзур бўлган.

Домла жуда интизомли эдилар, ҳар куни эрталаб 9дан 2гача ишлар эдилар, тинимиз ёзар эдилар. Бирор чақириб қолса, мени йўқ денг, – дер эдилар. Баъзан алдай олмай “Йўқлар” дейишга тилим бормасди, шунинг орқасидан фикрларини бўлганим учун гап эшитан пайтларим кўп бўлган.

Шогирдлари Ҳамидулла Болтабоев, Улуғбек Ҳамдам, Дилмурод Қуронов, Баҳодир Каримнинг бирор нарсаси чиқса, кувонар ва фахрланар эдилар. Ҳозирги кунда адабиёт майдонида энг фаол иштирок этаётганлари ҳам шулар...

Домла 6 та фан докторини етиштириб чиқардилар, еттинчиси – Саъдулло Қуронов худо хоҳласа яқинда докторлик ишини тугатади. Буларнинг муваффақиятларидан хурсанд бўлар эдилар. Бутун хаёллари адабиёт билан банд бўлар эди. Фарзанлари ҳақида ҳам адабиётчалик ўйламас эдилар. Адабиёт ҳаётлари мазмуни эди. Ҳатто вафот этадиган кунлари ҳам адабиёт ўйларини такр этмади. Ўша куни туни билан безовта бўлиб чиқдилар. Ёшгина доктор йигит кечаси билан ёнларида бўлди. Шу йигитга ҳам адабиёт ҳақида гапирдилар. Шунда йигит: “Шунаقا пайтда ҳам ижод ҳақида гапирган одамни биринчи кўришим, бу одам профессор эмас, академик экан” деган эди.

Уйимизда доим адабиёт ҳақида гапирар эдилар: “Ҳозирги пайтда яхши асарлар чиқмаяпти, ёзувчилар изланишда”, дер эдилар. “Ҳар қайси давр, замон ўз адабиётини яратар экан,

энди адабиёт бошқачароқ, бўлса керак, барибир адабиётга қайтилади, дер эдилар". Газета, журналларда бирор нарса чиқса ўқиб берар эдим, баъзилари ёқиб қолса "Яхши" дер эдилар, баъзилари ёқмаса идамасдилар. Нега ёқмади десам, "Дард йўқ", дердилар. Нафақага чиққанаридан кейин бекорчи бўлиб қолдилар. Уларни чалғитиш учун ёзишга ундардим. "Ёзишга арзирлик нарса бўлса ёзаман-да" дердилар. Охирги мақолалари Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" романи ҳақидаги "Навоийга мангу мафтунлик" бўлди.

Баъзан мазхун, хаёлчан ўтирган пайтлари "болалик пайтларингизни ёзинг", десам "Бир олим умри давомида қиласдиган ишни қилдим", – дер эдилар.

Эски "Шарқ юлдузини" варақласам барча журналлар чизиб-чизиб ўқилган, охирiga фикрларини ёзиб қўйган эканлар.

Шундай қилиб 50-60 йил матбуотда фаол қатнашган, газеталарда мақолалари чиққан, бутун Республикага танилган одам бугун йўқ.

Домланинг адабиётга бахшида умри давомида ёнларида ҳамроҳ, суюнчик, дарддош бўлганимдан, мендан рози кетгандаридан қўнглим таскин топади. Ўлим ҳақ экан, охиратлари обод бўлсин, оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

*Мавлуда Исоқова  
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси*

## ЭРТАҚДАН БОШЛАНГАН МЕҲР

1958 йил бизнинг оиласизга Умарали Норматов тўнғич куёв бўлиб кириб келдилар. Оиласинг тўнғич фарзанди Венера опам билан тақдир иплари боғланди. Шу кундан бошлаб у киши оиласинг фахрига айланди. Биз катта опамизга жуда боғланниб қолган эканмиз – ҳафта ўтмай “опамни кўргани борамиз”, – деб хархаша қиласр эдик ва шанба кунлари уларникига бориб ётиб қолар эдик. Поччамизнинг самимийлиги, куда томоннинг бағрикенглиги сабабли мен, укам Расулжон, Исройлжон ҳар ҳафта Рапқонга интилар эдик. У пайтларда телефон йўқ, электр йўқ, қоронги тушгач, тезда ухлаш тараддузи кўрилар эди. Сўрига пашшахона тутилиб, эртак эшишиб ётар эдик.

Поччам эртакка уста эдилар, эртакларнинг ҳаётий прототипини топишга ундар эдилар. Эртаклар серияларга бўлинар эди. 1-серияси тугагунча уйқуга кетар эдик. 2-серияси кейинги ҳафтага қолар эди. Ўшанда, менимча, эртакларни ўзлари тўқир эдилар. Эсимда “Ҳангивой ва Бангивой” ҳақидаги эртак сўнгига “Айтинглар-чи, булар кимларга ўхшайди?” – деган саволга “Ҳангивой дала қоровули.....га, Бангивой доим маст бўлиб юрадиган маҳалламиздаги.....га ўхшайди”, дердик.

Ўша эртаклардан бири ёдимдан чиқмайди: “Қўшни Жанжал деган қишлоқда бир машхур ўқитувчи бўлган экан. У кишининг бта гўзал, ақлли қизлари ва 2та ўғли бўлган экан. Қизларининг ҳаммасининг алоҳида хоналари бўлиб, бта қиз ҳар куни навбат билан эшикларни тамбалаб, текшириб ётар экан.

Бир куни эшикларни беркитиш навбати кенжА қиз Хулкаройга келибди. У ҳамма эшикларни бекитиб, биттасига келганда эриниб, танбаламасдан ухлаб қолибди. Кўшни қишлоқда бир бўйи баланд дев яшар экан. Ўша куни девнинг уйқуси қочиб, қишлоқ айланиб, домла хонадони ёнидан ўтаётганида, очиқ эшикдан шуъла тушибди. Секин мўраласа, бир гўзал қиз чироқ ёруғида китоб мутолаа қилиб ўтирган эмиш. Секин хонадонига кирибди ва шу хонадоннинг гўзалликда тенги йўқ, зукко, китобхон, ақлли қизини қопга солиб Рапқон қишлоғига олиб кетибди. Шундай қилиб тўй бўлибди”.

Сезган бўлсангиз керак, бу поччамининг ўз муҳаббат қиссаси эди.

1959 йил поччам билан опамнинг тўнғич фарзандлари дунёга келди. Ўғиллари Алишернинг қадами қутлуғ келиб, ўша йили Умарали поччами Тошкентга аспирантурага ўқишга тавсия қилишди. Ёш оила Тошкентга йўл олдилар. Алишерга қарайди деб мени – 10 ёшли қизчани ҳам ўзлари билан шаҳарга олиб кетишди.

Тошкентнинг Ҳамза кўчаси 30-уйдан бир кичик хонадонни ижарага олиб яшай бошладик. Мен 4-синфда ўқир эдим. Шу маҳалладаги 14-мактабга ўқишга жойлашдим. Поччам ҳар куни эрталаб

“Туринг энди, Мавлуда!  
Кундуз бўлди ҳовлида”

деб уйқудан уйғотар эдилар.

Бир куни синфдошимиз Ҳури деган қизнинг туғилган куни бўлди, ҳаммани меҳмонга таклиф қилишди. Менинг совғам йўқлиги учун “бормайман” дедим. Совғага пул сўрашга тортиндим. Эрталаб поччам совға учун Куддус Муҳаммадийнинг

бир китобини дугонамга атаб ёзилган шеър билан менга берди. Ўша шеър ҳам ёдимда:

*Дугонам, Ҳурихон  
Бугун биз сизга меҳмон  
Неъмат тўла дастурхон  
Дастурхонда қанд ва нон...*

*Бугун 10га тўлибсиз  
Худди гулдек бўлибсиз.  
Яшанг яна роса юз  
Юз йилдан сўнг яна биз  
Ҳури хола деб сизни  
Ўтказайлик “тўйингизни”.*

Шеърни ҳамманинг олдида ўқиб, китобни совға қилдим. Дугонамининг онаси: “Энг яхши совғани сен қилибсан, қизим,” – деб эркалаб қўйди.

Поччам жуда хушхақчақ ва рақсга уста эдилар. Ўша йиллари хонанда С.Ярашовнинг ашулалари урф бўлган эди. Поччам у кишига тақлид қилиб рус шоирларидан бирининг шеърини таржима қилиб куйлаб юрадилар. Шу ашуланинг бир қисми ёдимда қолган.

*Менинг ёрим қайдадир –  
Йироқмас,  
Топиб деразасини чертаман  
Эшикка чиқ ёрим,  
Севикли дилдорим  
Сенсиз кўпдан  
Ҳасрат чекаман.*

Қишки каниқулда дадам күргани келдилар. Мен сизди  
эргашдим, қайтиб кетаман деб жанжал қилдии. Көзөмегиң менен  
одам эдилар. Менинг кетишимни эшитиб:

*Кеткизмайиз Мавлуни,  
Кеткизтирсак Мавлуни,  
Ким қўрийди ҳовлини*

деб шеър айтган эдилар.

Поччам биз содда қишлоқ қизларини эртаклар билан  
адабиёт оламига олиб кирдилар. б қиз ҳаммамиз адабиётчи  
бўлдик, адабиётчи турмуш ўртоқларни танладик. Қўлимиздан  
келганича ўзбек адабиётини ёшлар онгига киритишга, се-  
вишга ўргатдик.

Тақдир тақозоси билан бир муддат Қирғизистонда яшаб,  
ўзбек мактабида ўқувчиларга дарс бердим, ўзбек шоирлари,  
адиблари, уларнинг асарларининг мазмунини тушунтиришга  
ҳаракат қилдим.

Яқинда бир ҳаваскор шоир: "Опа, бизга ўзбекнинг асл шоир  
ва ёзувчилари Абдулла Орпиов, Эркин Воҳидов, Ўткир  
Хошимов, Ҳалима Худойберидева ва бошқаларни севишни  
ўргатгансиз. Сизнинг дарсларингиздан сўнг ўзбек адабиётига  
бўлган муҳаббатимиз янада ошди", – деганида жуда хурсанд  
бўлдим ва шу фанга муҳаббат уйғотган поччам Умидхон  
Норматовдан яна ҳам миннатдор бўлдим.

Поччам туфайли эртакнинг бошида айттишам

1-хонада – Венерахон

2-хонада Мақсада (адабиёт ўқитувчи)

3-хонада Матлуба (адабиётчи)

4-хонада мен Мавлуда (адабиёт ўқитувчи)

5-хонада – Наргис (адабиёт ўқитувчи)

6-хонада – Ҳулкар (адабиётчи)

ҳаммамиз адабиётчи бўлиб етишдик.

Опамдан поччам ҳаётларининг сўнгига нима дедилар, десам, опам: “Поччанг шифокорлар қуршовида эдилар. Охирги сўзлари баланд овоз билан: “Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшо бўлган экан”, - деганларини эшийтдим”, дедилар.

Мен ўзимча бизнинг қалбимизга эртаклар билан кириб келган, ҳаётини эртаклар орқали таърифлаб, ундан хулоса чиқаришни ўрганган поччам ҳаётларининг сўнгига шундай қилиб эртаклар ниҳоясига етганини айтдилармикин, деб ўйладим. Болалигимиизда эртакларнинг кейинги сериясини эшитиш учун бир ҳафта сабрсизлик билан кутар эдик. Энди эртакларнинг давомини жиянларимиз: Алишер, Шоира, Бобур, Жамшиидлардан кутиб қоламиз. Улар ва уларнинг авлодлари эртакнинг давомчиси бўлишини яратгандан тилаб қоламиз. Поччамнинг охиратлари обод бўлсин.

6

## **СҮЗ САНЬЯТИГА ШАЙДОЛИК ЖОЗИБАСИ**

Менинг дадам билан боғлиқ илк мурғак хотирал китоб билан боғлиқ, у киши доимо мўъжаз иш столига мук тушиб лаблари пицирлаб қўлда қалам билан ниманидир ўқиётган ёки ёзаётган бўлар эдилар. Ёдимда, ҳали ҳарф танимай туриб, мен ҳам уларга тақлидан китобни очиб, сатрлар устида кўз юргутириб ўзимча нималарнидир хаёл қиласр эдим. Китобга меҳрни дадамдан “юқтирган” ёки китоб ўқишини одатга айлантирган бўлсан, ажаб эмас. Болалигимдан кўз очиб китобларни кўрдим, уйимизга ташриф буюрадиган ижод аҳлининг – таниқли ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослардан тортиб, ёш ҳаваскорлар. ихлосмандларнинг кети узилмас эди. Ҳозир ўз замонасининг гули бўлган машхур адабиёт ва санъат аҳлининг кўпчилигини ўз кўзим билан кўрганим, сухбатларини тинглаганимни эсласам, қалбим ғуур-ифтихорга тўлади.

Адабиёт билан машғул бўлиш дадамнинг қундатик ҳаёт тарзи, борлиғи, умр мазмунига айланган. Бизнинг онлазда сурор ижодкор, адабий асар, адабиёт оламидаги янгилик ҳаёт сухбатлашилмаган кун бўлмаган.

Дадамларнинг бадиий адабиёт мўъжизаларидан чоғи ҳайратланишлари кўп таъкидланади, ҳатто баъзинингга ўз туюлади, ҳазил-мутойиба мавзусига айланади. Счичи, яхши сам, бу менга озгина малол келади. Аксинча, бадиий адабиётдан завқланиш, буюк сўз санъаткорлари яратган дуруфдан ҳайратланиш, таъсирланиш, чин санъат асағидан кечишиш, кашф этишнинг ўзи барчага ҳам насиб этасерга ўзидан ноёб қобилият эмасми?

Дадамлардаги яна бир фазилат янгиликка интилиш ҳамда чанқоқликда деб биламан. Тўғри, улар ҳамма янги нарсани дарҳол қабул қиласвермасликлари, баъзан радикал янгиликпрастлиқдан жунбушга тушиб ғазаб отига минишлари мумкин. Лекин дастлабки ҳаяжон ўтиб, эҳтирослар босилганидан сўнг, аста-секин мулоҳаза қилиб ундан ижобий бир жиҳат топадилар.

Умуман, дадам ҳамиша замон билан ҳамнафас яшаб, ижод қилганлар. Ижодда қандайдир буйруқлар, кўрсатмалар етотида эмас, кўнгли буюрганини ёзиш фақат адibu шоир эмас, адабиётшунос олим учун ҳам ноёб фазилат. Дадамнинг илк китоби ўз даврининг улкан олими Матёкуб Кўшжонов билан ҳаммуаллифликда чоп этилган “Маҳорат сирлари”ни варақлар эканман, ёш мунаққиднинг тадқиқоти ўша кезлар учун янгича эканлиги – Белинский, Добролюбов, Чернишевскийлардан сабоқ олган ижтимоий таҳлил устунлик қилувчи адабий танқиддан тамомила фарқ қилишини кўриб, ҳайратга тушаман. Бу 60-йиллар – адабий танқидда ижтимоий-гоявий таҳлил етакчилик қилган шароитда ноёб ҳодиса эди, деб ўйлайман.

Адабиётда структурал таҳлил таърифига эътибор берайлик. “Структурализм тарихийликнинг етакчи ролига ҳамда зўрлаб тиқишириладиган мафкурага эътибор бермайди. Ушбу мактаб вакилларини “Асар қандай яратилган” деган муаммоли савол кўпроқ қизиқтиради. Мазкур тезис ўз ичига асар курилиши, элементлари, матнда персонажларнинг ўрни каби тушунчаларни олади. Структуралист-адабиётшунос статик (турғун) кўрсаткичлардан фойдаланади. Бу ерда ҳатто бадиий деталларнинг оддий ҳисоб-китоби ҳам ёзувчida ғайришуурый даражада намоён бўлувчи муаллифнинг “тарафкашлиги” ёки хуш кўрмаслиги (антипатияси) тизимини яратиш имконини беради”.

“Маҳорат сирлари” китобидаги “Драматизм”, “Мусиқийлик”, “Детал” сингари бобларни ўқиб, олим нигоҳининг ўтирилиги, бадиий ижод намунасининг китобхонга таъсири сирларининг теран таҳлилини, жаҳон адабиётшунослигига ҳамоҳанг, хусусан, структурал мактаб таҳдил методларига хос жиҳатларни кузатиб, унинг ўз замонасидан, устозларидан илгарилаб кетганини эътироф этаман.

Орадан салкам ярим аср ўтиб дунё юзини кўрган, яқингинада “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида босмадан чиққан “Абдулла Қаҳҳор: шижаот ва маҳорат жозибаси” китобининг биринчи қисмига “Маҳорат сирлари”дан боблар кирган. Шуниси қизиқки, 1961-67 йиллар оралиғида ёзилган мақолалар билан 1985-2007 йилларга мансуб мақолалар ўртасида узвийлик сақланган, 46 йил бурунги мулоҳазалар ўз аҳамияти, замонавийлигини йўқотмаган.

Дадам шу пайтга қадар 50дан ортиқ китоб эълон қилган бўлса, уларнинг аксарият кўпчилигида XX аср янги адабиётининг тўнғич вакилларидан Абдулла Қодирий ва кейинги бўғин намояндаси Абдулла Қаҳҳор ижоди бош мавзу бўлиб келди.

Абдулла Қодирийнинг буюк истеъдодини тан олмаган қалам аҳли ҳамда адабиётшуноснинг ўзи йўқ Қодирий ижодига бағишлиланган кекса, ўрта ҳамда янги авдод адабиётшуносларининг сара ишлари ва улкан хизматларини эътироф этган ҳолда, ўзбек адабиётшунослигига Абдулла Қодирий ҳақида энг кўп ва хўб ёзган мунаққид Умарали Норматов дея оламан.

Дадамнинг кейинги илмий фаолиятида ўша илк тадқиқстарида кўринган бадиият таҳлилига мойиллик замона ҳамда мафкура таъсири остида ҳам сақланиб келди. Ноёб санъэт дурдонасидан завқланиш, чин истеъдод мевасидан қувениш

Ҳисси дадамнинг замондошлари асарларига бағишиланган бир неча юзлаб мақолаларида уфуриб туради. Эътибор берсангиз, ўзбек адабиётшунослигида ўзига хос жанр – адабий сұхбатларнинг моҳир устаси бўлган Умарали Норматов гурунгларининг мавзуси аксарият ҳолда бадиият сиру сехри, ижод жараёни, бадиий обиданинг дунёга келиши асносида ижодкор қалбida кечган ҳиссиёту ҳолатлар бўлади.

Қолаверса, Умарали Норматов китобларининг номланиши ҳам шундан далолат беради: “Ижод сехри”, “Нафосат гурунглари”, “Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси”...

Умуман, менимча, буларнинг остида ўша бадиий яратиқдан чинакамига самимий таъсирлана билиш, унинг сиру синоатини туйиш, кашф қилиш қобилияти ётса керак.

Дадамнинг адабиётга бахшида умр йўлига назар ташлар эканман, унинг тимсолида турфа китобларда тарғиб қилинган, Дейл Карнегидан тортиб Пауло Коэлогача илгари сурган ғоя – ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш ва мақсад сари интилишнинг тирик намунасини кўраман. Олис қишлоқда адабиёт дасларida уйғонган ҳавас, оташин муҳаббат навқирон қалбга адабиёт илми билан шуғулланиш мақсадини жо қилди ва ҳали оиласнинг иссиқ бағрида беғам-беташвиш юриб, тақдирин, келажаги ҳақида қайғуришни ота-онасининг ихтиёрига ҳавола қилса бўладиган ўспиринни олдин қўшни Тожикистондаги Конибодом педбилим юртига етаклади; у ерни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университети (Хозирги ЎзМУ) филология факултетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Университетдаги таълим жараёнида ҳам илмга чанқоқлиги, алоҳида қобилияти ва интилувчанлиги билан ажралиб турди, факултетнинг энг олди талабаларидан бўлди; яна имтиёзли диплом билан она қишлоғига қайтиб ғайрат билан мактаб ўкувчиларига илм ва адабиётга муҳаббат улашишда давом

этди. Бу талабанинг истеъоди ўз даврининг таниқли олимлари ва ижодкорларини беътибор қолдирмади, замонасиинг энг улуғ етакчи адабиётшунослари назарига тушди, Тошкентга аспирантурага таклиф қилинди, олдин фан номзоди, сўнг фан доктори унвонларига эришди. Тақдир унга эзгу ният, мусафо орзу-ниятлар, улкан мақсад йўлида шунга монанд покиза, ҳалол, имон-эътиқодли чин инсонларни рўбарў қилди. Ўз даврининг улуғ шахслари, улкан истеъоддлари билан мулоқоту ҳамкорлик қилиш, ҳаммаслак шогирд, дўст, бирига ука, бирига ака бўлиш шарафига нойил бўлди.

Онам – адабиёт муаллими Венера Исоқова дадамнинг эътирофларни келтирадилар: “Мен Тошкентга келиб фақат яхши одамларга рўпара келдим. Аввало, ўқитган домлаларим ажойиб инсонлар эди, қолаверса, Озод академ алломага биринчи шогирд бўлдим”, – дейдилар. – Ўз даврининг улкан ижодкорлари Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Асқад Мухторлар билан мулоқотда бўлгандар, улар асарлари ҳақида ёзганлари билан фахрланадилар”.

Ижоди ва тақдирида чуқур из қолдирган шахслар таъсиридами ёки табиатидаги яхшилик қилиш истагиданми, йилт этган истеъоддга меҳр, рағбат кўрсатиш хислати умр бўйи уларни тарк этмади. Уйимизга илк қўллёзмаларни кўтариб келган, дамдамнинг маслаҳати-ю оқ йўлинни олган, кейинчалик замонавий ўзбек адабиётининг йирик намояндадарига айланган Тогай Мурод, Иқбол Мирзо, Улуғбек Ҳамдам ва яна бошқа кўплаб қалам аҳлини эслайман...

Шу ўринда дадам тарбиялаб этиштирган шогирдлари ҳақида тўхтамоқчиман. Шогирд тайёрлашда сон жиҳатдан энг юқори ўринларни эгаллаган олимларни кўрганмиз. Кўпинча саноқсиз фан даражаси эгаларининг шогирдлиги битта диссертация доирасида қолиб кетади. Агар шогирдларнинг сифати

ҳақида сўз кетгудек бўлса, бу борада ҳам Умарали Норматов bemalol кўкрак кериб, мақтана олади. Яна онамнинг сўзларига мурожаат қилман: “*Мана шогирдларини кўриб, турибсизлар, тўртта таниқли адабиётшунос бўлса, (Ҳамидулла Болтабоев, Дилмурод Куронов, Баҳодир Карим, Улуғбек Ҳамдамни назарда тутяптилар)* улар ҳам Умарали Норматовнинг шогирдлари”.

Олим, ижодкор, муаллимнинг ҳалол меҳнати ва қизғин ижодий фаолияти муносиб қадрини топди – Ўзбекистон Республикаси Фан ёрбоби бўлди, давлат мукофоти, “Меҳнат шуҳрати” ордени, шунингдек, хизматлари учун яна қатор совринлар билан тақдирланди; филология илми ахли эътироғига ҳамда эл-юрт ардоғига сазовор бўлди.

Ўша олис қишлоқ мактабида адабиёт дарсларида ўсмонин қалбидан учқун олиб, сўнг гуриллаган сўз санъатига мұҳабbat алангаси дадамларнинг юрагида то сўнгги нафасига қадар ёл-қинланиб турди.

Дадамларни жуда кўп қумсайман. Тушларимда ёнига келадилар, ҳар доимгидек тетик ва қувноқ овозда нималарнидир сўзлайдилар. Шодланиб кетаман, “Вой дадам ўлганлари ёлғон экан, деган ўйдан осмонларда учаман. Ўйғониб, ҳаммаси туш эканлигидан юрагим эзилади, кўз ёш тўқман, одатдаги дадамнинг узоқ ва яхши умр кўрганлари ҳақидаги юпанч сўзларини эшитаман. Аллоҳга шукур қиласман, лекин ёшми, кексами барibir айрилиқ юки оғир, узоқ ёнма-ён бўлганинг сари кўпроқ боғланиб қолар экансан.

Дадамлардан кўп нарса ўргандим: кўпларга эриш туюладиган ҳалоллик, тозалик, юксак қадриятлар фақат шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас эканлигини, уларга чиндан ҳам таяниб яшаш мумкинлигининг гувоҳи бўлдим. Умрим давомида шу ақидага амалга қилишга ҳаракат қилдим. Дадам ҳаётларининг сўнгги кунларида мендан рози эканликларини кўп такрорла-

дилар Ушбу хотира китоби дунё юзини кўрганида даджоним-нинг покиза руҳлари шод бўлсин, жойлари жаннатдан бўлсин!

## МУНДАРИЖА

### УМАРАЛИ НОРМАТОВ ФАОЛИЯТИ

### АРБОБЛАР, ҚАҲРАМОН АДАБИЁТШУНОСЛАР НИГОҲИДА

Озод Шарафиддинов. Умарали Норматов ҳақида билғанларимдан бир шингил ..... 4

Иброҳим Ғафуров. Муҳаббатли одамнинг ҳайратлари: Умарали Норматов: муаллим, олим, ижодкор ..... 18

Хайдиддин Султонов. “Укасининг оти нима эди?” ..... 38

### ИЖОДКОР ҚАЛАМ АҲЛИ ЭҲТИРОМИ

Одил Ёкубов. Танқидчининг камолоти ..... 41

Худойберди Тўхтабоев. Жўшавер, дўстим! ..... 43

Хуршид Дўстмуҳаммад. Замон ва адабий мезон ..... 46

Исажон Султон. Устоз дуоси ..... 54

Улугбек Ҳамдам . “Бир бор экан, бир йўқ экан...” ..... 61

Набижон Боқий. Бомдодда товуқ шўрва ..... 65

Абдуқаюм Йўлдош. Ҳайратлари ҳайратомуз эди ..... 71

Зулфия Куролбой қизи. Соғиниб яшаймиз... ..... 74

### ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИ

Абдуғафур Расулов. “Қодирий боғи” сир-синоатлари ..... 78

Умрзоқ Ўлжабоев. Талант тарбияси ..... 86

Омонулла Мадаев. Рапқонлик фан арбоби ..... 92

Қозоқбой Йўлдош. Фикр ва туйғу навқиронлиги ..... 96

Ҳамидулла Болтабоев. Улуғ мунаққид фаолияти саҳифалари 103

Дилмурод Қуронов. Қодирийшунослигимиз дарғаси ..... 115

Баҳодир Каримов. Профессор Умарали Норматов хазинаси .... 125

Ортиқбой Абдулаев. Қодирий абадияти ..... 137

Нурбой Жабборов. Тийнати тоза, кўнгли пок олим эди .....	150
Исломжон Ёқубов. Адабиётга муҳаббат ва ҳақиқатга садоқат	158
Аҳмадали Фофуров. Қалби дарё инсон .....	165
Баҳодир Раҳмонов. Чўққиларга тулаш тақдир .....	170
Йўлдошхўжа Солижонов. Умарали Норматов сабоқлари .....	178
Акбарали Сабирдинов. Адабиётшунослигимиз дарғаси .....	184
Дамин Тўраев. Устоз ибрати.....	188
Раъно Иброҳимова. Зиммамда қолган чопон.....	210
Равшанбек Маҳмудов. Устоз ибрати.....	214
Акбарали Сабирдинов, Маҳфузулло Раҳмонов, Зокиржон Раҳимов. Фидойи мунаққид, меҳридарё устоз .....	219
Раъно Сайфуллаева. Эҳтиромга лойиқ устоз! .....	222
Абдулла Улуғов. Мунаққид маънавияти.....	227
Обиджон Каримов. Ижодкор олимнинг адабиётга бахшида ҳаёти.....	250

## ШОГИРДЛАР ДИЛ ИЗҲОРИ

Саъдулло Куронов. "Фоя ўғриси" эдим .....	257
Хуршида Ҳамроқулова. Умарали Норматов сабоқлари .....	262
Латофат Тошмуҳамедова. Домлажон .....	269
Тозагул Матёқубова. Устозлик шарафи .....	271
Шаҳонза эргашева. Бағрикенгликда беназир олим .....	278
Умида Расулова. Олимнинг сирли олами .....	281
Ҳалим Карим. Тақдиримни белгилаган устоз .....	285
Ёрқин Иноғомов. Устозни эслаб .....	290
Дилдора Баҳриддинова. Маънавий устун .....	294

## ЯҚИН ИНСОНЛАРИ ҚАЛБ СҮЗЛАРИ

Венера Исоқова. Адабиётга бахшида умр .....	299
Мавлуда Исоқова. Эртакдан бошланган меҳр .....	302
Шоира Норматова. Сўз санъатига шайдолик жозибаси .....	307

# **УМАРАЛИ НОРМАТОВ**

## **ЗАМОНДОШЛАРИ**

## **ХОТИРАСИДА**

Нашриёт мухаррири: Маҳкам Маҳмудов  
Мусаххиха: Ҳилола Болтабоева  
Техник мухаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамияти  
нашиёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Босишига руҳсат этилди 05.04.2014  
Қофоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашиёт тобоги 19,0  
Шартли босма тобоги 20,0. Адади 100  
Баҳоси келишилган нархда

**«MUMTOZ SO‘Z»**  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 23-14.  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: (998 71) 241-81-20